




Ж.Р.Зайналов, М.С.Хамроев



ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги
ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан дарслик
сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ
“ИQTISODIYOT-MOLIYA”**

2018

УЎК: 336:658.1(075.8)

КБК: 65.261

М 70 Халқаро молия муносабатлари. Дарслик / Ж.Р. Зайналов, С.С. Алиева, Б.Ш. Хусанов, М.С. Хамроев ва бошқ. Тошкент: 2018. 265 б.

Профессор Ж.Р. Зайналовнинг умумий таҳрири остида

Такризчилар: Муртазаев О. – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти “Агро-иқтисодиёт ва маркетинг” кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.

Ахтамов И.А. – Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи муовини

Мазкур дарсликда халқаро молия ташкилотлари фаолияти ривожланишининг умумназарий асослари, Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро молия ташкилотларининг маблағларини жалб этишнинг амалдаги ҳолати, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари, Халқаро валюта фонди, унинг асосий вазифалари ва функциялари, Халқаро капитал бозори, халқаро лизинг операциялари, Жаҳон банки гуруҳи, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки функция ва вазифалари келтирилган. Дарсликда халқаро молия муносабатларининг назарий асослари ёритилган бўлиб, у 5230600 – “Молия” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига “Халқаро молия муносабатлари” фанидан дарслик сифатида тавсия этилади.

УЎК: 336:658.1(075.8)

КБК: 65.261

ISBN 978-9943-13-720-2

© Муаллифлар жамоаси, 2018

© “IQTISOD-MOLIYA”, 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНING УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Халқаро молия ташкилотларининг таснифланиши ва умумий таъсифи.....	10
1.2. Жаҳон банки гуруҳи ва унга кирувчи ташкилотлар фаолияти.....	15
1.3. Халқаро валюта фонди ва минтакавий молия-кредит ташкилотларининг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни	35
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИING МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИING АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ.....	44
2.1. Халқаро молия ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлиқнинг асосий йўналишлари таҳлили.....	44
2.2. Мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия институтларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолати таҳлили.....	59
III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	75
3.1. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда мамлакатдаги инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш.....	75
3.2. Халқаро молия ташкилотлари билан молия кредит муносабат истикболлари.....	83
IV-БОБ БОБ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ, УНИING АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ	
4.1 ХВФнинг мақсади, ташкил этилиши ва фаолият йўналиши.....	85

4.2. Ҳалқаро валюта фонди олдига қўйилган асосий вазифалар.....	90
4.3. Ҳалқаро валюта фондининг бошқарув структураси.....	95
4.4. халқаро валюта фондининг капиталлари ва қарз ресурслари.....	100

V-БОБ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИ

5.1. Ҳалқаро капитал ҳаракатининг моҳияти.....	
5.2 Ҳалқаро капитал ҳаракатининг миллий иқтисодиётга таъсири.....	
5.3. Ҳалқаро капитал бозорининг тузилиши ва тавсифланиши.....	

VI БОБ ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

6.1. Ҳалқаро лизингнинг иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш босқичлари	
6.2. Лизинг операцияларининг жаҳонда кенг тарқалган турлари ва уларга хос хусусиятлар	
6.3. Мамлакатнинг халқаро лизинг операцияларида илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш масалалари	

VII БОБ. ЖАҲОН БАНКИ ГУРУҲИ, УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА РОЛИ

7.1. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкил этилиши ва унинг олдига қўйган асосий вазифалари ҳамда мақсади.....	
7.2. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкилий тузилиш структураси.....	
7.3.Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ресурслари ва уларнинг манбалари.....	
7.4. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати.....	
7.5. Ҳалқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Ҳалқаро Молия Корпорацияси. Уларнинг асосий вазифалари ва функциялари.....	
7.6. Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи.....	
7.1. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкил этилиши ва унинг олдига қўйган асосий вазифалари ҳамда мақсади	

VIII -БОБ. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБ БАЛАНСЛАРИ

8.1.Халқаро ҳисоб-китоб баланси тушунчаси ва таркиби	
8.2.Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услуглари.....	
8.3.Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услуглари	
8.4.Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар	
8.5.Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услуглари.	
IX ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ, УНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	
9.1 Ислом Тараққиёт Банкнинг ривожланиш тарихи ва ташкилий тузилиш структураси	
9.2 Ислом Тараққиёт Банкнинг асосий вазифалари, функциялари, мақсади	
9.3 Ислом Тараққиёт Банкнинг бошқа халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалари	
9.4 Ислом Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати	
9.5 Ислом Тараққиёт Банкнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари	
9.6 Ислом Тараққиёт Банкнинг ривожланиш тарихи ва ташкилий тузилиш структураси	
IX. МАВЗУ. ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ, УНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.	
10.1. ЕТТБнинг ташкил топиши ва мақсади	
10.2. ЕТТБ ресурсларининг шаклланиши	
10.3. ЕТТБнинг кредит сиёсати	
ХУЛОСА.....	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94

Кириш

Иқтисодийни глобаллашуви шароитида эркин очик бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳукукий, ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий асосларни барпо этишда тарихий воқеликка айланиб бормокда. Иқтисодийни глобаллашуви шароитида мамлакатимизда барқарор банк тизими яратилиши билан халқаро молиявий муносабатлар кўлами янада кенгайиб бормокда, бу ҳолат ўз навбатида халқаро молия ташкилотлари ва молия институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратмокда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия институтлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари ўртасида бир қатор самарали лойиҳалар амалга оширилмокда. Бу эса республикамиз иқтисодиётини тараққий этишида мустаҳкам рол уйнамокда.

Хусусан, бу борада Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда “Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия ташкилотлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлиб келмокда. Улар томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, автомобил йўллари участкаларида реконструкция ишларини ташкил этиш ва якунлаш, шунингдек, қатор кўприк ва йўл ўтказгичларини барпо этиш, шу жумладан, халқаро молия ташкилотлари – Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг маблағларини йўналтириш кўзда тутиладиганлиги юқоридаги фикримиз исботидир.

Яқин истиқболда АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Корея ва бошқа тараққий этган мамлакатларнинг молия институтлари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётнинг реал сектори, шу жумладан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш,

уларни экспортга чиқарилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2018-2030 йиллар давомида мамлакатимизга бир неча миллиард долларга тенг маблағлар жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Хусусан, халқаро молиявий ташкилотларнинг амалий алоқаларига қисқача тўхталадиган бўлсак, улардан Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Оснё Тараққиёт Банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ташкилотлар биз танлаган йўл ва амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилганликлари учун ҳам яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар.

Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида иқтисодиётимизнинг реал секторига жалб этиладиган чет эл инвестициялари ҳажми ошиб бормоқда, уларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши паралел равишда ўсиб бормоқда.

Молия институтлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари асосан иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқ ва соҳаларига қаратилишида намоён бўлмоқда:

- қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантиришда;
- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда;
- таълим тизимидаги ислохотларни ривожлантиришда;
- соғлиқни-сақлаш тизимидаги ислохотларни яхшилашда;
- соғлиқни-сақлаш тизимидаги ислохотларни яхшилашга;
- банк-молия тизимининг самарадорлигини таъминлашга;
- ижтимоий инфраструктура тизимини ривожлантиришга;
- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий эттиришга;
- ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш соҳа ва тармоқларини жадал модернизациялашга ва бошқалар.

Демак, Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро молия ташкилотларининг молиявий ресурсларини жалб этишни такомиллаштириш масалалари иқтисодий

сиёсатимизнинг долзарб ва устувор вазифаларидан бири сифатида ўз ўрнига эга бўлиб қолаверади.

Мазкур фаннинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

– мамлакатлар иқтисодийгини ривожлантиришда халқаро молия ташкилотлари иштирокининг назарий асослари ўрганиш;

– Ўзбекистон иқтисодийтига халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурсларини жалб этишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни кўриб чиқиш;

– мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолатини тадқиқ этиш;

– мамлакатимизда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

– мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолатига баҳо берилди;

– мамлакатимизда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ОТМни ислох қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш орқали халқаро молиявий муносабатларни ривожлантириш талабларига янги пед-технология асосида ўқув дарсларини замонавий ташкил этиш ва ўтказиш ишлари муҳим ҳисобланади.

Шу орқали талабаларнинг ушбу фан доирасида мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган мутахассис ўз муаммоларига ечим топа олади ва молия таъдим соҳасида ўз мавқеига эга бўлади.

Шундай экан, ҳар бир профессор-ўқитувчи талабаларга турли маслаҳат, тавсия, топшириқ ва янги маълумотларни бераётганда, маъруза ва

амалий машғулотларни илғор технологиялар асосида ташкил этиш, текшириш ҳамда бажариш ишларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай маъруза ва амалий машғулотларни халқаро молия муносабатлари фанидан ташкил этиш ва ўтказиш чуқур билим ҳамда юксак маҳоратни талаб этади.

Агар халқаро молия муносабатлари фанидан талабалар ўқув модулларини тизимини тўғри ажратиб олиш, фанларни тўғри баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда амалиётда қўллай олишга ўргатилса, шундагина маъруза ва амалий машғулотларнинг натижаси самарали бўлади, фан бўйича қўзланган мақсадга эришилиши таъминланади.

I-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛНЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқаро молия ташкилотларининг таснифланиши ва умумий тавсифи

1.2. Жаҳон банки гуруҳи ва унга кирувчи ташкилотлар фаолияти

1.3. Халқаро валюта фонди ва минтакавий молия-кредит ташкилотларининг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни

1.1. Халқаро молия ташкилотларининг таснифланиши ва умумий тавсифи

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, халқаро молия муносабатларининг институционал тузилиши ўз таркибидаги халқаро ташкилотларни камраб олиш даражаси билан белгиланади. Уларни баъзилари юқори миқдордаги молиявий ресурсларга эга бўлганлиги боис халқаро молия муносабатларини тартибга солишни таъминлайди. Бошқалари эса, ўз диққатини ҳукуматлараро масалаларни муҳокама этиш учун форумлар ташкил этишга ҳамда валюта-кредит ва молия сиёсати бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муаммоларини ўрганишга қаратилади.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этилиши ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган ва ўзида жаҳон иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш учун молия ва валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадларида давлатлараро келишув асосида ташкил этилган халқаро ташкилотлар фаолиятини ифодалайди.

Халқаро молия ташкилотларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига молиявий ҳамда иқтисодий муносабатлар сабаб бўлган. Глобаллашув қараёнларининг ривожланиши ҳамда халқаро молия бозорларидаги ва жаҳон валюта тизимидаги беқарорлик ҳамда халқаро молия ташкилотларининг фаолиятини янада кескинлашуви сабаб бўлган. Халқаро молия ташкилотларининг фаолияти кескинлашуви иккинчи жаҳон урушидан кейин

ташкил топган ва ҳозирги вақтда мамлакатларнинг валюта-кредит ва молия муносабатлари соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳамда ушбу муносабатларни давлатлараро даражада тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда.

Агарда, халқаро молия ташкилотлари вужудга келишининг биринчи босқичи биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасидаги даврга тўғри келса унда, халқаро молия ташкилотлари вужудга келишининг иккинчи босқичи ҳамда улар фаолиятининг кескинлашуви ва кучайиш жараёни иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ва 1970 йиллардаги иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Шу билан биргаликда XX асрнинг 80 йилларининг бошларида халқаро молия ташкилотлари фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлиги қайд этилди. Чунки бу даврда дунё иқтисодиётининг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнининг жадаллашуви валюта-кредит муносабатларини давлатлар томонидан тартибга солиши кабиларин кўрсатиш мумкин. Дунёдаги бир қатор давлатларнинг ҳукумат органлари замонавий халқаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга эҳтиёжни сезилиши натижасида халқаро ташкилотлар фаолиятига бўлган талаб янада ортиб борди.

Айтиш жоизки, халқаро ташкилотларнинг ривожланишида биринчи Жаҳон урушидан кейинги йиллар муҳим давр ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, 1919 йилда Миллатлар Лигаси ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг бош мақсади дунёда тинчликни сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган зиддият ва урушларни олидини олишдан иборат бўлган бўлсада ҳам, ташкилот ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажара олмади. Натижада, Япония Хитойга, Италия ва Испания Эфиопияга, Германия ва Австрия Чехословакияга ҳужум қилди, бу эса иккинчи жаҳон урушини юзага келишига сабаб бўлди¹. Дунёнинг янгиланиши иккинчи жаҳон урушидан сўнг юз бера бошлади.

¹ Шарифходжаев У. Халқаро молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиш зарурияти, таснифи ва сурухланиши // Молия 5-6 сн 2011 йил, 121-бет.

Мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва молиявий муносабатлар янги bosқичга кўтарилди. Бреттонвудс конференциясида ташкил этилган Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки дунёнинг дастлабки энг йирик молиявий ташкилотларига айланди. Улардан сўнг минтакавий, минтакалараро, китъалараро янги молиявий ташкилотлар пайдо бўлди².

Улар каторига Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Осиё, Америка, Африка минтакавий ривожланиш банклари ва бошқалар халқаро молия ташкилотлари деб эътироф этилган ҳолда ушбу ташкилотлар таркибидан ўрин эгалладилар.

Ушбу институтларнинг фаолияти жаҳон хўжалигининг барқарорлигига эришишга ҳамда валюта-молия соҳасидаги муносабатларнинг узлуксизлигини таъминлашга ёрдам бера бошлади. Энг аввало, бунга бўлган зарурият давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар кўламининг ортиб бориши шунингдек, уларнинг ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги билан белгиланди ва улар мамлакатлар ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш учун форум сифатида хизмат қила бошлади.

Улар зиммасига жаҳон хўжалигининг муҳим муаммолари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, таҳлил этиш ҳамда ўрганиш кабилар юклатилди. Шу билан, халқаро валюта-молия ташкилотларнинг аҳамияти йил сайин ортиб бориб ва бормоқда.

Халқаро молия ташкилотларининг вужудга келишига бир катор омиллар таъсир кўрсатган, яъни:

- валюта-кредит муносабатларининг давлатлар томонидан тартибга солиниши;
- хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг кучайиши;
- давлат чегарасидан ташқарига чиқувчи трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банкларнинг ташкил топиши;

² Ўша манба.

- жаҳон ҳўжалигида молиявий муносабатларни халқаро тартибга солишга эҳтиёжи;

- жаҳон валюта тизими, халқаро валюта-кредит, қимматбаҳо коғозлар ва олтин бозорларидаги юзага келадиган муаммоларни ҳамкорликда тезлик билан ҳал этиш.

Халқаро молия институтлари (яъни, халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари томонидан) бажариладиган асосий функцияларига қуйидагилар киради:

1. Ахборот функцияси.
2. Маслахатчи функцияси.
3. Тартибга солиш функцияси.
4. Башорат килиш функцияси.

Ахборот функциясида халқаро молия ташкилотлари ахборот маркази ролини бажаради. Улар жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг умумий тенденциялари, давлатларнинг иқтисодий ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш, халқаро валюта-кредит ташкилотлари ўтказадиган халқаро конференциялар, йиғилишлар, тадқиқотлар натижалари бўйича статистик материалларни нашр этиб боради.

2. Маслахатчи функциясида халқаро молия ташкилотлари мамлакатларнинг ҳукуматларига валюта-кредит ва молия сиёсатини ўтказиш бўйича маслахатлар беради.

3. Тартибга солиш функциясида эса халқаро молия ташкилотлари халқаро молия муносабатларини тартибга солиш функциясини ҳам бажаради.

4. Башорат килиш функциясида халқаро молия ташкилотлари миллий ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг башоратини амалга оширади.

Халқаро молия ташкилотлари универсаллик даражасига кўра жаҳон аҳамиятига эга бўлган жаҳон ҳўжалигининг маълум бир соҳасини қамраб олувчи ташкилотларга ҳам ажратилади.

Айтиш жоизки, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари тартибга солувчи халқаро ташкилотларни ташкил этиш ғояси XX асрнинг 30 йилларидаги жаҳон иқтисодий инкирози таъсири натижасида юзага келди.

Улар жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш соҳасидаги муайян масалаларни ҳал этиш учун аъзо мамлакатларнинг молиявий ресурсларини бирлаштириш орқали ташкил этилади. Ушбу масалалар қуйидагилардан иборат бўлишлиги ҳам эътироф этилди (1-расмга қаралсин):

- жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш ва мамлакатлар молиявий ресурсларини бошқаришни универсал даражасининг таркиби;
- халқаро савдони рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, жаҳон иқтисодиётини тартибга солиш ҳамда барқарорлаштириш мақсадида халқаро валюта ва фонд бозоридаги операциялар;
- бюджет дефицитини молиялаштириш ва давлат лойиҳаларини амалга оширишга кредитлар – давлатлараро кредитлар;
- халқаро лойиҳалар (лойиҳада тўғридан-тўғри, шунингдек резидент тижорат ташкилоти орқали иштирок этувчи бир нечта мамлакатлар манфаатларига дахлдор бўлган лойиҳалар) соҳасидаги кредитлаш ва инвестиция фаолияти;
- халқаро бизнесга ижобий таъсир кўрсатишга (масалан, инфратузилма лойиҳалари, информацион технологиялар соҳасидаги лойиҳалар, транспорт ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва бошқ.) ички лойиҳалар (битта мамлакатнинг ёки резидентнинг тижорат ташкилоти манфаатларига бевосита дахлдор бўлган лойиҳалар) соҳасидаги кредитлаш ва инвестиция фаолияти;
- фундаментал илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва ҳайрия фаолияти (халқаро ёрдам дастурларини молиялаштириш).

Ўз функцияларини амалга ошириш учун инвестицион лойиҳани фундаментал ўрганишдан халқаро молия ташкилотлари рискларни бошқариш

ҳамда молиявий ва инвестицион таҳлилнинг замонавий технологияларидан фойдаланади.

Шунингдек, улар қуйидаги мақсадларни қўзлаган ҳолда фаолият юритади:

- халқаро молияни барқарорлаштириш мақсадида жаҳон ҳамжамиятида ҳаракатларни бирлаштириш;
- халқаро молия-кредит муносабатларини тартибга солишни амалга ошириш;
- халқаро молия-кредит сиёсатининг стратегия ва тактикасини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.

Халқаро молия ташкилотларида қатнашиш даражаси уларнинг капиталдаги бўлагининг миқдори билан аниқланади.

Улар фаолиятининг самарадорлиги муайян даражада аъзо мамлакатларнинг ҳукумати ва давлат ташкилотлари билан бўладиган ўзаро муносабатга боғлиқ бўлади. Уларнинг инвестицион фаолияти йирик халқаро лойиҳалар бўйича рискларни бошқариш ва суғурталашни амалга оширувчи давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ҳам бўлишни тақозо этади.

1.2. Жаҳон банки гуруҳи ва унга кирувчи ташкилотлар фаолияти

Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатларга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги билан ажралиб туради. Шу боис, ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатувчи халқаро молия ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

Ушбу банкининг бош мақсади – ривожланаётган мамлакатларни кредитлаш йўли билан уларни иқтисодий ўсиш даражасини ошириш бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ушбу давлатда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ҳамда фуқароларнинг ҳаёт даражасини яхшиланишига хизмат қилади.

Жаҳон банки ўз фаолиятининг асосий вазифаларини минг йиллик Декларациясига мувофиқ белгилаб олган. Минг йилликдаги ривожланиш мақсадларига 2025 йилгача эришиш лозим бўлган қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутди:

- камбағаллик ва очликга барҳам бериш;
- умумий бошланғич таълимни таъминлаш;
- болалар ўлимини кискартириш;
- оналик муҳофазасини яхшилаш;
- ВИЧ/СПИД, малария (безгак) ва бошқа касалликларга қарши курашиш;
- атроф-муҳитнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;
- ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни шакллантириш.

Айтиш жоизки, Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатли ёрдам кўрсатади ва шу ислохоти билан ХВФдан фарқланади. Шу ўринда айтиш жоизки, ХВФ фаолияти эса мамлакатдаги вақтинчалик молиявий инкирозни бартараф қилишга йўналтирилган.

Ҳозирда Жаҳон банки стратегик вазифаларни бажариш учун БМТнинг ихтисослаштирилган молия институтининг энг қулай воситачи сифатида хизмат қилишга мўлжалланганидир.

Жаҳон банки томонидан кредитлашнинг йўналишлар бўйича тақсимотини кўрадиган бўлсак, унда 2014 йилда жами 40,8 млрд. АҚШ доллари ажратилган бўлиб 2013 йилга нисбатан 29,5 фоизга ошган, жумладан, 18,6 млрд.доллар ХТТБ зайёмлари шаклида, ҳамда 22,2 млрд. доллар ХРА томонидан ажратилган. Шундан юқори улушни яъни жамига нисбатан 19,5 фоизни молиявий ва хусусий секторни ривожлантиришга ажратилган кредитлар эгаллаган. Шунингдек, улушига кўра кейинги ўринларни қишлоқ жойларини ривожлантириш ва давлат секторини бошқаришга ажратилган кредитлар эгаллаган³.

³ Annual report of World bank 2014 (<http://siteresources.worldbank.org>)

ХТТБ томонидан 38 та мамлакатда 95 та янги операциялар амалга оширилган, ХРА томонидан эса, 49 та мамлакатда 249 та янги лойиҳалар амалга оширилган⁴.

“Жаҳон банки” атамаси таркибдан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (International Bank for Reconstruction and Development) ва Халқаро ривожланиш ассоциациясини (International Development Association) камраб олади. “Жаҳон банки гуруҳи” атамаси эса, 5 та ташкилотни, хусусан, ХТТБ, ХРА, Халқаро молия корпорацияси (International Financial Corporation), Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (Multilateral Investment Guarantee Agency), Халқаро инвестицион баҳсларни тартибга солиш марказини (International Center for Settlement of Investment Disputes) ўз ичига олади⁵.

Унинг асосий функциялари куйидагилардан иборат:

- ривожланаётган мамлакатларга инвестиция фаолияти;
- иқтисодий масалалар бўйича маслаҳат ва таҳлилий фаолият;
- амалга ошириладиган дастурлар ва кўрсатиладиган хизматлар таркиби ва тузилмасини мунтазам тўғирлаб бориш;
- бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасида ресурсларни тақсимлашда воситачилик қилиш.

Айтиш жоизки, ҳар уч йилда Жаҳон банки гуруҳи томонидан “Жаҳон банки гуруҳи фаолиятининг стратегияси” номли ҳужжат ишлаб чиқилади, ушбу ҳужжатдан мамлакатлар билан бўладиган ҳамкорликда фойдаланилади. Стратегияга ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятлари ва камбағаллик муаммоларини ҳал қилиш бўйича дастур ҳамда лойиҳалар киритилади.

Жаҳон банки маълум тамойилларга ҳам амал қилиши эътироф этилган. Мисол учун:

⁴ 5та мамба.

⁵ www.worldbankgroup.org

- мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ёрдам берувчи самарали капитал қўйилмалар учун ресурслар ажратиш;
- иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиқиб инвестицион қарорларни ресурслар қайтиши эҳтимоллиги даражасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш;
- битта иштирокчи мамлакат доирасида берилган ресурсларни ишлатишга чекловларнинг мавжуд эмаслиги;
- ходимлар фаолиятининг бошқа субъектларга, жумладан, мамлакатлар ҳукуматига эмас балки фақатгина банк манфаатларига йўналтирилганлиги.

Шундай экан, у ўзининг молиявий ресурсларини камбағал мамлакатлардаги камбағаллик даражасини пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилашга сарфлайди.

Маълумки, ривожланаётган мамлакатлар учун Жаҳон банки ташкилотлари гуруҳи дунёдаги йирик молиявий маблағлар манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мисол учун: **Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки** (ХТТБ, инг. International Bank for Reconstruction and Development) - Жаҳон банкининг асосий кредит ташкилоти бўлиб кенг миқёсда Жаҳон банки номи билан танилган. Ушбу банкга аъзо бўлиш учун ариза тақдим этган мамлакат аввало ХВФга аъзоликка кирган бўлиши ва унинг барча қарзлари аъзо давлатлар ҳукуматлари томонидан кафолатланиши лозим. Қарзлар бўйича ҳар олти ойда ўзгарувчи фоиз ставкаси белгиланади. Ҳозирги вақтда мазкур ставка 6-7%га тенг. Қарзлар асосан 15-20 йил муддатга, асосий қарз суммаси бўйича тўловларни 3-5 йилга узайтириш тартибида берилади. Қарз бериш давлат ҳукуматининг кафолати олингандан сўнг амалга оширилади⁶.

Давлатлараро инвестиция институти бўлмиш ХТТБ – 1944 йилда Бреттон-Вудсдаги (АҚШнинг Нью-Хемпшир штатидаги шаҳарча) Халқаро валюта – молиявий конференцияда ХВФ билан бир вақтда тузилган. Бир

⁶www.mfi.ru

вақтининг ўзида унинг низоми бўлиб ХТТБ хакидаги Битим 1945 йилда расмий жиҳатдан кучга кирган бўлсада ҳам унинг фаолияти 1946 йилдан бошлаган. Унинг штаб-квартираси – АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашадиган бўлди. ХТТБнинг асосий мақсади – аъзо мамлакатларга узок муддатли кредит ва қарзлар бериш ҳамда хусусий инвестицияларни кафолатлаш орқали уларнинг иқтисодий вивожлантиришга кўмаклашиш бўлиб ҳисобланди. Дастлаб ХТТБ аъзо мамлакатларнинг тўпланган маблағлари ва америкалик инвесторларнинг жалб қилинган капиталлари ёрдамида иккинчи жаҳон уруши натижасида иқтисодий жиҳатдан турғун ҳолатга тушиб қолган Ғарбий Европа мамлакатларида хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга мўлжалланди ва хизмат қилди.

ХТТБ 2014 молия йилида 18,6 млрд.АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ресурсларини захира қилди, ушбу кўрсаткич 2013 молия йилига нисбатан 22%га ошган, лекин 2010-2012 йиллардаги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги қайд этилди (1.2.3 ва 1.2.4 жаdвалларига қаралсин.

1.2.3-жаdвал.

**ХТТБ томонидан 2010-2014 йилларда амалга оширилган
операциялар, млн. АҚШ долл.⁷**

ХТТБ(млн.АҚШ.долл.)	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й
Захира қилинган маблағлар	44197	26737	20582	15249	18604
Шундан ривожланиш соҳасидаги сиёсатни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги кредитлар	20588	9524	10333	7080	7997
Ажратилган маблағлар, брутто	28855	21879	19777	21879	28855
Шундан ривожланиш	17425	10582	9052	5972	9786

ланба: Annual report of World bank 2014 (<http://sitresources.worldbank.org>)

соҳасидаги сиёсатни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги кредитлар					
Асосий суммани қайтариш(шу жумладан муддатдан олдин қайтариш)	11624	13885	11970	9470	9805
Ажратилган маблағлар, нетто	17231	7994	7806	6361	8956
Қайтарилмаган қарзлар	120103	132459	136325	143776	154021
Ажратилмаган кредит маблағлари	63574	64435	62916	61306	58449
Асосий фаолиятдан даромад	800	1023	783	876	728
Эркин капитал ва заҳиралар	36106	38689	37636	39711	40467
Хусусий капитал ва берилган қарзларни ўзаро нисбати	29%	29%	27%	27%	26%

Ҳозирда ХТТБ аъзолари бўлиб 186 мамлакат ҳисобланади, етакчи ўринда еттилик мамлакатлари туради: АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада ва Италия.⁸

Банкнинг ресурслари шаклланишининг манбаси бўлиб, Америка бозорларида облигация қарзларини чиқариш ва уларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобланади. ХТТБ кредитларни, одатда 20 йил муддатга аъзо мамлакатда ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш учун ҳукумат кафолати остида беради. Шунингдек ХТТБ бошқа банкларнинг узок муддатли кредитлари бўйича кафолат ҳам беради. У ҳам ХВФ сингари, қарздор мамлакатнинг молиявий ҳолати, кредитланувчи объектлар ва ушбу объект бўйича банк миссияси томонидан ўрганилган ахборотларни талаб қилади.

⁸www.worldbank.org

ХТТБ дастур доирасида фаолият юритади. Унинг асосий хусусиятлари куйидагича бўлиб ҳисобланади:

- иктисодий бошқарув ва камбағаллик билан курашиш;
- экология ва ижтимоий ривожланиш;
- инфратузилма, хусусий сектор ва молия;
- инсон салоҳиятини ривожлантириш.

Ҳозирги пайтда ХТТБ фаолиятининг асосий йўналишлари:

- турли хилдаги инвестиция лойиҳаларини узоқ ва ўрта муддатли кредитлаш;
- лойиҳаларнинг молиявий-иктисодий ва техник асосларни тайёрлаш;
- ривожланаётган мамлакатларда тузилмавий қайта куриш дастурларини молиялаштириш бўлиб ҳисобланади.

1.2.4-жадвал.

ХТТБнинг энг йирик қарздорлари⁹

Мамлакатлар	Захира қилинган маблағлар ҳажми
Бразилия	2019
Ҳиндистон	1975
Хитой	1615
Украина	1382
Руминия	1374
Филлипин	1279
Марокко	1096
Индонезия	1072
Колумбия	870
Тунис	426

⁹ Маnbа: Annual report of World bank 2014 (<http://siteresources.worldbank.org>)

2014 йил якунига кўра ХТТБнинг энг йирик қарздорлари бўлиб, Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, Украина, Руминия, Филлипин, Марокко, Чиле, Колумбия ҳамда Тунис мамлакатлари ҳисобланди. (жадвал 1.2.4) Мазкур қарздорлар ичида энг йириклари Бразилия ва Ҳиндистон ҳисобланади. Чунки, мазкур халқаро молия ташкиоти томонидан ушбу мамлакатлар иқтисодийтини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни молиялаштиришга йирик ҳажмда маблағлар жалб этилган эди.

1.2.5-жадвал.

**2014 йилда ХТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг
минтақалар бўйича тақсимоти¹⁰**

Минтақа	Млн. АҚШ доллари	Жамига нисбатан %да
Африка	334	2
Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси	3397	18
Европа ва Марказий Осиё	6537	35
Латин Америкаси ва Қариб кўрфази	5662	30
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	1666	9
Жанубий Осиё	1165	6
Жами	18761	100

ХТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг минтақалар бўйича тақсимотини 2014 йилда энг юқори улушни Европа ва Марказий Осиё эгаллаб жамига нисбатан 35 фоизни ташкил этди. Ундан кейинги ўринда эса, Латин Америкаси ва Қариб кўрфази бўлиб унинг улуши жамига нисбатан 30 фоизини ташкил этди. ХТТБ томонидан 2014 йилда ушбу минтақалардаги

¹⁰ Манба: Annual report of World bank 2015 (<http://siteresources.worldbank.org>)

ташкilotга аъзо мамлакатларда бир қатор ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилди. 2014 йилда энг кам улушни Африка мамлакатлари эгаллаб жамига нисбатан 2 фоизни ташкил этган (1.2.6 жадвалга қаралсин).

1.2.6-жадвал.


2014 йилда ХТТБ томонидан тасдиқланган операциялар миқдори¹¹

Минтақа	Операциялар миқдори
Африка	2
Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси	20
Европа ва Марказий Осиё	30
Латин Америкаси ва Қариб кўрфази	24
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	14
Жанубий Осиё	5
Жами	95

ХТТБ томонидан Европа ва Марказий Осиё, Латин Америкаси ва Қариб кўрфази, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича операциялар миқдори ҳозирда юқори улушни ташкил этмоқда.


ХТТБ жаҳон молия бозорида йирик қарздор ролини ўтамоқда десак, муболаға бўлмайди. Банк томонидан чиқарилаётган облигация қарзлари суммаси давлатлараро инвестиция банклари ўртасида энг катта солиштирама оғирликка эга бўлиб қолмоқда.

¹¹ Манба: Annual report of World bank (<http://sitereources.worldbank.org>)



1.2.1-расм. ХТБ ва ХРА томонидан умумий кредитлаш ҳажмининг минтақавий тақсимоти¹²

ХТБ ва ХРА томонидан умумий кредитлаш ҳажмида юқори улушни Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлар эгаллаган бўлиб, улардан лойиҳаларга ажратилган кредитларга нисбатан 26 фоизни ташкил этмоқда.




1.2.2-расм. ХТБ ва ХРА томонидан умумий кредитлашнинг тармоқлар бўйича тақсимоти¹³

¹² Маъба: Annual report of World bank (<http://siteresources.worldbank.org>)

¹³ Манба: Annual report of World bank 2014 (<http://siteresources.worldbank.org>)

ХТТБ ва ХРА томонидан кредитлашнинг тармоқлар бўйича тақсимоотида юқори улушни давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизим эгаллайди. Унинг кредитлаш ҳажмининг 22 фоизи шу тармоқ хиссасига тўғри келмоқда. Улушига кўра кейинги ўринларда транспорт, энергетика ва қазилма саноати, сув таъминоти, қувурларни тиклаш ҳамда тошқиндан ҳимояланиш тармоқлари эгаллаган. Алюқа ва ахборотлаштириш тармоғига ажратилган кредитлаш ҳажминг кам улушни ташкил этиб 1 фоизга тенг бўлган.



1.2.3-расм. ХТТБ ва ХРА томонидан умумий кредитлашнинг йўналишлар бўйича тақсимооти¹⁴

ХТТБ ва ХРА томонидан ажратилган кредитларнинг йўналишлар бўйича тақсимоотини кўрадиган бўлсак, унда унинг катта улушни молиявий ва хусусий секторни ривожлантириш ташкил этмоқда. Шунингдек, улушига кўра кейинги ўринларда қишлоқ жойларини ривожлантириш, давлат секторини бошқариш ҳамда инсон ресурсларини ривожлантиришга ажратилган кредитлар эгаллаган.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) – Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро ташкилот бўлиб, у 1960 йилда ташкил этилган. ХРА Келишувлар моддасининг I-моддасига мувофиқ, унинг мақсади иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, самарадорликни ошириш ва шунинг асосида,

¹⁴ Манба: Annual report of World bank 2014 (<http://siteresources.worldbank.org>)

суст ривожланган аъзо мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини ошириш, шунингдек, анаънавий кредитларга нисбатан оғир бўлмаган қулай шартларда молиявий кўмак бериш ҳисобланади.

Мамлакатларга ривожланиш жараёнида ёрдам кўрсатиш мақсадига эга бўлган ХРА стратегиясининг асосий элементларига:

- макроиқтисодий ва тармоқ сиёсатининг пухта ўйланган чораталбирларини қабул қилиш орқали иқтисодий ўсишни жадаллаштириш;
- ижтимоий соҳаларнинг мустақамланиши ва ривожланишини қабътий қўллаб-қувватлаш орқали инсон капиталига инвестициялаш;
- бошқарув самарадорлигини ошириш учун ташкилий-техник имкониятларни кенгайтириш;
- барқарор ривожланиш мақсадларида атроф-мухитни сақлаш;
- қуролли тўқнашувлар оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш;
- минтақавий интеграция ва савдони қўллаб-қувватлаш кабилар киради.

1.2.7-жадвал.

ХРА томонидан амалга оширилган операциялар, (млн. АҚШ долл.)¹⁵

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА)(млн.АҚШ.долл.)	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й
Заҳира қилинган маблағлар	14550	16269	14753	16298	22239
Шундан ривожланиш соҳасидаги сиёсатни қўллаб- қувватлаш мақсадидаги кредитлар	2370	2032	1827	1954	2489
Ажратилган маблағлар, брутто	11460	10282	11061	11228	13432

¹⁵ Annual report of World bank 2014 (<http://siteresources.worldbank.org>)

Шундан ривожланиш соҳасидаги сиёсатни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги кредитлар	3228	1944	2092	1662	2644
Асосий суммани қайтариш	2349	2501	4023	3845	3636
Ажратилган маблағлар, нетто	9111	7781	7037	7371	9878
Қайтарилмаган кредитлар	113474	125287	123576	125135	136011
Ажратилмаган кредитлар	30696	38059	37144	39765	46844
Ажратилмаган грантлар	5837	6830	6161	6436	6983
Ривожлантириш мақсадидаги грантларга харажатлар	2583	2793	2062	2380	2645

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси томонидан заҳира қилинган маблағлар 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 5,9 млрд. АҚШ долларига ёки 36,5 фоизга, ХРА томонидан ажратилган маблағлар ҳажми 19,6 фоизга ошган. Мазкур ҳолат ушбу таъкилотга аъзо мамлакатларда лойиҳаларни амалга ошириш жараёнига маблағ жалб этишнинг фаоллашганидан далолат бериб келмоқда.

1.2.8-жадвал.

ХРАнинг энг йирик қарздорлари¹⁶

Мамлакатлар	Захира қилинган маблағлар ҳажми
Ҳиндистон	3134
Покистон	2218
Бангладеш	1888
Нигерия	1698
Эфиопия	1624
Вьетнам	1341
Уганда	764
Танзания	753
Кения	612
Шри-Ланка	442

ХРАнинг энг йирик қарздорлари бўлган мамлакатларни 1.2.8 жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Уларга, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Нигерия, Эфиопия, Вьетнам, Уганда, Танзания, Кения, ва Шри-Ланка мамлакатлари киради. Мазкур қарздорлар ичида энг йириги бўлиб Ҳиндистон мамлакати ҳисобланади. Чунки, ХРА томонидан Ҳиндистонда бир қатор лойиҳаларни молиялаштиришга, жумладан, сув таъминоти, инфратузилмани яхшилаш, соғлиқни сақлаш ҳамда энергия соҳаларини ривожлантиришга маблағлар ажратилган.

ХРА фондсиз кредитлар ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган грантлар ажратиш орқали қашшоқликни қисқартириш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш ва аҳоли турмуш тарзини оширишни кўзда тутди.

ХРАдан қарз олиш ҳуқуқига ялпи ички маҳсулоти аҳоли жон бошига \$835дан кам бўлган мамлакатлар эга бўлишади.

¹⁶ Annual report of World bank 2014 (<http://siteresources.worldbank.org>)

ХРА мамлакатларга 10 йил имтиёзли даврли 30-40 йилга фойсиз кредитлар беради. ХРА кредитларининг қайтариш муддатлари 20, 35 ва 40 йилни ташкил этади, шундан дастлабки 10 йили имтиёзли давр ҳисобланади ва бу даврда асосий қарз бўйича тўловлар амалга оширилмайди. ХРА кредитларига фойз тўланмайди, бироқ хизмат кўрсатиш учун кам миқдордаги (ҳозирда ажратилган кредит сумманинг 0,5 фоизи) харажатлар қарз олувчи томонидан қопланади. Бу кредитларнинг мақсади, ривожланган мамлакатдан камбағал мамлакатга товарлар экспортини рағбатлантиришдир. Халқаро ривожланиш ассоциациясига 167 мамлакат аъзо бўлиб кирган¹⁷.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) (инг. International Finance Corporation, IFC) – Жаҳон банки гуруҳига қирувчи халқаро ташкилотдир. Ташкилотнинг штаб-квартираси Вашингтонда (АҚШ) жойлашган. 1956 йилда ривожланаётган мамлакатларга хусусий инвестициялар оқими барқарорлигини таъминлаш мақсадида тузилгандир.

Жаҳон банки ташкилотлари гуруҳининг Президенти бир вақтнинг ўзида ХМК Президенти бўлиб ҳисобланади. Раҳбарлик вазифаси вице-президент томонидан амалга оширилади. ХМК акционерлари бўлиб 182 мамлакат ҳисобланади.¹⁸

ХМК Жаҳон банки гуруҳига қирувчи бошқа ташкилотлар билан ўз фаолиятини мувофиқлаштириб боради, лекин юридик ва молиявий алоқаларда мустақил ташкилот бўлиб ҳисобланади.

ХМК компанияларга рискларни бошқаришга ва жаҳон капитал бозорига чиқишнинг кенгроқ имкониятига эга бўлишга ёрдам берувчи янги молиявий инструментларни ишлаб чиқишни давом эттирмоқда. Ушбу молиявий маҳсулотлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

ХМК ўз маблағларидан заёмлар;

-- синдикатлашган заёмлар;

¹⁷www.worldbank.org

¹⁸http://www.ifc.org/ifcext/russian.nsf/Content/Member_Countries

- хиссали молиялаштириш;
- карз инструментлари ва тўғридан-тўғри инвестициялар фондлари;
- тузилмавий молиялаштириш;
- воситачилар орқали молиялаштириш;
- рискларни бошқариш бўйича маҳсулотлар;
- миллий валютада молиялаштириш;
- савдони молиялаштириш;
- эксперт баҳолаш ва бошқ.

ХМКга аъзоликка киришда ХТТБ аъзолиги, ХМК келишув моддасини имзоланиши каби шартларга амал қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ташкилот турли хил тармоқлардаги лойиҳаларни молиялаштиради, уларга, қишлоқ хўжалиги, тоғ саноати, ишлаб чиқариш, туризм ва бошқаларни киритиш мумкин. Аммо биринчи навбатдаги йўналиш, хусусий сектор бўлиб ҳисобланади. ХМК фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб:

- хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштириш;
- халқаро молия бозорларидан ривожланаётган мамлакатлардаги

ташкилотларга капитал жалб қилишда ёрдамлашиш;

- хусусий инвестицияларни таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, инновацион молиявий маҳсулотлардан фойдаланиш ва салоҳиятни ошириш орқали ички молия бозорларини ривожлантириш;

- ҳукуматларга маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

У мамлакатлардаги юқори рентабелли корхоналарни кредитлайди. Ушбу ташкилот томонидан тақдим қилинадиган кредитларининг муддати 15 йилдан ошмайди, ўртача муддат эса 3-7 йил доирасида бўлади.

ХМКнинг хусусияти шундаки, унинг маблағларидан инвестиция олиш учун корхона ва ташкилотларга кредит берилганда, ЖТТБ ва ХРА талаб қилгандек аъзо мамлакатларга ҳукумат кафолатлари талаб қилинмайди. Бу эса

хусусий компаниялар учун улар фаолияти устидан давлат назоратидан саклайди, ва ривожланаётган мамлакатлар иктисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш манфаатларига хизмат қилади.

Халқаро мамлакатлар иктисодларида инвестицияларни кафолатлаш муҳим бўлиб ҳисобланади. Айтиш жоизки, ҳозирда **Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (ИККА)** – фаолият кўрсатади. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (инг. Multilateral Investment Guarantee Agency. ИККА – 1988 йилда аъзо мамлакатларнинг бадаллари эвазига ташкил топган. Ҳозирги кунда 2010 йил ҳолатига кўра ИККАга 175 мамлакат аъзоликка қабул қилинган¹⁹. ИККА халқаро ташкилоти тўғрисидаги конвенция 1985 йил 11 октябрда Вашингтонда имзоланган. Шунингдек штаб-квартираси ҳам Вашингтонда жойлашган) - Жаҳон банки гуруҳига кирувчи мустақил халқаро ташкилотдир. Айтиш жоизки, ИККАнинг асосий мақсади бўлиб, ривожланаётган мамлакатларга хорижий тўғри инвестицияларни йўналтиришга кўмаклашиш, шунингдек ахборот ва консултация хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. ИККА сиёсий рисклардан сугурталашни ёки ривожланаётган мамлакатларга хорижий тўғри инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида кафолат беришни амалга оширади. Шартнома шартларини бузишдаги, ҳарбий ва фуқаролар галаёнидаги, мусодара қилинидаги ҳамда маблағларни ўтказишдаги чекловларда юзага келадиган рисклардан ҳимоя қилади. Аммо тижорат рискларини сугурталаш, махсусан банкротлик rischi амалга оширилмайди. ИККА шунингдек ривожланаётган мамлакатлар ўртасида бўладиган инвестиция муносабатларини ҳам сугурталашни амалга оширади.

ИККА кафолатига мамлакатда рўйхатдан ўтмаган фаолияти инвестиция ошлан боғлиқ бўлган хусусий фирма ва фуқаролар ҳам давогарлик қилиши мумкин. Кафолат 3 йилдан тортиб 15-20 йил муддатгача амалга оширилади.

¹⁹ www.mfi.ru

Жаҳон банки кафолатидан фарқи томони шундаки, инвестициялаш учун мамлакат ҳукуматидан қарши кафолат сўралмайди ёки талаб қилинмайди.

Айтиш жоизки, ИККА кредитлар бермайди ҳамда мустақил инвестор бўлиб ҳисобланмайди. У алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қимор ўйинларини ташкил этиш учун қилинган инвестицияларга кафолат берилмайди. Ҳозирги пайтда кафолатлашнинг максимал миқдори битта инвестицион лойиҳа учун 110 млн. АҚШ долларини ҳамда битта мамлакат учун 440 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Қайта суғурталаш ва биргалашиб суғурталашда ушбу чегара сезиларли даражада ортиқ бўлиши мумкин²⁰.

Шунингдек ривожланаётган мамлакатларда юзага келиши мумкин бўлган нотижорат рисклар қуйидагилар бўлиши мумкин:

– миллий валютанинг эркин айирбошлашни тўхтатиш ва бу билан боғлиқ инвестор мамлакатига даромадларни ўтказиш билан бўладиган муаммолар;

- инвестор мулкнинг барбод бўлиши;
- ҳарбий ҳаракатлар;
- тўнтаришлар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши;
- ҳукумат қарори натижасида шартноманинг бажарилмай қолиши.

ИККА ўз олдига қўйган мақсадни амалга ошириш учун юқорида келтирилган нотижорат рискларга кафолатларнинггина эмас, балки шунингдек, ривожланаётган аъзо мамлакатларнинг ҳукумат органларига сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нисбатан дастур ва тартиб юзасидан маслаҳатлар беради ҳамда чет эл инвесторларини қўллаб-қувватлайди.

Инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (инг. ICSID – International Centre for Settlement of Investment Disputes) – юқорида кўриб ўтган ташкилотларимиздек Жаҳон банки гуруҳига кирувчи мустақил халқаро ташкилот бўлиши билан қаторда БМТнинг махсус ташкилоти ҳисобланади. Инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг

²⁰ <http://www.miga.org/about>

мақсади бўлиб, халқаро инвестицион баҳсларни ҳал қилиш ва томонларни ўзаро муросага келтириш учун ҳуқуқий имкониятларни таъминлаш ҳисобланади. Марказ хусусий инвестициялар йўлидаги ташқи иқтисодий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳамда давлатлар ва хусусий инвесторлар ўртасидаги баҳсларни ҳал қилувчи халқаро мустақил арбитраж ташкилоти сифатида қаралади²¹.

Инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ, давлатлар ва бошқа давлатларнинг фукарolari ўртасидаги инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича конвенцияга(Вашингтон конвенцияси) мувофиқ ташкил қилинган. Ушбу конвенция Инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг ҳақ-ҳуқуқларини, ташкилий тузилмасини ва асосий вазифаларини белгилаб берди. Конвенция 1965 йил 18 мартда имзоланган ва 1966 йил 14 октябрдан кучга кирган. Ҳозирги кунда Инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг аъзолари бўлиб 146та мамлакат ҳисобланади.²²

Ушбу халқаро марказ конвенция баҳсларни ҳал қилишнинг иккита асосий йўлини ўрганади ва кўриб чиқади: томонларни муросага келтириш ва арбитраж ишлаб чиқиш. Буларга мувофиқ конвенцияда ишларни кўзгаш учун, томонларни муросага келтириш масаласи бўйича иш кўриш учун ва арбитраж ўтказиш учун тартиб қоидалар келтирилган. Марказда томонларга хизмат кўрсатиш ихтиёрий равишда ва тўлов эвазига амалга оширилади. Тўловлар миқдори бош қотиб томонидан тасдиқланади²³. Кўпгина шартномалар ҳозирги пайтда ҳам хусусан, трансчегаравий инвестициялар доирасида тузилган шартномалар инвестицион баҳсларни юзага келиш ҳолатини ҳал қилувчи сифатида Инвестицион баҳсларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказда изохдан ўтказилиб келинади.

²¹ Ушбу маълумот.

²² <http://icsid.worldbank.org/>

²³ Ушбу маълумот.

1.3. Халқаро валюта фонди ва минтақавий молия-кредит ташкилотларининг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни

Халқаро молия институтларини ривожланиши молиявий ва иқтисодий муносабатларни кучайишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ХВФ фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Айтиш жоизки, Халқаро Валюта фонди, ХВФ (инг. International Monetary Fund, IMF) – БМТнинг ихтисослашган ташкилотларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг штаб – квартираси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки ХВФ 1944 йил 22 июлда БМТнинг валюта – молия масалалари бўйича Бреттон – Вудсдаги конференциясида ХВФ битимининг асоси ишлаб чиқилган эди. ХВФ ташкил топган расмий сана – 1945 йил 27 декабр бўлиб бунда, битимнинг охириги варианты 29та давлат томонидан имзолаган. ХВФ ўз фаолиятини 1947 йил 1 мартдан Бреттон – Вудс тизимининг бир қисми сифатида бошлади. Шу йили Франция биринчи кредитни олди. Ҳозирги кунда ХВФ 186 давлатни бирлаштириб, унинг тузилмасида 133 мамлакатдан 2500 мутахассис ишлайди.

ХВФ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва уларга тўлов балансининг камомати билан боғлиқ валютавий кийинчиликларни олдини олишга қаратилган ташкилот бўлиб ҳисобланади ва чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилотдир.

ХВФ Келишувлар моддаларининг биринчи моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари қаторига қуйидагилар киради:

– халқаро валютавий муаммоларни бартараф этиш борасида маслаҳатлар ва ҳамжиҳатлик механизмини таъминловчи доимий институт орқали халқаро валютавий ҳамкорликни рағбатлантириш;

– халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсишини қўллаб қувватлаш ва шу орқали бандлик ва реал даромадларнинг етарлича юқори даражасини ушлаб туриш ва иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади сифатида барча аъзо давлатлар ресурсларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш;

– аъзо давлатлар ўртасида жорий битимларга доир қўл томонлама тўловлар тизимини ташкил этиш ва жаҳон савдоси ривожланишига тўсқинлик қилувчи валюта айирбошлашдаги чекловларни бекор қилишга қўмаклашиш;

– аъзоларнинг умумий ресурслари ҳисобидан етарлича хавфсиз асосда маблағ билан таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, ва шунинг асосида уларга тўлов балансидаги номувофикликлар(тартибсизликлар)ни миллий ёки халқаро тараққиётга ҳов бўладиган чора-тадбирларсиз тўғрилаш имконини бериш;

– юқоридагиларга мувофик аъзо давлатларнинг халқаро тўловлар балансларидаги номувофиклик(мувозанатсизлик)ларнинг давомийлигини қисқартириш ва унинг даражасини пасайтириш.

ХВФ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- жаҳон валюта тизимини назорат қилиш;
- пул сиёсатидаги халқаро ҳамкорликга ёрдам бериш;
- жаҳон савдосини кенгайтириш;
- ХВФ аъзоларини кредитлаш;
- валюта айирбошлаш курсларини барқарорлаштириш;
- дебитор мамлакатларга маслаҳатлар бериш;
- СДР чиқариш орқали ликвид маблағларни яратиш;
- иқтисодий сиёсат ва техник ёрдам соҳасида тавсиялар ишлаб чиқиш.
- халқаро молия статистикаси стандартларини ишлаб чиқиш;
- халқаро молия статистикаси тўпламларини эълон қилиш.

Устав капитали тахминан 217 млрд. СДРни ташкил этади (2008 йил январда 1 СДР 1,5 АҚШ долларига тенг бўлган). У аъзо – мамлакатларнинг бўнаклари ҳисобига шаклланади, одатда ўз квотасининг 25% СДРда ёки бошқа аъзоларнинг валютасида, қолган 75% ўзларининг миллий валютасида тўланади. Уларнинг квотаси ўлчамидан келиб чиқиб аъзо-мамлакатлар ўртасида овозлар тақсимланади. ХВФда юқори овоз миқдорини қуйидаги мамлакатлар эгаллаган (2011 йил ҳолати бўйича): АҚШ – 16,7%, Германия -5,82%, Япония – 6,24%, Буюк Британия – 4,30%, Франция – 4,30%, Саудия Арабистони – 2,81%, Хитой – 3,82%, Россия – 2,39%. Европа Иттифоқининг 27та аъзо мамлакатининг улуши – 32,07%, ХВФда 29 та саноати ривожланган давлатлар (ИХТТга аъзо мамлакатлар) 60,35% миқдорига овозга эга. Фонд аъзоларининг 84%дан ортигини ташкил этувчи қолган мамлакатларнинг улуши атиги 39,65%га тўғри келади.

Айтиш жоизки, ҳозирда ҳам Халқаро Валюта Фондининг энг муҳим вазифаларидан бири аъзо мамлакатларнинг тўлов балансида кийинчиликлар юзга келганда кредитлар бериш орқали ёрдам кўрсатиш бўлиб ҳисобланади. Бу молиявий ёрдам мамлакатларга ўзининг халқаро захираларини тўлдиришга, миллий валютасини барқарорлаштиришга, импорт тўловларини амалга оширишнинг давом эттиришга ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чоралар-тадбирлар қабул қилиш орқали фаол иқтисодий ўсиш учун шароитни тиклашга имкон яратади.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда минтақавий ривожланиш ташкилотлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Минтақавий ривожланиш банклари ўз минтақаларига бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уни ривожлантиришни назарда тутди. Бундай ривожланиш ташкилотларига Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Америкааро ривожланиш банки, Африка ривожланиш банки, Ислом тараққиёт банкларини киритишимиз мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлигини кенгайтириш ва ушбу минтақалардаги ўзига хос муаммоларни ечиш учун минтақавий ривожланиш банклари ташкил этилди.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг мақсади бўлиб, минтақа мамлакатларида ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, кашшоқлик ва қарздорлик даражасини камайтириш ҳамда хусусий сектор ривожланишига қўмаклашиш ҳисобланади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг ресурслари халқаро капитал бозорларидан ўзлаштириш орқали жалб этилган маблағлардан, устав капиталларидан, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш ва имтиёзли кредитлаш учун асосан аъзо мамлакатлар бадаллари ҳисобига ташкил топган махсус фондлар маблағларидан ташкил топади.

Ушбу ташкилотларнинг операциялари иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларини молиявий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган, лекин устувор йўналиш бўлиб иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалар (энергетика, транспорт, коммуникация ва бошқ.) ривожланишнинг молиялаштириш ҳисобланади. Банклар ресурсларининг сезиларли қисми саноатни кредитлашга йўналтирилади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ривожланиш лойиҳалари ва инвестиция дастурларига ўз маблағларини қўйиш ҳамда кредитлар ажратиш. Экспорт-импорт ва тижорат ташкилотлари билан биргаликдаги лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш. Бунда кредитлашнинг турли усулларидан фойдаланилади: аниқ лойиҳаларни молиялаштириш учун қарзлар, тузилмавий қайта қуришни ўтказиш учун қарзлар, тиклаш қарзлари, кредит линиялари ва бошқалар.

- аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида хусусий инвестицияларни оширишни рағбатлантириш;

- ривожланиш лойиҳалари ва минтақавий дастурларни тайёрлашда, шунингдек ушбу дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш.

Халқаро молиявий институтлар таркибида ЕТТБнинг роли тобора ошиб бормоқда. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) 1990 йилда Лондонда ташкил қилинган. ЕТТБнинг асосий мақсади – Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат бўлиб ҳисобланди. ЕТТБ фақатгина аниқ доирадаги лойиҳаларни кредитлайди. ЕТТБ ресурслари ХТТБга ўхшашлик бўйича шаклланади.

ЕТТБ ишлаб чиқаришни (лойиҳаларни молиялаштиришни ўз ичига олган ҳолда), инфратузилмани тараққий эттириш ва қайта тиклашга техник ёрдам кўрсатишни (экологик дастурларни ўз ичига олган ҳолда), акционерлик капиталига инвестициялари, айниқса хусусийлаштирилётган корхоналарни кредитлашга ихтисослашган. Шу билан биргаликда ЕТТБнинг асосий диққати кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ЕТТБ бошқа халқаро молия институтлари сингари ЕТТБ аниқ мақсадли инвестицияларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда маслаҳат бериш хизматини кўрсатади. ЕТТБнинг битта стратегик вазифаси – давлат корхоналарини хусусийлаштиришни қўллаб-қувватлаш, уларни модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш, шунингдек ушбу масалалар бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

ЕТТБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция Банки ҳисобланади. Банк ўз аъзоларига, тузилмавий ва тармоқ иқтисодини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришни ислоҳ қилиш, бу билан мамлакатларни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятга уйғунлашувига кўмаклашади.

ЕТТБ кредитларининг муддати одатда 5-10 йилни кредитнинг минимал миқдори эса 5 млн. еврони ташкил этади. Агар лойиҳа мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлса банк камроқ миқдорда ҳам кредит бериши мумкин. Кредитлаш хоҳлаган эркин алмашинувчи валютада амалга оширилади, амалда кўпроқ АҚШ доллари ва Еуродан фойдаланилади. Лойиҳани молиялаштириш унинг қийматини 35%дан кўп бўлмаган миқдорини ташкил этади.

ЕТТБ тижорат асосида фаолият кўрсатади ва ўзининг кредитларини рискларни ҳисобга олган ҳолда бозор ставкалари бўйича беради. Тартибга кўра тижорат корхоналарини кредитлашда банк маблағларни қайтаришга доир ҳукумат кафолатини талаб этмайди, лекин бундай ҳолларда одатда лойиҳа активлари (масалан, гаровга оид асосий фондлар, гаровга оид мол-мулк ва бошқ.) билан кредитнинг гаров таъминоти қўлланилади. Кредитлар каътий белгиланган ёки сузуб юрувчи ставкалар бўйича бўлиши мумкин, шунингдек, хеджирлашнинг турли инструментларидан ҳам фойдаланилади.

ЕТТБ ўз фаолияти доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- ривожланган мамлакатларда қабул қилинган банк иш стандартлари асосида мосланувчан кредитлаш учун турли хил инструментлардан фойдаланади;
- хусусий сектор ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган секторлар бўйича кўзда тутилган ва тутилмаган операциялар стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишни ўзида мужассамлаштиради;
- хусусий инвесторлар, уларнинг маслаҳатчилари ва тижорат банклари билан ҳамкорлик қилади;
- ҳукумат билан ривожланишнинг узоқ муддатли режаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилади;
- халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари билан ўзаро ҳаракатларни бажаради;
- давлатлараро ва минтақавий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ишлайди;

– атроф-муҳитни сақлашни ва яхшилашни таъминлашга ҳаракат қилади.

Европа иттифоқи, Европа инвестиция банки аъзо мамлакатлари ва Европа иттифоқининг ўзи ЕТТБ низом капиталида 51% квотасига эгадирлар, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари – 13%, қолган Европа мамлакатлари – 11%, ноевропа мамлакатлари – 24%. Капиталда кўпроқ ҳисса билан АҚШ – 10%, Италия, ГФР, Франция, Буюк Британия ва Япония – 8,5%дан. Низом капиталининг ўлчами ҳар 5 йилда бир марта кўриб чиқилади²⁴.

Айтиш жоизки, ЕТТБ экспорт кредитлар бўйича кафолатлар бера олмайди ва сугурталаш билан шуғулланиш унинг вазифасига кирмайди. Бундан ташқари, ЕТТБ қуйидаги фаолият турларини молиялаштирмайди:

- Мудофаа саноати;
- Тамаки саноати;
- Халқаро ҳуқуқий меъёрларда тақиқланган воситаларни ишлаб чиқариш;
- Қимор бизнеси;
- Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва жараёнлар.

Банк тақдим этадиган кредитининг энг кам миқдори 5 млн. еврони ташкил этади. Фонз ставкалари асосий бозор ставкаси (одагда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фонз сузиб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ўки катъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чиқади.

1.3.1-жадвал

ЕТТБ фаолиятининг молиявий натижалари, млрд. евро²⁵

/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
	Устав капитали	5,2	5,2	5,2	5,2	5,2

²⁴ www.ebrd.com

²⁵ Annual report of EBRD 2013 y. (www.ebrd.org)

Бошқарув қарори бўйича қилинадиган ажратмаларгача бўлган соф фойда (зарар)	0,4	1,5	2,4	1,9	0,6
Бошқарув кенгаши қарори бўйича қилинган ажратмалар	-	-	-	-	0,1
Захиралар ва тақсимланмаган фойда	1,7	4,7	7,0	8,7	6,6

ЕТТБ томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар сони 2009-2013 йилларда 265 тадан 302 тагача ортган. 2013 йилда ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 12,9 млрд.еврони ташкил этган.

1.3.2-жадвал

ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳалар динамикаси²⁶

/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
	Лойиҳалар сони	265	276	301	353	302
	Лойиҳаларнинг умумий қиймати, млрд. евро	13,0	9,8	12,0	13,8	12,9
	ЕТТБ томонидан ажратилган маблағлар, млрд. евро	4,1	4,3	5,0	5,6	5,1
	ЕТТБ томонидан жалб қилинган маблағлар, млрд. евро	8,8	5,9	7,7	8,6	8,4

²⁶ Annual report of EBRD 2013 y.(www.ebrd.org)

2013 йилда ЕТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг 39% и молия секторига, 26% и корпоратив секторга, 18% и инфратузилма соҳасига ва 17% и энергетика соҳасига йўналтирилган²⁷.

ЕТТБ кредит-молия сиёсатининг муҳим йўналишларидан молиявий сектор, энергетика, телекоммуникация инфратузилмаси, транспорт ва агробизнесни ажратиб кўрсатиш мумкин. Алоҳида ҳолда хусусийлаштириш соҳаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда ЕТТБ кредит линияларидан дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантиришда фойдаланиб келмоқда. Ушбу ташкилот томонидан ажратилаётган маблағлар жаҳон иқтисодий ҳолатини яхшилланишига таъсир кўрсатмоқда.

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) - Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шугулланадиган йирик давлатлараро молия институтларидан бири ҳисобланади. Осиё Тараққиёт Банки 1966 йилнинг 22 августида 15 та мамлакат томонидан шартнома имзоланиши билан ташкил этилган. Банк ўзининг ўз кредит фаолиятини 1966 йил 19 декабрда бошлади.

Осиё тараққиёт банкини тузишдан мақсад - Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат.

Бугунги кунда ОТБга 67 та аъзо давлат Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, шунингдек, Европа ва Американинг саноати ривожланган 19 та давлати ҳисобланиб, ОТБ вакиллари ҳар йили ушбу ташкилотга аъзо ва фаол ривожланаётган давлатларнинг бирида ОТБ Бошқаруви, ушбу мамлакатнинг молия вазирлиги ва марказий банки раҳбарлари иштирокида учрашув ўтказди.

ОТБ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

²⁷ Ушбу маълумот.

– инвестиция лойиҳаларини молиялашда узок муддатли ва имтиёзли шартлар билан 40 йилгача бўлган кредитларни йилига 1 % дан бериш; тижорат кредитларини 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилгача бериш²⁸;

– ривожланаётган аъзо мамлакатларга уларнинг иқтисодий ривожланиш режаларини мувофиқлаштириш, шунингдек, молиялашга тайёрлаш ва лойиҳаларни ҳамда ривожланиш дастурини амалга оширишга ёрдам бериш;

– халқаро молиявий институтлар, миллий давлат ва хусусий ташкилотлар билан инвестицияларни биргаликда амалга оширишга тааллуқли масалаларда ҳамкорлик қилиш;

– мингакада иқтисодий ўсиш ва ҳамкорликни рағбатлантириш учун зарур эксперт хизмати ва маслаҳатларининг турли шакллари ташкил этиш.

ОТБ қуйидаги соҳаларни ўз ичига олган лойиҳаларни молиялаштиради:

- қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;
- автомобил ва темир йўллари таъмирлаш ва қайта қуриш;
- энергетика;
- таълим;
- транспорт ва алоқа тизими;
- тоғ-қон саноати;
- соғлиқни сақлаш ва экология;
- туризм инфратузилмасини ривожлантириш;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- банк тизимини ривожлантириш.

Осиё Тараққиёт Банкнинг мақсад-вазифаси ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишини ва иқтисодий ўсишини, ҳам жамоавий ҳам мустақил рағбатлантириш ҳисобланади

Қўпгина ривожланиш банлари каби Осиё тараққиёт банки ҳам кредитлашда балансни таъминлаш учун давлат секторига берилган кредитларнинг салмоғи жами лойиҳаларнинг 20%и дан ошмайди.

²⁸ www.ahd.org

Осиё тараққиёт банки фаолиятининг хусусияти бўлиб, кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан бериши ҳисобланади. ОТБ бу маблағларни Европа бозорларига йўналтириб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25-40 йилга мўлжалланган узоқ муддатли кредитларга айлантиради. Шунингдек, кредитлар тижорат шартларида ёки юқори бозор фойз ставкаси бўйича 10-25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

Осиё Тараққиёт Банкига аъзолик БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Осиё-Тинч Океан Комиссияси аъзоларига, шунингдек бошқа минтакалар ривожланган мамлакатлари ва БМТга ҳамда унинг бирон бир бошқа махсус агентликларига аъзо мамлакатлар учун эркиндир.

1.3.3-жадвал

ОТБ кредитларининг динамикаси²⁹

/р	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
	Берилган кредитлар сони	31	31	35	60
	Берилган кредитлар суммаси, млрд. долл.	5,1	5,8	7,4	10,1
	Банк кредитлари ҳисобидан:				
	Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони	62	63	66	82
	Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар суммаси, млрд. долл.	3,8	4,4	6,1	8,2

Камбағал мамлакатларга Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли 1-3% ставкалар бўйича кредит маблағлар 40 йилгача муддатга берилиши кўзда тутилган.

²⁹ Annual report of ADB 2013 y. (www.adb.org)

Бошқа ривожланиш банклари каби ОТБда ҳам кредитлашда балансни таъминлаш мақсадида давлат секторига берилган кредитлар жами лойиҳаларининг 20%и дан ошмайди.

Ушбу банк фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. У ушбу маблағларни Европа бозорларига йўналтириб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25-40 йилга мўлжалланган узок муддатли кредитларга айлантиради. Бунда банк имтиёзли фоииз ставкаларини кўзда тутди. Кредитлар, шунингдек, тижорат шартларида ёки юкори бозор фоииз ставкаси бўйича 10-25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

**ОТБ кредитларининг иқтисодий секторлари бўйича
таксимланиши³⁰**

Т/р	Соҳалар	Маъқулланган кредитлар		Молиявий лойиҳалар сони
		Ҳажми, млн. долл.	Улуши, %	
1.	Ижтимоий инфратузилма	429,5	39,0	12
2.	Транспорт ва коммуникация	265,3	24,1	4
3.	Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	245,4	22,3	5
4.	Молия тизими	90,7	8,2	3
5.	Энергетика	70,0	6,4	1
		1100,9	100,0	25

Таҳлиллар кўрсатишича, таҳлил даврида ОТБ томонидан берилган кредитлар ва молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, ушбу лойиҳалар сони 2009 йилда 31 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилда 60 тага етган. Шунингдек, берилган кредитлар ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш миқдори ҳам ошиб борган. Ушбу ҳолат, ОТБнинг мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

ОТБ томонидан берилган кредитларнинг асосий қисми транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш мақсадларига берилган кредитларнинг хиссасига тўғри келган.

Ушбу соҳаларга берилган кредитларнинг миқдори 3,9 млрд. долларни ташкил қилди. Бу эса, ОТБ томонидан берилган кредитларнинг 39% ни ташкил қилади. Умуман, транспорт ва коммуникация соҳасига 2013 йилда берилган кредитларнинг миқдори 2012 йилга нисбатан икки марта кўп

³⁰ Annual report of ADB 2013 y.(www.adb.org)

бўлганлиги қайд этилган.

ОТБ томонидан давлат кафолатлари асосида 61 та лойиҳани молиялаштириш учун 9,2 млрд. доллар миқдорида кредитлар бундан ташқари, 2013 йида ОТБ томонидан 672,7 млн. доллар миқдорида қайтариб олмаслик шарти билан молиявий ёрдам берилган. Бу эса, 2012 йилдагига нисбатан 25 фоизга кўлдир. Шунингдек, умумий суммаси 243,4 млн. доллар бўлган 242 та техник ёрдам лойиҳаси маъқулланган эди.

2. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ҲАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

2.1. Халқаро молия ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари таҳлили

2.2. Мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия институтларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолати таҳлили

2.1. Халқаро молия ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари таҳлили

Бугунги кунда республикамызда халқаро молия ташкилотлари билан молиявий иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга оширишда қандай чора-тадбирлар кўрилишидан қатъий назар, халқаро молия институтлари билан алоқалар тикланмас экан, қўйилган мақсадга эриша олмаслигимиз мумкин. Халқаро молия институтлари билан узвий молиявий муносабатларни кучайтириш вақти келди. Бу жараёни амалга оширишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш ва ҳаракатлар стратегияси дастури вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида халқаро молия институтлари билан узвий ва кучли алоқаларни ўрнатиш муаммоларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган халқаро молия муносабатларини ривожлантириш даражаси билан боғлиқ. Чунки, иқтисодиётнинг глобаллашувини таъминлаш шароитида мустақил республикамыз олдидаги янгидан-янги мақсад ва вазифаларни белгилаб берган, ҳар томонлама замон талабларига мос келувчи халқаро молиявий муносабатларни ривожлантириш тажрибасига эга бўлган тақдирдагина

республикаимиз иқтисодий-ижтимоий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин бўлади. Бирок янги шаронгда, халқаро молиявий институтларнинг амалий алоқаларига қисқача тўхталиши ва улардан Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мавжуд ташкилотлар биз танлаган йўл ва амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилишлари ва яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар.

Эслатиб ўтиш зарурки, 1992 йил сентябр ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ассосиасиаси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликда Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги тўғрисида”ги қонуни қучга кирди. Ҳозир Тошкентда Жаҳон банкининг ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз Жаҳон банки билан ҳамкорликда энг муҳим қуйидаги лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлиб келди, яъни:

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини;
- Ирригация инфратузилмалари ва дренажларни реконструкция қилиш лойиҳасини;
- Мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳасини;
- Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш лойиҳасини;
- Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қувурлар тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳасини;
- Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш лойиҳасини;
- Сирдарё вилоятида сув таъминотини яхшилаш лойиҳасини;

- Талимаржон иссиқлик электр станцияси (ИЭС) қурилиши лойиҳасини;
- Соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш лойиҳасини (Саломатлик-3);
- Электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлашган тизимини жорий этиш лойиҳасини;
- Олот ва Қоракўл туманларида сув таъминотини яхшилаш лойиҳасини ва бошқ.


Жаҳон банки гуруҳига қирувчи ташкилотлар билан амалга ошириладиган лойиҳаларни қуйидаги 2.1.1 жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкин.

Республикамызда бозор муносабатларининг қарор топган бугунги босқичида Жаҳон банки Ўзбекистон билан 28 лойиҳани молиялаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Мазкур ХТТБ ва ХТА томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар 30 грант техник ёрдам дастури асосида амалга оширилишига имконият яратилди. Шундан 16 та лойиҳалар ва 28 та грант лойиҳалар белгиланган муддатларда тугатилган. 2014 йил март ойи ҳолатига банкнинг мажбурияти глобал экология фонди грант лойиҳаси билан бирга 1,040 млрд. АҚШ долларини ташкил этилганлиги эътироф этилди.

Жаҳон банки мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ижобий ўзгаришларга эришиш учун ўз лойиҳаларини ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2.1.1-жадвалда келтирилган.

Жаҳон банки томонидан амалга ошириладиган барча саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг самарали тизимини шакллантиришда ва тиббий маҳсулотларнинг мақбул нархларда етказиб бериш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, жаҳон банки Ўзбекистоннинг барча туманлари бўйича биринчи тиббий-санитар ёрдам

сифатини яхшилашга кўмаклашди. Шунингдек, банк тиббиёт соҳасидаги мутахассисларнинг ўқишини молиялаштириш, соғлиқни сақлашни молиялаштириш бўйича ўз маслаҳатларини бериб, соҳа ривожланишига яқиндан ёрдам кўрсатди ва бу борадаги саъй ҳаракатлар ҳозирги кунда ҳам давом эттириб келинмоқда.



2.1.1- расм. Жаҳон банки йиллик мажбурийятлар портфелининг ҳолати, млн. АҚШ доллари³¹

Ҳозирда Жаҳон банки қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг иккинчи фазаси доирасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга оширишни қўллаб қувватламоқда. Банкнинг кредит линиялари янги ташкил этилган фермаларга тақдим этилмоқда, ажратилган минглаб гектар ернинг ирригация ва дренаж тизимларини яхшилаш имконини бериб. Ўнлаб-юзлаб та фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш мақсадида зарур техника ва асбоб-ускуналарни олиш учун банкнинг имтиёзли кредитларга эга бўлишди.

³¹ Жаҳон банкининг 2008-2013 йиллардаги гуруҳи ҳисоботлари асосида тузилган.

Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи 2 млн.га яқин, Бухора ва Самарқанддаги 650 минг аҳоли ишочли ва хавфсиз сув таъминотига эга бўлишди. Бу эса, Орол бўйи минтақасидаги аҳоли ўртасида касалликларни тарқалиш даражасини камайтириш имконини берди. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Урганчда сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари доирасида санитар-эпидемиологик станциялар ва вилоятлардаги саломатлилик марказлари, сув қувурлари салоҳияти янада кучайди.

2.1.1-жадвал


**Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон Республикасида амалга
ошириладиган лойиҳалар³²**

Лойиҳалар / молиялаштириш манбаси	Жаҳон банки мажбуриятлари млн. АҚШ доллари
Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш, 2-фаза (Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА))	108,0
Мактаб таълимини ривожлантириш, 2-фаза (ХРА)	28,0
Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш (ХРА)	65,5
Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида чиқинди сувлари оқизиладиган қувурлар тизимини ва тозалаш иншоотларини реконструкциялаш (ХРА)	55,0
Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш (ХРА)	125,0
Сирдарё вилоятида сув таъминотини яхшилаш (ХРА)	88,0
Толимаржон ИЭСда 500 кВ очик тақсимловчи қурилма билан Толимаржон ИЭС – Сўғдиёна кичик станцияси (ниместанцияси) (узунлиги 218 км) 500 кВ кучланишли магистрал электр тармоқларни қуриш (ХТТБ)	110,0
Соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш	186,0

³² Жаҳон банки гуруҳи ҳисоботлари асосида тузилган.

(Саломатлик-3) (ХРА)		
Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини жорий қилиш (ХТТБ)		180,0
Олот ва Қоракўл туманларида сув таъминотини яхшилаш (ХРА)		82,0
Грант маблағлари орқали молиялаштирилаётган лойиҳалар		
Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш (ГЭФ (Жаҳон банкининг Глобал экология фонди лойиҳаси))		12,7
Жами мажбуриятлар		1040,2

Бюджет ҳисоботининг тўлиқлиги ва давомийлигини банк тавсияларига кўра такомиллаштирилиши давлат ресурсларидан фойдаланишда ички инфляцион охириш имконини берди. Шунингдек, 2011 йилда Ўзбекистон газначилик тизимида молияни бошқаришнинг давлат ахборот тизими (МБДАТ)-2001 га асосланган бюджет таснифи қабул қилинди.



2.1.2-расм. 2014 март ойи ҳолатида Ўзбекистонга Жаҳон банки гуруҳи томонидан лойиҳалар бўйича ажратилган маблағларнинг тармоқ таркиби (жамига нисбатан фондда)³³

Мамлакатимизда охириги ўн йил давомида жаҳон банк томонидан тақдим этилган лизинг хизматлари портфелини ортиб боришини кузатилиши ва илғор халқаро тажрибаларга мос равишда уй жой қурилишини молиялаштириш ва лизинг хизматлари ривожланмоқда.

Эслатиб ўтиш лозимки, Жаҳон банки гуруҳи ва Ўзбекистон ўртасидаги 2012-2015 йилларга мўлжалланган 2011 йил декабрда тасдиқланган ҳамкорлик стратегияси ва Жаҳон банки гуруҳининг Ўзбекистонга кўмаклашиш дастурлари мужассамлаштирилган эди. Янги ҳамкорлик стратегияси эса 2050 йилгача мамлакатда ўрта даромадли аҳоли қатлами даражасини оширишга мўлжалланган концептуал ривожланиш йўналишларини камраб олди.

Шунинг учун ҳам, мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш ҳукумат билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланди. Айни вақтда Давлатнинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясининг асосий элементларидан бўлган ижтимоий интеграция, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, диверсификацияси, инфратузилма самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чоратadbирларни банк билан ҳамкорлик мамлакатимизнинг стратегиясида камраб олинган ҳолда кўллаб-қувватланди.

Таҳлил этилаётган давр ичида республикаимиз билан жаҳон банкининг янги ҳамкорлик стратегияси бўйича молиялаштириладиган лойиҳалар 1,35 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ҳолда, қарийб 15 та янги лойиҳани ўз ичига олди.

Техник ёрдам (ТЁ) ўз ичига маслаҳатлар, халқаро тажриба ва экспертизани олади. Таҳлилий ва маслаҳат фаолияти Ўзбекистон ҳукумати ва соҳага қизиқувчи кўплаб томонлар билан ҳамкорликда амалга оширилади

³³ Жаҳон банки гуруҳи ҳисоботлари асосида тузилган.

Дастлабки ҳолатларни таҳлил қилиш ОТБни мақсадларини ойдинлаштириш, уни фаолият йўналишини аниқлаш ва баҳолаш мумкин бўлади. Шунинг учун, қуйидагиларни билиш муҳим бўлиб ҳисобланади, яъни у қачон ташкил этилди, аъзоликка қабул қилиш тартиби ва ҳ.к. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, 1993 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ОТБга аъзо бўлиб кириш учун расмий ариза берилган эди. Унга кўра 1993 йил 6 августда ОТБ бошқарув кенгаши ЎЗРни банкка аъзоликка қабул қилиш ҳақида резолюция (266) қабул қилди.

1995 йил 29 июнга келиб ЎЗР Президентининг «Ўзбекистоннинг Осиё Тараққиёт Банки»га аъзо бўлиб кириши тўғрисида»ги Фармони (ПФ №1199) эълон қилинди.

Республикамиз жаҳонда йирик молиявий ташкилотларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банкига 1995 йилда минтақада ўн бешинчи, аъзо мамлакатлар ичида йигирма иккинчи йирик акциядор сифатида аъзо бўлиб кирди. ОТБ акциядор капиталига аъзолик бадалларини тўлаш жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси учун 23834 акция ажратилган. Шулардан 1431 акция тўловли (битта акциянинг қиймати — 12063,5 АҚШ доллариға тенг) бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ОТБнинг 23 834 та акциясига (0,67%) ва 37 066 та овозга (0,84%) эга. 1997 йилдан буён Тошкентда ОТБ ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ОТБнинг минтақавий аъзолари орасида 15–йирик акционер ва 14 – йирик кредитор ҳисобланади.

Ўзбекистонда ОТБ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар 4 та муҳим соҳаларга йўналтирилган. Булар:

- қишлоқ хўжалиги;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- транспорт ва божхона транзити соҳаларида минтақавий ҳамкорлик;

– болаликни химоя қилиш ва бошланғич таълимни эгаллашга қаратилган ижтимоий хизматларни такомиллаштириш.

2.1.2-жадвал

ОТБнинг Ўзбекистон лойиҳалари учун 1996-2013 йилларда ажратган кредитларининг тармоқ таркиби³⁴

Тармоқлар таркиби	Лойиҳалар сони	Кредитлар ҳажми, млн. долл.	Жамига нисбатан фонда
Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	10	565,4	13,9
Таълим	8	290,5	7,2
Энергетика	7	780	19,2
Молия	3	120	3,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий химоя	1	40	1,0
Саноат ва савдо	2	175	4,3
Давлат секторини бошқариш	1	20,7	0,5
Транспорт ва алоқа	10	1 170,30	28,8
Сув таъминоти, бошқа коммунал хизматлар ва маҳаллий инфратузилма	9	498	12,3
Кўп секторли қарзлар	2	400	9,9
Жами	53	4059,9	100,0
Жами ўзлаштирилган маблағлар	1 550,8 млн. АҚШ доллари		

³⁴<http://www.adh.org/publications/uzbekistan-fact-sheet/ref-countries/uzbekistan/publications>

Охирги 15 йил давомида (жадвал 2.1.2га қаралсин) ОТБ томонидан Ўзбекистонга 53 йўналиш бўйича жами қиймати 4,0 млрд. АҚШ доллари бўлган лойиҳалар тасдикланиб, 1, млрд. АҚШ доллари кредит ажратилган, жумладан, умумий қиймати 225 млн. АҚШ доллари бўлган иккита тўғридан-тўғри кредитлар хусусий секторни ривожлантиришга ҳамда 54,9 млн. АҚШ доллари техник ёрдам сифатида грант кўринишида жалб этилган. ОТБ қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, кишлоқларда сув таъминоти тизимини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 691 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган эди.

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш мақсадида республикамызда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Осиё Тараққиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2007 йил 1 ноябр, ПҚ-721-сонли Қарори шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Давлат бюджети газна ижросининг ягона интеграциялашган ахборот тизимини яратиш мақсадида, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 20,7 млн. АҚШ доллари миқдорида тўрт йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда узиш муддати 25 йил бўлган қарз, шунингдек 0,6 млн. АҚШ доллари миқдорида техник ёрдам кўрсатиш гранти берилишини маъқуллади. Мазкур Лойиҳани амалга ошириш даври олти йил деб белгиланди (2007 — 2013 йиллар).

Шу даврда лойиҳани амалга оширишга Ўзбекистон Республикасининг қўшадиган улуши эквиваленти 14,1 млн. АҚШ долларини, шу жумладан солиқлар, божхона тўловлари ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига

мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзида 3,9 млн. долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасидаги Қарз битимига асосан бизнинг мамлакатимизга ОТБ қарзи берилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда Лойихани амалга оширишга жавобгар ижро этувчи орган ҳисобланади.

Энг муҳим ҳолатлардан бири бўлиб, республикамиз асосий қарзни коплаш, қарз бўйича фоизлар ва комиссиялар тўлаш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилишига имконият яратиб берилди.

2.1.3-жадвал

«Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш» лойиҳасининг
техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари асосий техник-иқтисодий
кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Жами	жумладан:		
				Ўзбекистон Республикаси қўйилмаси	ОТБ қарзи	ОТБ гранти
	Лойиҳанинг умумий қиймати	Минг АҚШ долл.	35442,9	14 142,9	20700,0	600,0
	жумладан:					
1.	Эркин алмашинувчи валютада	Минг АҚШ				

		долл.				
)	Дастурий таъминот ва жихозлар		18837,9		18837,9	
)	Кутилмаган харажатлар		1 278,9		1 278,9	
)	Бошқа харажатлар (маслахат хизматлари, ўқитиш ва лойиҳани бошқариш)		1 183,2		583,2	600,0
.2.	Миллий валютада					
)	Дастурий таъминот ва жихозлар*	Минг АҚШ долл. экв.	3 873,6	3 873,6		
)	Курилиш-монтаж ишлари		10 000,0	10 000,0		
)	Бошқа харажатлар (маслахат хизматлари, ўқитиш ва лойиҳани бошқариш)**		269,3	269,3		
.	Мўлжалланган бандлик миқдори	2353 киши				
.	Инвестицион даврнинг давомийлиги	48 ой				
.	Ташкил этиладиган асосий фондлар киймати	24 761,8 Минг АҚШ долл. экв.				
.	Қарзни қайтариш муддати	25 йил				

* Ўзбекистон Республикасининг кўйилмаси етказиб берувчиларнинг солиқ ва божхона тўловларидан озод этиш шаклида амалга оширилади.

** Шундан Ўзбекистон Республикаси кўйилмаси 120 Минг АҚШ долл. Эквиваленти қиймати пулсиз шаклда (семинарлар, маслаҳат ва маъмурий офислар учун бинолар ажратиш ҳамда қутилмаган харажатлар)

ОТБ қарзини узиш жадвали қуйидаги тартибга мувофиқ тасдиқланган эди.

Қарз миқдори	20,7 млн. АҚШ долл.
Қайтариш муддати	25 йил
Имтнўзли давр	4 йил
Фоииз ставкаси	ЛИБОР плус 0,6% йиллик**
Мажбурият бўйича комиссия	

«Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш» лойиҳасини самарали амалга ошириш ишларининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган.

Лойиҳа доирасидаги инвестиция даври мобайнида бевосита етказиб берувчилардан ва пудратчилардан сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишга қўшадиган улуши сифатида солиқлардан, давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан ва божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг талабномаларига кўра, Лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларнинг кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминланган.

2011-2015 йилларда ОТБ ва Ўзбекистон ўртасида инфратузилма, транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури

доирасида Мароқанд – Қарши участкасида темир йўллари электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши лойиҳаси, Андижон шаҳрида сув таъминоти ва санитария хизматларини яхшилаш лойиҳаси, Жиззах вилоятининг Зафаробод ва Арнасой туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси, электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлашган тизимини жорий этиш лойиҳаси бўйича битимлар имзоланган.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон – ОТБ ҳамкорлиги 14,5 миллиард АҚШ доллариға тенг 40 лойиҳани ўз ичига олди. Бу лойиҳалар учун ОТБнинг умумий қиймати 4,9 миллиард доллардан зиёд ресурслари жалб қилинди. Ҳамкорликда Таллимаржон ИЭСида 900 МВт қувватга эга бўлган иккита буг-газ қурилмаси барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур, Сурғил қони негизида Устюрт газ-қимё мажмуини барпо этиш, қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури каби стратегик муҳим инвестициявий лойиҳа ва дастурлар амалга оширилди. Шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати қарори билан 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари дастурини самарали тарзда амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга кўра Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан эса “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича 10,9 мингта уйлар қурилди.

Шу билан бир қаторда ОТБ ва мамлакатимиз ҳукумати ўртасида Қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш гўғрисида Меморандум имзоланди. Мазкур Меморандумга асосан ОТБ ғомонидан қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга

оширишга маблағлар ажратилиши кўзда тутилди ва бу борада амалга оширилган ишлар диққатга молик бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда Осиё Тараққиёт Банки билан амалга оширилган дастурлар ва лойиҳалар хусусан қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ирригация, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва божхона транзити ҳамда болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва бошланғич таълимни яхшилаш каби соҳаларни қамраб олди.

ОТБ ва Ўзбекистон ўртасида истиқболда 2 та стратегик иқтисодий бизнес ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

1. 2012-2014 йилларда амалга ошириладиган бизнес лойиҳаларнинг дастури (2012 йил ноябрь)

2. 2012-2016 йилларга мўлжалланган ОТБ ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик стратегияси (2012 йил август)

Ушбу ҳамкорлик стратегияларида мамлакат иқтисодиёти ва инфратузилманинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг инвестицион салоҳиятини ошириш, хорижий давлатлар билан транспорт ва савло алоқаларини кучайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ҳисобига кўмирдан фойдаланишни камайтириш ва экологик муҳитни яхшилаш, мамлакатда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш, жинсий тенгликни таъминлаган ҳолда хусусий молиявий секторни ривожлантириш ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон 2003 йил 3 сентябрда Ислон Тараққиёт банкига аъзо бўлиб кирган эди. Ушбу банк томонидан мамлакатимизда қатор лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилди, жумладан, минтақавий тез тиббий ёрдам марказларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш, электр энергияси узатиш тармоқларини қуриш, кичик ва хусусий бизнес учун молиялаштириш линиялари, коллежлар ва умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш, давлат молиясини бошқариш ислохотларини ўтказишга

кўмаклашмиш ва бошқалар.

2.1.4-жадвал.

**2003-2012 йилларда ИТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик
натижалари³⁵**

Ҳамкорлик йўналишлари	Ҳамкорлик лойиҳалари сони	Ислом динори	АҚШ доллари
Лойиҳаларни молиялаштириш	29	574,6	883,3
Техник ёрдам	5	0,8	1,1
Савдони молиялаштириш	2	4,0	6,1
Махсус ёрдам операциялари	7	1,4	1,9
Жами грантлар	43	580,8	892,4

Қайд этиш лозимки ушбу банк томонидан ўтган 2003 - 2012 йиллар мобайнида умумий қиймати 883,3 млн. долларга тенг 29 та лойиҳани молиялаштирилди, 1,1 млн. АҚШ долларига тенг 5 та техник ёрдам кўрсатилди, 6,1 млн АҚШ долларига тенг 2 та савдони молиялаштириш лойиҳасига катнашган, 1,9 млн. АҚШ доллари миқдорида 7 махсус ёрдам операцияларини амалга оширди. Умуман олганда, банк томонидан умумий қиймати 892,4 млн АҚШ долларлик 43 та молиявий хизматлар кўрсатилди (2.1.5-жадвалга қаранг).

2.1.5-жадвал

ИТБнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари³⁶

³⁵ Ислом тараққиёт банки ҳисоботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.

³⁶ Ислом тараққиёт банки ҳисоботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.

Лойиҳа номи	Лойҳани нг қиймати, млн. долл.	Лойҳанинг ҳуқуқий асоси
“Сугдиёна” 500 кв электр узатиш линияси қурилиши Сирдарё ИЭС	25,1	Ўзбекистон Республикаси Президенти­нинг 2005 йил 22 июндаги ПҚ-105-сонли Қарори
“Ғузор Сурхон” 500кв электр узатиш линияси ва «Сурхон» автотрансформаторини қуриш	42,0	Ўзбекистон Республикаси Президенти­нинг 2008 йил 22 июндаги ПҚ-901-сонли Қарори
5та касб ҳунар кол­лежларини қуриш ва жихозлар билан таъминлаш	10,5	Ўзбекистон Республикаси Президенти­нинг 2007 йил 22 ноябрдаги ПҚ-713-сонли Қарори
Умумтаълим мактабларини қуриш ва жихозлар билан таъминлаш	10,3	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги 104-сонли Қарори
Республика шошили­нч тиббий ёрдам маркази ва у­нинг ҳудудий филиалларини тиббий ас­боб-ускуналар билан таъминлаш	23,8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 майдаги 120-сонли Қарори
Асфальт заводини модернизациялаш, Тошкент шаҳрида йўллар қуриш ва таъмирлаш учун асбоб- ускуналар ва механизмлар сотиб олиш	12,6	Ўзбекистон Республикаси Президенти­нинг 2005 йил 17 октябрдаги ПҚ-201-сонли Қарори

ИТБ томонидан 2012 йилдагача молиялаштирилган лойиҳаларнинг 35,8% и давлат секторига, 30,9% и транспорт ва алоқа тизими­га, 12,5% и саноат

ва табиий ресурслар секторига, 11,3% и кишлок хўжалиги тармоғига, 5,8% и ижтимоий соҳага ва 3,8% и молиявий хизматларга тўғри келган.

Шу билан бирга, 2015 йилда мамлакатимиз ҳукумати қарори билан кишлок жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари дастурини самарали тарзда амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланиб, унга кўра, 2014 йил 27 октябрда Ўзбекистон ва Ислон тараққиёт банки ўртасида битим тузилган бўлиб, у “Кишлок жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасига 100 миллион доллар молиявий маблағ берилишини назарда тутди.

Ўзбекистонда 2015 йилда ИТБ маблағлари ҳисобидан 1,1 мингта намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан эса бундай уйлардан 10,9 мингтаси қурилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ислон тараққиёт банкига қисқа вақт оралиғидаги аъзолиги мобайнида, Банк билан молиявий ва техник ҳамкорлик барқарор ривожланиб, ижобий истиқболларга эга бўлди.

Ўзбекистонга банк томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб қувватлаш каби соҳаларда 15 та лойиҳани амалга ошириш учун 463,8 миллион АҚШ доллари ажратилган эди.

Ислон тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг ҳар йил ўтказиладиган ва Жидда шаҳрида бўлиб ўтган 36 йигилиши давомида Ўзбекистон Республикаси билан Ислон тараққиёт банки ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган уч йиллик Дастурни амалга оширишга доир ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Унда инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кўпайтириш ва умумий қиймати 655,5 миллион

долларни ташкил этган 11та лойиҳани амалга ошириш ҳам назарда тутилган эди.

Шуниндек, Ислон таракқиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 14 лойиҳани ўз ичига олган ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш (сув таъминоти, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқ.), энергетика, кичик бизнесни ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги каби соҳаларни молиялаштириш кўзда тутилган бўлиб унинг умумий қиймати 418,15 млн.АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозирда Ислон таракқиёт банки Ўзбекистон ҳамкорлик қилаётган халқаро молия институтлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Ислон таракқиёт банкига қисқа вақт оралиғидаги аъзолиги мобайнида, Банк билан молиявий ва техник ҳамкорлик барқарор ривожланиб, ижобий истикболларга эга бўлди.

Ўзбекистон 1992 йилдан Европа Тикланиш ва Таракқиёт банки аъзоси ҳисобланади. ЕТТБ Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи энг йирик инвесторлардан бири ҳисобланади.

ЕТТБ Ўзбекистонда ўз фаолияти еттига йўналишини белгилади. Булар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришга қаратилади:

- молия сектори ва банк инфратузилмаси;
- кичик ва ўрта корхоналар;
- бозор инфратузилмаси;
- энергетика мажмуаси;
- пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари;
- сайёҳлик инфратузилмаси;
- табиий ресурсларни ўзлаштириш.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки мамлакатимизда қатор истикболли лойиҳаларни амалга оширишда ўзининг маблағларини ажратиш билан фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, мамлакатимиздаги бир қатор инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳам мазкур ташкилотларнинг ўрни муҳимдир.

2.2. Мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия институтларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолати таҳлили

Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ташки иқтисодий фаолиятни кенгайтириб, бир қанча халқаро молиявий ташкилотлар (ХМТ) билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга эришди. Эришилган натижаларнинг муҳим омилларидан бири ташки иқтисодий фаолиятни (ТИФ) эркинлаштириш, кенгайтириш учун ҳукукий асосларини яратиб берилиши бўлиб ҳисобланади. Қонун ҳужжатларни шакллантириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва амалиётда қўллаш имкониятлари яратилди.

2.2.1-жадвал

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари, минг АҚШ доллариди³⁷

/р	Худудлар номи	2013 йил давомида ажратилган	2014 йил давомида ажратилган
----	---------------	------------------------------------	------------------------------------

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

		кредитлар	кредитлар
	ТИФ Миллий банки	23 890	45 000
	Асакабанк	12 833	18 000
	Агробанк	5 565	2 900
	Ўзсаноатқурилишбанк	14 200	18 000
	Микрокредитбанк	2 876	6 000
	Ҳамкорбанк	52 506	15 000
	Ипак Йули банк	28 949	20 000
	Бошқа банклар	4 617	35 100
	Жами	145 436	160 000

Йилдан йилга тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линияларидан ажратилган кредитлар миқдори ортиб борди. Хусусан, 2014 йилда ажратилган кредитлар 160 млн. АҚШ долларини ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, бу 2013 йилга нисбатан 10%га кўпдир (2.2.1-жадвалга қarang). Бунда асосий салмокни ТИФ Миллий банки, Ипак Йули банк, Асакабанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Ҳамкорбанк эгалламоқда.

Тижорат банклари томонидан 2014 йилда ўзлаштирилган хорижий кредит линиялари 266,8 млн.АҚШ долларни ташкил этса, шундан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 160,0 млн. АҚШ доллар, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни молиялаштириш учун 106,8 млн.АҚШ доллар миқдорида маблағлар ажратилган.

Хорижий кредит линиялар. ТИФ Миллий банк томонидан жорий йилда фақатгина Хитой тараққиёт банкининг 4-кредит линияси ҳисобидан кичик

бизнес субъектларига 35,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу хорижий кредит линиясидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шартлар асосида ажратилади:

- ўзгарувчан фоиз ставкаси - ярим йиллик LIBOR + йиллик 3,8% (ХТДБ маржаси) + Ўзмиллийбанк маржаси;
- кредитнинг суммаси - 100 минг АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаган миқдорда;
- кредитнинг максимал муддати - 7 йилгача.

Халқаро тараққиёт уюшмаси натижидаги «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси кредит линияси.

Ушбу хорижий кредит линияси саноат корхоналари соҳасида мавжуд ускуна ва механизмларни алмаштириш ёки модернизация қилиш орқали энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун қуйидаги шартлар асосида Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк ва Ҳамкор банк томонидан ажратилади:

- фоиз ставкаси – йиллик LIBOR (6 ой) + йиллик 5 % + банк маржаси (LIBOR - Лондон банклараро пул бозоридаги ўртача фоиз ставкаси);
- кредитнинг суммаси – 3 млн. АҚШ долларигача;
- кредитнинг максимал муддати - лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплашидан келиб чиққан ҳолда, лекин 10 йилдан узоқ бўлмаган муддатга.

Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси линияси. Ушбу хорижий кредит линиясидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шартлар асосида ажратилади:

- фоиз ставкаси - хорижий банк маржаси + “Асака” банк маржаси;
- кредитнинг суммаси - Минимал сумма – 100 000,0 АҚШ доллари, максимал сумма – 2 000 000,0 АҚШ доллари;

— кредитнинг максимал муддати - 6 йил, лекин кредит муддати ХСРИК билан тузилган молиялаштириш линияси келишуви муддатидан кўп бўлмаслиги лозим.

Республикамиз Осиё тараққиёт банки(ОТБ) билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ўзаро кенг ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Агарда 1993 май ойида Ўзбекистон Республикаси томонидан ОТБга аъзо бўлиб кириш учун расмий ариза берилган бўлса, унда Ўзбекистон 1995 йил 31 августидан унинг тўлиқ аъзоси бўлди. ОТБ йирик минтақавий ҳукуматлараро кредит ташкилоти бўлиб, унга аъзо бўлган барча мамлакатлар (266 та) ривожланиш дастурларини молиялашга ўз фаолиятини қаратишга мувааффақ бўлди. ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мазкур молия институтларининг кредит ресурсларини кенг жалб этиш, кредит беришнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш, тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий маблағлар олишини янада кенгайтиришга катта эътибор қаратилди.

Шу билан бир каторда маҳаллий хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик ишлаб чиқаришларни, хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, республика аҳолисининг иш билан банд бўлмаган қисми учун касаначилик меҳнати ташкил этишга кредит бериш бўйича ҳам «Япония - Ўзбекистон» дастурининг устувор йўналишлари белгилаб олишди.

Улар ўртасида турли йўналишларда олиб борилган амалий ишларнинг ижобий самарасини инобатга олган ҳолда, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, кичик бизнес субъектларига кредит ва молия хизмати кўрсатишни кенгайтириш, микромолиялаштиришни ривожлантиришни янада рағбатлантириш йўлга қўйилди. ОТБ Директорлар кенгаши томонидан «Кичик

ва микроолиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун беш йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга 20 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз берилиши ва кредит уюшмалари фаолияти устидан назорат тизимини институционал мустаҳкамлаш бўйича техник кўмаклашиш мақсадида 400 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиши эътироф этилди. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 200 йил 11 августдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микроолиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 348-сонли Қарорини қабул қилиниши натижасида қарз маблағларини ўзлаштиришнинг асосий жиҳатлари ва бошқа чора-тадбирлари кўзда тутилган ҳолда ишлар йўлга қўйилди.

2010 йилнинг 21 апрелида ОТБ Директорлар кенгаши лойиҳанинг самарали амалга оширилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасига «Кичик ва микроолиялаштиришни ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини амалга ошириш учун қайтариш муддати 20 йил, шу жумладан имтиёзли даври 5 йил бўлган 50 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз бериш, шунингдек, лойиҳа ва иштирок этаётган тижорат банклари, микроолиялаштириш ташкилотлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг салоҳиятини оширишга техникавий кўмаклашиш мақсадида 600 минг АҚШ доллари миқдорида грант беришни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 июлда қабул қилинган «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микроолиялаштиришни ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 152-сонли Қарорида лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи тижорат банклари бир қарз олувчига 20 минг АҚШ доллари миқдорида ёки Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги эквивалентда кредитлар бериши, шунингдек, микрокредит ташкилотлари томонидан бериладиган микрокредитлар ва микроқарзлар 1 минг АҚШ долларидадан ортиқ бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур Қарорга мувофиқ Агробанк, Ипак йўли банки ва Ҳамкорбанк томонидан ОТБнинг кредит линияси ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилиб келинмоқда³⁸.

2012 йилда ОТБ нинг ушбу кредит линияси ҳисобидан 6,2млн. АҚШ доллари миқдорида микрокредит ажратилган бўлса, 2013 йил давомида 18 млн. АҚШ доллари миқдорида микрокредитлар ажратилиши эътироф этилди. 2013 йилда эса амалга оширилган самарали ишлар натижасида 12,4 млн. АҚШ доллари миқдорида микрокредитлар ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Хитой тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки, Корея Эксимбанки, Ҳиндистон Эксимбанки, Америка, Италия, Испания каби бир қатор ривожланган давлатларнинг банклари ва халқаро молия институтларининг узок муддатли имтиёзли кредит ресурслари жалб этиб келинди³⁹.

Умуман кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун мамлакатимизни халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик доираси кенгайиб бормоқда. Бундай ҳамкорликни асосан қайси банклар ўртасида ўрнатилганлиги 2.2.1-расмда келтирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун 2014 йилда халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари, грантлари ҳисобидан 157,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва белгиланган прогноз кўрсаткичи 121,4 фоиз этиб бажарилди.

³⁸ Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.:Ўзбекистон, НМНУ, 2011 й. -263-267 бетлар.

³⁹ Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.:Ўзбекистон, НМНУ, 2011 й. -263-267 бетлар.



2.2.1-расм. Кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасини халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик⁴⁰

Хар томонлама Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда халқаро молия институтларининг кредит линияларини кенгрок жалб этиш, мазкур институтлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида амалий ишлар олиб бориш талаб этилади. Уларни Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун яратилган қулай ҳуқуқий ва иқтисодий муҳитдан хабардор қилиш мақсадида халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида конференциялар, форумлар ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимиздаги 27 та тижорат банкнинг қарийб барчасида халқаро кредитларни ажратиш амалиёти мавжуд бўлсада, уларла бундай амалиёт қандай даражада йўлга қўйилганлигини таҳлил қилиш муҳимдир.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам халқаро кредитлар билан операциялар амалга оширилади. Бу турдаги кредитларнинг асосий шартлари билан қуйидаги жадвал маълумотлари орқали танишиш имконияти мавжуд.

⁴⁰ Илмий адабиётларни, тижорат банкларининг ҳисоботларини ўрганиш асосида тайёрланди.

2.2.2-жадвал

**ТИФ Миллий банки, Асака банк, Агробанклар томонидан
2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг
лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилган
хорижий кредит линиялари⁴¹**

Тижорат банкларн номи	Хорижий кредит линиялари номи	2014 йил давомида ўзлаштирилган кредит линиялари миқдори (минг АҚШ долл.)	Хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича асосий шартлар
ТИФ Миллий банки	Хитой тараққиёт банки 4-кредит линияси	35000	Фоиз ставкаси Ўзгарувчан фоиз ставкаси – ярим йиллик LIBOR +йиллик 3,8% (ХТДБ маржаси) + Ўзмиллийбанк маржаси Кредит миқдори 100000 АҚШ долл. Миқдоридан кам бўлмаган миқдорда Кредитнинг максимал муддати 7 йилгача
	Корея экспорт- импорт банки	10000	Фоиз ставкаси CIRR ёки LIBOR + ҳар бир

⁴¹ Тижорат банкларн маълумотлари асосида тайёрланди.

			лойиха бўйича алоҳида аниқланадиган Корея Эксимбанки маржаси + Ўзмиллийбанк маржаси, ҳар бир лойиха бўйича алоҳида аниқланади Кредит миқдори 100000 АҚШ долл. Миқдоридан кам бўлмаган миқдорда Кредитнинг максимал муддати Кредит мақсадига қараб 2 йилдан 7 йилгача
Асака банк	Хусусий секторни ривожлантириш Ислон корпорацияси	13000	Фонд ставкаси Хорижий банк маржаси + “Асака банк” маржаси=11-12% Кредит миқдори Минимал сумма – 100000 АҚШ долл. Максимал сумма – 2000000 АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати 6 йил, лекин кредит муддати ХСРИК билан тузилган молиялаштириш линияси келишуви муддатидан кўп

			бўлмаслиги лозим
Агро банк	Туркиянинг Зираат банки	2900	Фоиз ставкаси (6,5% маржа + 6 ойлик ЛИБОР)*5%+2% Кредитнинг миқдори Максимал суммаси 5000000 АҚШ доллари Кредитнинг максимал муддати 5 йил

Бугунги кунга келиб бутун дунё иқтисодиётида бир қатор глобал иқтисодий жараёнлар юзага келганлиги учун жаҳон миқёсида тижорат банкларида кичик бизнесни ривожлантириш учун тақдим этилган хорижий кредит йўналишларининг асосий мезонлари кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби унга қўйилаётган умумий талабаларни киритиш мумкин бўлиб, ҳисобланади. Умумий талабларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Қарз олувчи - хусусий кичик корхона (ёки назорат иштироки хусусий шубҳага тегишли бўлган аралаш сармояли корхона) ёхуд давлат томонидан назорат қилинадиган, лекин хусусий мулкчилик шаклига ва хусусий назоратга ўтишнинг банк учун мақбул бўлган аниқ режасини амалга ошираётган давлат корхонаси бўлиши керак;

- Кредитнинг энг катта суммаси - контракт қийматининг 85%дан ошмаслиги керак;

- Қарз олувчининг ўз маблағлари (ўз саромяси) - лойиҳа дастлабки қийматининг камида 25%. Қарз олувчи таъминот сифатида лойиҳани амалга оширишда зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва усуналарни, шунингдек ишлаб чиқариш бошланишидан олдинги даврда молиявий

харажатларни қоплаш ҳамда айланма сармояни шакллантириш учун керакли бошқа воситалар кўринишидаги ўз сармоясини тақдим этиши мумкин;

- Гаров таъминоти - Кредит суммасининг 120%. Ҳукумат, биринчи даражали анклар, учинчи шахсларнинг кафолати, сугурта васикалари, асосий воситалар - бинолар, иншоотлар (баҳоланган қийматининг 70%гача), ускуналар (баҳоланган қийматининг 60%гача)

Ўзмишлийбанк бошқарув учун воситачилик ҳақи - кредит суммасидан 0,15% тўлов кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича:

- Тўловлар даврийлиги - Ҳар 6 ойда.

Хитой Давлат тараққиёт банкининг кредит йўналиши кўшимча талаблар:

- Кредитлардан мақсадли фойдаланиш - Хитойдан товар ва хизматларни сотиб олиш (Хитойда ишлаб чиқарилган товарлар улуши камида 50%);

- Хорижий банкнинг кредит бошқаруви учун воситачилик ҳақи - қарз келишувига асосан;

Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши бўйича кўшимча талаблар:

- Кредитлардан мақсадли фойдаланиш - Корейдан товар ва хизматлар сотиб олиш;

- Хорижий банкнинг кредит бошқаруви учун воситачилик ҳақи - ҳар бир маъқулланган, индивидуал узок муддатли кредит учун 0,20% йиллик (бир марталик)

- Хорижий банкнинг мажбурият учун воситачилик ҳақи - кредит суммасининг фойдаланилмаган ва бекор қилинмаган қисмига 0,5% йиллик.

Асака банк ҳозирги кунда саноат соҳаларида амалга оширилаётган бир қатор сармоя лойиҳалари қуйидаги халқаро кредит йўналишлари бўйича молиялаштирилиш кўзда тутилган:

– Халқаро Молия Корпорацияси – ХМК;

- Осиё Ривожланиш Банки – ОРБ;
- Ислон Ривожланиш Банки – ИРБ;
- “Commerzbank AG”;
- “Landes Bank Berlin AG”нинг 2 кредит йўналиши;
- “Dresdner Bank” (Германия);
- “Hypoovereyns bank” (Германия);
- “Banco Santander Setral Hispano”нинг 2 кредит йўналиши (Испания);
- “Societe Generale” (Испания ваколатхонаси);
- “Instituto de Kredito Oficial” (Испания);
- “Rayfayzen bank” (Чехия);
- Миллий экспорт кредит агентликлари билан ҳамкорлик.

Диққатни “Ўзсаноатқурилишбанк”га қаратадиган бўлсак, унда ушбу боис ҳам кредит линиялари орқали кредитлар ажратади.

Халқаро ривожлантириш уюшмасининг кредит линияси орқали молиялаштириш шартлар эътиборга олинади. Ушбу кредит линиялари:

- кишлок хўжалик корхоналарни молиялаштиришга йўналтирилган бўлиши;

2.2.3-жадвал

Микрокредитбанк, Саноатқурилишбанк, Халқ банки, Ҳамкорбанк
томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилган
хорижий кредит линиялари⁴²

Тижорат банклари номи	Хорижий кредит линиялари номи	2014 йил давомида ўзлаштирилган кредит линиялари миқдори (минг АҚШ долл.)	Хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича асосий шартлар
Микрокредит банк	Хусусий секторни ривожлантириш Ислон корпорацияси	6000	Фоиз ставкаси АҚШ долларида 8%+(5 йиллик своп) + банк маржаси Кредит миқдори Минимал сумма – 200000 АҚШ долл. Максимал сумма – 2500000 АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати Молиялаш линияси муддатидан

⁴² Тижорат банклари маълумотлари асосида тайёрланди.

			ошмаган муддатга 60 ой (5 йил)
Саноатқурилишбанк	Коммерцбанк	6000	Фоиз ставкаси Фоиз ставкаси йиллик ЕВРИБОР + чет эл банкининг маржаси (1,95%) + банк маржаси Кредит миқдори Молиялаштириш суммаси – 500 минг Евродан юкори Кредитнинг максимал муддати 5 йилгача
Халқ банки	Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси	15000	Фоиз ставкаси ИХСРК устамаси (9%дан 12%гача) + Халқ банки маржаси (4%дан кам бўлмаган) Кредитнинг миқдори Минимал суммаси – 500000 АҚШ доллари Максимал суммаси

			– 3500000 АҚШ доллари Кредитнинг максимал муддати 5 йилгача
Ҳамкорбанк	Осиё тараққиёт банки	5000	Фоиз ставкаси *Миллий валютада йиллик 18% ва ундан юқори; * Хорижий валютада ажратилиб, хорижий валютада қайтарилганда – ЛИБОР + 10 фоиз ва ундан юқори; * Хорижий валютада ажратилиб, миллий валютада қайтарилганда – ЛИБОР + 22 фоиз ва ундан юқори (15 феврал ва 15 август кунги олти ойлик ЛИБОР фондларида белгиланади)

– бенефициарлар Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида жойлашган бўлишлари ҳамда молиялаштириладиган лойиҳа юқорида келтирилган вилоятларнинг маъмурий марказларидан ташқарида амалга оширилишни таъкидлаш шартлиги ва ҳ.к.

ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк ҳам ҳозирги кунда халқаро молия ташкилотлари билан бир катор лойиҳаларни амалга ошириб, уларни хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириб келмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам халқаро кредитлар тақдим этиб келинмоқда.

Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки(ХТТБ)нинг «Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида банк миждозлари томонидан тақдим этилган умумий қиймати 3,7 млн. АҚШ долларини эквивалентига тенг миллий валютадаги лойиҳалар молиялаштирилди

2.2.4-жадвал

ОАТБ “Агро банк” томонидан қишлоқ хўжалигини чет эл кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш⁴³

Бизнес- Режага бўлган талаблар	1.Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили 2.Кўрсатилиши режалаштирилган фаолиятнинг маркетинг таҳлили 3.Кредитга бўлган ехтиёж ҳисоб-китоби ва кредитланаётган лойиҳа самарадорлигининг таҳлили 4.Ўтган ва кредитдан фойдаланиш давлари давомндаги пул оқимлари кирими ва чиқими ҳисоб-китоби 5.Кредитдан фойдаланиш давридаги тўланиши режалаштирилган кредит фонзлари ва асосий қарздорликнинг қайтарилиши ҳисоб-китоби
--	--

⁴³ОАТБ “Агробанк” маълумотлари

	6.Кредит ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган маҳсулотлар ёки кўрсатиши режалаштирилган хизматлар ҳисоб-китоби 7.Корхонанинг ўз улуши билан қатнашаётган 20%лик маблағлари бўйича маълумот	
Гаров таъминотига бўлган талаблар	Сўралаётган кредит маблағининг 120 фоиз миқдорида	
Гаров таъминоти тури	1.Ликвидли мол-мулк 2.Учинчи шахс кафиллиги 3.Бошқа банк ёки молия ташкилотларининг гаров хати 4.Суғурта компаниясининг кафолат хати	
Кредит фонзи	Хорижий валютада ажратилган кредитларга йиллик “Либор+5%” (Либор ҳар 6 ойда ўзгаради, ҳозирги вақтда Либор кўрсаткичи йиллик 0.48% дан 0,96% гача) Миллий валютадаги кредитларга йиллик қайта молиялаш ставкаси-3+маржа банка миқдорда	
Берилиши мўлжалланган кредит маблағи	Минимал миқдор	Чекланмаган, мижоз бизнес режасида кўрсатилган сумма миқдорда
	Максимал	Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

	миқдори	кредит линия маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит миқдори 300 минг АҚШ долларигача ва Марказий банк курсининг шу кундаги сўм эквиваленти миқдорида ҳамда сўралган маблағнинг 80% миқдорида. Осиё тараққиёт банки (“Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш”) маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит миқдори 3 млн. АҚШ долларигача ҳамда сўралган маблағнинг 80% миқдорида
--	---------	---

Таъкидлаш лозимки, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк асосий фаолияти қишлоқ жойларини ободонлаштириш, у ерларда намунали уй-жой комплексларини қуришдан иборат. Мазкур йўналишда ҳам банк халқаро молия таъкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини янада фаровон қилиш мақсадида олиб борилаётган ишларни молиялаштириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида чет эл банклари кредит линияларини жалб қилиш борасида ҳам тегишли фаолият олиб борилмоқда..

Бу борада, ўтган вақт ичида (2012-2015 йилларда) намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуришни молиялаштириш мақсаллари учун Осиё Тараққиёт банкидан 500,0 млн. АҚШ доллари миқдорида узок муддатли кредит линиясини жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Осиё Тараққиёт Банки ўртасида меморандум имзоланган эди. Ушбу меморандумга мувофиқ, мазкур кредит линиянинг 2012 йилда жалб қилинадиган миқдори 200,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мазкур йўналишда хорижий кредит линияларини жалб этилиши мамлакатда амалга оширилаётган барқарор ижтимоий-иқтисодиётнинг муҳим

кўрсаткичи эканлигини тасдиқлаш билан бирга, ушбу каби лойиҳа Осиё Тараққиёт банки тарихида ҳам биринчи марта эканлиги билан ҳам янада эътиборли ҳисобланмоқда.

2.2.5-жадвал

ТИФ миллий банкида кичик бизнесни ривожлантириш учун тақдим этилган хорижий кредит йўналишларининг асосий мезонлари⁴⁴

	Хитой Давлат тараққиёт банкининг кредит йўналиши	Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	Хитойдан товар ва хизматларни сотиб олиш (Хитойда ишлаб чиқарилган товарлар улуши камида 50%)	Кореядан товар ва хизматлар сотиб олиш
Қарз олувчи	Хусусий кичик корхона (ёки назорат иштироки хусусий шўъбага тегишли бўлган аралаш сармояли корхона) ёхуд давлат томонидан назорат қилинадиган, лекин хусусий мулкчилик шаклига ва хусусий назоратга ўтишнинг банк учун мақбул бўлган аниқ режасини амалга ошираётган давлат корхонаси	
Кредитлаш даври	7 йил, жумладан 1,5 йиллик имтиёзли давр	Кредитлашнинг энг кам муддати - 2 йил; энг катта муддати - 7 йил
Кредитнинг энг катта суммаси	Контракт қийматининг 85%дан ошмаслиги керак	
Кредитнинг энг кам суммаси	100 минг АҚШ доллари	—

⁴⁴ТИФ Миллий банк маълумотлари

Қарз олувчининг ўз маблағлари (ўз саромяси)	Лойиҳа дастлабки қийматининг камида 25%. Қарз олувчи таъминот сифатида лойиҳани амалга оширишда зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва усуналарни, шунингдек ишлаб чиқариш бошланишидан олдинги даврда молиявий харажатларни қоплаш ҳамда айланма сармомани шакллантириш учун керакли бошқа воситалар кўринишидаги ўз сармомасини тақдим этиши мумкин.	
Гаров таъминоти	Кредит суммасининг 120%. Хукумат, биринчи даражали анклар, учинчи шахсларнинг кафолати, сугурта васиқалари, асосий воситалар - бинолар, иншоотлар (баҳоланган қийматининг 70%гача), усуналар (баҳоланган қийматининг 60%гача)	
Кредит учун фоизлар	6-ойлик ЛИБОР+-хорижий банк маржаси + Ўзмиллийбанк маржаси	СИРР ёки ЛИБОР + хорижий банк маржаси (ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида белгиланади)+Ўзмиллийбанк маржаси, бунда сугурта мукофоти тўланиши кўзда тутилади (хорижий банк томонидан белгиланади)
Хорижий банкнинг кредит бошқаруви учун воситачилик ҳақи	Қарз келишувига асосан	Ҳар бир маъқулланган, индивидуал узоқ мудатли кредит учун 0,20% йиллик (бир марталик)
Хорижий банкнинг мажбурият учун воситачилик ҳақи	—	Кредит суммасининг фойдаланилмаган ва бекор қилинмаган қисмига 0,5% йиллик

Ўзмилийбанк бошқарув учун воситачилик хақи	Кредит суммасидан 0,15% тўлов кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича
Тўловлар даврийлиги	Ҳар 6 ойда

Ўзбекистон республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам халқаро кредитлар билан операциялар амалга оширилишда маълум мавқега эга. Бу турдаги кредитларнинг асосий шартлари билан - жадвалда танишиш имконияти мавжуд.

Умуман олганда, тижорат банкларимиз томонидан инвестиция лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш амалиёти шаклланган ва халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2008-2017 йилларда ЯИМ ҳам асосий асосий капиталга халқаро молия институтлари томонидан киритилган кредитлар ҳам ўсиш суръатларига эга бўлган. Бундай ижобий ҳолат мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини ҳамда амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларда хорижий инвесторлар учун қўллаб-қўллагувчи ва рағбат омиллари яратилаётганлигини кўрсатади.

Халқаро молия институтларини кредит линияларини устувор равишда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларига йўналтириш орқали уларни модернизациялаш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш муҳимдир.

3 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда мамлакатдаги инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш

3.2. Халқаро молия ташкилотлари билан молия кредит муносабат истиқболлари

3.1. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда мамлакатдаги инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш

Бугунги кунда республикани барқарор ривожлантиришнинг зарур шарти, юқори даражадаги фаол инвестиция эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Бунга эса ички ва ташқи ресурсларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш туфайли эришилади.

Чет эл сармоясини жалб этиш турли шакллارининг афзаллик ва камчиликларини ўрганиш шуни кўрсатадики, чет эл инвестициясини тўғридан-тўғри жалб этиш анча мақбул бўлади, бу инвестиция қаратилган мамлакатга инвесторнинг узоққизиқишини уйғотади ва ташқи қарзга нисбатан анча самарали бўлади.

Чет эллик инвесторлар миллий корхоналарга ўз капиталларини, технологиялар, бошқарув тажрибаларини қўйибгина қолмай балки жаҳон бозорига чиқишга йўл ҳам очадилар. Бу ўтиш даври иқтисодиётида энг янги жаҳон илмий-техника ютуқлари, технологияларининг кириб келишидаги муҳим йўналиш сифатида зарурдир. Зеро, бу миллий хўжалик юритувчи субъектларнинг товар муносабатлари ривожига мослашиш даражасини

оширади, улар ишлаб чиқариш фаолиятини жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда самаралилаштиради.

Ўзбекистон чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича кафолат ва имтиёزلарни кенгайтириши, рағбатлаштиришни кучайтириши лозим. Бунинг учун инвестиция фаолиятига қулай шароит вужудга келтириш зарур. Шундай қилиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истовчиларнинг барчаси учун янада жозибалроқ бўлсин.

Инвестиция бутун жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказди, айниқса, унинг асоси ҳисобланиши халқаро бизнесга. Амалда барча мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларни экспортчиси ёки импортчиси ҳисобланади. Агар капитал экспорт қилувчи энг йирик ўн та давлатни ажратиб лозим бўлса, бу рўйхатдан қуйидаги, жаҳон иқтисодиётида тан олинган, давлатлар ўрин эгаллаши аниқ. Булар: АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Канада, Италия.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини, шунингдек экспорт салоҳиятини ошириш, юқори технологияга асосланган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, модернизация қилиш жараёни соҳага йирик ҳажмдаги инвестицияларни жалб этишни талаб этади. Биринчи Президентимиз айтганидек, “Биз оддий бир ҳақиқатни донмо эсда тутганимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”⁴⁵. Шундай экан, миллий иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштиришга талаб қилинадиган йирик миқдордаги инвестицияларни ташкил этишда

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси (<http://www.press-service.uz/uz/>)

хорижий инвестицияларнинг ўрни каттадир. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг жалб этиш учун мамлакатдаги инвестицион муҳит, чет эллик инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда мамлакатларда яратилган инвестицион муҳитни баҳоловчи бир қатор жаҳонда кенг тарқалган методологиялар мавжуд бўлиб, уларнинг қаторида БЕРИ (Business Environmental Risk Intelligence (BERI)) индекси, Жаҳон банки ёндашуви, Россия ҳудудлари бўйича “Эксперт” ҳафтаномаси, Евровалюта (Euromoney) журнали услубиятлари, халқаро агентликлар томонидан мамлакатларга бериладиган “Суверен кредит рейтинги”, Сиёсий риск хизматлари гурухи (Political Risk Services (PRS) Group) агентлигининг “Сиёсий риск хизматлари (PRS)” ва “Мамлакатларнинг халқаро rischi бўйича қўлланма (International Country Risk Guide (ICRG))” асосидаги моделларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин”.⁴⁶

Этироф этиш жоизки, Швейцария, Германия каби мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири “0”дан “12” балгача бўлган (0 – қонқарсиз, 12 – ўта қулай) шкала бўйича баҳолабладиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга олган “BERI” кўрсаткичидан фойдаланади. Қуйидаги 1-расмда “BERI” индекси инвестиция кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 балл) муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон банки ёндашувига кўра, мамлакат инвестицион муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- Иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий –меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;
- Коррупция даражаси;
- Суд тизимининг сифати;
- Жиноятчилик даражаси;
- Солиқ юки ва солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- Молиявий ресурсларни олиш имконияти ва молиялаштиришнинг қиймати;

⁴⁶ Вахабов А, Хожибовиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар, ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010 й. – 272 б. Кривчевский М.И. Финансовые риски: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2012 – 248 с.

- Электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- Ишчилар малака даражаси ҳамда меҳнат қонунийлиги сифати⁴⁷.

2008-2015 йй. ICOR коэффициенти 3,1-3,7 оралиқда ўзгариб турган, 2015 йилда Ўзбекистонга киритилган ҳар 3,1 бирлик инвестиция қиримиға 1 бирлик ЯИМ ўсишини таъминлаган бу ижобий ҳолат деб белгиланишиға имконият яратиб берган⁴⁸.


Эътироф этиш жоизки, хорижий инвестициялар билан боғлиқ мамлакат рисқи ва суверен кредит рисқи ўртасида ўхшашликлар ва ўзига хос фарқли жиҳатларни мавжуд. Хусусан, мамлакат рисқи тушунчасида пул маблағларини трансчегаравий жойлашуви ва халқаро фаолият билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган иқтисодий операцияларни амалға оширишда юзаға келувчи молиявий хавф-хатарлар ўз аксини топади. Мазкур риск мамлакатнинг жорий ва истикболдаги молиявий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг миқдорлар ёки контрагентларнинг халқаро мажбуриятларини бажаришиға таъсир этиш даражаси орқали аниқланади. Суверен кредит рисқи эса, мамлакат рисқиға нисбатан тор тушунча бўлиб, унда молия-кредит ташкилотларининг ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган кредит ва қарз бериш, хорижий ҳамкорлар олдида молиявий мажбуриятларни бажара олиш, чет эл инвестицияларини молиялаштириш операцияларида ҳамда халқаро тўловға қобилийи бўйича юзаға келадиган молиявий хавф-хатарлар намоён бўлади.

Мамлакатнинг бир ёки бир нечта халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган, юқори баҳоланган суверен кредит рейтингига эга бўлиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларға еврооблигацияларни эмиссия қилиш имкониятини тақдим этади, натижада миллий иқтисодиётға киритилаётган инвестицияларни молиялаштириш манбалари яна биттаға кўпайиб, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши тезлашади. Шу билан бирға, хорижий инвестицияларни жалб этишда бир қатор имтиёзларни ҳам беради. Хусусан, маҳаллий

⁴⁷ Маматов Б., Атилов У., Инвестиция самарадорлиги даражасини оширишда қандай омиллар муҳим?//Бозор, пул, кредит 2017 йил 9 сон, 24-25 бетлар.

⁴⁸ Ўша ерда, 25 бет.

эмитентлар томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича даромад даражаси, яъни фоиз ставкаси молия бозорида уларнинг ликвидлилиги юқори бўлганлиги боис катта бўлмайди, шунингдек, мазкур қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича андеррайтинг хизматини кўрсатувчи инвестицион банкни топиш ҳам нисбатан осон бўлади.




3.1.1-расм. Жаҳон мамлакатлари бўйича хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳолати (млрд. АҚШ долларида, 2014-2015 йиллар прогнози)⁴⁹

Бугунги кунда, саноати ривожланган мамлакатлардан суверен кредит рейтинги бўйича инвестицион даражага эга бўлган ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти қарор топаётган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кириб келиш ҳажмининг ортиб бориши мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига мос равишда давлатимизнинг суверен кредит рейтингини олиш заруратини янада оширади (5-расмга қаранг). Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича

⁴⁹ Манба: http://unctad.org/en/publicationslibrary/wir2013_en.pdf (давлатлар иқтисодиётининг ривожланиши кесимидаги прогноз кўрсаткичлари UNCTAD маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган)

конференцияси (UNCTAD)нинг 2013 йилги жаҳондаги инвестиция жараёни тўғрисидаги ҳисоботи (World Investment Report)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими йил сайини ортиб бориб, 2015 йилда 1,8 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши, уларни жалб этишда ривожланаётган мамлакатларнинг етакчилиги сақланиб қолиши аниқлаб кўрсатилган.⁵⁰



3.1.2-расм. Мамлакатларнинг “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан аниқланган суверен рейтинг кўрсаткичлари (2014 йил 24 март ҳолати бўйича)⁵¹

2012 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда етакчилик қилган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг суверен кредит рейтинги мос равишда, яъни Хитой – АА, Гонг-Конг – ААА, Бразилия – ВВВ, Сингапур – ААА, Россия – ВВВ, Чили – АА, Ҳиндистон – ВВВ, Индонезия – ВВ, Колумбия – ВВВ, Қозоғистон – ВВВ бўлган (6-расмга қarang).⁵² МДХ мамлакатларидан Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Озарбайжон

⁵⁰ UNCTAD World Investment Report 2013, “Global value chains: investment and trade for development”. Copyright United Nations, 2013. All rights reserved. Printed in Switzerland. -236 p. http://unctad.org/en/...wir2013_en.pdf

⁵¹ Манба: <https://ratings.standardandpoors.com/infographics/sovereign-risk>

⁵² Maximilian M McGraw, New York. Alexander Petrov, London. Charlene C Wong, Singapore. Ratings Direct “Sovereign Risk Indicators” March 24, 2014. -19 p

давлатлари халқаро рейтинг агентликларининг суверен кредит рейтингига эга бўлиб, бу орқали улар халқаро молия бозоридан миллий иқтисодиётга инвестицион ресурсларни фаол жалб этмоқдалар.

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган рейтинглар муддатига кўра узоқ ва қисқа муддатли рейтингларга бўлиниб, мамлакатга берилган узоқ муддатли рейтинг эмитент ўзининг қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятини кўрсатади ва улар “А”дан “D” гача бўлган тоифаларга ажратилган. Тадқиқотларимизга асосланиб, халқаро рейтинг агентликлари томонидан мамлакатларга бериладиган суверен кредит рейтинги бўйича уларда яратилган инвестиция муҳитини 3 та асосий гуруҳга бўлиш мумкин, яъни улар қулай, спекулятив ва дефолт ҳолатидаги инвестиция муҳитларидир (II-жадвалга қarang). Суверен кредит рейтинги бўлмаган мамлакатлардаги инвестиция муҳити спекулятив инвестиция муҳити билан тенглаштирилади. Шунингдек, “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатнинг суверен кредит рейтингини келгуси 2 ёки 3 йил ичида ўзгаришнинг прогнози 4 кўрсаткич асосида аниқлаб кўрсатилади, яъни, улар “Ижобий” – рейтинг ортиши мумкин, “Салбий” – рейтинг тушиши мумкин, “Барқарор” – рейтинг ўзгармас, “Ўзгарувчи” – ошиши ёки тушиши мумкин бўлган суверен кредит рейтингларидир.

Қайд этиш лозимки, мамлакат суверен кредит рейтингини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида ЯИМ, инфляция, аҳолининг иш билан бандлиги, ялпи ташқи қарз ва хорижий инвестицияларга хизмат кўрсатиш, давлат бюджети самарадорлиги, мамлакат тўлов баланси натижалари ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар бўйича мамлакатимизда охириги 10 йилликда ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг халқаро майдонда жаҳон капитал бозорининг иштирокчиси сифатидаги миллий мақомини ошириши, натижада хорижий инвестициялар кириб келишини янада рағбатлантириш ва хориждан жалб қилинган қарз маблағларини иқтисодиёт тармоқлари бўйича диверсификациялаш

имкониятнинг кенгайтириши учун мамлакатнинг суверен кредит рейтингини олиш заруратини кўрсатади.

3.1.1-жадвал

**Халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган
рейтингларнинг умумий тавсифи⁵³**

Мамлакатнинг инвестиция мухити баҳоси	Moody's		S&P		Fitch	
	Узоқ муддат (Long-term)	Қисқа муддат (Short-term)	Узоқ муддат (Long-term)	Қисқа муддат (Short-term)	Узоқ муддат (Long-term)	Қисқа муддат (Short-term)
Қулай инвестиция мухити	“Аaa” дан “Вaa3” гача	“P-1” дан “P-3” гача	“AAA” дан “BBB-” гача	“A-1+” дан “A-3” гача	“AAA” дан “BBB-” гача	“F1+” дан “F3” гача
Спекулятив инвестиция мухити	“Ba1” дан “Саa2” гача	Not prime (қоникарс из)	“BB+” дан “CCC” гача	“B” дан “C” гача	“BB+” дан “CCC” гача	“B” дан “C” гача
Дефолт ҳолатида	“Саa3” дан “C” гача	Not prime (қоникарс из)	“CCC-” дан “D” гача	“C”	“CCC” дан “D” гача	“C”

Иктисодиётнинг глобаллашуви шароитида юз бераётган замонавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси етакчи халқаро рейтинг агентликларининг мамлакат (суверен) кредит рейтингини олишга қаратилган турли иктисодий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, бундай чора-тадбирлар мажмуаси маълум бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон

⁵³ Манба: Халқаро рейтинг ташкилотлари маълумотлари асосида тузилди.

Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармонига асосан бажарилмоқда.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида умум қабул қилинган бизнесни юритиш шaroитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш, халқаро рейтинг агентликларининг мамлакатимиз иқтисодиётига берадиган “қулай инвестиция муҳити” баҳосини олиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- *биринчидан*, аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланадиган ЯИМнинг қийматини камида 1100 АҚШ долларидан, ёки йилига уни 10%дан, саноат ишлаб чиқаришидаги инкирозлар ҳисобига ЯИМ ҳажмини эса 20%дан пастга туширмаслик, охириги 10 йил давомида доимий ўсишини таъминлаш чораларини кўриб бориш;

- *иккинчидан*, миллий валютани халқаро пул сифатидаги мақоми (захира валюта (reserve currency) сифатида ХВФ асосидаги захира валюталарнинг камида 3%ни, ликвидлиги юқори валюта (actively traded currency) сифатида кунлик жаҳон валюта савдосининг 1%ни ташкил этиши,)ни халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражасини ошириш, Ялпи ташқи молиявий эҳтиёжларнинг халқаро молиявий тушумлар ва фойдаланиш мумкин бўлган валюта захиралари йиғиндисига нисбати (Gross external financing needs (% of CAR plus usable reserves)ни, шунингдек, топ доирадаги соф ташқи қарз (активлар)нинг халқаро молиявий тушумларга нисбати(Narrow net external debt/CAR (%))ни 100%дан, ташқи савдо баланси тақчиллигининг халқаро молиявий тушумларга нисбатини 10% оширмаслик зарур;

- *учинчидан*, умумий давлат қарзининг ЯИМга нисбатан салмоғини ўсиш боришини 4%-7%дан, давлатнинг соф қарзининг ЯИМга нисбати (Net debt/GDP (%))ни 80%дан, давлатнинг умумий даромадларига нисбатан фоиз харажатларини 15%дан оширмаслик, маҳаллий банк тизимининг давлат активларига таъсир этиш даражаси 20%дан кам бўлишнни, 3 йил ичида

сўндириладиган чет эл валютасидаги давлат қарзлари ялпи давлат қарзларининг 40%дан, норезидентлар томонидан давлат қарзларига эгалик қилишни, шунингдек, фонд бозори индекслари 60%га пасайганда, ишсизлик 15%га ошганда, ЯИМ 6%га тушганда давлат томонидан бериладиган турли шартли кафолатлар, яъни давлатнинг мажбуриятлари ҳажмини ЯИМга нисбатан 60%дан ортмаслигини таъминлаш;

- *тўртинчидан*, валютани тартибга солувчи монетар органлар томонидан қатъий белгиланган валюта курслари режимига қайтмаслик, уларнинг мамлакат пул муомаласини тартибга солишдаги мустақиллигини, унинг соҳага таъсир этиш механизми ва воситаларидаги ошқораликни, давлат аралашуви даражаси борасидаги сиёсатидаги аниқликни сақлаб қолиш, марказий банкнинг молия тизимидаги сўнги кредитор функцияларини чеклаб қўймаслик, монетар органлар томонидан эълон қилинадиган статистик маълумотлар тўғрилигини, ёки ишончлилигини сақлаш, йиллик истеъмол нархлари индексини 10%дан оширмаслик лозим.

Мамлакатимизга глобал инвестиция бозоридан молиявий ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида жаҳонда етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори даражадаги суверен кредит рейтинги баҳосини олиши, бозор ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилади.

3.2. Халқаро молия ташкилотлари билан молия кредит муносабат истикболлари.

Ўзбекистоннинг ХМИ билан кенг кўламдаги ҳамкорлик истикболлари шубҳасиз кўп самара бериши мумкин. Бунинг Ўзбекистонни гувоҳи кўпгина мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар мақсаддаги алоқалари, ҳамкорликдаги ўзаро манфаатдорлиги, бой минерал ва хомашё ресурсларини, яхши табиий-иқлим шароитларини, юқори таълим ва илмий-техникавий

салоҳияти, унинг инфратузилмаси ва ахборот имкониятлари жадал ривожланиши бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган биринчи илданок ХМИ лар ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳамкорлик ва шериклик, шунингдек стратегик шериклик масалалари диққат марказида бўлиб келмоқда. Ушбу терминларнинг маъмул-моҳиятини билиш эса истиқболда мамлакатимиз қайси йўналишдан бораётганлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

Агарда ҳамкорлик термини —ўзаро манфаатлар мос келишини акс эттирувчи айрим масалаларда биргаликда ҳаракат қилишлигини ифодаласа, унда шериклик термини ҳамкорлик қилаётган томонларнинг ички ва ташқи сиёсатини белгиловчи назарий тамойилларда яқдилликни кўзда тутди. Бу гео сиёсий ёки иқтисодий тавсифдаги стратегик манфаатлар ва юқори даражада бир-бирини тушуна билишлик ва ишончни қўшилиб кетишидир. Ўзбекистон ва ХМИлар шундай асосни барпо қилиш йўлидан анча ютуқларга ва ижобий натижаларга эга бўлди.

Юқорида эътироф этилган учинчи термин устида фикр юритар эканмиз, унда стратегик шериклик — ҳар икки томоннинг бир-бири билан учрашишга бўлган, ҳаракатини кун тартибига чиқарилишида ўз мазмун-моҳияти билан ўзаро муносабатларнинг истиқболли рамзий мақсадини англатади. Бундай шериклик юқори даражадаги ишончни умумий манфаатлар йўлида кенг доирадаги масалалар бўйича ҳаракатлар уйғунлиги, баъзи ҳолларда ҳатто ўзаро ёрдамни ҳам назарда тутди.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда хорижликлар учун улар фақат меҳнат ва капиталларини талаб этиш учунгина эмас, балки тўлақонли фаолиятлари, турли эҳтиёж ва талабларини қондиришга таълуқли имтиззли шароит яратиб берилган. Чет элликлар учун шаҳар марказидан узоқ бўлмаган жойларда жаҳон андозалари даражасида дам олиш маскани бунёд этилган, Республикамизни йирик шаҳарларда замонавий шарт-шароитларга эга бўлган дам олиш ва спорт

иншоатлари барпо этилган, улардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Биринчи тоифали меҳмонхоналар мавжуд ва янгилари қурилмоқда, чет эликлар учун фақат ижарага олиш эмас, балки кўчмас мулкни хусусий қилиб сотиб олишга, уни қайта қуриш ёки бутунлай замон талаблари даражасида янгидан қуришга имконият яратилган.

Мазкур ишда қўриб ўтилган ХМИлар билан ҳамкорлик, агар у экология соҳасида фаол йўналтирилган бўлсагина истикболли бўлади. Бу борада иқтисодчилар, молиячилар жамиятини таълим ва фан соҳасидаги тараққиёти учун ўз куч-гайратларини бирлаштиришлари ва уйғунлаштиришлари лозим. Ўзбекистонда «Экосан» халқаро жамғармаси ташкил этилган. Давлат экологик хавфсизлиги борасида кўп ишлар қилинмоқда, бир қатор халқаро ташкилотлар жумладан, ХМИлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорлик албатта ривож топади, чунки буни турмушнинг ўзи ва фаровон яшаш тақозо этади. Лекин, ҳали кўп иш қилиш, аввало Оролни қутқариш лозимдир.

ХМИлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда фан ва техника тараққиёти қатъи аҳамият касб этади: исталган ишлаб чиқаришда, иқтисодиётнинг исталган соҳасида, фойдали қазилмаларни излашдан тўғривор қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириш ва барча қайта ишлаш жараёни технологиялари, чиқитсиз технологияга ўтиш, улар пайдо бўлишини тўлиқ баргараф этишгача янги технологияларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқариш ва жорий этиш замон талабидир.

Ўзбекистонда чет эл банкларини ташкил этишдан манфаатдор чет эллик инвесторлар учун ҳуқуқий негиз барпо этилган. Бу Ўзбекистоннинг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1996 й. 25 апрелда қабул қилинган қонунда, шунингдек, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиши бўйича қарорлар ва чоралар тўғрисида»ги қонунларда (1998 й. 30 апрель) эътиборга олинган. Биз қадам қўйган ХМИлар билан шерикликни стратегик режалаштиришга ҳозирданок киришиш керак.

Шу боис, халқаро молия корпорацияси молиялашнинг бошқа манбаларини жалб этиш консултациялари фаолиятини янада кенгайтириш талаб этилади. Аниқ лойиҳаларни, яъни хусусий шўъба, тузилмавий қайта қуриш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаш унинг Ўзбекистондаги асосий стратегияси бўлиб ҳисобланганини лозим.

ЕТТБ ва ОТБ лар очган кредит йўналиши Миллий банк ва Асака банк орқали фаолият юритиб келмоқдалар. Яқин вақт ичида ЕТТБ ва ОТБнинг АТБ «Агро банк»да янги кредит линияларининг очилиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусий, кичик, қўшма, фермер, деҳқон хўжаликлари, кичик бизнес мезонларига мос акциядорлик жамиятлари ЕТТБ ва ОТБ кредитларини оловчилар бўлиб ҳисобланар экан, уларга ҳам бу борада ўз мақсадларига эришиш имкониятларини яратиб бериш зарур.

Кредит линияларини ресурслар, чет эл ускуналари ва технологияларини сотиб олиш, шунингдек, маҳаллий хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни, экспортга мўлжалланган маҳсулот, намунавий ёки халқ истеъмол моллари ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқишини кўзда тутувчи, инвестициялар лойиҳаларини таъминлаш билан боғлиқ бошланғич ишчи капитални шакллантиришни молиялаш учун фойдаланилади.

Кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан ҳозирги кунда ўн миллионлаб доллар миқдоридаги кредит ҳисоблари очилган бўлиб, уларда ЕТТБ, ХМК, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки республикамиздаги тижорат банклари иштирок этмоқда.

Тижорат банкларининг ҳозирги босқичда халқаро капитал ҳаракатланишининг турли-туман шаклларига қарамай, тўғридан тўғри инвестиция устувор аҳамиятга эга, шунга қарамай у амалга ошириладиган восита ва йўллар мунтазам такомиллашиши ва иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар билан бирга истиқболда мукаммаллашишиб бориши лозим бўлади.

Истикболда мамлакатимизнинг ХМИлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш ҳамда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш қуйидаги имкониятларни яратиши лозим бўлади:

- инновацион технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, техник жиҳозларни ишлаб чиқаришни корхоналардан чиқариш;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш;

- ривожланган давлатларнинг илғор бошқарув тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш имконига эга бўлиш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш;

- рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эъзига мамлакатга тўлов қобилияти юқори бўлган валюталарнинг кўпроқ тушишини таъминлашга эришиш.

Шу ўринда айтиш лозимки, юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши қуйидаги жиҳатларга боғлиқ:

- хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;

- юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши соҳа ва соҳа ичи тизими яхшиланишига хизмат қилади;

- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, ижтимоий ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган илмий-техник ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;

- илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

— инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўлларини белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш;

— ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи ташкилотлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

— юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, ўўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш.

Халқаро валюта-кредит ташкилотлари ўзида жаҳон иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш учун молия ва валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадларида давлатлараро келишув асосида ташкил этилган халқаро ташкилотларни ифодалайди.

Халқаро валюта-кредит ташкилотларининг юзага келишига асосан жаҳон хўжалигида глобаллашув жараёнларининг ривожланиши ҳамда халқаро молия бозорларидаги ва жаҳон валюта тизимидаги беқарорликнинг кучайиши сабаб бўлган.

Халқаро валюта-кредит ташкилотлари қуйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда фаолият юритади:

- жаҳон иқтисодиёти ва халқаро молияни барқарорлаштириш мақсадида жаҳон ҳамжамиятида ҳаракатларни бирлаштириш;
- валюта ва молия-кредит муносабатларини халқаро тартибга солишни амалга ошириш;
- жаҳон валюта ва молия-кредит сиёсатининг стратегия ва тактикасини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.

Халқаро молия ташкилотларининг фаолияти жаҳон хўжалигининг барқарорлигига эришишга ҳамда валюта-молия соҳасидаги муносабатларнинг узлуксизлигини таъминлашга ёрдам беради. Энг аввало, бунга бўлган зарурият давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар кўламининг ортиб бориши шунингдек, уларнинг ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Халқаро молия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги муайян даражада аъзо мамлакатларнинг ҳукумати ва давлат ташкилотлари ва билан бўладиган ўзаро муносабатга боғлиқ бўлади. Шундай экан халқаро молия ташкилотларининг инвестицион фаолияти кўп ҳолларда йирик халқаро лойиҳалар бўйича рискларни бошқариш ва сугурталашни амалга оширувчи давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни талаб этади.

2014 йилда ХТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг минтақалар бўйича тақсимоотида энг катта улушга Европа ва Марказий Осиё давлатлари эгадирлар, яъни жамига нисбатан 35 фоизни ташкил этиб келган. Ундан кейинги ўринда эса, Латин Америкаси ва Қарийб кўрфази бўлиб унинг улуши жамига нисбатан 30 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолат 2014 йилда ХТТБ томонидан ушбу минтақалардаги ташкилотга аъзо мамлакатларда бир қатор ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилганидан далолат беради. Ушбу йилда энг кам улушни Африка мамлакатлари эгаллашган, яъни жамига нисбатан 2 фоизни ташкил этган ҳолос.

ХТТБ томонидан Европа ва Марказий Осиё, Латин Америкаси ва Қарийб кўрфази, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича операциялар миқдори 2014 йилда юқори улушни ташкил этган.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси томонидан захира қилинган маблағлар 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 5,9 млрд. АҚШ долларига ёки 36,5 фоизга ошганлиги эътироф этилган эди. Шунингдек, ХРА томонидан ажратилган маблағлар ҳажмини ошириш ушбу ташкилотга аъзо мамлакатларда иқтисодий амалга ошириш жараёнига маблағ жалб этишнинг фойдалигини далолат бermoқда.

4 БОБ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ, УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

4.1 ХВФнинг мақсади, ташкил этилиши ва фаолият йўналиши.

4.2. Халқаро валюта фонди олдига қўйилган асосий вазифалар.

4.3. Халқаро валюта фондининг бошқарув структураси.

4.4. халқаро валюта фондининг капиталлари ва қарз ресурслари.

4.1 ХВФнинг мақсади, ташкил этилиши ва фаолият йўналиши.

ХВФ-бу БМТнинг махсус ташкилоти. У 1944 йилда Бреттон-Вудсаги валюта-молия масалалари бўйича бўлиб ўтган БМТ конференциясида ташкил топган ва 1945 йилнинг 27 декабрида ушбу келишув кучга кирган. Амалда у ўз фаолиятини 1946 йилдан бошлади. Бреттон-Вудс келишувига мувофиқ ХВФнинг вазифаси унга аъзо бўлган мамлакатларнинг олтин ва АҚШ долларларида ифодаланган валюта захираларини тартибга солиш ҳамда аъзо мамлакатларнинг валюта паритетларининг барқарорлигини таъминлашдан иборат эди.

Ушбу келишувга кўра аъзо мамлакатлар ўз валюталарини белгиланган курс асосида халқаро жорий операциялар бўйича алмашинувларини таъминлашлари шарт эди. Шунингдек мазкур мамлакатлар валюта операцияларини чегаралаш бўйича мавжуд тўсиқларни бекор қилишлари керак эди (амалда 181 мамлакатдан атиги 60 мамлакат ушбу талабни бажарган).

ХВФнинг низом фонди- аъзо мамлакатларга ўрнатиладиган квоталар асосида тўланадиган бадаллардан ташкил этилади. Квоталар ҳар бир аъзо мамлакатнинг молиявий бадал ҳажмини аниқлаш; пропорционал равишда ХВФ кредитлари ҳажмини аниқлаш; овозлар сонини аниқлаш учун хизмат қилади.

Квоталар ҳажми мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг жаҳон иқтисодиёти ҳамда халқаро савдодаги ролига боғлиқ бўлади.

Квота ЯИМ, импорт ва экспорт ҳажми, олтин валюта захиралари ҳажми кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Квоталар ҳажми ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади. Квоталар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ХВФ бошқарув органларида овозлар мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Ҳар бир мамлакат 250 овозга эга ва ҳар бир қўшимча 100 минг СДР учун 1 та овоз қўшиб берилади. Ҳозирги бошқарув органида овозларнинг энг кўпи АҚШга тегишли-17,7%.

Бугунги кунда ХВФнинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

- Валюта сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- Валюта сиёсати соҳасида баланслашган ривожланишда ҳамкорлик қилиш;
- Юқори бандлик даражаси ҳамда реал даромадларни таъминлаш ва рағбатлантириш, барча аъзо мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини асосини ташкил этувчи, ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантириш учун жаҳон савдосининг баланслашган ўсишини барқарорлаштириш;
- Валюта барқарорлигини таъминлаш ва аъзо мамлакатлар ўртасида валюта муносабатларини соддалаштириш, шунингдек рақобат муҳитини шакллантириш нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда валюта девальвациясини олдини олиш;
- Кўп тармоқли тўлов тизимларини ташкил этишда иштирок, шунингдек валютани ўтказиш билан боғлиқ чекловларни бекор қилиш;
- Аъзо мамлакатлар тўлов баланслари тақчиллигини йўқотиш учун маблағлар бериш.

Олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ХВФ ўз функция ва тамойилларини ишлаб чиққан.

ХВФ тамойиллари:

- Тартибга солишдан четга чиқиб мақсадида халқаро валюта тизими

ёки валюта курси манипуляциясини таъкиклаш;

- Валюта инқирозларига барҳам бериш мақсадида валюта бозорларида интервенцияларни амалга ошириш мажбурияти.

ХВФнинг функциялари:

- Кодекса келишилган муносабатларга амал қилиш халқаро валюта сиёсати ва давлатлараро тўловлар айланмаси соҳаларида ҳамкорлик;

- Тўлов баланси тақчиллигини енгиб ўтиш учун молиявий ёрдам;

- Маслаҳат ва ҳамкорлик.

Ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида ХВФ ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютада кредитлар ёки аъзо мамлакат тўлов балансини тенглаштириш мақсадида СДР тақдим этади.

Молиявий операциялар фақатгина аъзо мамлакатларнинг органлари: хазиначилик, Марказий банк, валютани барқарорлаштирувчи фондлар билан бирга амалга оширилади. ХВФ ресурсларини олишни тартибга солувчи қондалар барча аъзо мамлакатлар учун бир хил. Жорий операциялар бўйича хорижий валютага эҳтиёж сезган мамлакат, кредитнинг зарурлигини исботлаши шарт. Бундай кредитларнинг ҳажмлари қуйидаги шартлар орқали тартибга солинади: қарздор мамлакатларнинг миллий валютаси унинг квотасини йил давомида 25 % идан ва умумий ҳисобда квота ҳажмининг 200 % идан ошиб кетмаслиги керак. Кредитлар бўйича фоизлар ҳар бир молия йили учун даромад ва харажатларни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, ХВФ таркибида алоҳида кредит турлари бўйича бир неча махсус фондлар ташкил этилган. Ушбу фондлардан аксарият ҳолларда, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда савдо ва тўлов тизимидаги қийинчиликларни бартараф этишга кредитлар ажратилади. Ушбу кредитлар одатда 4-10 йил муддатларда қайтарилиши мўлжалланади.

Кейинги йилларда ХВФнинг даромади паст бўлган ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек ўрта

муддатли макроиктисодий барқарорлаштириш дастурларига ажратиладиган кредитлар салмоғи ортмоқда.

4.2. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ ОЛДИГА ҚУЙИЛГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида халқаро валюта-молия ташкилотлари ташкил этилган эди. Улар ичида энг аҳамиятлиси Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва бир қатор йирик банклар – Умумжаҳон банки (УБ), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХБ), Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқалар ҳисобланади.

1944 йил Бреттон Вудсда (АҚШ) валютағмолия масалалари бўйича БМТнинг анжумани бўлди ва унда 44 давлат ҳукумати вакиллари қатнашди. Анжуманда қатор битимлар, жумладан халқаро валюта фонди тўғрисида, халқаро тикланиш ва тараққиёт банкитўғрисида битимлар тузилди. Бу битимлар 28 мамлакат томонидан имзоланди ва улар БМТ доирасида йирик жаҳон молия ташкилотларини яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Халқаро валюта фонди мамлакатлараро ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жараёнида шаклланади. ХВФ ўз тараққиётида бир неча тарихий боскичларни босиб ўтди. ХВФнинг энг биричи шакли олтин андоза тизими бўлган. У 1870 йилдан 1914 йилгача давом этган. Унинг моҳияти мамлакатлар ўртасида халқаро савдо-сотиқ кизғин ривожланган XVII-XVIII асрларда гарбий Европанинг кўпчилик давлатлари пул бирликларини олтинга эркин алмаштириш тажрибасини қўллади.

ХВФ мамлакатлар ўртасидаги валютағҳисоб муносабатларини бошқариш ва шу мамлакатларда тўлов балансининг мувозанати бузилганда мавжуд бўладиган валюта қийинчиликларини бартараф этиш учун уларга

хорижий валютада молиявий ёрдам кўрсатади, яъни қисқа муддатли қарзлар беради. Бу фонд БМТнинг махсус муассасаси сифатида ўз фаолиятини амалга оширади, лекин БМТ ХВФнинг олиб бораётган сиёсатига аралашади ҳуқуқига эга эмас.

ХВФнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

¥ Доимий механизм яратиш йўли билан халқаро валюта ҳамкорлигига таъсир кўрсатиш;

¥ Халқаро савдо ҳажмига ва жадал равишда ўсишга кўмаклашиш;

¥ Аъзо мамлакатлар ўртасида валюта соҳасидаги тартибли муносабатларни таъминлаш ва валютанинг кадрсиэланншига йўд кўймаслик;

¥ Аъзо мамлакатлар ўртасидаги тўловлар ва жорий операцияларни ўтказишда такомиллаштирилган системани яратишга ёрдам бериш ва валюта чекловларини бартараф этиш;

¥ Тўлов балансининг бузилишига олиб келадиган хатоликларни тўғирлаш учун аъзо мамлакатларга хорижий валютада қарз бериш.

ХВФнинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиб ўтсак, бу фонднинг яратилган кундан бошлаб ҳозирги кунда унинг аҳамияти, зарурлиги ва роли янада ошиб бормокда. Фонд доирасидаги муҳим масалалар 10 та энг ривожланган мамлакатлар билан биргаликда кўриб ўтилади ва керакли тўлдиришлар ёки ўзгартиришлар киритилади. Бу мамлакатларга Бельгия, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, АҚШ, Франция ва Япония киради.

ХВФнинг таркибини кўрадиган бўлсак, биринчи навбатда Бошқарув Кенгашининг – Олий органи таркибида ҳар бир аъзо мамлакатнинг ўз вакили, яъни бошқарувчиси ва унинг ёрдамчиси тайинланади. Кўпинча Фонднинг бошқарувчилари бу молия вазирлари ёки бўлмаса марказий банкларнинг бошқарувчиларидир.

Кенгашнинг вазифаси: ХВФ билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни ҳал этиш. Буларга фондга аъзоларни қабул қилиш ёки чиқариб ташлаш, квоталарнинг ҳажмини белгилаш, фойдани тақсимлаш, директорларни сайлаш

каби масалалар юклатилган. Бошқарувчилар бир йилда бир марта сессияда учрашиб шу масалаларни кўриб чиқади. Ҳар бир қабул қилинадиган қарор сайлов асосида ўтказилади.

Бошқарув Кенгашига Бирлашган Вазирлар Қўмитаси ёрдам беради. Бу қўмита асосан ривожланаётган мамлакатларга реал ресурсларни етказиб бериш билан шуғулланади ва умуман иқтисодий ривожланишга оид қуйидаги масалаларни ҳал этади:

Ў Аъзо мамлакатларнинг валюта курсини шакллантириш механизмини кузатади;

Ў Аъзо мамлакатларга молиявий ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилади;

Ў Ҳар йили Бошқарув Кенгашига ҳисобот тайёрлайди;

Ў Халқаро молия соҳасига оид бўлган глобал муаммоларни ҳал қилади.

ХВФнинг ташкилий тузилиши доимий равишда ўзгариб туради. Бу эса ХВФнинг функциялари билан ва умуман олганда жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

ХВФнинг аъзо мамлакатлар билан муносабатида ёки алоқалар ўрнатишда ҳудудий бўлимлар ёрдам беради. Ҳозирги кунда 7 та бўлим мавжуд: Африка, Европа I, Европа II (1991 йил декабрдан ташкил қилинган), Ғарб, Ўрта Осиё, Марказий Осиё ва Тинч Океани ҳудуди. Бундан ташқари яна ўбир бўлим ташкил қилинган. Бу бўлим майда қисмлардан иборат, яъни Марказий банк, валюта ва савдо муносабатлари бўйича, бюджет, солиқ масалалари бўйича, қонун бўйича ва бошқалар.

ХВФ 1945 йилнинг охирларидан иш юрита бошлади, ҳозирда унга 184 мамлакат аъзодир.

ХВФ аъзодавлатлар валюта-млия сиёсатини мувофиқлаштириш ва уларга тўлов балансини тартибга солиш ҳамда валюта курсини сақлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчилик

сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усулларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади. Охирги ўн йилликда ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор сифатидаги роли ошди.

Фонднинг молиявий ресурслари аъзо мамлакатлар бадалларидан, шунингдек расмий ва хусусий молиявий муассасаларидан бозор шартлари асосида қарзга олинган маблағлардан ташкил топади. Бадалларнинг миқдори мамлакатнинг фонд капитали ҳиссасига боғлиқ бўлиб, ИХТТ аъзолари ҳиссасига деярли 62%, жумладан АҚШ 20%га яқин ва ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига 38% тўғри келади.

Қарзлар аъзо мамлакатлар бадалларидан ташкил топган умумий ресурслар ҳисобидан ҳамда СДР шартли бирликларидаги махсус ҳисобдан берилиши мумкин.

ХВФ операцияларининг хусусияти шундаки, у маблағларни чет валютасини ёки СДРни миллий валютага айирбошлаш йўли билан беради. Маълум вақтдан сўнг қарз олган мамлакат ўз қарзини фонд томонидан ўз ҳиссасидан ортиқ жамғарилан миллий валютасини сотиб олиш йўли билан қоплайди.

Умумий ҳисоб бўйича ХВФ барча аъзо мамлакатлари хорижий валютани олтинда, конвертирланган валюта ва СДРда фонд капиталидаги ўз ҳиссасининг тахминан 25%и чегарасида шартсиз олиши мумкин. Бу миқдордан ортиқ қарз ХВФнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги тавсиялари бажарилган тақдирдагина берилади.

Кредитлаш ХВФ фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб қолиши сабабли, у йирик иқтисодий тадқиқодлар марказига айланди, бу эса унга мувофиқлаштириш функциясини самарали бажаришга имкон берди.

4.3. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИНИНГ БОШҚАРУВ СТРУКТУРАСИ.

ХВФ БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилоти бўлиб, у унга аъзо давлатлар ўртасидаги валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва шу мамлакатларга тўлов баланси камомadini кискартириш, молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

ХВФ 1944 йил июл ойида АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ташкил этилди. Конференция ХВФ тўғрисида Битим Моддалари (Articles of agreement)ни қабул қилди. Бу ҳужжат ХВФ низоми вазифасини ўтайди ва 1945 йил 27 декабрда кучга кирди. ХВФ нинг фаолдияти амалда 1947 йил 1 мартдан бошланди.

ХВФ нинг олий бошқарув органи Бошқарувчилар Кенгаши ҳисобланади. Ҳар бир аъзо мамлакат Кенгашда битта бошқарувчи ва унинг ўринбосари орқали иштирок этади.

Бошқарувчилар Кенгаши ваколати доирасига кирувчи масалалар:

- ¥ ХВФ низомига ўзгартиришлар киритиш;
- ¥ Аъзо мамлакатлар квоталарини белгилаш;
- ¥ Ижрочи директорларни сайлаш;
- ¥ Фондга янги аъзоларни қабул қилиш;
- ¥ Фонд аъзолигидан чиқариш.

ХВФ га аъзо мамлакатлар квотаси миқдоридан қатъий назар 250 овозга эгадир ва квотасининг ҳар 100 минг СДР учун битта овозга эгадир.

Фондда кўп овозга эга давлатлар:

АҚШ - 17.7 %

Германия – 5.5 %

Япония – 5.5 %

Буюк Британия – 4.9 %

Франция – 4.9 %

Саудия Арабистони – 3.4 %

Италия – 3.1 %

Россия – 2.9 %

Фонд фаолиятида 53 та муҳим масала бўлиб, уларнинг сезиларли қисми аъзо мамлакатларнинг 85 % овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Демак, АҚШнинг ўзи бундай масалалар бўйича қарор қабул қилишга вето қўйиши мумкин.

ХВФ нинг ресурслари унинг капиталидан ва жалб қилинган ресурслардан иборат.

Фонд капитали унга аъзо мамлакатларнинг тўлайдиган квоталаридан ташкил топган. Квота миқдори мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги ва халқаро савдодаги мавқеига қараб белгиланади. Ҳозирги вақтда Германия, Япония ва Саудия Арабистони каби давлатлардаги халқаро савдодаги мавқеи кучайиб бораётгани сабабли уларнинг квотаси каттадир. 1978 йилга қадар квотанинг 25 % олтинда тўланар эди. Ҳозирги кунда квотанинг 25 % СДР ва эркин айирбошланадиган валюталарда тўланади, қолган қисми эса миллий валютада тўланади. Квоталар 5 йилда бир марта қайта кўриб чиқилади. 1947 йилдан бери квоталар 9 марта қайта кўриб чиқилган.

Фонд ўз капиталидан ташқари маблағлар жалб қилиш имкониятига эгадир. 1962 йил январ ойида “ўнлик гуруҳи” қарзлар тўғрисидаги бош битимни имзолади, унга кўра ушбу мамлакатлар ўзларининг миллий валюталарида ХВФ га олтин 6 млрд. долларгача кредит беришлари лозим. Кредит доимий тикланадиган асосда берилади. ХВФ ўз навбатида бу ресурсларни 3-5 йилга кредит сифатида бериши мумкин. Бош битим мазкур йилнинг 24 октябридан бошлаб кучга кирди. Бош битимга 1964 йилда Швейцария қўшилди.

Ўнлик гуруҳи аъзолари қуйидаги мамлакатлар ҳисобланади: Бельгия, Буюк Британия, Италия, Канада, Голландия, АҚШ, Германия, Франция, Швеция, Япония.

Бош битим дастлаб 4 йил муддатга тузилган эди. Кўйинчалик у бир неча марта узайтирилди. 1983 йилда кредит лимити қайта кўриб чиқилиб, 17 млрд. СДР га етказилди. 1993 йил 5 январда ХВФ бош битимни 5 йилга, яъни 1998 йил декабригача узайтирди.

ХВФ кредитлари ва молиявий ёрдамига бўлган талабни кучайиши, унинг Бельгия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония ва бошқа давлатларнинг Марказий банклари ва молия вазирликларидаги, шунингдек, Халқаро ҳисоб-китоблар банкидан кредит олишга мажбур қилди.

ХВФ ўзининг кредит операцияларини расмий муассасалар – Марказий банклар, Молия вазирликлари, барқарорлаштириш фондлари билан амалга оширади.

ХВФ кредитлари асосан икки мақсадга берилади:

- ₹ Тўлов баланси дефицитини қоплаш мақсадида
- ₹ Миллий иқтисодиётни таркибий ислох қилиш мақсадида

Фонд томонидан кенг қўлланиладиган кредитлаш усулларида бири бу мамлакатларини уларнинг миллий валюталарини сотиб олиш йўли билан кредитлашдир. Бунда ХВФ муҳтож мамлакатга СДР ёки бошқа эркин айирбошланадиган валютани миллий валютага айирбошлаш йўли билан беради. Миллий валюта ХВФнинг шу мамлакат Марказий банкидаги ҳисоб рақамида сақланади. Бу валюталар одатда, алмашилмайдиган валюталар бўлганлиги сабабли улар то қайтиб сотиб олингунга қадар фондда қолади.

ХВФ низомида дастлаб мамлакат 12 ой мобайнида сўраб оладиган валюта миқдори унинг квотасини 25%дан ошиб кетмаслиги белгиланган эди. Фонд низомининг 1978 йилги таҳририда бу чеклаш олиб ташланди.

Мамлакатнинг ХВФдаги, аниқроғи, унинг активлари ҳажмидаги валюталарининг умумий суммаси унинг квотаси миқдорининг 200%дан ошиб кетмаслиги лозим.

Белгиланган вақт тугаши билан мамлакат – эмитент ўз миллий валютасини қайтариб сотиб олиши, яъни кредитни қайтариши шарт. Одатда бундай кредитлар 3-5 йил муддатга берилади. Бундан ташқари қарздор мамлакат тўлов балансининг аҳволи яхшиланиши ва валюта захиралари ҳўлайиши билан миллий валютасини муддатидан олдин сотиб олиши лозим.

ХВФ қарз олган мамлакатдан битим суммасининг 0.5%и миқдорида бир марталик йигим олади.

ХВФдан сотиб олинadиган хорижий валютанинг квотанинг 25%игача бўлган биринчи қисми захира улуши дейилади. У квотанинг фонд ихтиёридаги миллий валюта захирасидан ортиқча қисми сифатида аниқланади. Агар фонд аъзо мамлакатнинг квотасидан кредит шартномаси орқали фойдаланса, уҳолда унинг "кредит позиция"си юзага келади. Захира улуши ва кредит позицияси биргаликда мамлакатнинг захира позициясини ташкил қилади. Мамлакат захира позициясини тўсиқсиз, талаб қилиши билан олиш ҳуқуқига эга.

Хорижий валютадаги мамлакатнинг захира улушидан ортиқча маблағлар 4 та транш орқали берилади. Ҳар бир транш квотанинг 25%ини ташкил қилади. Мамлакат ХВФдан захира ва кредит улушларини тўлиқ ишлатиш йўли билан максимум квотанинг 125% миқдорида кредит олиши мумкин.

ХВФ кредит беришда маълум шартлар қўяди. Бу шартлар траншдан траншга ўтилиши билан мураккаблашиб боради.

ХВФ кредитларининг сезиларли қисми стeнд-бай келишуви асосида берилади, яъни бунда мамлакатга келишувга мувофиқ миллий валютани хорижий валюталарга алмаштириш кафолати берилади. 1977 йилга қадар бундай кредитлар 12 ой муддатга берилар эди, 1977 йилдан бошлаб эса 18 ойгача бериладиган бўлди.

Ҳозирги вақтда стeнд-бай кредитлари асосан макронқтисодий барқарорлаштириш дастурларига берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан 2001 йилга қадар ХВФдан 165.2 млн. СДР миқдорида кредит олди. Шундан 65.45 млн.и стeнд-бай келишув асосида олинган.

ХВФ ўзининг тавсияларини ишлаб чиқишдан тўлов баланси таҳлилининг монетаристик назариясига таянади. Бундай ёндашув пул массаси билан тўлов балансининг ҳолати ўртасидаги алоқадорликни белгилайди. ХВФ

тўлов балансининг нобарқарорлигининг асосий сабаби ортикча ялпи тўловга қобил талабнинг мавжудлигидир деб ҳисоблайди. Бу эса давлат бюджетининг жула дефицит эканлиги ва пул массасининг кескин ўсиши натижасидир. ХВФ экспертлари Ўзбекистон ҳукуматига давлат бюджети дефицитини молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан таклиф киритган эдилар, яъни давлат бюджети дефицитини қоплаш мақсадида жалб қилинадиган Марказий банк кредитларининг миқдори йиллик солив тушумларининг 5 % идан ошиб кетмаслиги лозим.

Германияда Марказий банкдан олинadиган ҳукумат кредитларининг миқдори 6 млрд. DEM миқдорида белгилан қўйилган.

4.4. ҲАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИНИНГ КАПИТАЛЛАРИ ВА ҚАРЗ РЕСУРСЛАРИ.

Халқаро Валюта Фонди 2005 йил 18 май куни Вашингтон шаҳрида Ўзбекистонда ишлайдиган дипломатик миссиялар ва оммавий ахборот вакиллари учун видеоконференция ўтказди.

Тўғридан тўғри эфирга узатиш орқали, видеоалоқа каналларидан фойдаланган ҳолда ХВФ Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти директори Ж.Беренгаут ва ХВФнинг Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Ж.Вейкман-Линн конференция иштирокчиларини ХВФ Директорлар кенгашининг 2005 йил 16 майда Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистоннинг 2004 йилги иқтисодий ислохотларига берган баҳоси тўғрисидаги ма'рузаси муҳокамаси якунлари билан таништирди.

Жамғарма фикрига кўра, 2004 йилда Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг юксак, яъни 7,7 фоиз ўсишига еришилди, мамлакатимиз ташқи савдо баланси мустаҳкамланди, солиқ-бюджет соҳасида ўсиш таъминланди. Валютани еркин айирбошлаш, хусусийлаштириш, айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича

кўрилган чоралар иқтисодий ўсиш асосини ташкил этади. Жамғарма банк секторини ислоҳ қилиш дастурини маъқуллайди.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тўлиқ намоён бўлиши, тўғридан-тўғри инвестицияларни кўпайтириш, аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш учун ислохотларни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Жамғарма Ўзбекистон ҳукуматининг пул-кредит ва солиқ-бюджет соҳаларидаги чуқур ўйланган сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, пул кадрсизланиши ва бюджет харажатлари устидан қатъий назоратни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Жамғарма вакиллари конференция иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, хусусан мамлакатнинг Солиқ кодексини такомиллаштиришга оид ишларни тўлиқ қўллаб-қувватлади ҳамда Жамғарма техник кўмак кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди.

ХВФ кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни, хусусан, Ҳукуматнинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички нархларини жаҳон нархлари билан тенглаштириш ҳамда ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш борасидаги қарорларини ижобий баҳолайди.

Жамғарма янги Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилишини қўллаб-қувватлайди ҳамда фуқароларнинг шахсий жамғарма ҳисоб рақамлари ҳисобининг сифатли юритилишини таъминлаш учун "Халқ банки" тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлашни тавсия этади.

Жамғарма фикрича, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, айни чоғда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиш ҳолат муҳим.

Жамғарма вакиллари минтақавий савдони ривожлантириш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этишга оид ташаббусини "ниҳоятда

тўғри ташаббус" дея юқори баҳолади, унинг амалга оширилиши минтака мамлакатлари са'й-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

Жамғарма фикрига кўра, Ўзбекистон юқори иқтисодий ўсиш салоҳиятига эга. ХВФ прогнозига биноан, иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар изчил чуқурлаштириб борилгани сайин келгуси йилларда иқтисодий ўсишда янада юқорирок суратларга еришилади.

5-БОБ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИ

1. Халқаро капитал ҳаракатининг моҳияти

2. Халқаро капитал ҳаракатининг миллий иқтисодиётга таъсири

3. Халқаро капитал бозорининг тузилиши ва тавсифланиши

1. Халқаро капитал ҳаракатининг моҳияти

Бугунги кунда Республикамизда ва умуман жаҳон миқёсида ҳам мамлакатлараро савдо-айирбошлаш операцияларида капитал айирбошлаш салмоғи ва аҳамияти ортиб бормоқда. Аслида ҳар қандай иқтисоднинг мустакиллиги, унинг ўзи молиявий жамғармаларни йиға олиши ва шу жамғармалардан самарали фойдалана олиши билан белгиланади. Лекин, халқаро молия доиралари ривожланаётган ва камбағал давлатларни миллиардлаб чет эл қарзларини жалб қилишга ундайди. Зеро, глобаллашув тобора ривожланаётган бугунги кунда мамлакатлар орасида ўзаро молиявий алоқалар кенг миқёсда ривожланиб боради, бу уларнинг бошқа жабҳалардаги муносабатларини ҳам жадаллаштиради; ва аксинча, миллий хўжаликлар ўртасида муайян молия-кредит муносабатлари шаклланмаса, бу мамлакатларнинг бошқа соҳалардаги алоқалари ҳам мустаҳкам бўла олмайди. Моҳиятан олиб қараганда капитал “савдоси” муносабатлари товар (хизмат)лар айланмаси асосида шаклланади ва ривожланади. Шу билан бирга, у анъанавий олди-сотди битимидан фарқ қилади: товар ёки хизмат олди сотди битимида қиймат ўзгариши икки томонлама хусусиятга эга бўлиб сотувчи харидорга товарни беради ва ўз навбатида харидор сотувчига қиймат бўйича эквивалент (битимда белгиланадиган) пул суммасини беради. Капитал муносабатларида эса қиймат биринчи сотувчи – кредитордан харидор – қарздорга ўтади ва шартномада белгиланган тўлов муддати етган пайтда харидордан сотувчига ўтади. Шу билан бирга, капитал ҳаракати бир қатор ўзига хос хусусиятларга

эга⁵⁴. Капитал—мулк бўлиб, уни эгаси қарз олувчига ўз мулкани доимий эгаликка эмас, балки, вақтинча фойдаланиш учун беради; бунда капиталга бўлган эгалик капитал ҳаракатидан ажралади. Капиталга товар сифатида қарайдиган бўлсак, бунда қарздор капитални кредитордан муайян ҳақ – фонд ҳисобига сотиб олади. Капитал ўз ҳаракатида мулк, қўшимча қиймат олиб келиш имконига эга қийматлик сифатида намоён бўлади. Оддий товарлардан фарқ қилиб бу махсус товарнинг истеъмол қиймати даромад яратиш, капитал сифатида ҳаракатланиш ва капиталнинг келажакда шаклланишига ҳисса қўшишига имконияти борлиги билан ифодаланади. Жаҳон ҳўжалиги ишлаб чиқариш қучларининг юқори суръатларда ривожланиши миллий ҳамда хорижий манбалардан шаклланадиган молиявий воситалардан самарали фойдаланишни талаб этади. Гарчи айрим вазиятларда капитал қўйилмалар умумий ҳажмида компанияларнинг ўз ва жалб этилган маблағларидан иборат миллий манбалар устунликка эга бўлса-да, такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун ички фондлар етишмаслиги ишлаб чиқариш субъектларининг халқаро капитал бозорига чиқиши орқали қопланади. Капиталнинг халқаро ҳаракати компаниялар рақобат курашида муҳим қурол бўлиб ҳисобланади. Капитал бозори ҳўжаликларнинг структуравий қайта қурилишига хизмат қилишда муҳим роль ўйнайди. Замонавий жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим жиҳати хорижга капитал чиқариш, унинг давлатлараро фаол миграцияси билан боғлиқ. Капиталнинг халқаро ҳаракати халқаро муносабатлар тизимида товарлар савдосининг тўлдирувчиси ва уни амалга ошириш воситаси бўлиб ҳам иштирок этмоқда. Капитал олиб чиқиш маълум бир миллий давлат ўз айланмасидан бир қисм капитални олиб, уни бирор-бир 10 давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига ва айланмасига товар ёки пул формасида жойлаштиришида намоён бўлади³. Капитал халқаро миграциясига асосан унинг маълум бир иқтисодий маконда

⁵⁴ Ҳайдаров М. “Халқаро молия бозорлари таракқиети глобаллашув жараёнида” Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” 2003 й. 130-бет 9

(давлатда) йиғилиб қолиши туртки беради. Бу капитал вақтинча бўш туради, деб қаралади ва фойда олиш мақсадида чет элга чиқарилади. Бундай капитал заҳираси XX аср сўнгги декадасида 180-200 млрд. АҚШ долларига тенг, деб баҳоланган. Умуман, капитал миграцияси ҳажми ўтган асрнинг 2-ярмида нисбатда жадвал ривожланди. Бугунги кунга келиб эса капитал халқаро ҳаракати товар экспортидан ҳам, саноати ривожланган давлатларнинг ЯИМ ўсиш даражасидан ҳам юқорирок суръатларларда ортиб бораётгани катор адабиётларда қайд этилмоқда. Чет элга капитал чиқариш – тарихан шаклланган жараён ҳисобланиб, унинг давомида бир мамлакатнинг миллий муомаласида бўлган капиталнинг бир қисми чиқариб олинади, турли шаклларда (махсулот, пул) иккинчи бир давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига ва муомаласига киритилади. Капиталнинг халқаро ҳаракати мамлакатлар ўртасидаги капиталлар миграциясидан иборат бўлиб у ўз эгаларига даромад келтиради.⁴ Бугунги кунда халқаро капитал ҳаракати масштаби анча кенгайган; бундан 30-40 йиллар илгари жаҳон капитал бозорида капитал таклифи бир нечга ривожланган мамлакатлар томонидан амалга оширилган бўлса, жаҳон хўжалиги ривожланиши таъсирида бугунги кунда ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатлар, янги саноатлашаётган давлатлар ҳам фаол экспортёр сифатида иштирок этаётганини кўришимиз мумкин. Ҳар қандай давлат бир вақтнинг ўзида ҳам капитал чиқарувчи, ҳам уни импорт қилувчи бўлиши мумкин ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатларда бу амалиётда кўп учрамоқда⁵⁵. Замонавий жаҳон хўжалигида капитални халқаро бозорга чиқаришга катор сабаблар туртки бўлади.

Уларнинг энг муҳимлари:

- Экспортёр мамлакатда капиталнинг нисбатан ортиқча йиғилиб қолиши;

⁵⁵ Назарова Г. Ғ., Халилов Х.Х. ва б. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар". Дарслик. Т.: 2005 й. 48-бет 4 Шодиев Р., Маҳмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". Ўқув қўлланма. Т.: "Ғофур Гулом" 2005 й. 66-бет 11

- Турли иқтисодий ривожланишда бўлган халқаро муносабат иштирокчиларининг капитал таклифи ва талабидаги номуносивбликлар;
- Капитал экспортёри ҳисобланадиган давлатларда ишчи кучи ва хом ашёнинг нисбатан арзонлиги;
- Маҳаллий бозорда рақобат муҳити суётлиги;
- Давлат сиёсати ва айниқса инвестицион дастурлар оптимал тузилганлиги кабилардан таркиб топади. Жаҳон ҳўжалигида капитал олиб чиқиш асосан қуйидаги шаклда амалга оширилади⁵ :
- Саноат, савдо ва бошқа корхоналарда тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар;
- Портфель инвестициялар (хорижий облигациялар, акция, қимматбаҳо қоғозлар);
- Ссуда капиталининг саноат ва савдо кооперациялари, банк ва бошқа молиявий ташкилотларга ўрта ва узок муддатли кредитлари ёки заёмлари;
- Иқтисодий ёрдам – текинга ва имтиёзли кредит шаклида (фоизсиз, кам фоизли). Тобора кенгайиб бораётган капиталлар бозорининг байналмилаллашув жараёни бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар ўртасидаги капитал оқими ҳажмининг ортиб бориши билан ажралиб туради.

Халқаро капиталлар оқими - бу ишлаб чиқариш омилларидан бирининг ҳаракатидир. Бунда алоҳида товар ва хизматлар бошқа мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги туфайли ўша томонга оқиб ўтади. Бу ҳақда бевосита ва портфель инвестициялар ҳажмининг умумий ўсиши, киска ва узок муддатли кредитлар ҳажмининг ортиши, евровалюта бозорларидаги операциялар миқёсининг ошиб бориши ва бошқалар дарак беради⁵⁶. Халқаро капиталлар миграцияси халқаро иқтисодий муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллар экан, у ўз навбатида жаҳон ҳўжалиги ривожига сезиларли таъсир ўтказади. Бу таъсир, авваламбор,

⁵⁶ Назарова Г. Г., Халидов Х.Х.ва б. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” Дарелик. Т.: 2005й. 49-бет 12

капиталлар миграциясининг жаҳон иқтисодиётини ўсиш суръатларида ўз аксини топади. Капитал ишлаб чиқаришнинг кулай инвестиция муҳити мавжуд соҳаларни излаб, чегараларни кесиб ўтади. Халқаро инвестициялар кўпчилик мамлакатлар учун ишлаб чиқаришдаги капитал етишмаслиги муаммосини ҳал этиш, инвестиция салоҳиятини ошириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини тезлатиш имконини беради. Капиталнинг четга чиқиши халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатлараро капиталлар ҳаракати улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувини чуқурлаштиради. Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон савдоси ривожини рағбатлантирар экан, у мамлакатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширади, жумладан, халқаро корпорациялар филиаллари ўртасидаги оралиқ маҳсулотлар айирбошланишини тезлаштиради. Молиявий бозорларнинг ўзаро интеграциялашув ва байналминаллашув шароитида капиталнинг халқаро тақдирини ишлаб чиқарилиши таъминланади ҳамда халқаро иқтисодий алоқалар механизмининг самарадорлиги ошади. Бошқа томондан эса назорат қилинмайдиган капиталлар оқими мамлакат тўлов баланси мувозанатининг бузилишига ва валюта курсининг сезиларли даражада тебранишига олиб келади.

2. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ ҲАРАКАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Капиталнинг халқаро оқимлари, у қандай кўринишда ёки шаклда амалга оширилишидан қатъий назар, экспортёр мамлакатга ҳам, импортёр мамлакатга ҳам ўз ижобий ва салбий таъсирини ўтказади, ҳеч бир вазиятда у мутлақ ижобий ёки мутлақо зиёнли бўлиши деярли мумкин эмас. Хусусан, экспорт қилувчи мамлакатда – бўш турган пул маблағлар четга чиқарилиши миллий талаб ва таклиф мувозанати бузилишининг, демакки, ўртача фойда

меъёри пасайишининг олдики олади; кутилаётган даромад миллий капитал салоҳияти ошишига хизмат қилади; бошқа томондан эса, миллий иктисодиётдан, ишлаб чиқаришдан вақтинча четга олиб чиқилган капитал, келажакда унинг ўрнини қоплайдиган катта ҳажмдаги маблагга эҳтиёжни пайдо қилиши мумкин. Деярли барча мамлакатлар амалда инвестицияларни ҳам экспорт, ҳам импорт қилади (чунки, БХИлар асосан ТМК орқали амалга оширилади) ёки инвестицияларни етказиб берувчи (қаерда ТМК бош бошқарув бўлими жойлашган бўлса) ҳамда қабул қилувчи (ТМК ўз шаҳобчалари, бўлимларига эга бўлса, улар БХИлар асосида ҳаракат қилишади) сифатида иштирок этишади.

Халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ оқибатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мақсадларини амалга оширишга бевосита таъсир ўтказди. Табиийки, улардан кутиладиган салбий ва ижобий оқибатлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ўтмиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар учун турличадир. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам салбий оқибатларни четлаб ўтган ҳолда фақатгина ижобий омиллардан фойдаланиш мумкин эмас. Хорижий капитални жалб қилиш билан боғлиқ ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида бу борада устувор йуналишларни белгилаб олиш лозим бўлади. Ҳозирги кунда капиталларни жалб қилиш ва четга чиқариш борасидаги салбий оқибатларга қарамасдан капитални четга олиб чиқиш тенденцияси тобора кучаймоқда. Четга капитал олиб чиқишни фаоллаштирувчи омиллардан бири миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви 14 капиталлар халқаро миграциясига катта таъсир ўтказди ва унинг ҳаракатини тезлаштиради. Капитал экспорти айниқса, бевосита инвестициялар шаклида четга олиб чиқилиши ишлаб чиқаришнинг халқаро тус олишига ва халқаро маҳсулот деб аталмиш маҳсулотларнинг яратилишида асосий омил ҳисобланади. Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон ҳўжалигининг ривожланишида рағбатлантирувчи омил

сифатида юзага чиқиши билан биргаликда хорижий капитални жалб қилувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар учун турли оқибатларга олиб келувчи таъсир ўтказади.

Капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капиталлар миграцияси қуйидагича салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

-четга чиқарилаётган капитал ўрнини қопловчи хорижий инвестицияларни жалб қилмаслик четга капитал чиқарувчи мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштириши мумкин;

-капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капитални четга чиқариш уларда бандлик даражасининг пасайишига олиб келади;

-четга капитал чиқариш мамлакат тўлов балансига салбий таъсир қилади. Ўз навбатида капитални жалб қилишнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд:

-хорижий капитал миллий капиталнинг ўрнини эгаллаб, уни фойда нормаси юқори тармоқлардан сиқиб чиқаради, натижада маълум шароитлар таъсирида мамлакат иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳолати хавф остида қолиши мумкин;

-капитал импорти кўпинча реципиент мамлакат бозорларида ўз ҳаётий циклини ўтаб бўлган товарларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, ишлаб чиқаришдан сифатсизлиги аниқланганлиги боис олиб ташланган товарлар билан боғлиқ бўлади;

-ссуда капитали импорти мамлакат ташқи қарзининг кўпайишига олиб келади;

-молиявий инқирозлар натижасида ва фонд бозорларидан капиталнинг оқиб кетиши мамлакат валютасининг барқарорлигига ва умумий молиявий-иқтисодий ҳолатга жиддий зарар етказади. Мисол учун 1997 йилда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий инқироз ва унинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини келтириш мумкин. Импорт қилувчи мамлакатларнинг асосий йўқотишларидан бири- уларнинг капитал чиқарувчи мамлакатларга

иқтисодий (айрим ҳолларда, сиёсий жиҳатдан ҳам) жиҳатдан тобе бўлиб қолишларидир (албатта, бу вақтинча, аммо, аксарият ҳолларда уларнинг боғлиқлиги бир неча ўн йилларга чўзилиб кетади; зеро, киритилган капитални 5-10 йилда қоплаб беришнинг имкони йўқ). Иккинчи томондан эса, капитал импорт қилувчи мамлакатларда миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўсади, бу ҳудудда янги иш ўринлари яратилади, замонавий техника – технологияни жалб қилиш имконияти ортади, экспорт салоҳияти кенгайди ва ҳ.к.

Капитални қабул қилувчи мамлакатлар учун эса қуйидаги ижобий томонлар ҳос:

- бошқариладиган капитал импорти мамлакат иқтисодий ўсишига ёрдам беради;

- жалб қилинган капитал қўшимча иш ўринларини яратади;

- хорижий капитал янги технологияларни олиб келади, самарали менежмент эса мамлакатда илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни тезлаштиради;

- капиталнинг кириб келиши реципиент мамлакат тўлов баланснинг яхшиланишига олиб келади.

Шу билан бирга, халқаро капитал оқимидан фойдаланишда мамлакатлар миллий иқтисодиётида тармоқлараро номутаносиблик (капитал маблағларининг инвестор учун энг даромадли ҳисобланган соҳаларда йиғилиб қолиши ҳисобига) ёки даромадларнинг четга муттасил оқиб туриши ҳисобига пайдо бўлувчи салбий оқибатлар ҳам юзага келиши кузатилади. 16 Шундай бўлса-да, замонавий жаҳон ҳўжалигида капитал миграцияси ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, бугунги кунда 100 миллиардлаб АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар халқаро ҳаракатда – жаҳон бўйлаб айланиб юрибди. ТМҚларнинг қўллаб филиаллари орқали капитал қўйиш ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашувига олиб келади. Турли мамлакатларнинг муштарак юридик компаниялари бир халқаро корпорация доирасида тармоқли, технологик, деталли ихтисослашув орқали яқин алоқада бўлишади. Капитал экспорти эса бу алоқаларни муштаҳамлайди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, бандлиликни ошириш учун салмоқли ҳажмдаги хорижий капитални жалб этиш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатлари ҳам капиталлар миграциясини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатлар эса инвестиция муҳитини эркинлаштириш орқали хорижий капитални жалб этиш ва бу орқали иқтисодий ривожланишга тўртки беришга ҳаракат қилишади. Капиталларнинг халқаро ҳаракатини рағбатлантирувчи омиллардан яна бири халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти бўлиб, улар капиталлар оқимини тартибга солиб туришади. Мамлакатлар ўртасида тузилган даромадлар ва капиталларни икки қарра солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадидаги халқаро келишувлар ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги савдо, илмий-техник ҳамда инвестицияларни жалб қилиш борасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Амалда дунёдаги барча мамлакатлар БХИларни фаол қўллаб-қувватлашмоқда. Уларнинг эркин ҳаракати учун қулай муҳит яратишга интиломоқда, мавжуд чекланишлар бекор қилинмоқда, амалдаги бозор рақобати учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқмоқда. Бу борада бир қатор миллий манфаатлар ҳисобга олинади. Кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳозирча етишмаётган миллий ресурсларни тўлдириши, замонавий технологиялар, ускуналар, «ноу хау»ни олиб кириши, хорижий мутахассислар, эксперт ва консультантларни жалб қилиш туфайли маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш жойлари яратади, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация туфайли мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

3. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУЗИЛИШИ

Маълумки, табиий ресурслар сингари, молиявий ресурслар билан таъминланишда ҳамма давлатлар бир хил имкониятларга эга эмас. Баъзи мамлакатларда вақтинча эркин капитал пайдо бўлса, баъзиларида унга талаб бор. Жаҳон молия-кредит бозорлари эса жаҳон микёсида молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг эркин нисбатини яратишга имкон беради. Жаҳон капитал бозори миллий капитал, шу жумладан, ссуда капитали бозорларининг байналминаллашуви давомида ривожланади. Халқаро молия-кредит бозорлари жаҳон хўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатларнинг жуда муҳим бўғинларидан биридир. Сўнгги йилларда молия бозорлари жадал ривожланмоқда. 1980 йилдан буён жаҳоннинг ривожланган давлатлари умумий молия активлари, уларнинг ЯИМга нисбатан 2,5 баробар тез ўсди. Жаҳон молия бозори жадал ривожланишига сабаб молиявий ресурслар ҳаракатининг узок муддатли анъаналари, бу ҳаракатни миллий даражада тартибга солувчи давлатлар ҳукукий нормаларининг либераллашуви, молиявий ресурслар ҳаракатининг кенгайиши, интеграцион жараёнлардир. Инвестиция бозори — инвестиция товарлари, қурилиш материалларининг барча турлари, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми, инвестиция хизматларидан иборат. Асосий элементларига талаб, таклиф, рақобат ва баҳо киради. Бу элементлар доимо ўзгариб туради, бу ўзгариш иқтисодиётдаги ва бозор ичидаги омиллар таъсирида юз беради. Ҳар 18 бир инвестор учун инвестицияга бўлган талабни ўрганиш, инвестиция бозорини таҳлил этиб, бунинг заминида ўзининг инвестиция дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция бозори тузилишига кўра 2 қисмга бўлинади:

I. Реал объектларни инвестициялаш бозори. Бу бозор таркибига:

- тўғридан-тўғри капитал маблағларни йўналтириш бозори;
- хусусийлаштирилаётган объектлар бозори;

- кўчмас мулк бозори;
- бошқа объектларни реал инвестициялаш.

2. Молиявий инвестициялаш инструментлари бозори, у ўз навбатида фонд бозори ва пул бозорига бўлинади. Давлатлараро банклар ва бошқа муассасалар жаҳон капитал бозори институционал таркибида асосий ўринни эгаллайди. Давлатлараро фондлар даромадларини шакллантириш усуллари ва молиялаштириш тусига кўра бир қанча турларга бўлинади. 7 Уларнинг аксарияти иштирокчиларнинг йиллик бадаллари, бир марталик пул ўтказмалари, даврий нашрлар реализациясидан тушадиган маблағлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари эвазига ўз пул ресурсларини шакллантиради. Хусусан, халқаро молия-кредит ташкилотлари устав капитали иштирокчиларининг улушли бадалларидан ташкил топади. Бу ташкилотлар фаолияти давомида олган даромадларидан улушига кўра дивиденд тўлайди ҳамда турли мақсадлар учун захира фондлар шакллантиради. Мазкур кредит институтларининг маблағлари, халқаро иштирокчилар фонди, манфаатдор фондлар ва мамлакатлар валюта фондлари ва бюджет маблағлари тўланадиган бадаллар манбаи ҳисобланади⁵⁷.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида мамлакатлар инвестицион жараёнларда турлича даражада қатнашадилар. Бу биринчи навбатда, товарлар ишлаб чиқаришдаги ихтисослашувдаги устуворлик ва жаҳон товарлар ва хизматлар бозорида рақобатқодирлик даражаларига бевосита боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан ресурсларга бой мамлакатлар бошқаларга хом ашё етказиб берса, иқтисодий бақувват мамлакатлар тайёр саноат маҳсулотлар, хизматларни экспорт қилиш эвазига устуворликка эришадилар. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, кўпгина ривожланган мамлакатлар табиий ресурсларга бой эмаслар ва шу жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуқлари, юқори технологиялар, хизмат турларидаги чуқур ихтисослашув эвазига ташқи савдо

⁵⁷ Авдокушин Е.Ф. "Международные экономические отношения". Учебник. М.: ЮПИТИ-ДАНА, 2008, 154- бет 7 Вахобов А. В., Жумаев Н. Х., Умаров Б. А. "Халқаро молия муносабатлари". Дарслик. Т.: "Шарқ" 2003 й. 20-бет 19

операциялармда фаол қатнашадилар. Жумладан, Япония, Исроил, Белгия, Корея, Швеция каби давлатларнинг табиий ресурсларга тақчиллиги қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида самарали ихтисослашувни талаб этади. Бу эса, ўз навбатда, хорижга инвестицияларни жалб этиш, хорижда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва бошқариш масалаларига жиддий ёндошувни, трансмиллий компаниялар шаклида олигопол мавқени ушлаб туришни заруратга айлантиради. Маълумки, ташқи алоқалар шакли, миқёси ва натижалари миллий ишлаб чиқаришнинг ҳосиласи ҳисобланади. Капитални мам-лакатлараро кўчиб юриши - иқтисодий ривожланиш омилига айланган ва бу иқтисодиётни глобаллашувидан дарак беради. Чунки, дунёнинг бир мамлакатида капитал ортиқчаллиги, бошқа мамлакатда унга бўлган муҳтожликни вужудга келтиради. Капитални ортиқчаллиги нисбий характерга эга, яъни уни мамлакат ичида ишлатгандан кўра, уни ташқарига чиқариш қулайроқ бўлади. Демак, капитални ортиқчаллиги уни умуман кераксиз бўлиши эмас, балки самарали жойлаштириш заруриятини билдиради. Инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва молиялаштириш ҳозирги бозор шароитида муҳим ўрин тутади. Инвестициялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакатда ёки чет элларда иқтисодиётнинг 20 турли тармоқларига узок муддатли капитал киритиш (кўйилмалар) деган маънони билдиради. Сармоя деганда, одатда ҳозирги мавжуд қийматга эга заҳираларни келажакда ундан каттарок қийматга эга бўлиш мақсадида маълум фаолиятида тасдиқлаш, сарфлаш ва ҳаракатга келтириш ва шу билан бирга, бу фаолият билан боғлиқ иқтисодий хатарни қабул қилиш тушунилади. Инвестиция атамаси жамиятнинг реал маблағларини оширишга қаратилган, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган барча умумиқтисодий ресурсларни англатади. Яъни, инвестиция пировард натижада капитални кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришда асосий фондларга сарфланган моддий, меҳнат ва пул ресурсларига кетган барча харажатларни, капитал сарфининг ҳажми, таркиби ва унинг асосий йўналишларини англатади.

Қайта ишлаб чиқариш тизимида инвестиция ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумиқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Инвестиция маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимланишида, айрибошланишида ва истеъмол қилинишида асосий ўринни эгаллаши билан бирга, унинг моддий асосини ташкил қилади. Бу янги технология яратиш, янги бино-иншоотлар, йўллар, кўприклар ва бошқа муҳандислик иншоотларини қуришга, янгилашга кетган барча харажатларни ўз ичига олади. Шунингдек, бунга таълим, илмий-тадқиқот ва кадрлар тайёрлашга кетадиган харажатларни ҳам киритиш лозим. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ўзига хос ўринга эга бўлган “инсон омилига инвестиция”, пировардида инсон фаолиятининг натижаси ўлароқ янги бино, иншоот, технология, ускуналарнинг ўзлаштирилишига ва энг муҳими замонавий иқтисодий ривожланишнинг асосий омили бўлган интеллектуал маҳсулот яратилишига тўғри келади. Зеро, интеллектуал маҳсулот давлатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволини яхшиланишига катта таъсир кўрсатади⁵⁸.

Халқаро капитал тақсимланиши фақатгина мамлакатларнинг жамғарилган моддий активлар захираси билан таъминланганликдаги фарқланишида эмас, балки, тарихий урф-одат ва ишлаб чиқариш малакасидаги, бозор механизмларининг ривожланганлик даражасидаги, шунингдек, моддий ва молиявий ресурслардаги фарқларда акс этади. Етарли жамғарма (пул шаклидаги капитал)нинг мавжудлиги сармоя сарфлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг муҳим шарт-шароитидир. Инвестициялар тизими бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: • Инвесторлар ва инвестиция қабул қилувчилар ўзаро ҳамкорлик шarti асосида молиявий ва иқтисодий алоқалар олиб борадилар;

⁵⁸ Ҳайдаров М. “Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида”. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” 2003 й. 41-бет

- Инвесторларга капитал маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган фойзлар, ўзаро келишилган ҳолда белгиланадн ҳамда бу фойзлар доимий равишда инвестицияларга бўлган талаб ва таклиф асосида белгиланади;

- Инвестициялашнинг марказлашиши, инвесторлар ўртасида ҳамда инвесторлар билан инвестиция олувчилар ўртасида инвестициялар бозоридаги рақобат асосида амалга оширилади. Инвестицияларни чуқур ўрганиш учун аввало уни белгилари бўйича туркумлаш лозим. Амалда инвестициялар турли омиллар бўйича фаркланади. Ўзбекистон Республикаси “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида қайд этилганидек, йўналтирилган объектдан келиб чиқиб, унга асосий гуруҳ – капитал, инновацион ва ижтимоий инвестициялар фаркланади. Бунда капитал инвестициялар деганда реал инвестициялар, яъни, асосий фондларни яратиш ва қайта ишлаб чиқишга, шу билан бирга, бошқа шаклдаги моддий ишлаб чиқаришга сарф этиладиган сармоялар тушунилади⁵⁹.

Инновацион инвестициялар эса янги авлод техника ва технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритилувчи маблағлар бўлиб, етакчи иқтисодчи-олимлар томонида эътироф этилишича, айнан шу инвестициялар олдига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қўл меҳнати камайтириш ва меҳнат маҳсулдорлигини ошириш, яъни, турлича ноу-хауларни амалга ошириш вазифаси қўйилади. Ва ниҳоят, ижтимоий инвестициялар деганда меҳнат ресурси сифатини ошириш, яъни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир килувчи кўникма ва таж-рибаларни ривожлантириш, жаҳон стандартига мос малакаларни шакллантириш билан боғлиқ лойиҳаларга киритиладиган маблағ тушунилади. Демак, ижтимоий инвестиция-нинг объектлари таълим, санъат ва маданият, спорт кабилар бўлиши мумкин. Шунингдек, характерига кўра, соф, яъни, асосий капитални кўпайтириш билан боғлиқ ва ялли асосий фонднинг

⁵⁹ Самарходжаев Б. “Инвестиции в Республике Узбекистан”. Монография. Т.: “Академия” 2003 й. 66-бет 22

амортизациясини қоплаш билан боғлиқ инвестициялар фарқланади. Объектларга инвестиция маблағларини йўналтириш бўйича инвестициялар реал-кўчмас мулкка, номоддий кийматликларга, молиявий инвестицияларга бўлинади: - реал инвестициялар кўчмас мулкка - саноат, кишлоқ хўжалиги, қурилиш каби “оғир” соҳаларга капитал (пул маблағлари) қўйишни англатади; - молиявий инвестициялар қимматли қогозлар чиқариш ва уларнинг реализацияси, пул маблағларини муайян белгиланган банк фоизлари асосида депозитга қўйиш кабилар билан боғлиқ ишлар учун сарфланадиган маблағлардан иборатдир. Ривожланган мамлакатларнинг инвестицион тажрибаларида молиявий инвестициялар салмоқли ўрин эгаллайди⁶⁰.

Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги давлатлар)да эса асосий эътибор реал инвестицияларга қаратилган бўлиб, улар бу давлатларда корхона, тармоқлар микёсида, минтақа микёсида кутилаётган ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни белгилашга хизмат қилади. Инвестициялашда қатнашиш характерига кўра қуйидагиларга бўлинади: -тўғридан-тўғри инвестициялар (асосан объект аниқ бўлган, маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда йўналтириладиган маблағлардир); -билвосита (“эгри”) инвестициялар. Инвестициялар даврига қараб қуйидагиларга бўлинади: - қисқа муддатли инвестициялар (бир йилгача бўлган қисқа муддатли омонат сертификатлари ва бошқа қимматли қогозлар); -узок муддатли инвестициялар (бир йилдан ортиқ муддатларга қуйилган капитал, пул маблағлари). Инвесторларнинг мулк шаклларига кўра инвестициялар қуйидагиларга бўлинади: -хусусий инвестициялар (шахслар, фуқаролар, нодавлат корхоналари томонидан қуйилади); -давлат инвестициялари (марказий ва маҳаллий ҳукумат бошқариш органлари томонидан қуйиладиган инвестициялар); -хориж инвестициялари (чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва давлатлар томонидан қуйилган инвестициялар); -ҳамкорликдаги инвестициялар (мазкур мамлакат ва хориж

⁶⁰ Бекмуродов А. Ш. ва б. “Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида”. Илмий оммабоп мақолалар тўплами, 5-қисм. Т.: ТДИУ 2005 й. 30-бет 23

мамлакатлари биргаликда қўядиган инвестициялар). Худудий белгилар бўйича инвестициялар қуйидагиларга бўлинади: -мамлакат ичкарисида ёки ҳудудларга қўйиладиган инвестициялар; -хориж мамлакатлари ишлаб чиқаришига инвестициялар қўйиш (хориж инвестициялари пул маблағлари ёки акция шаклида ҳам бўлиши мумкин). 24 Инвестицияларнинг йўналтирилиши кўп жиҳатдан инвестиция бозорини ҳар томонлама ўрганиш, унинг прогнози (олдиндан тахмин қилиш) билан узвий боғлиқдир. Инвестиция бозори инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштиришда инвестицияларнинг турлари ва инвестиция бозорининг активлик даражасини унинг талаб, таклиф, рақобат, баҳо каби элементлари ўртасидаги нисбат белгилаб беради. Уларни бозор конъюктурасини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин. Жаҳон тажрибасида мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатини ва баъзи мамлакатларни инвестицияларни ўзига жалб этиш даражасини аниқлаш жалб этиш даражасини аниқлаш индикаторлари ишлаб чиқилган. Хорижда инвестицияларни ўзига жалб этувчи мамлакатлар рейтинги экспертлар томонидан ўрганилаётган мамлакатни ярим йиллик даромади, ички ва ташқи қарзлари, кредит ресурслари, қисқа муддатли ва узок муддатли инвестициялаш учун рухсатномалар, инвестициялашни иқтисодий самарадорлиги, сиёсий жиҳатдан рисклар (таваккаллик) каби омилларга асосан аниқланади. Ҳаракат йўналишига кўра инвестициялар фонд таркибининг янгилаш, алмаштириш, кенгайтириш, самарадорлигини ошириш ва ҳ.к.га йўналтирилган бўлади. Мақсадлар ва уларнинг рискка боғланганлик нуқтаи назаридан инвестициялар венчур (риск), портфель ва аннуитет инвестицияларга бўлинади. Венчур капитал катта риск билан боғлиқ янги фаолият доираси учун акциялар чиқаришни билдиради. Рискка тортилган капитал ссуда, акционерлик, тадбиркорлик каби турли кўринишларни ўз ичига олади. Портфель инвестициялар эса инвесторнинг муайян мақсадига эришиш учун хизмат қилувчи турли қимматликлар йиғиндисини намоён қилади. Аннуитет –белгиланган вақт оралиғида,

инвесторга муайян миқдорда даромад келтирувчи инвестициялардир. Инвестициялаш субъектлари нуқтаи назаридан ўз хусусий маблағлари, заём, облигациялар, шу жумладан, жалб қилинган капитал ҳисобига 25 молиялашни амалга оширувчи хусусий инвестициялар; бюджет маблағлари, ссуда ва бошқа узоқ муддатга жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган давлат инвестицияларига бўлинади. Тижорат таваккалчилиги нуқтаи назаридан эса, барча иштирокчи субъектларни инвестор, талбиркор ва спекулянт кабиларга бўлиш мумкин. Инвестор капитал сарф қилар экан, энг аввало, рискни минималлаштиришга интилади; талбиркор - риск эҳтимолини ҳам ҳисобга олади; спекулянт – аввалдан ҳисоблаб кўрилган, аниқ рискка қарши иш тутати ва ҳ.к. Бевосита хорижий инвестицияларнинг халқаро қабул қилинган таърифи ХВФ/ОЕСД (ИХРТ) таърифидир. Ушбу таърифга кўра, инвесторга корхона устидан бошқарув назорати ҳуқуқини берадиган инвестиция бевосита хорижий инвестиция деб ҳисобланади. Бундай инвестицияларнинг таркиби қимматли қогоз, қайта инвестиция қилинган даромадлар ва компания ички қарзларидан ташкил топади. Бевосита хорижий инвестициялар кўрсаткичлари одатда компания ички қарзларини қамраб олмайди. Бундан ташқари, статистик маълумотларда фақатгина ҳукумат томонидан қабул қилинган йиллик инвестиция дастури доирасидаги инвестициялар қайд этилади. Бевосита хорижий инвестицияларнинг афзалликлари ҳаммага маълум. Ўтиш даври иқтисодиёти учун бевосита хорижий инвестиция муҳим аҳамиятга эга, чунки, у мазкур давлатларнинг иқтисодиёти модернизацияси учун нафақат капитал оқимлар, балки, технология ҳамда бизнес ва менежмент малакаларини ҳам таъминлайди. Бевосита хорижий инвестициянинг глобал оқимлари 2006 йилда йирик ҳажмда бўлиб, 1,2 млрд. АҚШ долларига етди. У 2005 йилдагига нисбатан масштаби ва ҳажмига кўра, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида катта фарқ билан ўсганини кўришимиз мумкин. 2005 йилда 59% оқимлар ривожланган мамлакатларга, 36% ривожланаётган мамлакатларга, 4% Шимоли-шарқий Европа ва МДХга йўналди. Россия Федерацияси, Украина ва

Руминиянинг биргаликдаги улуши эса 3%ни ташкил этган. Шундай қилиб, Ўзбекистон ўсиб бораётган бевосита 26 хорижий Инвестиция оқимларининг йирикроқ қисмини жалб қилишда оғир рақобатга юзма-юз келади. Умуман олганда, инвестицион муҳит барқарорлигини таъминлашда инвестиция рисклари омилини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Инвестиция рискларини 3 тоифага бўлиш мумкин:

1. Асосий ёки мамлакат билан боғлиқ риск: инвестиция киритиладиган мамла-катдаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик; ҳукумат ўтказадиган макроиқтисодий сиё-сатнинг изчиллиги ва барқарорлиги (инфляция даражасини назорат қилиш, бюджет, кредит сиёсати ва б.); тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда ва бошқа даро-мадларни инвестиция қўйилган мамлакатдан чет элга ўтказиш имконияти ва шароит-лари; инвестициялашнинг бошқа ҳукукий шароитлари (хорижий инвесторлар ҳукуқини ҳимоя қиладиган қонун ва қонун доирасидаги ҳаракатлар мавжудлиги).

2. Контракт ёки инвестицияга қадар риск: мураккаб жараёнларнинг давомийлиги ва самарадорлиги; шартнома шартларини келишиш ва маъқуллаш жараёни, шу-нингдек, томонларнинг имзоланган шартномаларда белгиланган шартларга риоя эти-шини назорат қиладиган муассалар мавжудлиги ва самарали фаолият кўрсатиши; му-носиб маҳаллий шерик топиш имконияти; янги ташкил этиладиган корхона устав фондига ускуна- жиҳозлар, технологиялар, ноу-хау, хом ашё, материал ва бошқалар кўринишида бериладиган ҳиссани баҳолаш тизими; интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳукукий асослари; шу жумладан, технологияларни трансфертлаш тизими.

3.Операцион (инвестициядан кейинги) риск: операцион қарорларни қабул қилиш тартиб-қоидалари ва давомийлиги, фойда ва уни тақсимлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш даражаси; менежмент масалалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари тузилмасини, ходимларни бошқариш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятлари ва уни олиш тартиблари давомийлиги; маҳаллий бозор 27

маркетинги; малакали маҳаллий ишчи кучи мавжудлиги; жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, чет эл инвесторларининг хатарсиз ишлаш кафолати ва бошқалар.

6 БОБ. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1. Халқаро лизингнинг иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш босқичлари

**2. Лизинг операцияларининг жаҳонда кенг тарқалган турлари ва
уларга хос хусусиятлар**

**3. Мамлакатнинг халқаро лизинг операцияларида илгир хориж
тажрибасидан фойдаланиш масалалари**

1. Халқаро лизингнинг иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш босқичлари.

Лизинг муносабатларининг моҳияти унинг шаклланиши, бизгача етиб келиши ва ривожланиши, шунингдек ушбу ривожланиш давомида юзага келган ўзгаришлар тарихини чуқурроқ ўрганиш натижасида ёритилади. Иқтисодий муносабатлар тарихини ўрганувчи олимлар фикрига кўра ижара муносабатлари бушдан 4 минг йил аввал ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг бой ва рангбаранг тарихи билан ажралиб туради. Инсоният тарихидан дастлабки ижара келишувининг қачон амалга оширилганлигини ҳеч ким аниқ билмасада ушбу фаолият туридан гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар эрамиздан олдинги 2000 йилларга тўғри келади. Олимлар томонидан эрамиздан олдинги 450-400 йилларда Вавилон давлатининг жануби- шарқий томонида жойлашган қадимги шаҳар Ниппурда Мурашу оиласи асос солган дастлабки ижара компанияси аниқланган. Ушбу оила ўз даврида ижара хизматлари бозорида етакчилик қилиб, асосан ер, қорамол ва қишлоқ хўжалик техникасини ижарага берган⁵. Қадимда амалга оширилган ижара келишувларини ўзининг иқтисодий-ҳуқуқий моҳиятига кўра ҳозирги лизинг муносабатларига жуда ўхшаб кетади. Ўша пайтда лизингта олувчиларга эгаллик қилиш, фойдаланиш учун берилган кемаларнинг муддати уларнинг самарали фойдаланиш муддатига яқин бўлган. Ўрта асрларда қишлоқ

хўжалик қироллари ижараси машҳур бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, ўша пайтда рицарлик қурол-аслаҳалари жуда қиммат бўлганлиги туфайли уларни ижарага бериш оммалашган. Буюк Британияда капитализмнинг жадал ривожланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини ижарага бериш жараёнини тезлаштириб юборди⁶¹. Айниқса темир йўл транспорти ва тошкўмир қазиб олишнинг гуркираб ўсиши ижара муносабатларини жонланишида катта роль ўйнади. Маълумки, қазиб олинган тошкўмирни истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда катта миқдордаги темир йўл вагонларига зарурият туғилади. Лекин кон саноати корхоналари ҳамма вақт ҳам бундай молиявий имкониятга эга бўлишмаган. Ана шундай ҳолатларда молиявий жиҳатдан бақувват компаниялар фойда олиш учун темир йўл вагонларини сотиб олиб, уларни кончиларга ижарага беришган. Вақт ўтиб ижара муддати тугагач, кончиларга вагонларни сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара битими тузилган. Бундай шартномалар “ижара-сотиш” деб аталган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирсак замонавий лизингнинг яна бир муҳим жиҳати бўлган – учунчи (воситачи) шахснинг, яъни лизинг компанияларининг вужудга келиши учун пойдевор қурилганлигини кузатишимиз мумкин. Лизинг тарихини ўрганар эканмиз, бу борада Аристотелнинг фалсафий фикрларига тўхталиб ўтиш лозимдир. У ўзининг асарида “Бойлик мулкка эгаллик қилишда эмас, балки ундан оқилона фойдаланишдадир”, яъни хўжалик юритувчи субъект даромад олиши учун бирор бир мулкка эга бўлиши шарт эмас, фақатгина шу мулкдан фойдаланиш натижасида даромад олиш ҳуқуқига эга бўлиши етарли, деган фикрни илгари сурган эди. Олим ушбу фалсафий фикрлари билан лизинг ғоясини яратди, у бугунги кунда ҳам лизинг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳуқуқий жиҳатдан лизинг дастлаб эрамиздан олдинги V асрда Рим империясининг қонуний ҳужжатларида ўз аксини топган. Рим ҳуқуқномасини кодлаштирган Рим

⁶¹ Газманов В.Д. «Рынок лизинговых услуг». – М.: Фонд «Правовая культура», 1999.17-18 бет.

императори Юстиниан I (483-565) ижара муносабатларини ҳукукий ҳужжатларда қайд эттирган. Бундай ижара муносабатларни ривожлантириш нафақат фалсафий ғояларга эга бўлиш, балки у мулкӣ муносабатлар сифатида ўзининг ҳукукий мазмунига эга бўлишини тақоза этган. 15 Лизинг муносабатларида туб ўзгаришлар XX асрнинг 50-йилларида Америкада содир бўлди. Лизингга технологик воситалар, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётлар ва бир қатор ишлаб чиқариш воситалари фаол равишда берилди. Ушбу ўзгаришларни АҚШ ҳукумати муносиб баҳолаб, лизинг фаолиятини рағбатлантирувчи давлат дастурини ишлаб чиқди, бунинг натижасида лизинг муносабатлари жадал ривожлана бошлади ва лизинг бизнесининг шаклланишига тўртки берди. Маълум бир тўлов эвазига лизинг компаниялари ва фирмалари ташкил этилиб, лизинг операциялари тадбиркорлик фаолиятининг асосига айланди. Халқаро миқия корпорацияси мутахассислари томонидан лизинг қуйидагича таъриф килинган: “Лизинг бу мулкӣ муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига кўра учунчи тараф (мол етказиб берувчи) дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгаллик қилиш учун лизинг олувчига беради”. Лизингга берилган бу таърифта лизингнинг мулкӣ муносабатлар мажмуи ва бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган фойда олиш истагининг маҳсули эканлиғига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоциацияси томонидан лизингга берилган таърифи ҳам эътиборга моликдир, яъни “Лизинг – бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва кўчмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгаллик қилиш ҳуқуқини саклаб қолади”. Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, лизингга қуйидагича таъриф бериб

ўтамиз: “Лизинг – бу вақтинчалик бўш турган ёки жалб қилинган молиявий воситаларни инвестициялашни ўзида ақс эттириб, бунда лизингга берувчи маълум бир сотувчидан мулккий шартномада келишилган мол-мулкка эгаллик қилиш ва ушбу мол-мулкни вақтинчалик фойдаланганлик учун тўлов асосида охирида харид қилиш ҳуқуқи бўйича лизингга олувчига тақдим этиш мажбуриятини олади”. Шу ўринда 1988 йил 28 майда Оттавада қабул қилинган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенциясида (УНИДРУА) шакллантирилган “лизинг” атамасига тўхталиб ўтсак. Фикримизча у лизингнинг энг тўлиқ таърифи бўлиб, қуйидагича ифодаланган. Лизинг - бунда бир тараф (ижарага берувчи), бошқа тараф (ижарага олувчи)нинг кўрсатмасига биноан ижарага берувчи учунчи тараф (мол етказиб берувчи) билан ижарага олувчи томонидан тасдиқланган шартларга мувофиқ ускуналар, мол-мулк ёки асбоблар сотиб олиш тўғрисида шартнома (мол етказиб бериш тўғрисида контракт) тузади. Ижарага олувчи билан эса контракт (ижара шартномаси, лизинг келишуви) тузади ва ижра ҳақини тўлаш шarti билан унга ускунадан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади. Бундан ташқари, Конвенцияда лизингнинг қуйидаги шартлари ҳам кўрсатиб ўтилган: – фойдаланувчи мустақил равишда ускунани аниқлайди ва мол етказиб берувчини танлайди; – ускуна уни келгусида албатта лизингга топшириш мақсадини назарда тутган ҳолда, лизингга берувчи томонидан тузилган ёки тузилиши лозим бўлган лизинг шартномасига мувофиқ сотиб олинади. – лизинг шартномаси бўлган тўланиши лозим бўлган даврий тўловлар, хусусан, ускунанинг бутун ёки муҳим қисми қийматининг амортизациясини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Операциялар амалга ошириладиган бозор доираси (сектори)га кўра лизинг туриб . Бугунги кунда жаҳон амалиётида лизинг муносабатларининг кўпдан- кўп турлари ва шакллари қўлланилмоқда. Лизингнинг ҳар бир тури ва шакли тўғрисида фикр юритишдан олдин уларнинг мазмуни ва бир- биридан фарқларига аниқлик киритиш лозим. Лизинг турлари бир-биридан мазмунан фарқланди, унинг шакллари эса лизинг битимларининг ташкилий белгилари билан таснифланади .

Лизинг операцияларини турли хусусиятларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Иштирок этувчиларнинг таркибига кўра:

– Воситачисиз лизинг- бунда мулк эгаси лизинг объектини мустақил равишда топширади (икки томонлама келишув);

– Воситачили лизинг- бунда мулк воситачи орқали лизинг олувчига топширилади (уч томонлама ёки кўп томонлама келишув);

– Сублизинг- лизинг олувчи лизинг объектини учунчи шахсга лизингга беради⁶². Лизинг объектига кўра: маълумотлари асосида муаллиф чизмаси. Операциялар амалга ошириладиган бозор доираси (сектори)га кўра лизинг тури ички лизинг халқаро ёки ташқи лизинг экспорт лизинг импорт лизинг – қўзғалувчи мулк лизинги- ишлаб чиқариш билан боғлиқ машина, асбоб-ускуна ва бошқа ағжомларни лизингга бериш; – кўчмас мулк лизинги- бино ва иншоотларни лизингга бериш; – фойдаланиш жараёнида бўлган мулк лизинги- лизинг берувчи ўз ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган мол-мулкни ижарага беради. Харажати коплаш даражасига кўра: – харажати тўлиқ копланадиган лизинг ёки молиявий лизинг- бир шартноманинг амалдаги муддати давомида мулк қийматининг тўлиқ копланиши таъминланади; – харажати қисман копланадиган лизинг ёки операцион лизинг- бир шартноманинг амалдаги муддати давомида мулкнинг қиймати фақат қисман копланади. Амортизация ажратиш шартларига кўра: – тўлиқ амортизацияланган лизинг- лизинг объектининг қиймати фойдаланиш давомида тўлиқ тўланадиган лизинг – қисман амортизацияланган лизинг- лизинг объектининг қиймати фойдаланиш давомида қисман тўланадиган лизинг. Хизмат кўрсатишига кўра: – соф лизинг- ижарага топширилаётган мулкка доир барча хизматларни лизинг олувчи ўз зиммасига олади; – тўла хизмат кўрсатиш- лизинг объектига доир барча хизматлар тўлиқ равишда

⁶² Набиев Э.Ғ., Марпатов М.Д. Лизинг таяси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. Т.: < Маркази, 2004, 28-29 бет

лизинг берувчига юкланади; – қисман хизматлар кўрсатиладиган лизинг-лизинг объектига дойр хизматларнинг фақат айрим қисми лизинг берувчига юкланади. Операциялар амалга ошириладиган бозор доираси (сектори)га кўра: – ички лизинг- битимнинг барча қатнашувчилари бир мамлакатнинг вакили бўлишади; – халқаро ёки ташқи лизинг- томонларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ёки барча томонлар турли мамлакатларга тегишли, шунингдек, агар томонлардан биттаси қўшма корхона бўлган ҳолда; – экспорт лизинг- лизинг олувчи чет эл мамлакати бўлса; – импорт лизинг- лизинг берувчи чет эл мамлакати бўлса. Солиқ ва амортизация имтиёзларига кўра: – сохта лизинг - чайқов хусусиятига эга бўлиб, солиқ имтиёзлари ҳисобига ва амортизация келишувларидан катта миқдорда асоссиз даромад олиш мақсадида тузилади; – ҳақиқий лизинг- лизинг берувчи инвестиция чегирмаси ва тезлаштирилган амортизация каби солиқ имтиёзларига эга бўлиши, лизинг олувчи эса даромад солиғини тўлашда лизинг тўловларини солиқ тўлаш базасидан чегириши мумкин. Лизинг тўловларига кўра: – пул билан тўлаш- лизингнинг барча тўловлари пул шаклида амалга оширилади; – қоплаш (компенсация) тўлови лизинг- тўловлар лизинг объекти бўлган ускуналардан ясалган маҳсулотларни отказиб бериш орқали ёки қарши хизмат кўрсатиш йўли билан амалга оширилади; – турли тўлови лизинг- хар иккала тўлов турлари қўлланиладиган лизинг. Мол-мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш, шунингдек тасарруф этиш соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндиси бўлган лизингнинг мазмунини ўрганаётганда унинг пул ва товар шаклида рўёбга чиқадиган кредит муносабатларига асосланган мулкӣ муносабатлар йиғиндиси эканлигига ҳам алоҳида урғу беришимиз керак. Шу ўринда Д.Ғ.Ғозибеков бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассисларнинг қуйидаги фикрига эътибор берамиз. “Лизинг муносабатларининг асосини молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит ва ижара муносабатлари йиғиндиси ташкил этади, шулар ёрдамида замон ва маконда капиталнинг ҳақиқий

қийматини сақлаш ёки кўпайтириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади”. Гарчи лизинг муносабатларининг асосини кредит муносабатлари ташкил этсада, улар ўртасида муайян тафовутлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, тадқиқотларнинг кўрсатишича, лизинг муносабатлари кредит муносабатлари ҳамда ижара билан маълум бир умумийликка эга бўлса ҳам кўпгина кўрсаткичлар жиҳатидан улардан мутлақо фарқ қилади. Лизинг, аввало ўзининг мазмуни, шакли, субъектлар доираси, иқтисодий самарадорлиги ва солиққа тортиш тизими каби кўрсаткичлари билан оддий кредит муносабатларидан фарқ қилади. Кредит ва лизинг муносабатларининг энг муҳим фарқлари⁶³. Кўрсаткичлар Кредит Лизинг Субъектлар Кредит берувчи ва олувчи Сотувчи (ишлаб чиқарувчи), лизинг берувчи ва лизинг олувчи Молиялаштириш Пул воситалари кредит шартномаси бўйича бевосита кредит олувчининг ҳисоб рақамига келиб тушади. Расмана молиялаштириш юз бермайди (лизинг берувчи лизинг объектини сотиб олади ва уни лизинг олувчига беради) Гаров таъминоти Гаров таъминоти қиймати банк томонидан белгиланади (одатда кредит қийматининг 125% ҳисобида) Гаров таъминоти катталигини ҳар бир лизинг компанияси мустақил равишда ўрнатади. Назорат Таъсир воситаларининг йўқлиги сабабли воситаларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиб бўлмайди. Лизингга аниқ келишилган мулк (қурилма, ускуна, машина ва ҳ.) берилиши сабабли воситалар устидан назорат қафолатланган Йўналтирилиши Инвестициялар инсталган тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилади Инвестициялар ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватини модеризациялаш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Объектга эгаллик ҳуқуқи Кредитга сотиб олинган мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи кредит олувчига тегишли Лизинг шартномаси амал қилиш давомида⁶³, лизинг объекти лизинг берувчининг мулки ҳисобланади, лизинг олувчи эса ушбу объектдан

⁶³ Ғозибеков Д. Ғ., Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: «Fan va texnologiya», 2004.87-бет.

фойдаланиш ҳуқуқига эга. Лизинг шартномасининг муддати тугагач ва барча тўловлар тўлангандан кейин, лизинг объекти тўлиқ лизинг олувчининг мулкига айланади. Фонизларнинг тўланиши Одатда, ҳар ойда маълум бир ставкада амалга оширилади. Ҳар ой ёки ҳар чорақда амалга оширилади. Ҳар бир лизинг объекти учун алоҳида ёндашилади. Лизинг тўловлари лизинг олувчининг даромадига қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Молиялаштириш катталиги Одатда, харид қилинаётган объектнинг тўлиқ қиймати қамраб олинмайди. Кредит олувчи қисман ўз маблағини ҳам қўллаш талаб қилинади. Лизинг объекти нархининг лизинг берувчи томонидан тўлиқ қўлланилиши кўзда тутилган. Солиқ соҳасидаги афзалликлар Ўрта ва узоқ муддатли кредитларда даромаднинг солиқ солинадиган базасини белгилашда фонизлар айириб ташланмайди. Лизинг шартномаси амал қилиш муддатида лизингга олинган мулк солиқдан озод қилинади. Даромаднинг солиққа тортиладиган базасини аниқлашда лизинг олувчи қонунчиликка мувофиқ қуйидагилардан озод бўлади: А) лизингга олинган асосий воситаларнинг амортизация тўловлари суммаси. Б) лизинг шартномаси амал қилиш муддатида катъий назар лизинг бўйича фонизлар.

Лизингнинг бошқа молиявий инструментларга нисбатан афзаллиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

1. Молиявий жиҳатдан: бир вақтнинг ўзида ҳам устуна харид қилинади, ҳам молиявий қийинчиликлар юзага келмайди. Лизинг тўловлари баҳолар индексига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун ижарадан фарқли ўлароқ, шартнома амал қилиш муддатида ўзгартирилмайди. Лизинг берувчи ўз фаолияти давомида бир қатор имтиёзларга эга бўлади ва шунинг учун лизинг тўловларини амалга оширишда лизинг олувчига бир қатор қулайликларни яратиб бериши мумкин.

2. Инвестицион жиҳатдан: корхона мол-мулкни лизингга олишда, уни лизинг ҳисобига харид қилишда бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, лизинг объекти гаров сифатида иштирок этгани учун унга қўшимча таъминот

тури талаб этилмайди. Талаб этилган тақдирда ҳам бу кредитга қараганда бирмунча кам суммани ташкил этади.

3. Ташкилий ва эксплуатация қилиш жиҳатидан: лизинг асбоб-ускуна, техника, машина ва механизмлар нархининг тўлиқ суммасини тўламасдан туриб, улардан фойдаланиш имконини беради.

4. Сервис хизматлар: лизингга олувчи сугурта, транспортировка, ускунани ўрнатиш, кафолатли хизмат, профилактика ва бошқа хизмат турларидан фойдаланиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби: лизинг бўйича харажатлар жорий харажатлар таркибига ва маҳсулот таннархига киритилади, бу солиққа тортиладиган фойда миқдорининг камайишига олиб келади. Лизинг объекти лизинг компаниясининг балансида акс этирилади. Лизинг юқорида кайд этилган афзалликлари унда бир қатор муҳим функциялар муҷассамлашганлигини англатади. Лизингнинг энг асосий функцияси молиявий функция ҳисобланиб, у тадбиркор (лизингга олувчи)ни лизинг объектига унинг қийматини бир йўла тўлашдан озод этишда ва унга молиявий воситачи (лизинг компанияси) маблағи ҳисобидан лизинг кредити беришда намаён бўлади. Лизингнинг ушбу функцияси лизингга олувчига ҳеч қандай сарфларсиз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш функцияси лизингнинг иккинчи муҳим жиҳати ҳисобланади, у корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини тезкорлик билан ҳал этишда лизинг объектини сотиб олиш йўли билан эмас, балки ижара шартлари асосида вақтинчалик олиб, янги ускунани фаол ҳаракатга тушуришда намаён бўлади. Лизингнинг юқоридаги икки функцияси билан бир қаторда яна сотиш функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин. У истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва мазкур вақтда шундай лизинг мулкни олишга имкон бўлмаганларни ишлаб чиқариш соҳасига сотиш учун янги бозорни эгаллаш имконини яратади. Хулоса қилиб айтганда лизинг фаолиятининг ривожланиши узоқ тарихга эга бўлмасада чуқур тарихга эгаллигини кўришимиз мумкин. Унинг ривожланиши турли даврларда турлича шакил ва номларда баён қилинганлиги

бу турдаги иқтисодий муносабатларнинг аҳамияти инсоният тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб шаклланиб улгирганлигидан далолат беради.

2 Лизинг операцияларининг жаҳонда кенг тарқалган турлари ва уларга хос хусусиятлар

Бугунги кунда жаҳон амалиётида лизинг муносабатларининг кўпдан - кўп турлари ва шакллари қўлланилмоқда. Лизингнинг ҳар бир тури ва шакли тўғрисида фикр юритишдан олдин уларнинг мазмуни ва бир - биридан фарқларига аниқлик киритиш лозим. Барча мамлакатларнинг амалиётда кенг тарқалган лизинг турлари бу - молиявий ва операцион (жорий) ижара турларидир. Биз юқорида молиявий ижара - бу лизинг, оддий, яъни молиявий бўлмаган ижара эса операцион лизинг дейилишини айтиб ўтган эдик. Бугунги кунда ҳам амалиётда лизинг битимлари лизинг (молиявий ижара), ёки операцион лизинг шаклида тузилмоқда, шу сабабли лизингдан операцион лизинг фарқини ажратиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатларда лизингнинг бу турларини фарқлаш бўйича ўз ички қонунчилик ҳужжатларига тегишли меъёрлар киритилган ва шу меъёрлар бўйича лизинг шартномаларини молиявий ёки операцион лизингга таснифлашга бошлагани. Айрим иқтисодчилар томонидан бу икки лизинг тури лизинг шартномаларининг муддатларига қараб, яъни узок, муддатли лизинг шартномалари молиявий, қисқа муддатлилари эса операцион лизинг, деб қабул қилинади. Шунга мувофиқ, операцион, лизингда лизинг объекти фойдаланиш муддати давомида кўп марта қўлланилади ва улар муддатларига қараб рейтинг (бир йилгача) ва хайринг (бир йилдан уч йилгача) битимлари деб номланади. Лизинг (молиявий ижара) шартномаси эса узок, муддатларга тузилиб, аксарият ҳолларда унинг муддати лизинг объектининг фойдаланиш муддатига яқин бўлади, бинобарин, ушбу лизинг объекти фақат бир марта қўлланилади. Бундан ташқари, лизинг муддати тугагандан сўнг лизинг олувчи шартномада

қилишилган нархларда лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам лизингнинг бу икки турини ажратишда юқоридаги қоидалар асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Лизинг ўз ўрнида “сублизинг” шаклида амалга оширилиши мумкин. Сублизингда лизинг олувчи лизинг объектини учунчи шахсга шартнома асосида лизингга бериши мумкин. Бунда дастлабки лизинг берувчи (лизинг компанияси ёки банк) “сотувчи”, лизинг олувчи - “лизинг берувчи” ва сўнгги учунчи шахс эса - “лизинг олувчи” сифатида фаолият кўрсатишади. Адабиётларда лизингнинг “қайтарма” тури ҳам қўлланилади. Лизингнинг ушбу турида мол етказиб берувчи ва лизинг олувчи бир субъект сифатида иштирок этади. Айрим ишлаб чиқарувчилар ўзларининг молиявий ҳолатларини яхшилаш мақсадида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини лизинг берувчи лизинг компаниялари ёки банкларга сотишади ва уни лизинг шартномасига асосан қайтадан ижарага олишади. Ушбу битам тадбиркорлик мақсадларида эмас, балки вақтинчалик молиявий тангликдан чиқиш учун тузилади. Бундай битимлар купгина мамлакатларнинг қонунчилик ҳужжатларида лизингнинг алоҳида тури сифатида белгиланиб, халқаро амалиётларда қўлланилаётганлигини кўриш мумкин.

Халқаро амалиётда энг кўп тарқалган лизинг операцияларининг шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

– Тўғридан-тўғри халқаро лизинглар. Бунда битим бўйича барча операциялар турли мамлакатларнинг юридик шахслари бўлган тижорат ташкилотлари ўртасида амалга оширилади;

– Транзит (билвосита) лизинг. Бунда бир мамлакатдаги лизинг берувчи бошқа мамлакатдан кредит олади ёки зарур бўлган ускуналарни сотиб олади ва учунчи бир мамлакатдаги ижарачига етказиб беради;

– Тўғри бўлмаган лизинг. Бунда лизинг фирмаси ва истеъмолчи бир мамлакатга тегишли бўлган ҳолда лизинг фирмаси бошқа мамлакатда жойлашган бўлади;

– қайта янгиланадиган лизинг. Бунда лизинг олувчи талабига биноан лизинг объекти ҳисобланган ускуналарни мукамаллаштирилган янги турларига муқтазам равишда алмаштирилиб турилиши назарда тутилади; – маблағ жалб этиш ҳисобига тузиладиган лизинг. Бунда лизинг берувчи томонидан лизинг объектининг 80% гача бўлган миқдори узок муддатли қарз ҳисобига сотиб олиниши назарда тутилади. Бундай битимларда катта миқдорда узок муддатли маблағларга эга бўлган йирик тижорат ва инвестицион банклар кредитор бўлиб ҳисобланади. Халқаро лизинг бизнеси ички лизингга нисбатан кеч ривожлана бошлади.

Халқаро лизинг операцияларининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этган:

– қўпчилик мамлакатларда кредит олиш шартларининг оғирлиги; – банклар томонидан фойз ставкаларининг оширилиши;

– минтақавий молиявий инкирозлар; баъзи мамлакатлар солиқ тизимининг беқарорлиги ва бошқалар. Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишдаги қийинчиликлар нафақат миллий мамлакат, балки ҳамкор мамлакат ҳукуматининг валюта, божхона ва бошқаларни тартибга солиш қоидалари таъсири остида бўлишидан иборат. Таҳлиллар кўрсатишича, лизинг операциялари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. АҚШда лизингга тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралиб, унда буюртмачи эҳтиёжи учун вақтинча мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдордан ижарачига берилади ва унинг натижасида лизинг фирмаси маълум миқдорда даромад олади. Лизинг операцияси жараёнида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи вақтинча бир юридик шахсдан иккинчи юридик шахсга ўтказилади. АҚШда лизингнинг барқарор суръатларда ривожланишининг муҳим сабабларидан бири инвестицияларга бериладиган солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, инвестициялар йиғиндисининг 10% гача қисми солиқ йиғиндисидан чиқариб ташланади. Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти сингари лизинг шартномалари ишончли

ҳукукий асосга эга бўлиши керак. Яқин вақтларгача кўпгина ривожланган мамлакатларда мавжуд қонунчиликка кўра машина ва ускуналар ижараси умумий нормалар асосида бошқарилар, томонлар муносабатини билдирувчи технологик аниқликлар мавжуд эмас эди. XXI аср бўсағасида бир қатор хорижий мамлакатлардаги фуқаролик ҳуқуқларида лизинг ва унинг турларига ҳукукий аниқлик берилган, улардан бир қанчаси бўйича эса тегишли қонуний ҳужжатлар қабул қилинган. Лизинг муносабатларининг ҳукукий таъминланганлик даражаси бўйича мамлакатлар икки гуруҳга бўлинади: – Лизинг шартномаларини бошқарувчи махсус қонунлар мавжуд мамлакатлар гуруҳи; Амалда махсус қонунчилиги мавжуд бўлмаган мамлакатлар: Биринчи гуруҳ мамлакатларидаги мавжуд қонунчилик учун характерли хусусият, лизинг муносабатлари нафақат асосий ҳамкорлар (лизинг олувчи ва лизинг берувчи) ўртасида бошқарилади, балки лизинг компанияси билан етказиб берувчи ўртасида ҳам бошқарилади. Ўтиш иктисодиёти ҳисобланган МДҲ мамлакатларида лизинг бозорининг шаклланиши ва ривожланиши қатор хусусиятларга эга. Ушбу мамлакатларда дастлабки лизинг компаниялари банклар томонидан таъсис этилган. Лизинг компаниялари ривожланиш даврида асосан банкнинг корпоратив миқјозларига хизмат кўрсатишган.

Қозоғистон лизинг компаниялари россиялик мол етказиб берувчилар билан асосан сублизинг схемаси бўйича иш олиб борадилар. Яъни Қозоғистон лизинг компанияси Россия лизинг компаниясидан ускуналарни олади ва Қозоғистондаги охириги фойдаланувчига ускуналарни етказиб беради. Ҳозирги кунда Қозоғистонда лизинг компаниялари таъсис этилишига қизиқишнинг ошиб бориши лизинг бозорининг демонополизация қилинишига ҳамда лизинг асосий молнявий восита бўлишига асос яратади. Қозоғистонда лизинг муносабатларини тартибга солиб турувчи дастлабки меъёрий ҳужжат 1995 йил 25 декабрда 28 Қозоғистон ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор ҳисобланиб, у асосан агросаноат соҳасидаги лизинг муносабатларини белгилаш мақсадида жорий этилган эди. Ўзбекистон, Россия ва бошқа МДҲ

давлатларидан фарқи равишда Қозоғистон Фуқаролик кодексида (ФК) ер участкалари лизинг объекти бўлиши мумкин. Чунки Қозоғистонда ер, хўжалик субъектлари тасарруфида бўлиб, олдисотди объекти саналади. Ушбу меъёр Қозоғистонда кўчмас мулк муносабатларининг жадал ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади. Жаҳон иқтисодиётида лизинг тадбиркорлик фаолиятини ва инвестицияларни жалб қилувчи асосий механизм сифатида шаклланимда бу эса лизингга бўлган эътибор ва талабнинг ортишига замин яратимда. Лизинг фаолияти учун оптимал шароитларнинг яратилиши эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш ва лизинг ёрдамида инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади.

3. МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИДА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.

Лизинг муносабатларини янада ривожлантириш йўлида тадбиркорлар учун қулай бўлган лизинг хизматларини яратиш ҳамда уларга шу йўл орқали янги замон талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни етказиб бериш лозим. Халқаро амалиётда лизинг ўзининг бошқа турдаги инвестициялардан қулайлиги билан бирмунча ажралиб туради. Шундай қулайликка эга бўлган лизинг турларидан бири бу “дабл дин” бўлиб унинг афзаллиги икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади. Масалан, 80-йилларда халқаро лизинг амалиётида катор самолётлар айнан “дабл дин” асосида лизингга берилган. Бу жараён АҚШ ва Буюк Британия ўртасида амалга оширилган. Агарда лизинг берувчи мулк ҳуқуқида бўлган ҳолатда Буюк Британия солиқ тизимида кўра бирмунча қулайликлари мавжуд бўлган, АҚШ солиқ тизимида кўра лизинг берувчи бундай ҳолатда зарар кўрган, уларда лизинг берувчи кўп жиҳатдан мулкни бошқариш ҳуқуқида бўлиши иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланган. Шундай қилиб лизинг компанияси Буюк Британиядан

самолётларни сотиб олишган ва уларни АҚШ лизинг компанияларига лизинг ва ижарага беришган, улар ўз навбатида маҳаллий ҳаво йўлларига бу самолётларни лизингга беришган. Кузатув таҳлиллар асосида шуни такидлаш мумкинки, бугинги кунда бу турдаги лизингдан Франция ва Германия, АҚШ ва Франция, Япония ва АҚШ каби давлатлар ва бошқа кўплаб мамлакатлар фойдаланишлари мумкин. Кейинги йилларда ишлаб чиқарувчи ва лизинг компаниялари ўртасида битимлар тузиш кенг қўламли тус олиб улгирмоқда. Бундай келишувларга таянган ҳолда ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотиш билан бирга лизингга тақдим этмоқда. Бу ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтишига сабаб бўлаётган бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйган бўлиб бу турдаги лизинг йўналишини “савдога қўмак” (sales-aid) номини олган. Маълум ҳудудларда лизинг операцияларининг тармоқ таркиби шаклланиши кўп жиҳатдан ўзига ҳосликка эга бўлади. Мисол учун Европада афтомобил лизингги кенг қўлланилади, хусусан шахсий афтомобиллар билан бир қаторда саноат ишлаб чиқариш учун махсус бўлган афтомобиллар шулар таркибидандир. Бугинги кунда Европа лизинг бозорининг 50%гача бўлган ҳажми айнан афтомобилларга тўғри келмоқда. Бозорнинг қолган қисми ишлаб чиқариш техника-технологиялари, денгиз кемалар лизинги, самолёт, компьютерлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Европанинг шарқий қисмида афтомобил лизингининг етакчи лизинг тармоғига айланишининг асосий сабаби Европанинг бу қисмида жойлашган афтомобил ишлаб чиқарувчи фирмалар ўз маҳсулотини сотиш учун янги-янги стратегияларни қўллашга мажбур бўлишди ва айтиш мумкин бу ҳолатда лизинг оптимал вариант вазифасини бажаради. Бироқ лизинг тушунчаси таркибига Европада молиявий ижара ва оператив ижара тушунчалари киритилган. Оператив ижара бу ижаранинг оддий кўриниши эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. Хусусан Россияда фақат молиявий ижарага лизинг сифатида қаралади. Шарқий Европада ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 20%дан

ортик қисми лизинг асосида амалга оширилмоқда. Шу ўринда такидлаш жоизки Шарқий Европада амалга оширилаётган лизинг операцияларининг 78%и Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия, Польша ва Швецсия каби мамлакатларга тўғри келади, гарбий Европа мамлакатлари бўлмиш Венгрия, Чехия, Словакия ва катор бошқа давлатлар, шу жумладан МДХ 88 мамлакатларининг бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши лизингнинг халқаро даражада янги поғонага кўтарилиши учун замин яратмоқда. АҚШ лизинг бозорлари ҳажми, Шарқий Европа мамлакатларининг жами лизинг операцияларидан бирмунча юқорилиги ва нисбатан ривожланганлиги билан характерли ҳисобланади. Шарқий Европа ва АҚШ мамлакатларида лизингнинг кучли ривож топиши бу ҳудудларда (шарқий Европада 1960-йиллардан бошлаб, АҚШда 1950-йиллардан) тадбиркорлик фаолиятларининг кўп жиҳатдан қўллаб қувватланганлиги ва бу тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми лизинг механизми орқали амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Албатда лизингдан фойдаланиш учун имтиёзли солиқ тизими бўлиши шарт эмас, бугунги жаҳон амалиёти солиқ тизимининг ўзи унинг ривожланиши учун етарли эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатда лизингнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи омиллар: – Норматив қонун базаси; – Макроиқтисодий шароит, инвестицион бозор ҳолати (инвестицион имтиёзлар, банк фоиз ставкаси, солиққа тортиш механизми, инфляция ва бошқалар); – Бугалтерия ҳисоб тизимидан фойдаланиш; Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари (Буюк Британия, Германия, Дания) лизингни тартибга солишнинг махсус қонунларини қабул қилишмаган, у оддий “тижорат ҳуқуқи” (“коммерческое право”) асосида тартибга солиб турилади. Франция, Португалия, Швеция давлатларида лизинг муносабатлари махсус қонунчилик билан тартибга солинади. Франция, Бельгия ва Италия давлатлари иқтисодий нуқтаи назардан мулкдор (опцион лизингнинг шарт бўлган белгиси) концепсиясига таянишади. Бошқа давлатларда (Буюк Британия, Ирландия, Голландия, шунингдек АҚШ) эса лизинг муносабатлари юридик нуқтаи назардан мулкдор концепсиясига таяниб иш кўришади. Яна бир

гурух давлатлар ўзининг қонунчилигида ушбу иккала концепсияни муҷассам қилган. Бельгия, Италия ва Франция давлатларида лизинг шартномаси муддатининг тугаши билан лизинг объекти лизинг шартномасида келишилган нархда сотилиши шарт ҳисобланади (опцион), Буюк Британия ва АҚШда опцион операцияси лизингнинг шартли белгиси ҳисобланмайди, шартномада келишилган ҳолда лизинг муддати тугаши билан лизинг объектини қайтариш ёки сотиб олиш мумкин. Германия, Швецария давлатларининг қонунчилиги опцион операцияларини олди-сотди механизми асосида лизинг объекти тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга ошириш имконини беради. Яъни тўғридан тўғри томонлар ўртасида лизинг муносабатлари ўрнатилган ҳолатда лизинг объекти лизинг берувчига қайтарилса, олди-сотди механизми асосида тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга оширилса лизинг объектининг эгаллик ҳуқуқи келишув имзоланган пайтдан бошлаб лизинг олувчига ўтади. Франция ва Буюк Британияда кўплаб келишувларга лизинг сифатида қаралади, Германияда эса бу келишувлар ижара механизми сифатида қаралиши мумкин. Францияда лизинг шартномасида унинг муддати тугагач опцион (лизинг объектини қолдиқ нархда сотиб олиш ҳуқуқи) операциясини амалга ошириш шартлиги уни ижара-кредит келишувлари қаторига қўшади. Шуниси эътиборлики ижара-кредит муносабатлари лизингдан фарқли равишда давлат томонидан ўзига ҳос қонунчилик асосида тартибга солинади. Давлатлар ўртасидаги бундай фарқ улар ўртасида “дабл дин” операцияларини амалга ошириш имконини беради. Бугунги кунда Франция қонунчилиги ишлаб чиқарувчига маҳсулотини лизингга бериш имкониятини қолдирмаган. Лизинг муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда ҳар бир давлат ўзига ҳос бўлган хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Лизингга банк фаолиятининг ананавий хизмат турларидан бири сифатида қараладиган давлатларда (Италия, Франция), давлат органлари нафақат банк тизимини балки улардаги лизинг механизминини ҳам назорат қилишади. Кўплаб бошқа давлатларда лизинг фаолиятини бошқариш бирмунча

соддалаштирилган кўринишга эга. Хусусан Германия, Дания ва Нидерландия давлатларида лизинг фаолияти ортиқча чекловларсиз кечмоқда. Кузатувлар шунинг кўрсатмоқдаки лизинг фаолиятининг ривожланишига қонунчиликдан кўра кўпроқ давлатнинг макроиктисодий муҳити кўп таъсир этади. Бу жараёнда давлатнинг инвестициялар оқимини қўллаб қуватлаши ва лизингга унинг муҳим кўриниши сифатида қараши асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лизинг фаолияти учун энг мақбул шароитлар Германия, Буюк Британия, Ирландия, Норвегия ва АҚШ давлатларида яратилган. Масалан Ирландияда лизингнинг рағбатлантириш мақсадида лизинг ташкилотларига давлат субсидиялари, тезлаштирилган амортизациялардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа қўллаб қулайликлар тақдим этилган. Шулар натижасида Ирландия бугунги кунда самолётлар лизингининг етакчисига айланган. Мамлакатда Халқаро молиявий хизматларни тақдим этиш маркази ва қўллаб бошқа йирик ташкилотлар жойлашган. Яна бошқа бир давлатларда лизинг фаолиятининг ривожланишига қўллаб чекловларнинг мавжудлиги тўсиқ бўлмоқда. Масалан Грецияда кўчмас мулк, юк ташиш афтомобиллари ва афтобуслар лизингга тақиқланган. Давлат томонидан амортизация нормаларининг кучли назоратга олинганлиги қўшимча муоммо яратган. Бугалтерия ҳисобини стандартлантириш халқаро комитети (JASC) томонидан лизинг ҳисоби юзасидан стандартлар ншлаб чиқилган. Бу стандартлар Греция, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Ирландия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар томонидан қабул қилинган. Лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини белгилашда иқтисодий тамойилларни стандартлар асоси қилиб олишган. Лекин Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари шунингдек Европа Иттифоқи камиссияси ва "Eucaseurope" федерацияси эгалик ҳуқуқининг юридик принципларига таянишади. Иқтисодий тамойилларга кўра лизинг объекти лизинг олувчининг балансида акс этиши лозим бўлса, юридик принципларга кўра бу ҳуқуқ лизинг берувчида қолади. Айнан эгалик ҳуқуқида мавжуд бўлган фарқлар туфайли давлатлар ўртасида бугалтерия ҳисобида, амортизациялар ва солиқларни

гурух давлатлар ўзининг қонунчилигида ушбу иккала концепсияни мужассам қилган. Бельгия, Италия ва Франция давлатларида лизинг шартномаси муддатининг тугаши билан лизинг объекти лизинг шартномасида келишилган нархда сотилиши шарт ҳисобланади (опцион), Буюк Британия ва АҚШда опцион операцияси лизингнинг шартли белгиси ҳисобланмайди, шартномада келишилган ҳолда лизинг муддати тугаши билан лизинг объектини қайтариш ёки сотиб олиш мумкин. Германия, Швецария давлатларининг қонунчилиги опцион операцияларини олди-сотди механизми асосида лизинг объекти тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга ошириш имконини беради. Яъни тўғридан тўғри томонлар ўртасида лизинг муносабатлари ўрнатилган ҳолатда лизинг объекти лизинг берувчига қайтарилса, олди-сотди механизми асосида тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга оширилса лизинг объектининг эгаллик ҳуқуқи келишув имзоланган пайтдан бошлаб лизинг олувчига ўтади. Франция ва Буюк Британияда кўплаб келишувларга лизинг сифатида қаралади, Германияда эса бу келишувлар ижара механизми сифатида қаралиши мумкин. Францияда лизинг шартномасида унинг муддати тугагач опцион (лизинг объектини қолдиқ нархида сотиб олиш ҳуқуқи) операциясини амалга ошириш шартлиги уни ижара-кредит келишувлари қаторига қўшади. Шуниси эътиборлики ижара-кредит муносабатлари лизингдан фарқли равишда давлат томонидан ўзига хос қонунчилик асосида тартибга солинади. Давлатлар ўртасидаги бундай фарқ улар ўртасида “дабл дин” операцияларини амалга ошириш имконини беради. Бугунги кунда Франция қонунчилиги ишлаб чиқарувчига маҳсулотини лизингга бериш имкониятини қолдирмаган. Лизинг муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда ҳар бир давлат ўзига хос бўлган хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Лизингга банк фаолиятининг ананавий хизмат турларидан бири сифатида қараладиган давлатларда (Италия, Франция), давлат органлари нафақат банк тизимини балки улардаги лизинг механизминини ҳам назорат қилишади. Кўплаб бошқа давлатларда лизинг фаолиятини бошқариш бирмунча

соддалаштирилган кўринишга эга. Хусусан Германия, Дания ва Нидерландия давлатларида лизинг фаолияти ортиқча чекловларсиз кечмоқда. Кузатувлар шунинг кўрсатмоқдаки лизинг фаолиятининг ривожланишига қонунчиликдан кўра кўпроқ давлатнинг макроектисодий муҳити кўп таъсир этади. Бу жараёнда давлатнинг инвестициялар оқимини қўллаб қуватлаши ва лизингга унинг муҳим кўриниши сифатида қараши асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лизинг фаолияти учун энг мақбул шароитлар Германия, Буюк Британия, Ирландия, Норвегия ва АҚШ давлатларида яратилган. Масалан Ирландияда лизингни рағбатлантириш мақсадида лизинг ташкилотларига давлат субсидиялари, тезлаштирилган амортизациялардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа кўплаб қулайликлар тақдим этилган. Шулар натижасида Ирландия бугунги кунда самолётлар лизингтининг етакчисига айланган. Мамлакатда Халқаро молиявий хизматларни тақдим этиш маркази ва кўплаб бошқа йирик ташкилотлар жойлашган. Яна бошқа бир давлатларда лизинг фаолиятининг ривожланишига кўплаб чекловларнинг мавжудлиги тўсиқ бўлмоқда. Масалан Грецияда кўчмас мулк, юк ташиш афтомобиллари ва афтобуслар лизингга тақиқланган. Давлат томонидан амортизация нормаларининг кучли назоратга олинганлиги қўшимча муоммо яратган. Бугалтерия ҳисобини стандартлаштириш халқаро комитети (JASC) томонидан лизинг ҳисоби юзасидан стандартлар ишлаб чиқилган. Бу стандартлар Греция, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Ирландия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар томонидан қабул қилинган. Лизинг объектига эгаллик қилувчи ҳуқуқини белгилашда иқтисодий тамойилларни стандартлар асоси қилиб олишган. Лекин Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари шунингдек Европа Иттифоқи камиссияси ва "Leaseurope" федерацияси эгаллик ҳуқуқининг юридик принципларига таянишади. Иқтисодий тамойилларга кўра лизинг объекти лизинг олувчининг билансида акс этиши лозим бўлса, юридик принципларга кўра бу ҳуқуқ лизинг берувчида қолади. Айнан эгаллик ҳуқуқида мавжуд бўлган фарқлар туфайли давлатлар ўртасида бугалтерия ҳисобида, амортизациялар ва солиқларни

ҳисоблаш тартибида фарқли томонлар кўзга ташланади. Лойиҳаларни кўриб чиқишда мутахассислар маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш, уларни тайёр рақобатбардош маҳсулотга айлантириш, фаолияти импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган рентабелли юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши, замонавий коммуникация тизимлари ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланиши, истеъмол бозорини бирламчи зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш билан боғлиқ лойиҳаларни афзал кўрадилар. Қишлоқ хўжалигини замонавий, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлган қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш учун, жумладан, етакчи хорижий компаниялар иштирокида зарур шароитларни яратиш, етказиб берилаётган трактор ва ҳосилни йиғувчи машиналар учун ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 486-сонли қарорига асосан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси тузилди. Давлатимизда қулай лизинг муҳитини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш ва такомиллаштириш лозим: – Лизинг ташкилотлари учун давлат субсидияларини кўпайтириш; – Тезлаштирилган амортизацияларни кенг тақдим этиш механизминини яратиш; – Солиқ имтиёзларини кўпайтириш орқали лизинг иштирокчиларини рағбатлантириш лозим. Давлатимиз лизинг соҳасини халқаро лизинг амалиётининг ютуқларига таянган ҳолда шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз лизинг инфраструктурасига жорий қилиш мумкин бўлган яна бир халқаро амалиётда қўлланилувчи лизинг тури бу “лизинг линиялари” (lease-line) бўлиб бунда лизинг кўп жихатдан “кредит линиялари”га ўхшаш бўлади ва лизинг олувчига такрор лизинг олиш имкониятини ҳеч қандай қайта расмийлаштириш қийинчиликларсиз амалга ошириш имкониятларини беради. Бунинг учун лизинг ташкилотлари ва лизинг объектларини етказиб берувчи ўртасида яқин алоқалар ўрнатилиши талаб этилади. – Халқаро

амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган “дабл дин” лизинг механизмидан, мамлакатимиз лизинг ташкилотларини халқаро лизинг бозорларига олиб чиқишда кенг қўллаш лозим. Бу борада “дабл дин” операциялари лизинг ташкилотларимизга янги лизинг бозорларига чиқиш, янги ҳамкорларни топиш, лизинг таркибини янада бойитиш имконини беради. – Халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган лизингнинг яна бир ноёб тури бу “савдога кўмак” (sales-aid) бўлиб Республикамизда афтолизингни “sales-aid” лизингги асосида янги босқичга олиб чиқиш мумкин. – Марказий оснё ва унга қўшни давлатлар ҳудудларида лизинг операцияларининг тармоқ таркибини, давлатимиз афтомобил саноатига таянган ҳолда шакллантириш ва олиб чиқиш лозим. Юқорида келтирилган жаҳон амалиётининг бой тажрибасини мамлакатимиз лизинг бозорларини ривожлантиришда жорий қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун халқаро амалиётларда кенг қўлланилаётган лизинг турлари хусусан 93 “савдога кўмак” (sales-aid) лизинг операцияларини мамлакатимизда амалга ашириш учун уларнинг қонуний асоларини белгилаш лозим. 9-жадвал. Халқаро лизинг амалиётида кенг тарқалган лизинг механизмлари⁴³. Лизинг тури Лизинг турининг моҳияти “лизинг линиялари” (lease-line) Такрор лизинг олиш имкониятини ҳечқандай қайта расмийлаштириш қийинчиликларсиз амалга ошириш имкониятларини беради. “дабл дин” “дабл дин”нинг афзаллиги икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади. “савдога кўмак” (sales-aid) Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотиш билан бирга лизингга тақдим этади. Бунинг учун ишлаб чиқарувчи ва лизинг ташкилоти ўртасида махсус шартнома тузилади. ҳудудларда “лизинг операцияларининг тармоқ таркиби”ни шакллантириш Белгиланган ҳудудда малум бир донрадаги ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлаш, рақобатни енгил учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни лизингга бериш назарда тутилади. Ўзбекистан Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунида лизинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Хусусан 13-

моддада сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиб шунга кўра сотувчи ўз миждларига маҳсулотини лизингга бериши мумкинлиги ўз ифодасини топмаган. Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида ўз миждларига лизинг тағдим этиши ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтишига сабаб бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйиш орқали ўз даромадини оширади. Бу амалиётни АҚШ, Германия ва Европанинг қатор мамлакатларида кенг учратиш мумкин. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси, иккинчи қисмини учинчи қисм деб белгилаш ва “Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида лизинг тағдим этиши мумкин” деган жумлани иккинчи қисм ўрнига қўйиш лозим.

7. БОБ. ЖАҲОН БАҲКИ ГУРУХИ, УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА РОЛИ

7.1. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкил этилиши ва унинг олдида қўйган асосий вазифалари ҳамда мадқсади.

7.2. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкилий тузилиш структураси.

7.3. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ресурсларивауларнингманбалари.

7.4. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати.

7.5. Ҳалқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Ҳалқаро Молния Корпарацияси. Уларнинг асосий вазифалари ва функциялари.

7.6. Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи

7.1. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкил этилиши ва унинг олдида қўйган асосий вазифалари ҳамда мақсади.

Дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб ЖТТБ шакллантирилди. У 1944 йил июлда ХВФ билан бир вақтда ташкил килинди. ХТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг ўзида ЖТТБ унинг ҳам низоми сифатида амал қилди ва у 1945 йилнинг 27 декабридан кучга кириб ўз фаолиятини бошлади. Дастлабки йилларда банк фаолияти ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунинг сабаби, аъзо мамлакатларнинг хўжаликлари иккинчи жаҳон урушидан кейин анча талофот кўргани ва бу талабларни улар иқтисодиётига ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатга кучли таъсир этганлиги бўлди. Банк фаолияти АҚШ олиб бораётган сиёсатни ҳар томонлама тўлдиришга замин ҳам яратди. Бу сиёсат «Маршалло режаси» деб ном олди ва Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги сиёсатини қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

XX асрнинг 50-йилларининг ўрталарида Гарбий Европа мамлакатларининг ҳолати ўз мавқеини тиклаб олиш ва мустамлакаларни йўқ қилиши сабабли Жахон Банки ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқди.

Эндиликда Жахон Банкнинг асосий мақсади мустақилликка эришган мамлакатларни жахон иқтисодиёти тизимига киритиш ва бу унинг асосий йули сифатида бозор иқтисоди муносабатларини белгилашдан иборат бўлди.

Жахон Банки БМТ нинг махсус молиявий институти деб ҳам тан олинди ва бу уни стратегик вазифаларни белгилаб берди. Приоритетли вазифалардан асосийси жахондаги асосий хужалик марказлар тизимини интеграциялаштириш ва унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётини киритиш бўлиб ҳисобланади.

Ушбу институтнинг ташкилий тизим раҳбари бўлиб Бошқарувчилар Кенгаши директорлар (ижрочи ташкилотлар) ҳисобланди. Кенгаш молия институтлардан еки аъзо мамлакатларнинг МБ ларининг раҳбарларидан ташкил топди. Улар йилига бир марта йиғилиб ўз сессияларида ҳал қилишга киришадилар, шунинг таъкидлаш лозимки, ЖБ ва ХВФ бу сессияни бирга утказиб келишга муваффақ ҳам бўлишдилар. Қўйилган масалаларни қуриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш ЖБ да овозга қўйиш йули билан амалга оширилди. Ҳар бир овоз мамлакатларнинг Низом капиталининг ҳиссаси билан белгиланди. Бундай тизим ХВФ да ҳам амал қилди ёки қўлланиб келинди.

ЖБ аъзолари сони 1993 йилга қадар 176 тага етган бўлсада ҳам, Банк тизимини иқтисодиёти унча катта бўлмаган аммо ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар гуруҳи бошкарди. АҚШ эса бунга умумий бошчилик қилади. 1993 йилнинг 30 июлидан бошлаб банк фаолиятини «еттилик» бошқарадиган бўлди, яъни бу АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатлари.

Халқаро ҳамкорликнинг кузга ташланадигани, ҳозирги даврда унда нафакат Европа, балки Осиё мамлакатлари ва Собит Иттифокдан чиққан мамлакатлар ҳам натижадор этиш имкониятига эга бўлдилар (Вьетнам, Лаос, Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Румыния, Чехия, Словакия ва бошқаларидир).

ЖБ президенти лавозимида Америка мамлакатининг давлат раҳбарлари ски молния тизимининг бошқарувчилари фаолият кўрсатишга муваффақ бўладилар. ЖБ Бош органи Вашингтонда жойлашган ва АКШ узининг устиворлигини доим билдириб туради, лекин кейинги пайтларда Ғарбий Европа ва Япония мамлакатларининг таъсири кучаймоқда.

7.2. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкилий тузилиш структураси. *ЖТТБнинг асосий операциялари.

Таъкидлаш жоизки, ЖТТБ-дунда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб, ХВФ билан бир вақтда 1994 йилнинг июль ойида ташкил қилинган. ЖТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг узида унинг низоми бўлиб ҳисобланади ва у 1945 йилнинг 27 декабридан кучга кириб уз фаолиятини бошлади. Дастлабки йилларда банк фаолияти ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга йуналтирилган эди. Шу даврда аъзо мамлакатларнинг ҳужаликлари иккинчи жаҳон урушидан кейин анча талофот қурган ва иқтисод ва сиёсатга кучли таъсир этган эди. Банк фаолияти АКШ олиб бораётган сиёсатни тулдирди. Бу сиёсат «Маршалло режаси» деб аталган ва Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги сиёсатини қўллаб-қувватлаш бўлди.

Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳолати 50-йилларнинг урталарида уз мавқеини тиклаб олиш ва муаммаларни йуқ қилиши сабабли Жаҳон Банки уз фаолиятини узгартирди.

Бугунги кунга келиб глобаллашув жараёни шиддат билан ривожланиб борар экан, дунё мамлакатларининг ўзаро ва йирик ташкилотлар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш муҳим масалалар

каторидан жой олган. ЖТТБ молиявий муносабатлардаги йирик ва асосий ташкилот сифатида гавдаланди. Шу боис, Жахон Банкнинг асосий мақсади мушаккилликка эришган мамлакатларни жахон иқтисодиёти тизимига киритиш ва бу унинг асосий йули сифатида бозор иқтисоди муносабатларини белгилаш эди.

Жахон Банки БМТнинг махсус молиявий институти деб тан олинди ва бу стратегик вазифалари белгилаб берилди. Унинг асосий стратегик вазифаларидан бири жахондаги асосий хужалик марказлар тизимини интеграциялаштириш ва унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда актив иштирок этиш деб белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, ЖБнинг капитал Низоми – унинг секцияларига езилиш йули билан ташкил қилинади, бу дастлабки акцияларнинг салмоғи 10млрд. долларни ташкил этган. Шуниси диққатга молики, ЖБ фаолиятини ривожлантириш ривожланган мамлакатларнинг раҳбарларини доимо кредит маблағларни ҳажминини орттиришга ундади. Бунинг сабаби шундаки, 1993 йилнинг охирига келиб 163 млрд. долларга етди. Шундай қилиб, ЖТТБ оддий акция капиталидан ЖБ га айланди. Кўрсатиб ўтилган ҳолатга қарамай, 80- йилларда акцияларнинг тупланган қисми 7%га камайди, бу аъзо мамлакатлар орасида тақсимланган қисмидир. Қолган қисмлари эса Банк жуда керак бўлганда мажбуриятларини бажариш учун сарфлайди.

Энг муҳими, ҳозирда ҳам жахон молиявий тизимлардан кредит олишга ЖБнинг маблағларининг асосий қисми қаратилгандир. Дунё молиявий бозорида бу қимматли қозғалар ишлаб чиқариш билан чегараланади. Бу йул билан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар капитал экспортларига таъсир утказади ва улар уртасида воситачи вазифасини бажариш билан бирга хусусий инвесторларга икки еклама қафолат яратиб беради.

Мана шунинг учун ҳам ЖБ га ва унга аъзо мамлакатларга хусусий банюлар ва бошка молиявий институтлар узининг бўш пуллариини Жахон Банкнинг облигацияларига айлантйриб ишламоқдалар.

Амалга ошириладётган ишлар ХТТБ дуне молиявий бозориди облигацияларининг хажми хисобида йирик уринни эгаллай олишига замин ҳам яратиб берди. 70-йилларнинг охирида ишлаб чиқаргани облигацияларнинг суммаси жихатидан ҳар йили уртача 5 млрд. долларни ташкил этади, 1993 йилда эса 12,7 млрд. долларни ташкил этди. Хулоса килиб айтганда ЖБ уз фаолиятида узок муддатли капиталларга узининг таъсириини сезиларли даражада курсатиб келмоқда.

Умуман олганда, ЖБ нининг кредит сиесати, унини капиталли, ривожланаётган мамлакатларда кулланилиши, бу мамлакатлар талабларига жавоб бергандлиги сабаблидир. ЖБ кредитларни олиш хакидаги мурожаатларни кондириш масалаларини куриш жараени кенг куламдаги иктисодий ва молиявий ахборотларни бу мамлакатлардан тавсия килишни талаб килади ва шу мамлакатларга узининг иктисодий миссияларини юборади.

Амалга оширилган бундай ёрдам асосан иктисодий ривожланган мамлакатлар аъзоларидан шакллантирилади, улар мамлакатни иктисодий ва молиявий ахволини урганиб чикиб, аъзо мамлакатларнинг миллий ривожланиш дастурларига таъсир курсатадилар. Миссияларнинг тавсиялари ЖБ нининг устивор йуналишдаги хусусий иктисод секторини ривожлантириш максидида хорижий капиталларни жалб килади. Миссиялар фаолияти кредит бериш масаласи билан мурожаат килган аъзо мамлакат суверенитетига таъсир курсатмасликнинг иложи ҳам йўқ. Қолаверса ушбу ҳолат миссиялар муаммосини юзага ҳам келтириб чиқармоқда.

Бундай тавсиялар эътиборга олинмаса талаб килинаётган кредитлар берилмайди, шу каторда бошка манбаларга ҳам таъсир килиш чоралари курилади. Чунки у бутун Жахон молия ва кредит сохаларини, ХВФ

билан бошқаради ва иқтисодий ривожланишни самарали йуналтиради. ЖБ томонидан берилган кредитлар ҳажми 47 йил ичида 235млрд. долларни ташкил этди. Ундан 1/3 қисми (80 млрд. доллар) 1989-93 йилларга тугри келади. Кредитлар асосан иқтисоднинг асосий тармоқларини ривожлантиришга (транспорт, алоқа, энергетика) берилади.

Хусусан, XX асрнинг 70-йилларда ЖБ кредитлари ижтимоий ривожланишга қаратилган эди, айниқса, қашшоқликни бартараф этишга. Эндиликда эса бу фаолият тиббиётга, таълимотга, режалашга, оилага, кишлоқ хужалигига ва аъзо мамлакатларни бозор муносабатларига утиши ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган.

XX асрнинг 90 йилларида эса ХТТБ-дунда биринчи давлатлараро инвестициялар институти сифатида фаолиятини бошлади. Ушбу ташкилот ХВФ билан бир вақтда 1994 йилнинг июль ойида ташкил қилинган. Бу ерда шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, ХТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг узида унинг низоми бўлиб ҳисобланади ва у 1945 йилнинг 27 декабридан қучга кириб уз фаолиятини бошлаган эди. Илк йилларда банк фаолияти ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга йуналтирилди. Шу даврда аъзо мамлакатларнинг хужаликлари иккинчи жаҳон урушидан кейин анча талофот қурган ва иқтисод ва сиёсатга қучли таъсир этган эди. Банк фаолияти АКШ олиб бораётган сиёсатни тулдирди. Бу сиёсат «Маршалло режаси» деб аталган ва Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги сиёсатини қуллаб-қувватлаш бўлди.

Шундай бўлсада ҳам халқаро ҳамкорликнинг қучга ташланадигани, ҳозирги даврда унда нафакат Европа, балки Осиё мамлакатлар (Булар – Вьетнам, Лаос, Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Румыния, Чехия, Словакия ва бошқаларидир) ва Собик Иттифокдан чиққан мамлакатлар ҳам иштирок этадилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ЖБнинг ҳам Бош органи Вашингтонда жойлашган ва АКШ узининг устиворлигини доим билдириб туради, лекин

кейинги пайтларда Гарбий Европа ва Япония мамлакатларининг таъсири кучаймокда.

Энг куп давлатлар аъзо булган ва энг куп операцияларни амалга оширадиган ХТТБ шубхасиз, ЖБ гурухининг марказий бугинидир. ХТТБ га аъзо мамлакатларнинг ҳукуматларигина қарз еки қаролат беради.

Қарз бериш шартлари хусусий сармоя бозоридаги таклиф этилаётган шартлар билан тахминан тенгдир.

ХТТБ қарз олувчи сарфламаган қарз суммасидан йилига 0,75% ни ташкил этувчи мажбуриятлар учун коммиссион ҳақини ундиради. Уз мажбуриятларини вақтида бажарадиган қарздорларга фойзаларни тулашда ва сарфланмаган қисмдан коммиссион ҳақ тулашда имтиёзли ставкалар берилади.

ЖБ ва ХВФ ҳар хил ташкилот бўлишига қарамай, яқин ҳамкорликда ишлайдилар. Бу ҳамкорлик ташкилотларининг ташкил топган давридан бошлаб, яъни 70-йиллардан бери чуқурлашиб кетди. Шу йиллардан бери банк фаолияти иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш билан бирга молиявий-иқтисодий снесат фойдасиз ресурсларни чуқур илдиз отишига йул очиб беради. Натижада ХХ асрнинг 80-йилларнинг бошида жаҳон иқтисодини пасайиши бошланди. Банк узини доирасини кредит операцияларига тармоқлардан осула қиритиш йули билан кенгайттирди. Кредитнинг асосий масаласи, бу ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида қайта қуриш ва шаклланишини узгартириш эди.

Хулоса қилиб айтганда, узининг бутун фаолияти давомида қайта қуриш ва ривожланиш ЖБ ва ХВФ уз махсус ташкилотлари тизими билан аниқ амалий универсал ташкилотга айланиб, жаҳон валюта муносабатларида қата обруга эга бўлиб, бутун жаҳон кредит оқимларини бошқаради ва кредит муносабатларида қаролатини таъминловчи сифатида иштирок этишга муяссар бўлиб келинмокда.

7.3. ЖТТБнинг ресурслар ва уларнинг манбалари.

Маълумки ХТТБ дунё молиявий бозорида ўз облигацияларининг ҳажми бўйича етакчи йирик уринни эгаллаб келмоқда. 70-йилларнинг охиридан бошлаб ишлаб чиқаргани облигацияларнинг суммаси жихатидан ҳар йили уртача 5 млрд. долларни ташкил этмоқда. XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб бу кўрсаткич анча ўса бошлади. Бу эса ЖБ узок муддатли капиталларга узининг таъсирини сезиларли даражада курсатиб келаётганлигидан далолат бермоқда.

Шунингдек, ЖБ ининг кредит сиёсати, унинг капитали, ривожланаётган мамлакатларда кулланилиши, бу капиталга эҳтиёжманд мамлакатларнинг талабларига жавоб берганлигидан далолат бермоқда. ЖБ кредитларни олиш бўйича мамлакатлар мурожаатларни кондириш кенг куламадаги иқтисодий ва молиявий ахборотларни шакллантирилиши талаб этганлиги боис, талабгор мамлакатларга ЖБ узининг иқтисодий миссияларини юборилишини ҳам таъминлаб келмоқда.

Бу миссиялар асосан саноати ривожланган мамлакатлар аъзоларидан шакллантирилади, улар мамлакатни иқтисодий ва молиявий аҳолини урганиб чикиб, аъзо мамлакатларнинг миллий ривожланиш дастурларини шакллантиришга, уларни ижросини таъминлашга таъсир кўрсатадилар. Миссияларнинг тавсиялари ЖБ ининг устивор йуналишдаги хусусий иқтисод секторини ривожлантиришни кўзда тутди ва имкон қадар хорижий капиталларни жалб қилади. Миссиялар фаолияти кредит бериш масаласи билан мурожаат қилган аъзо мамлакат иқтисодий-иқтисомий ривожланишига таъсир курсатмаслиги мумкин эмас.

Бундай тавсиялар эътиборга олинмаса ЖБ томонидан талаб қилинаётган кредитлар берилмайди. Бу эса охир-оқибат кредит олувчиларнинг бошқа молиявий манбаларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Чунки у бутун Жаҳон молия ва кредит соҳаларини, ХВФ билан бошқаради ва иқтисодий ривожланишни самарали йуналтиради. ЖБ томонидан берилган кредитлар ҳажмини жуда катта бўлишлиги кредитлар асосан иқтисоднинг

асрсий тармокларини ривожлаштиришга (транспорт, алока, энергетика) берилди.

70-йилларда ЖБ кредитлари ижтимоий ривожланишга қаратилган бўлса, (айниқса, кашшокликни бартараф этишга) ҳозирда эса бу фаолият тиббиётга, таълимотга, режалашга, оилага, кишлоқ хужалигига ва аъзо мамлакатларни бозор муносабатларига утиши ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилиб келинмоқда.

ЖБнинг маблағларининг таркиби ва уларнинг ҳар бирини улушини ошириш (камайтириш) мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини турлича бўлишлиги билан боғлиқдир. ЖБ нинг маблағларининг асосий қисми Жаҳон молиявий тизимлардан кредит олишга қаратилган бўлсада, дунё молиявий бозорида бу қимматли қоғозлар чиқариш билан чегараланади. Бу йўл билан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар капитал ҳаракатига қолаверса унинг экспортига таъсир ўтказади. Улар ўртасида воситачи вазифасини бажариш бир вақтнинг ўзида хусусий инвесторларга икки ёклама қафолат бериш имкониятини яратиб беради.

Сўнгги пайтларда ҳеч кимга сир эмаски, ЖБ га ва унга аъзо мамлакатлар учун ҳам хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар узининг бўш пулларини Жаҳон Банкининг облигацияларига айлантириш орқали фаолият юритишга интиломоқдалар.

Энг муҳими, ХТТБ дунё молиявий бозорида облигацияларининг ҳажми бўйича юқори ўринлардан бирини эгаллаб келаётганлигини таъкидлаб ўтилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ХТТБ қарз олувчи миждозлар сарфламаган қарз суммасидан йилига 0,75% ни ташкил этувчи мажбуриятлар учун комисион ҳақ ундирадилар. Ўз мажбуриятларини вақтида бажарадиган қарздорларга фоизларни тўлашда ва сарфланмаган қисмдан комисион ҳақ тўлашда имтиёзли ставкалар қўлланилиши мумкин.

Мазмун-моҳиятига кўра, ЖБ ва ХВФ ҳар хил ташкилот бўлишига карамай, яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ҳозирда бундай ҳамкорлик қирралари янада чуқурлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам банк фаолияти иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш билан бирга молиявий-иқтисодий сиёсат фойдасиз ресурсларни чуқур илдишлашувига имконият яратиб бормоқда. Бунини янада яққолроқ тушуниш учун жаҳон иқтисодини пасайишинини бошланиши билан банк ўзини масштабларини кредит операцияларига тармоқлардан ссуда киритиш йўли билан кенгайтиришга эришди. Кредитнинг асосий вазифаси бу ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида қайта қуриш ва уни замон талаблари доирасида шаклланишини ижобий томонга ўзгартириш бўлиб ҳисобланмоқда.

ХТТБ ҳозирда ҳам, ўзининг бутун фаолияти қайта қуриш ва ривожланишга ЖБ ва ХВФ ташкилотлари тизими билан аниқ амалий универсал ташкилотга айланиб, жаҳон валюта муносабатларида катта обрўга эга бўлишга, бутун жаҳон кредит оқимларини бошқариш ва кредит муносабатларини кафолатланишини таъминланишида фаол иштирокчи сифатида ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Шу орқали жозибадор молиявий хизматлар кўрсатишда таъсирини инобатга олиш лозим.

7.5. Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Халқаро Молия Корпорацияси, уларнинг асосий вазифалари ва функциялари

Халқаро ривожланиш ассоциацияси ташкил қилиниши ва унинг асосий вазифалари

Имтиёзли кредитларни тақдим этишга барча тараққий этган мамлакатларнинг активлиги сезиларли даражага ошишига Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Халқаро молия корпорациясининг таъсири катта бўлмоқда, чунки бундай аҳамиятга молик банклар имтиёзли шартларда кредит бериш кўлами кенгайиб бормоқда.

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси — бу жаҳон банки таркибидаги ташкилотлардан бири бўлиб, бу ташкилот орқали жаҳон банки имтиёзли шартларда кредитлар тақдим этади. Ушбу ассоциация дунёдаги энг камбағал мамлакатларга узоқ муддатга имтиёзли шартлар асосида фойзсиз кредитлар бериш билан шугуллана бошлади. У инсон капиталини оширишга, иқтисодиёт ва сиёсатни кенгайтиришга, ўқув муассасалари ва жисмоний инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклаша бошлади. Унинг мақсади — мамлакатларaro ва мамлакатдаги ички тенгсизликни олдини олиш, бошланғич таълим муассасаларининг фаолиятини янада ривожлантириб уни барчага етказиш, тиббий хизмат кўрсатиш, сувсозлик, канализация ва шу каби йўналишларни ривожлантиришдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки ташкил этилганда (1944 й), унинг асосий мақсади этиб энг аввало иккинчи жаҳон урушидан талофат кўрган Европа мамлакатларига ёрдам кўрсатиш, Европанинг иқтисодий, молиявий салоҳиятини тиклаш, турли соҳа корхоналари иқтисодиётини изга тушириш эса ушбу банк ўз эътиборини ривожланаётган мамлакатларга қаратди, шунингдек камбағал ривожланаётган мамлакатлар ўзлари учун керакли бўлган маблағни кредит бериш шартлари асосида оломаслиги эътиборга олинган ҳолда, уларга имтиёзли шартларда кредитлар бериш йўлга қўйилди. Бундай қоида ва тартиб деярли барча халқaro молиявий институтлари фаолиятида ўз аксини топди.

Энг муҳими, АҚШ ва ушбу банкка аъзо мамлакатлар ҳамкорлигида, номлари тилга олинган мамлакатларга имтиёзли шартларда кредитлар бериш мақсадида кредит бера оладиган ташкилот тузишга киришилди. Улар бундай ташкилотни Жаҳон ривожланиш ассоциацияси деб номлашди. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташкилотчилари ушбу ташкилот орқали, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериши кўзда тутилди. Шу билан бир қаторда Жаҳон ривожланиш ассоциациясини Жаҳон банки сингари намунали ташкилотни ташкил этиш эътироф этилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, АҚШ президенти Дуайт Эйзенхауэр Жаҳон ривожланиш

ассоциациясини Жаҳон банкининг бир бўлаги сифатида қолиш таклифи барча ташкилотлар томонидан маъқулланди (Ушбу келишув 1960 йилда маъқулланди) ва 1961 йилда Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ўзининг ilk кредитларини Гондурас, Ҳиндистон, Судан ва Чили каби давлатларга тақдим этди⁶⁴.

Ўз навбатида Жаҳон банки ва Жаҳон ривожланиш ассоциацияси бир хил тарзда бошқарилди. Ишчилар сонин, бошқарув президенти, лойиҳаларни таҳлил қилиш ва баҳолашдаги қоидалар умумий бўлиб қолди. Уларнинг ягона фарқи, Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ўз маблағларини бошқа “яшиқ”дан олади. Жаҳон ривожланиш ассоциациясига аъзо бўлишган (улар 164 та) авваламбор Жаҳон банкига аъзодирлар.

Бошқа халқаро молиявий институтларга қўлланиладиган имтиёзлар, имтиёзли шарт-шароитлар Жаҳон ривожланиш ассоциациясига яратиб берилган. Мисол учун Жаҳон ривожланиш ассоциацияси кредитларини узин муддати 20, 35 ёки 40 йилни ташкил этган ҳолда, унга асосий қарзни ёпиш учун қўшимча 10 йил имтиёзли муддат ҳам эътиборга олинади ёки ўз ичига олади. Берилган кредитлардан фойз олинмайди, аммо 0.75 % миқдорида комиссия йиғим қўлланилади (яъни олинади). У 2002 молия йилида (30 июнда) яқун топган. Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг жами тасдиқланган кредитлари миқдори 8.1 млрд. АҚШ долларига етказилди.

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси 1960 йилдан бошлаб жами 135 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратишга эришди. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ҳар йили 6-7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги суммани турли хил ривожланиш лойиҳаларига: бошланғич таълим, тиббий хизмат, тоза ичимлик сувига ва канализациялардан фойдаланишга ажратади. Бундан ташқари Жаҳон ривожланиш ассоциацияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий тизимларни

⁶⁴ Атаниязов Ж.Х. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. / Ж.Х. Атаниязов, Е.Д. Алимардонов. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2014. – 432 б.

либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва зарур бўлган инфратузилмани ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиради. Юқоридаги барча лойиҳалар иқтисодий ўсишга, янги ишчи ўринларини яратилишига, аҳоли реал даромадларини ошишига ва яшаш шароитининг яхшилашига ёрдам берди.

Жаҳон банки ўз маблағларининг асосий қисмини жаҳон молия бозорларидан олаётган бир вақтда, Жаҳон ривожланиш ассоциацияси маблағларининг асосий қисмини бойроқ аъзо давлатларнинг бадаллари орқали молиялаштириш имкониятига эга. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташкил топган даврдан бошлаб, бадалларнинг умумий сони ўсиб боровчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда ва у 190 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Қўшимча бадаллар эса Жаҳон банкининг соф фойдасидан ва олдиндан берилган кредитлар қарзини узишдан келиб чиқади.

Айтиш жоизки ҳар уч йилда донор давлатлар Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг ресурсларини тўлдириш учун йиғиладилар. Уч йил мобайнида “ўн учинчи маблағларни тўлдириш”дан келиб тушган маблағлар орқали лойиҳалар молиялаштирилади. Ҳозирда маблағларни тўлдириш операцияси орқали Жаҳон ривожланиш ассоциацияси умумий суммаси 23 млрд. АҚШ доллари бўлган кредитларни бериш имкониятига эга. Аксарият маблағлар донор мамлакатлар томонидан ташкил топган. Қолган маблағлар эса берилган кредитларнинг ўз вақтида сўндирилишиндан ҳамда донорларга алоқаси бўлмаган бошқа ресурслардан келиб тушган пул маблағлари бўлиб ҳисобланади.

Келиб тушган маблағларнинг катта қисми АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канада каби давлатлардан “ўн учинчи маблағларни тўлдириш” келиб тушган. Мисол учун, АҚШ энг катта донорлардан бири ҳисобланган ҳолда уч йил мобайнида 2.85 млрд. АҚШ доллари миқдорида пул ўтказиб берган. Бошқа давлатлар ҳам Жаҳон ривожланиш ассоциациясига пул ўтказиб турмоқдалар. Бундай мамлакатлар

каторига Жанубий Корея ва Туркия киради. Ҳозирги кунда Жаҳон банкидан кредит олаётган Аргентина, Бразилия, Чехия, Венгрия, Мексика, Польша, Россия, Словакия, Жанубий Африка ва Венесуэла ҳам “Ўн учинчи маблағларни гўлдириш”да ўз хиссасини қўшганлар. Бошқа маблағ олинган давлатларга эса Австралия, Австрия, Барбадос, Багам Ороллари, Бельгия, Дания, Финландия, Греция, Исландия, Исроил, Қувайт, Люксембург, Голландия, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия, Саудия Арабистони, Сингапур, Испания, Швеция ва Швейцария киради⁶⁵.

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташаббуси асосида амалга оширилган ишлар:

- Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг ташаббуси асосида Африка давлатларида 45 мингга яқин янги ўқув муассасалари қурилди ва қайта таъмирланди, шу тариқа тахминан 1.8 млн. ўқувчилар бошланғич таълим ола бошладилар;

- Осиё давлатларида 6.7 мингга яқин тиббиёт муассасалари қурилди ва жиҳозланиб, кишлоқ аҳолиси фойдаланувига топширилди;

- Лотин Америкаси давлатларида эса 9.5 млн. аҳоли жалб қилинган инвестициялардан фойдаланди ва иш билан таъминлади;

- Африка давлатларида бошланғич таълим муассасалари дарсликлар билан таъминланди, аксарият дарсликлар шу ернинг ўзида ишлаб чиқилди ва нашр этилди;

- Ҳиндистонда 52.5 мингга яқин шифокорлар СПИДга қарши миллий дастур тизимида профилактика усули ёрдамида ўқитилди⁶⁶.

ЖТТБ-дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб, ХВФ билан бир вақтда 1994 йилнинг июль ойида ташкил қилинган. ЖТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг ўзида унинг низоми бўлиб ҳисобланади (1945 йилнинг 27 декабридан кучга кирган). Дастлабки йилларда банк фаолияти

⁶⁵

⁶⁶

ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга қаратилган. Шу даврда аъзо мамлакатларнинг хужаликлари иккинчи жаҳон урушидан кейин анча талофот кўрган ва иқтисод ва сиёсатга кучли таъсир этган эди. Банк фаолияти АКШ олиб бораётган сиёсатни тўлдирди. Бу сиёсат «Маршалл режаси» деб аталган ва Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги сиёсатини қўллаб-қувватлаш бўлди.

Ғарбий Европа мамлакатлари 50-йилларнинг ўрталарида ўз мавқеини тиклаб олиш ва мустамлакаларни йўқ қилиши сабабли Жаҳон Банки ўз фаолиятини узгартирди.

Хар қандай молиявий институтлари таркибига кирувчи ташкилотлар каби Жаҳон Банкнинг асосий мақсади мустақилликка эришган мамлакатларни жаҳон иқтисодиёти тизими даражасига кўтариш ва унинг асосий йўналиши сифатида бозор иқтисоди муносабатларини белгилаб олиш бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон Банки БМТ нинг махсус молиявий институти деб тан олинishi ва стратегик вазифаларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг истиқболли вазифаси жаҳондаги асосий хўжалик марказлар тизимини интеграциялаштириш ва унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётини мужассамлаштириш бўлиб ҳисобланди.

Айтиш жоизки, Жаҳон банкнинг ташкилий тизими раҳбар ташкилоти бўлиб Бошқарувчилар Кенгаши директорлар (ижрочи ташкилотлар) ҳисобланади. Кенгаш молия институтлардан еки аъзо мамлакатларнинг МБ ларининг раҳбарларидан ташкил топган. Улар ўз сессияларида қўйилган масалаларни йилига бар марта йиғилиб хал қиладилар, энг муҳими ЖБ ва ХВФ бундай сессияни бирга ташкил этиб ўтказадилар. Қўйилган масалаларни куриб чиқиш ЖБ да овозга қуйиш йули билан хал қилинади. Хар бир овоз мамлакатларнинг Низом капиталининг ҳиссаси билан белгиланади. Бундай тизим ХВФ да ҳам қўлланилади.

ЖБ аъзолари сони 1993 йилга кадар 176 тага етди, Банк тизимининг унча катта булмаган иқтисодиётини ва ишлаб чиқаришини ривожланган

мамлакатлар гуруҳи АҚШ бошчилигижа бошқаради. 1993 йилнинг 30 июлидан бошлаб банк фаолиятини «еттилик» деб аталган, яъни АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатлари бошқариб келади.

Ҳозирги даврда халқаро ҳамкорликнинг кўзга ташланадиган томони шундаки, унда нафақат Европа, балки Осиё мамлакатлари ҳам иштирок этадилар, яъни булар: Вьетнам, Лаос, Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия ва бошқалар.

7.6. Халқаро тараққиёт ассоциациясининг ресурслари ва уларнинг ташкил топиш манбалари

Жаҳон тараққиёт ассоциацияси кредитларини узиш муддати 20, 35 ёки 40 йилни ташкил этиб, асосий қарзни ёпиш учун қўшимча 10 йил имтиёзли муддатни ўз ичига олади. Берилган кредитлардан фоиз олинмайди, аммо 0.75 % миқдорида комиссиян йигим олинади. 2002 молья йилида (30 июн 2002 йилда яқун топан) Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг жами тасдиқланган кредитлари миқдори 8.1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, улардан амалда 6 млрд. АҚШ доллари ажратиб берилган.

1960 йилдан бошлаб Жаҳон тараққиёт ассоциацияси кредитлар ажратишга ҳам мослашди. Жаҳон тараққиёт ассоциацияси ҳар йили катта миқдорда, яъни 6-7 млрд. АҚШ доллари миқдорида турли хил ривожланиш лойиҳаларига: бошланғич таълим, тиббий хизмат, тоза ичимлик сувига ва канализациялардан фойдаланишга ажратди. Бундан ташқари Жаҳон тараққиёт ассоциацияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий тизимларни либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва зарур бўлган инфрагузилмани ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни мольялаштириб ҳам келди. Юқоридаги барча лойиҳалар иқтисодий ўсишга, янги ишчи ўринларини яратилишига, аҳоли реал даромадларини ошишига, уларни яшаш шароитининг яхшилашига имконият яратиб келди.

Шуниси диққатга молики, Жаҳон банки ўз маблағларининг асосий қисмини жаҳон молия бозорларидан олаётган бир вақтда, Жаҳон тараққиёт ассоциацияси маблағларининг асосий қисмини бойроқ аъзо давлатларнинг бадаллари орқали молиялаштиради. Жаҳон тараққиёт ассоциацияси ташкил топган даврдан бошлаб, бадалларнинг умумий сони ўсиб боровчи тарзда (190 млрд. АҚШ долларини) ташкил этди. Қўшимча бадаллар эса Жаҳон банкнинг соф фойдасидан ва олдиндан берилган кредитлар қарзини узишдан келиб чиқди.

7.6. Халқаро молия корпорацияси (ХМК)нинг ресурслари ва уларнинг ташкил топшиш манбалари

Халқаро молиявий компанияларга кўрсатиб келинаётган молиявий маҳсулотлар кўринишидаги хизматлар кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳам ривожланаётган мамлакатлар қаторида халқаро молия институтларининг молиявий хизматларига зарурияти ошиб бормоқда.

ХМК ривожланаётган аъзо давлатлардаги компанияларга биринчи навбатда молиявий маҳсулотлар (хизматлар)нинг тўлиқ ассортиментини таклиф қилади. Молиявий маҳсулотлар (хизматлар)га қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қайд қилинган ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси бўйича асосий валюталар ёки миллий валютада узок муддатли қарзлар;
- акционерлик капиталига инвестициялар;
- квази-капитал молиявий инструментлари (субординациялашган кредитлар, имтиёзли акциялар, облигациялар, конвертирланадиган қарз инструментлари);
- синдикациялашган қарзлар;
- рискларни бошқариш (валюта ва фоизлар билан «своп» битимларини ташкил этишда воситачилик, хажинг операцияларининг амалга оширилиши);

–воситачилар орқали молиялаштириш.

ХМК молиявий инструментларни алоҳида ёки ҳар қандай йиғиндисиди такдим этиши мумкин. Бундан ташқари, ХМК молиялаштириш чизмаларини ишлаб чиқишда ёрдам бериши мумкин.

Айтиш жоизки, ХМК томонидан такдим этиладиган маҳсулот ва хизматлар учун тўлов бозор ставкалари асосида аниқланади, ҳукумат кафолатлари қабул қилинмайди.

Жаҳон Банкининг таркибий қисми ХМК хусусий сектордаги ўрта ва узок муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштирувчи бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда ХМК ривожланаётган давлатлардаги хусусий лойиҳалар учун ссуда ва акционер капиталининг энг йирик халқаро молиявий манбаси бўлиб ҳисобланади.

ХМК саноат ва иқтисодиёт секторларининг ишлаб чиқариш соҳаси, инфраструктура объектлари, туризм, соғлиқни сақлаш ва таълим, молиявий хизматлар сектори каби энг турли хил тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштиради. Молиявий хизматлар секторидаги лойиҳалар охириги вақтда тасдиқланаётган лойиҳаларнинг катта қисмини ташкил этмоқда: улар хизматларни кенг қамраб олади - шаклланаётган ижара, суғурта ва ипотека кредити бозорларига инвестициялардан тортиб то талабаларга ссудаларни такдим этиш ва алоҳида давлатларда банкларга кредит линияларини очишгача, улар эса, ўз навбатида, кичик корхоналарга хўжалик фаолиятини юритиш учун микрокредитлар ва қарзларни такдим этадилар. ХМК биринчи навбатда хусусий сектордаги лойиҳаларни молиялаштига қарамай давлатнинг маълум улуши бўлган компаниялар ҳам молиялаштирилиши мумкин. Бунда лойиҳа тижорат асосида хусусий секторнинг иштироки билан амалга оширади. ХМК миллий эгаларга бутунлигича тегишли бўлган компанияларга, шунингдек хорижий ва маҳаллий акционерлар иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам молиялашни такдим этиши мумкин.

Молиялаштиришга нисбатан унинг олувчисини олдига қўйиладиган асосий талаб: лойиҳаларнинг молиялаштирилиши фақат хусусий инвесторлар билан биргаликда амалга оширилиши билан изоҳланади. Бунда инвестицион лойиҳа қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- хусусий секторга тегишлилиги;
- техник ахволининг яхшилиги;
- даромадлиликининг юқори потенцнали;
- маҳаллий иқтисодиёт учун муҳимлиги;
- экологик ҳамда ижтимоий хавфсизлик (бу ҳам мамлакат мезонларига,

Жаҳон Банки талабларига мос келиши лозим бўлади).

Молиялаштириш шакллари:

- кредитлар;
- акционерлик капитали.

Шу ўринда айтиш лозимки, молиялаштириш маълум шартлар асосида амалга оширилади. Шу боис молиялаштириш шартларига қуйидаги киритилади:

- қўйилмаларнинг минимал ҳажми - кичик ва ўрта лойиҳалар учун - 100 000 \$, стандарт лойиҳалар учун 1 000 000 \$;
- қўйилмаларнинг максимал ҳажми - кичик ва ўрта лойиҳалар учун - 1 000 000 \$, стандарт лойиҳалар учун - 100 000 000 \$.

Халқаро молиявий корпорация томонидан тақдим этиладиган молиявий ресурслар корхонанинг айланма фондларини тўлдириш, шунингдек ички бозорда ёки чет элдан ХТТБ аъзо давлатларининг эҳтиёжи туғилганда уни асосий фондларни сотиб олишга сарфлаши мумкин бўлади.

Халқаро молиявий корпорациялар томонидан тақдим этиладиган молиявий ресурсларнинг (қўйилмаларнинг) муддатлилиги қуйидагича деб белгиланган. Мисол учун, кредитлар учун 8-12 йил, акционер капитали учун 8-15 йил.

Халқаро молиявий корпорациялар томонидан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни: янги лойиҳалар учун ХМК линияси

бўйича молиялаштиришнинг максимал ҳажми лойиҳа бўйича умумий харажатлар сметасидан 25 %дан ошмаслиги ёки бундан истисно қатта бўлмаган лойиҳаларда ушбу улуш 35 %гача оширилиши мумкин. Олдинроқ амалга оширилган лойиҳаларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда харажатларнинг 50 %и ҳажмида маблағлар тақдим этилиши назарда тутилади, аммо бунда ХМКнинг капитал қўйилмалари мазкур лойиҳани амалга ошираётган компания капитализацияси умумий ҳажмининг 25 %дан ортиғини ташкил этмаслиги лозим бўлади. ХМК томонидан тақдим этилаётган ҳар бир АҚШ долларига бошқа инвесторлар ва кредиторлар ўртача 5 дан ортиқ АҚШ долларини тақдим этадилар.

Биринчи тўловни кечиктириш даври ва кредит бўйича фоиз ставкаси ҳар бир лойиҳа учун олдиндан келишиб олинади. Молиялаштиришни олиш учун бизнес-режа ва молиялаштиришнинг батафсил техник-иқтисодий жиҳатдан асосланиш асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

ХМК фақатгина бозор операторларининг фаолиятини тўлдириш имкониятига эга бўлганда инвестициялашда иштирок эта олади. Эришилган муваффақиятлар ва кўп томонлама ташкилот махсус статуси туфайли ХМК хусусий капитал қўйилмаларининг тартибга солувчиси сифатида амал қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин. ХМКнинг ҳар қандай лойиҳадаги иштироқи инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлайди ҳамда бошқа кредиторлар ва акционерларни жалб қилишга ёрдам беради. ХМК Халқаро тижорат банкларининг иштироқи ёрдамида синдикациялашган қарзларни ташкил этиш, инвестицион маблағлар ва корпоратив қимматли қозғаларни чиқаришнинг кафили сифатида қатнашиш орқали ривожланаётган мамлакатлардаги рентабелли компаниялар учун бевосита молиявий ресурсларни ташкил этади. Бундан ташқари, ХМК қимматли қозғаларни хусусий тарзда жойлаштириш билан шуғулланади.

Халқаро молия корпорацияси ривожланаётган давлатлардаги тадбиркорларга кўп масалалар бўйича, шу жумладан, корхоналарнинг ишлаб

чикариш фондлари ва молиявий фаолиятини реструктуризация қилиш, бизнес-режаларни тузиш, бозорларни, маҳсулот турларини, технологияларни, молиявий ва техник ҳамкорлик бўйича ҳамкорларни қидириш, шунингдек лойиҳали молиялаштириш шартлари асосида маблағларни жалб қилиш бўйича маслаҳатлар беради. Инвестицион лойиҳалар бўйича ёки суммаси бозор таърибасига мувофиқ аниқланадиган мукофот эвазига ХМК алоҳида маслаҳат хизматларини кўрсатиши мумкин.

Юқорида кайд этилганлардан ташқари, ХМК тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш масалалари бўйича ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларига маслаҳат бериши, шунингдек бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича тавсияларни тақдим этиши мумкин. Хусусан, ХМК капиталнинг маҳаллий бозорларини бир томондан ривожлантиришга ёрдам беради, иккинчи томондан эса давлат корхоналарини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича кўмаклашади.

Халқаро молия корпорациясининг нафақат инвестицион фаолиятини минтақавий ва тармоқ департаментлари бошқаради, балким бутун Жаҳон бўйича мувофиқ тармоқлардаги лойиҳалар билан шугулланади. Минтақавий департаментлар ўзларининг географик минтақаларида ХМКнинг тармоқ департаментлари шугулланмайдиган тармоқлардаги лойиҳалар билан шугулланадилар. Минтақавий департаментлар шугулланувчи лойиҳаларнинг кўп қисми молиявий хизматлар ва бозорлар, ишлаб чиқариш соҳаси сингари фаолиятнинг кенг йўналишларига тааллуқлидир.

Эътироф этиш жоизки, 2000 йилнинг 1 январида ХМК ва ХТТБ бир қанча фаолият юритаётган гуруҳларнинг кадр ресурсларини бирлаштириб, иқтисодий сиёсат ва хусусий инвестициялар масалалари ўртасида яқин алоқа мавжуд бўлган тармоқларда ишловчи 5 та биргаликда бошқарилувчи департаментларни ташкил этишган, уларга: нефт-газ ва кимё департаменти; кичик ва ўрта бизнес корхоналари департаменти; глобал ахборот ва

коммуникацион технологиялар департаменти; тоғ рудаси саноати департаменти ва хусусий сектор корхоналари учун маслаҳат хизматлари департаменти киради.

Хусусан, қўшма департаментлар маҳсулотлар, хизматлар самарадорлигини ошириш ва инвестициялар координацияси ва сиёсат масалалари бўйича маслаҳатларни тақдим этиш орқали хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилган Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳининг стратегияларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган эди. Ушбу департаментлар фаолияти давомида манфаатлар тўқнашувини вужудга келтириш мумкин ва шу сабабли Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳида Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича бўлим ташкил этилди.

Таъкидлаш лозимки, ХМК линияси бўйича молиялаштиришнинг стандарт шакли мавжуд эмас. Янги корхонани ташкил этмоқчи бўлган ёки амалдагисини кенгайтирмоқчи бўлган ҳам хорижий, ҳам миллий компаниялар ёки тадбиркорлар бевосита ХМКга мурожаат қилишлари мумкин. Алоқа ўрнатилганидан кейин ва таклиф олдиндан кўриб чиқилганидан сўнг лойиҳани охиргача баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорни қабул қилиш учун ХМК лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланганлиги бўйича ҳужжатни ёки бизнес-режасини талаб қилиши мумкин.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ХМКнинг маҳсулотлари ва хизматлари фаолиятнинг учта асосий йўналишларини камраб олади:

Биринчиси Молиявий маҳсулотлар. Бу анъанавий ва ҳажми жиҳатидан энг йирик ХМК фаолиятининг йўналишидир. Унинг фаолияти ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторидаги лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқдир. У кредитларни тақдим этади, улушли ва квази улушли молиялаштиришни амалга оширади. Бундан ташқари, у молиявий рискларни бошқариш орқали маҳсулотлар таклиф қилади ва воситачилар ёрдамида молиялаштиришни амалга оширади.

Шуниси характери, ХМК ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторида реализация қилинадиган лойиҳалар учун молиявий маҳсулотларнинг кенг ассортименти таклиф қилади. Улар жумласига:

- ХМК ўз маблағларидан қарзлар; “А” типдаги қарзлар; улушли молиялаштириш;
- квазиулушли молиялаштириш; “С” типдаги қарзлар; синдикациялашган қарзлар; “В” типдаги қарзлар; рискларни бошқариш бўйича маҳсулотлар; воситачилар орқали молиялаштириш.

Умуман олганда, ХМК алоҳида лойиҳанинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришнинг комбинациялашган вариантларини ҳам таклиф қилиши мумкин. Аммо, бундай ҳолатларда молиявий маблағларнинг катта қисми, шунингдек лойиҳани бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш хусусий сектор вакиллари томонидан таъминланиши зарур бўлади.

ХМК томонидан молиялаштириладиган корхоналар акцияларининг назорат пакети хусусий сектор вакилларига тегишлидир. Хусусийлаштириш жараёнидаги давлат корхоналар бундан мустасно. Айтиш жоизки, ХМК молиялаштиришни ҳукумат кафолатлари остида амалга оширмайди, аммо кўп ҳолларда корпорация фаолияти ривожланаётган мамлакатларнинг давлат органлари билан яқин ҳамкорликни кўзда тутди.

Иккинчиси маслаҳат хизматлари. Бунда ХМК ривожланаётган давлатларнинг хусусий корхоналари ва ҳукуматларига консултив ва техник жиҳатдан кўмаклашиш хизматлари кирди. Ушбу хизматлар муаммоларнинг кенг спектрини камраб олади, жумладан хусусийлаштириш, тижорат фаолиятига нисбатан давлат сиёсати, шунингдек тармоқ масалалари бўйича маслаҳатларни амалга оширади.

Шуниси характери, ХМК ривожланаётган давлатларнинг ҳукуматлари ва хусусий компанияларига хусусий сектор масалалари бўйича маслаҳат хизматларининг кенг спектрини таклиф этади. Чунки ХМК тадбиркорлик

учун кулай шароитларни яратиш мақсадида ҳукуматларга бир қатор турли хилдаги масалалар ва муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

ХМК, молиялаштириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий компанияларга тижорат масалалари бўйича ва тижорат корхоналарини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар беради.

Хусусий корхоналарга маслаҳат хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳаларни ишлаб чиқишда кўрсатиладиган ёрдамларни;
- кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаб чиқариш-тижорат фаолияти масалалари бўйича маслаҳатларни;
- реструктуризация масалаларини;
- техник ёрдамни.

Учинчиси ХМК ресурслар мобилизацияси. Бунда уларнинг ривожланаётган давлатларнинг компанияларига капиталнинг Халқаро бозорларига чиқишга ёрдам бериши эътироф этилади. Шу орқали синдикациялашган банк қарзларини ташкил этишни кўзда тутувчи қарзларни тақдим этишда қатнашиш дастури молиявий ресурсларни мобилизация қилиш бўйича фаолияти ташкил этилади. Бундан ташқари, ХМК қимматли қоғозларни қафолатланган ҳолда жойлаштириш, секьюритизацияни амалга ошириш, қимматли қоғозларни жойлаштириш ва бошқа новаторлик усуллар ҳамда ёндашувларни қўллаш йўли билан инвестицион фондлар орқали Халқаро молия ташкилотлари линияси бўйича молиялаштиришни ташкил қилади. Агар ХМК лойиҳада қатнашмаса ўз маблағларини унга инвестицияламаган ташкилотлар капиталини жалб қилиши мумкин бўлади, шу орқали катализатор сифатида фаолият кўрсатади, чунки ривожланаётган давлатларда иш юритиш бўйича бой амалий тажрибага ва ушбу мамлакатларнинг ҳукуматлари билан яхши муносабатларга эгадир. ХМКнинг мустақил Халқаро ташкилот сифатида эътироф этилиши ҳам хорижий инвесторларда, ҳам лойиҳа амалга ошириладиган давлатлар ҳукуматларида ишонч ҳиссини пайдо қилади. Корпорация энг аввало

лойиҳаларнинг ҳомийлари ва уларнинг реализациясида иштирок этувчи компаниялар талабларига мувофиқ давлатлар ҳукуматлари билан музокараларни олиб боришда амалий ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам, ХМКнинг роли унинг аъзо давлатларига ёрдам беришдан иборат бўлганлиги учун ушбу мамлакатлар ҳукуматлари корпорацияга ишонадилар. Бир вақтнинг ўзида компаниялар ХМК хусусий секторнинг эҳтиёжларини тушуниш ва уни қондиришда актив иштирок этишадилар.

7.7. ХМКнинг асосий вазифалари.

Барча жаҳон банклари каби Жаҳон Банки гуруҳларининг мақсади – мамлакатларда камбағалликни қисқартириш ва уларни иқтисодий ёрдам бериш бўлиб ҳисобланади. Жаҳон Банки гуруҳларининг турли бўлинмалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларида иштирок этадилар ва ҳар хил йўналишлар бўйича яъни иқтисодий ва таҳлилий текширувларни ўтказишдан тортиб то ҳукумат ҳамда хусусий корхоналарга молиявий ва техник ёрдамни кўрсатишгача фаолият юритадилар. Сўнгги ўн йил ичида ЖБ гуруҳлари ўзини молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсатини тубдан янгилашга ва ривожланаётган мамлакатларни иқтисодий ўзгаришларига мослашган ҳолда таклифлар киритиб келди. Демак, ҳар бир ривожланаётган мамлакат ўзининг ички ижтимоий-иқтисодий сиёсати, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб молиявий ресурсларга бўлган талабларини ЖБ гуруҳлари ёрдамида қондириб келишга муваффақ бўлиб келдилар. Бу кўп ҳолларда ўз иқтисодийига инвестицияларни жалб этиш билан кузатилиб келинди.

Шуни таъкидлаш керакки, ривожланаётган мамлакатларга ЖБ гуруҳларини молиявий ёрдамлари қуйида келтирилган бир қатор омиллар муҳим рол ўйнади:

- мамлакатдаги сиёсий-ҳуқуқий ҳолат;

- мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш тенденциялари;
- табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тартиблари;
- хом-ашё базасининг мавжудлиги;
- арзон ва малакали меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- тақлиф қилинаётган имтиёзлар;
- валюта курси ва унинг эркин айирбошланиши;
- инфратузилманинг ривожланганлиги;
- аҳоли даромадлари даражаси ва унинг ошиш тенденцияси;
- бюджет потенциали;
- жалб қилинган хорижий инвестициянинг даражаси ва ўсиш тенденцияси.

Чунки бундай ҳолатларни эътиборга олиниши ЖБ гуруҳларини молиявий ресурсларини киритилишида имконият яратиб берилади. Бу эса ўз навбатида, маҳсулотга эга бўлган талабни ошишига ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ривожланаётган мамлакат билан ЖБ гуруҳлари ўртасида ўзаро муносабатларни кенгайтиришга туртки бўлади.

Шу билан айтиб ўтиш лозимки, Жаҳон Банки гуруҳига бешта ташкилот кирган ҳолда ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиб келинмоқда, яъни:

- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) даромаднинг ўртача даражасига эга бўлган мамлакатлар ҳукуматларига ва даромаднинг паст даражасига эга бўлган кредитга лаёқатли давлатларга қарзлар беради.

- Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси (ХРА) кредит деб номланувчи молиявий гуруҳ энг аввало фойсиз ссудаларни дунёнинг энг камбағал давлатлари ҳукуматларига тақдим этиш билан боғлиқ фаолият юритади.

- Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) ривожланаётган давлатларнинг бевосита хусусий секторига кредит маблағларини тақдим этади.

- Инвестицион Кафолатлар бўйича Кўп Томонлама Агентлик (ИККТА) ривожланаётган давлатларда нотижорат рисклар билан боғлиқ бўлган зарарлардан инвесторларни кафолатлашни тақдим этиш билан боғлиқ фаолиятни ташкил этади.

- Инвестицион Баҳсларни Мувофиқлаштириш бўйича Халқаро Марказ (ИБМХМ) инвестицион Баҳсларни ҳал қилишнинг Халқаро механизмлари ва арбитраж ечимларини тақдим этади.

Ушбу бешта ЖБнинг ташкилоти ичида Халқаро Молия Корпорациясининг фаолиятига тўхтаб ўтиш муҳимдир. Бунинг учун ХМК ҳақида умумий маълумотларга эга бўлиш муҳимдир:

- ХМК 1956 йилда ташкил этилган;

- Унга 176 давлат аъзо;

- Унинг мажбуриятлар портфели: 23,5 млрд. АҚШ долл. (шу жумладан 5,5 млрд. АҚШ долл. синдикациялашган кредитлар кўринишига эга) ташкил этади;

- ХМКнинг 2004 молиявий йил учун мажбуриятлари: 4,8 млрд. АҚШ долларни ташкил этган (яъни 65 та мамлакатда 217 та лойиҳа бўйича).

Дастурларни ва ХМКнинг бутун фаолиятини юритиш корпорациянинг 176 та аъзо давлатлари томонидан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида ХМК томонидан хизмат кўрсатувчи давлатларни қўшимча харажатлар келишини олдини олади ва турли рисклардан ҳимояланиш имкониятини яратади.

ХМК иктисодий ривожланишга хусусий сектор орқали ёрдам беради. Ишбилармон ҳамкорлар билан биргаликда ХМК давлат кафолатларидан фойдаланмаган ҳолда ривожланаётган давлатларнинг барқарор хусусий корхоналарига маблағларни турли имтиёзлар асосида инвестициялайди. Бундай тўғридан тўғри кредитлаш ХМКни Жаҳон Банкidan принципиал жиҳатларини яъни: ўз келишувининг моддаларига мувофиқ ХТТБ ва ХРА кредит ресурсларини фақат аъзо давлатларнинг ҳукуматларига тақдим

этишлари билан чеклансалар, унда ХМК айнан ушбу чекловни тўлдириш мақсадида ташкил этилган ҳолда фаолият юритадилар.

Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) дунё мамлакатларида камбағалликни қисқартириш ва инсонлар ҳаётини яхшилаш мақсадида энг аввало ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторига инвестицияларнинг барқарор оқимини рағбатлантиришга фаолиятини қаратиб келмоқда.

ХМК Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳининг аъзоси. Штаб-квартираси Вашингтон шаҳрида (Колумбия округи) жойлашган. Унинг ҳам мақсади барча Жаҳон Банки ташкилотларининг аъзоси сифатида - аъзо бўлган ривожланаётган давлатлар аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш бўлиб ҳисобланади.

ХМК 1956 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда у ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторига лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит ва улушли молиялаштиришни тақдим этувчи энг йирик ташкилотдир. Хусусий секторнинг барқарор ривожланиши учун у қуйидаги ишларни амалга оширади:

- ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторига лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширади;
- ривожланаётган давлатларнинг хусусий компанияларига Халқаро молия бозорларидан молиялаштиришни ташкил этишда амалий ёрдам беради;
- корхоналар ва ҳукуматларга маслаҳат ва техник ёрдамни кўрсатади.

Унинг асосий вазифаси бўлиб ҳам ХМКнинг аъзо мамлакатларида юқори ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган корхоналар ва капиталнинг самарали бозорларининг ўсишига ёрдам бериш ҳисобига иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ҳисобланади. Бунда ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларига маслаҳат хизматларини тақдим этиш миллий ва хорижий

инвестициялар ва капиталларнинг оқиб келиши учун қулай шарт-шароит яратди.

Инвестицион лойиҳада ХМК шундай ҳолатда иштирок этадики, агарда у томонидан қўшилаётган ҳисса бозор субъектлари фаолиятини тўлдиролса фақат шунга мос равишда ХМК ривожланаётган давлатларда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва йиғиш орқали катализатор ролини ўйнай олиши мумкин бўлади. Ушбу орқали ХМК ривожланаётган мамлакатларда инвестициялар даромад олиб келиши мумкинлигини асослай олади.

Барча халқаро молия институтлари каби ХМК тижорат асосида фаолият юритади ва фойда олишга интилади. Уни ташкил этилганидан бери ҳар йили ўз фаолиятини фойда билан якунламоқда.

7.8. ХМКнинг ташкил этилиши ва мақсадлари

XX асрнинг 70-йиларида дунё мамлакатларидаги тараққиёт ҳозирги тараққиётидан умуман бошқача бўлган. Шу давр ичида бозор муносабатлари кўпчилик давлатларда шаклланмаган эди. Ҳозирги кунда хусусийлаштириш кенг қулоч ёйди. Глобаллаштирилган иқтисодиёт ривожлана бошлади. Дунё аҳолисини бозор муносабатларига бўлган тасарруфи яхши томонга ўзгара бошлади.

Инфраструктура объектлари ҳамда фойда ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкониятлари кенгайди. Ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторига инвестицияларни жойлаштириш даражаси ва уларни кўпайтириш зарурияти юзага келди. Аммо ушбу ҳолатларни ривожланишининг илк босқичида Халқаро Молия Корпорацияси ташкил этилди. Унгача бир қатор йиллар давомида Жаҳон Банкнинг ходимлари Банк фаолиятини тўлдирувчи бошқа турдаги муассасанинг ташкил этилиши тўғрисидаги фикр билдиришганлар. Олдинги параграфларда айтиб ўтилганидек, Жаҳон Банки Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ХТТБнинг аъзо давлатларининг

хукуматларига кредитлар такдим этиш йўли билан иқтисодийтни тиклаш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун ташкил этилган эди ва бу функцияларни муваффақиятли амалга ошириб келди. Лекин ХТТБ фаолиятининг биринчи йилларидаёқ Банкнинг бир қатор раҳбар ходимлари камбағал мамлакатлар хусусий секторининг корхоналарига инвестицияларни кўпайтиришни рағбатлантирувчи муассасани ташкил этишни зарур деб ҳисобладилар. Ўшанда йирик Халқаро корпорациялар ва тижорат молия муассасалари Африка, Осиё, Лотин Америкаси ёки Яқин Шарқ мамлакатларида фаолият юритишга катта қизиқиш билдирмаганлар. Чунки у пайтда ушбу минтақалардаги тадбиркорлар капиталнинг миллий манбаларига эга эмасдилар, хорижийлар ҳақида ғалпирмаса ҳам бўлади. Уларга ёрдам бериш зарурияти юзага келган, яъни катализатор зарур бўлди. 1944 йилдаги Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилингандан сўнг Бреттон-Вудс конференциясида бундай турдаги ёрдамни кўрсатиш тўғрисидаги биринчи таклифлар ўртага ташланган бўлсада, улар рад этилди. Аммо улар қабул қилинганида эди Жаҳон Банки ушбу масалалардан баъзиларини давлат кафолатларисиз хусусий компанияларга қарзларни бериш орқали ҳал қилиш имкониятига эга бўларди. Ушбу ғояни кечроқ (40-йиллар охирида) Жаҳон Банкнинг президенти Юджин Р. Блэк ва вице-президенти Роберт Л. Гарнер (ўтмишда америкалик банкир ва «Дженерал Фудс Корпорейшн» компанияси раҳбарларидан бири) чуқурлаштирдилар ва уни такомиллаштириш орқали ниҳоясига етказилишини муҳим деб билдилар. Хусусий тадбиркорликнинг тарафдори бўлган Гарнер ўзининг ёрдамчиси Ричард Демут ва бошқа экспертлар билан биргаликда бошқа ғояни -ХТТБнинг кредитларини бевосита хусусий секторга такдим этиш ўрнига Жаҳон Банки тизимида хусусий сектор корхоналарига инвестицияларни амалга ошириш учун махсус янги муассасани ташкил этиш ғоясини ишлаб чиқишга бел боғлашди.

Айтиш лозимки, янги кўп томонлама муассаса (дастлабки номи - Халқаро ривожланиш корпорацияси) нинг эгалари сифатида ҳукуматлар

бўлиши, лекин у корпорация сифатида фаолият юритиши тахмин қилинган эди. Бу эса ҳам давлат сектори, ҳам хусусий сектор билан муносабатда бўлиш имкониятини берди. Корпорация қарзларни бериш, корхоналарнинг акционерлик капиталида иштирок этиш ва ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторидаги лойиҳалар бўйича инвестицион таклифларни баҳолашда мутахассислар ҳамда экспертларни такдим этиш билан шугулланиши, яъни Жаҳон Банки давлат секторидаги лойиҳаларга нисбатан амалга ошираётган ишни бажариши тахмин қилинган эди. Бундан ташқари, янги муассаса ўз зиммасига тижорат рискларини олган ҳолда хусусий инвесторлар билан биргаликда фаолият юритиши тахмин қилинган эди. Ривожланаётган давлатларда янги хусусий инвестицияларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муҳим ҳовларни бартараф этиш орқали корпорация янги қўшимча иш ўринларини яратиш, валюта ва солиқ тушумларини ошириш учун зарур бўлган миллий капитални шакллантириш, шунингдек, билимлар, тажриба ва замонавий технологияларни беришга хизмат қилиши лозим эди.

Таклиф қилинган гоҳ ривожланиш соҳасидаги сиёсат бўйича АҚШ Маслаҳат Кенгашининг докладида (1951 йил март) расмий қўллаб-қувватланди. Нельсон Рокфеллер бошчилигидаги Кенгаш Жаҳон Банки тадбирларининг самарадорлигини анча оширишга хизмат қилувчи чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқди, чунки ривожланиш жараёнининг муҳим компонентларини молиявий маблағ билан таъминловчи хусусий ишлаб чиқариш корхоналарининг ўсишига йўналтирилган эди. Гарнернинг таъкидлашича, бундай компонентларнинг биринчиси бу тадбиркорлик, иккинчиси эса юқори фойдага эга бўлиш истикболининг мавжудлигида юқори рискни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган хусусий инвесторлар, яъни янги капиталнинг мобилизациялашни таъминловчиси бўлиб ҳисобланади. Бошқа компонентлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ичида янги иш жойларини яратиш, янги мутахассисликларга ўқитиш, бошқарув кадрларини

тайёрлаш, техника ва технологияни ривожлантиришни киритишни айтиш мумкин.

Ушбу компонентлар доирасида вазифаларни бажариш жараёнида ривожланаётган мамлакатлардаги корхоналар эгалари «таннархн ракобатбардошликни таъминловчи ва сифати бўйича бозор талабларига жавоб берувчи товарларни ишлаб чиқарувчи бир маромда ривожланаётган корхонани ташкил этишда ускуна, меҳнат ресурслари ва капиталдан муваффақиятли фойдалана олишлари», инсоният эса камбағаллик билан курашда ва ишончли келажакни таъминлашда ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш учун янги кучли воситаларга эга бўлиши тахмин қилинган эди.

Бу гоёни Гарнер актив ташвиқот қилган. 1952 йилдаги президент сайловларидан кейин АҚШ уни аввалгидай актив қўллаб-қувватламадилар ва шунга карамай охир-оқибатда икки йилдан кейин таклифни қўллаб-қувватладилар, лекин ўзгартиришлар билан - ХМК ўз фаолиятини бошлаши мумкин бўлса ҳам, лойиҳаларга ўз маблағларини ҳуқуқсиз қўйишга эга эди. Ушбу фаолиятга бошқа мамлакатлар ҳам қўшилган ҳолда 1955 йилда ХТТБ мутахассислари Халқаро Молия Корпорациясининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Таъсис шартномаси лойиҳасини тузишга муваффақ бўлдилар. Айтиш жоизки, расмий равишда ташкил этилган (1956 йил июн) биринчи раҳбари Робер Гарнер бўлган эди.

ХМК ривожланаётган аъзо давлатлардаги компанияларга молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг тўлиқ ассортиментини таклиф қила бошлади. Молиявий маҳсулотлар (хизматлар)нинг энг муҳим турлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланди:

- қайд қилинган ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси бўйича асосий валюталар ёки миллий валютада узоқ муддатли қарзлар;
- акционерлик капиталига инвестициялар;
- квази-капитал молиявий инструментлари (улар субординациялашган

кредитлар, имтиёзли акциялар, облигациялар, конвертирланадиган қарз инструментларидан ташкил топгандир);

- синдикациялашган қарзлар;

- рискларни бошқариш (улар валюта ва фоизлар билан «своп» битимларини ташкил этишда воситачилик, хеджнинг операцияларининг амалга оширилиши);

- воситачилар орқали молиялаштириш.

Молиявий инструментларни ХМК алоҳида ёки ҳар қандай йиғиндисидан тақдим этиши ва ХМК молиялаштириш чизмаларини ишлаб чиқишда ёрдам бериши мумкинлиги эътироф этилди.

ХМК томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматлар учун тўлов бозор ставкалари асосида аниқланадиган бўлди ва бунда ҳукумат кафолатлари қабул қилинмайдиган шарти ўз кучини сақлаб қолди.

Жаҳон Банкнинг таркибий қисми сифатида ХМК хусусий сектордаги ўрта ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўлиб ҳисобланди. Ҳозирги кунда ҳам ХМК ривожланаётган давлатлардаги хусусий лойиҳалар учун ссуда ва акционер капиталининг ташкил этувчи энг йирик Халқаро манбаси бўлиб ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ижтимоий иқтисодиётнинг энг турли хил тармоқларидаги лойиҳаларни, яъни саноат ва иқтисодиёт секторларининг ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларини, инфраструктура объектларини, туризмни, соғлиқни сақлаш ва таълимни, молиявий хизматлар сектори кабиларни ХМК молиялаштиради. Молиявий хизматлар соҳасидаги лойиҳалар тасдиқланаётган лойиҳаларнинг катта қисмини ташкил этган ҳолда хизматларнинг кенг қирраларини қамраб олади (ижара, суғурта ва ипотека кредити кредит линиялари микрокредит ва қарзлар тақдим этиш). ХМК аввало хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштиришга қарамай давлатнинг маълум улуши бўлган компанияларга молиялаштиришни тақдим этиши лойиҳа асосида хусусий секторнинг иштирокида амалга оширилиши

лозим бўлишлиги ҳам айтиб ўтилган эди. Бунда ХМК қўшма корхоналарга ҳам молиялашни тақдим этиши мумкин.

Молиялаштиришни олувчига нисбатан асосий талаб: лойиҳаларнинг молиялаштириши фақат хусусий инвесторлар билан биргаликда амалга оширилади. Барча инвестицион лойиҳалар қандай мезонларга жавоб бериши лозимлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади (хусусий секторга тегишлилиги; техник аҳволининг яхшилиги; даромадлиликнинг юқори потенциалига эга эканлиги; маҳаллий иқтисодиёт учун муҳимлиги; экологик ҳамда ижтимоий хавфсизлиги (ҳам мамлакат мезонларига, ҳам Жаҳон Банки талабларига мос келиши) шулар жумласидандир).

Айтиш жоизки, халқаро молия институтларидаги жаҳон банкларида молиялаштириш шакллари ҳам ўхшашлик хусусиятларига эга. (Мисол учун, кредитлар; акционерлик капитали). Уларда кўп ҳолларда молиялаштириш шартлари ҳам бир чизикда кесишиши мумкин (қўйилмаларнинг минимал ҳажми - кичик ва ўрта лойиҳалар учун - 100 000 \$, стандарт лойиҳалар учун 1 000 000 \$; қўйилмаларнинг максимал ҳажми - кичик ва ўрта лойиҳалар учун - 1 000 000 \$, стандарт лойиҳалар учун - 100 000 000 \$.).

Молиявий институтларнинг корпорациялари томонидан тақдим этиладиган пул маблағлари маблағ олувчиларининг айланма фондларини тўлдиришда, шунингдек ички бозорда ёки чет элдан ХТТБ аъзо давлатларининг истаганида пул маблағлари асосий фондларни сотиб олишга сарфланиши мумкин бўлади.

Тақдим этилган капитал қўйилмалари муддат нуктаи-назаридан кредитлар учун 8-12 йил, акционер капитали учун 8-15 йил бўлиши мумкин.

7.9. ХМКнинг молиялаштиришнинг иқтисодий интеграциялардаги хусусиятлари

Замонавий жаҳон ҳўжалиги икки қарама-қарши иқтисодий тенденцияли хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу эса ХМКнинг молиялаштириш ҳам

юзага келишига сабаб бўлади. Асосий хусусият энг аввало янги линияларни максимал молиялаштириш ҳажми умумий лойиҳанинг 25%дан кам бўлмаслиги ёки катта бўлмаган лойиҳаларни улушини 35%га ошириш лойиҳаларни молиялаштиришда харажатларнинг 50 %и ҳажмида маблағлар тақдим этилиши мумкин. Бунда ХМКнинг капитал қўйилмалари мазкур лойиҳани амалга ошираётган компания капитализациясининг умумий ҳажмининг 25 %дан ортигини ташкил этмаслиги лозим бўлади. ХМК томонидан тақдим этилаётган ҳар бир АҚШ доллариға бошқа инвесторлар ва кредиторлар ўртача 5 дан ортик АҚШ долларини тақдим этиши мумкин.

Айтиш жоизки, кредит бўйича фоиз ставкаси ва биринчи тўловни кечиктириш муддати ҳар бир лойиҳа учун келишилиб олинади. Молиялаштиришда асосий ҳужжат бизнес-режа бўлиб ҳисобланади. Бунда молиялаштиришнинг техник-иқтисодий асосланиш талаб этилади.

ХМК хусусий капитал қўйилмаларининг катализатори сифатида амал қилди. Шу боис ХМКнинг ҳар қандай лойиҳадаги иштироки инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлайди ҳамда бошқа кредиторлар ва акционерларни жалб қилишга ёрдам беради. ХМК Халқаро тижорат банклари ёрдамида синдикациялашган қарзларни ташкил этиш, инвестицион маблағлар ва корпоратив қимматли қоғозларни кафили чиқаришда қатнашиш орқали ривожланаётган мамлакатлардаги рентабелли компаниялар учун бевосита молиявий ресурсларни жамлайди. ХМК қимматли қоғозларни хусусий тарзда жойлаштириш билан ҳам шуғулланади. Шу орқали у ўзида жаҳон ҳўжалиги байналминаллашувининг алоҳида янги босқичини мужассам этади.

ЖБ аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида янада чуқурроқ халқаро меҳнат тақсироти вужудга келади ва уни кучайтиришда ХМК муҳим рол ўйнайди. ХМК ривожланаётган мамлакатларга турли хизматлар кўрсатиш орқали капитал ва ишчи кучлари билан жадал алмашинув жараёнларини содир этади ва кенгайтиради. Шу орқали интеграцион бирлашувни ривожланишига асос яратилади, унинг аъзолари бўлмиш мамлакатлар ўртасида капитал ва

ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва жамлашуви жараёни янада тезроқ кечиши учун шарт-шароит яратилади. Бу эса ушбу мамлакатлар интеграцион гуруҳлари чегарасида ягона иқтисодий сиёсатнинг вужудга келишини объектив тарзда амал қилади. Шунингдек, ХМК ривожланаётган давлатлардаги тадбиркорларга кўп масалалар бўйича, шу жумладан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондлари ва молиявий фаолиятини реструктуризация қилиш, бизнес-режаларни тузиш, бозорларни, маҳсулот турларини, технологияларни, молиявий ва техник ҳамкорлик бўйича ҳамкорларни қидириш, шунингдек лойиҳали молиялаштириш шартлари асосида маблағларни жалб қилиш бўйича маслаҳатлар беради. Шунингдек, ХМК инвестицион лойиҳалар бўйича ёки суммаси бозор тажрибасига мувофиқ аниқланадиган мукофот эвазига алоҳида маслаҳат хизматларини ҳам кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларга қулай молиявий шарт-шароитларни яратиш билан масалалар бўйича ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларига илмий-амалий маслаҳат беради, ХМК ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг муҳим маълумотлар ва тавсияларни инвестиция олувчига тақдим ҳам этмоқда. Хусусан, маҳаллий бозорларини ривожлантиришга ХМК ўз капитали билан ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, ХМК давлат корхоналарини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича кўмаклашмоқда.

Минтақавий ва тармоқ департаментлари ХМКнинг инвестицион фаолиятини бошқаришда бош-кош бўлмоқда. Улар (яъни департаментлар) асосан лойиҳанинг минтақавий хусусиятидан қатъий назар бутун Жаҳон бўйича тармоқларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шугулланмоқда. Минтақавий департаментлар ўзларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб ХМКнинг тармоқ департаментлари шугулланмайдиган тармоқлар учун лойиҳалар ишлаб чиқиш билан шугулланмоқда. Улар

лойиҳаларининг кўп қисми бевосита молиявий хизматлар ва бозорлар, ишлаб чиқариш соҳа фаолиятининг кенг йўналишларини камраб келмоқда.

Айтиш жоизки, 2000 йилнинг 1 январиди ХМК ва ХТТБ бир қанча фаолият юритаётган гуруҳларнинг кадр ресурсларини бирлаштирган ҳолда иктисодий сиёсат ва хусусий инвестициялар масалалари бўйича узвий алоқада бўлган 5 та биргаликда бошқариловчи департаментларни ташкил этилди: нефт-газ ва кимё департаменти, кичик ва ўрта бизнес корхоналари департаменти, глобал информацион ва коммуникацион технологиялар департаменти, тоғ рудаси саноати департаменти ва хусусий сектор корхоналари учун маслаҳат хизматлари департаменти шулар жумласидан бўлиб ҳисобланди.

Махсулотлар, хизматлар самарадорлигини ошириш ва инвестициялар координацияси ва сиёсат масалалари бўйича маслаҳатларни тақдим этиш бўйича қўшма департаментлар орқали хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилган Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳининг стратегиялари ишлаб чиқилган эди. Ушбу департаментлар фаолияти давомида манфаатлар тўқнашувини вужудга келиши муносабати билан Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳида Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича бўлим ташкил этилди. Гуруҳ ходимлари манфаатлар тўқнашувини оқилона ҳал қилишда муҳим рол ўйнаб келмоқда.

8-БОБ. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБ БАЛАНСЛАРИ

8.1.Халқаро ҳисоб-китоб баланси тушунчаси ва таркиби.

8.2.Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари.

8.3.Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услублари.

8.4.Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар.

8.5.Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари.

8.6.Тўлов балансларини муқобиллаштириш услублари.

8.1.Халқаро тўлов баланси тушунчаси ва таркиби

Ҳозирги кунда жаҳон ҳўжалиги молиявий алоқаларининг эволюцион муҳити бўлиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Халқаро молиявий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши мазкур давлатларнинг интеграциялашуви натижасида келиб чиқмоқда. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий-молиявий алоқалардан ташқари сиёсий, маданий ва бошқа турдаги алоқалар мавжуд бўлиб, улар натижасида пулли тўловлар ҳамда ҳисоб-китоблар юзага келади. Айтиш жоизки, замонавий жаҳон ҳўжалигининг иштирокчилари жаҳон ҳўжалигига интеграциялашганлик даражаси турли даражада бўлиб уларнинг ҳар бири ўз ҳамкорлари билан ташқи иқтисодий алоқалари, миллий иқтисодларни жаҳон ҳўжалигига бирлаштирадиган халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интилади. Иқтисодий муносабатлардан ташқари, мамлакатлар ўртасида пул тўловлари ва тушумларини вужудга келтирувчи сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлади.

Мамлакатнинг кўп қиррали халқаро муносабатларининг йиғиндисини унинг халқаро операциялари бўйича баланс ҳисобварағида намоён бўлади. Ушбу ҳужжат тўлов баланси деб номланади.

Тўлов баланси – бу, халқаро операцияларнинг баланс ҳисоб-варағидир. Яъни, бу, мамлакатнинг товарлар, хизматлар, капиталларни олиб кириш ва олиб чиқиш кўрсаткичларининг нисбати шаклидаги халқаро-ҳўжалик алоқалари комплексининг қиймат ифодасидир⁶⁷.

Халқаро операцияларнинг баланс ҳисоб-варағи, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаблари, таркиби ва характерини қиймат жиҳатидан миқдорий ва сифат кўриниши ҳамда унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини белгилайди. Амалиётда, “тўлов баланси” атамасидан фойдаланиш, барча операциялар бўйича валюта оқимларига кирувчи ва чикувчи кўринишларда фарқлаш келишиб олинади. Шу билан валюта оқимларига тааллуқли кўрсаткичларни эса тўлов ва тушумлар сифатида белгилаш тартиби қабул қилинган.

Умуман амалдаги қоида-тартибларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тўлов баланси халқаро операцияларининг баланс ҳисобварағи, яъни бу давлатнинг товарлар, хизматлар, капиталларни мамлакатга олиб кириш ҳамда мамлакатдан олиб чиқиш кўрсаткичларининг нисбати кўринишдаги барча халқаро алоқалари мажмуининг пулдаги ифодасидир. Халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварағи ўз моҳияти жиҳатдан мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ҳолатини тасвирлайди.

Тўлов баланслари нафақат амалга оширилган ёки маълум бир санага нжро этилиши керак бўлган тўлов ва тушумларни ўз ичига олади, балки халқаро талаблар ва мажбуриятлар бўйича кўрсаткичларни ҳам қамраб олади. Бу эса кўплаб иқтисодий алоқалар, кредит асосида амалга оширилганлигидан ҳам далолат беради.

Тўлов балансларининг замонавий жадваллари барча қимматликларни мамлакатлараро ҳаракати ҳақида маълумотларгани тасвирлайди. Бунда мажбуриятларнинг жорий даврида тўланмайдиган ва келгуси даврга ўтказилиб

⁶⁷ Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 544.

юбориладиган қисми, капитал ёки кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи тўлов баланси моддаларига киритилади.

Ҳозирги кунда тўлов балансига қўшимча равишда мамлакатнинг ҳақоро активлари ва пасивлари тўғрисидаги баланс ҳам махсус рўзнома ва ҳафтаномаларда, шунингдек ойномаларда нашр этилмоқда. Бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси қандай даражада эканлигини англатади. Бу ҳужжатда мамлакатнинг берган ва олган кредитлари, инвестициялари ва бошқа молиявий активларининг кўрсаткичлари нисбий кўринишларда акс эттирилади. Бу борада маълум бир мамлакатлар олган маблағлар юзасидан устунликка эга бўлса, бошқа бирлари эса берилган маблағлар юзасидан устунликка эга бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда эса ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир хилда юқори даражада бўлиши мумкин.

Тўлов балансига қўшимча сифатида мамлакатлараро қимматликлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотга эга мамлакатнинг халқоро активлар ва пасивлар баланси ҳақида маълумотлар эълон қилинмоқда. Ушбу баланс мамлакатнинг захира категориясидаги халқоро молиявий ҳолатини акс эттиради ва мамлакатнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашувини қандай босқичида (поғонасида) эканлигини англатади.

Мамлакат томонидан тақдим этилган ва олинган кредитлар, инвестициялар, бошқа молиявий активлар қийматининг нисбати мазкур балансда акс этади. Айрим давлатларда олинган ресурслар ҳажми, хориждаги активларига нисбатан катта бўлиши ҳам мумкин. Бошқа мамлакатларда бу иккала кўрсаткич катта ва турлича бўлиши ҳам мумкин. Айтиш жоизки, хорижий молиявий ресурсларнинг нетто-импорт қилувчиси сифатида АҚШ юқори ўрин эгаллайди. Халқоро молиявий позиция ва тўлов баланси кўрсаткичлари ўзаро боғлиқдир.

Маълум бир санага бўлган тўлов баланси ва маълум бир давр тўлов баланси иқтисодий мазмунига кўра фарқланади. Маълум бир санага бўлган тўлов балансини статистик кўрсаткичлар шаклида қайд этилмайди, чунки

ундаги ҳолат вақт сайин, тўловлар ва олинадиган тушумлар бўйича ўзгариб туради. Хуллас, ўз иқтисодий мазмунига кўра, маълум бир вақтга нисбатан ва маълум бир давр давомида тузилган тўлов баланслари ўзгарувчан бўлади ёки фаркланади.

Тўлов балансининг аҳволи, ушбу даврга миллий ва хорижий валютага бўлган талабни белгилаб беради ва валюта курсини шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Тўлов балансини маълум бир вақтга нисбатан муҳим ҳолда ақс эттириш қийин, чунки ундаги ҳолат вақт сайин, тўловлар ва олинадиган тушумлар бўйича ўзгарувчан бўлади.

Маълум бир давр учун тўлов баланси (ой, чорак, йил) ушбу давр мобайнида амалга оширилган шартномалар бўйича кўрсаткичлар асосида тузилади ва мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларида, содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш ва хулосалар чиқариш имкониятини беради.

Тўлов балансининг кўрсаткичлари, маълум давр учун иқтисодий ривожланишнинг агрегат кўрсаткичлари билан боғлиқдир (ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва шу кабилар) ва давлат томонидан мувофиқлаштириш объекти бўлиб ҳисобланади.

Тўлов балансининг маълум даврдаги ҳолати миллий валюта курсининг ўзгариш характери билан узвий боғлиқдир.

Ҳар бир давлатнинг бухгалтерия ҳисоби ўз мазмун-моҳиятига кўра доимо мувозанатда бўлади. Аммо, ўзининг асосий булинмалари бўйича агар тушумлар тўловлардан кўп бўлса, актив сальдога, аксинча бўлганда пассив сальдога эга бўладиган ҳолатлар юзага келади. Шу сабабли, тўлов балансини тузиш ҳамда қолдиқларини аниқлаш, яъни (сальдосини) услублари, мамлакат ташки иқтисодий операцияларини характерловчи кўрсаткичларни тўғри таҳлил қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодида бўлаётган ўзгаришларга мувофиқ равишда тўлов балансини тузишнинг амалиёти ривожланиб, такомиллашиб бормокда. Халқаро тўлов муносабатларида бир катор тушунчаларни хусусан, баланс ҳисобварағи,

сальдо ёки ҳисобварақ қолдиғи, ҳисобварақ аҳволи, мувозанат ва бошқаларни ифода этиш мақсадида ишлатилади. Шу сабабли тўлов баланси – бу, нафақат икки томони бир-бирига тенг бўлган мамлакат халқаро операциялари ҳисобварағи, балки ўз ичига асосий элементларнинг сифат ва таркибий характеристикаларини олган, ушбу операцияларнинг маълум бир ҳолатидир. Тўлов балансини тузиш амалиёти глобаллашув шароитида юз бераётган ўзгаришларга монанд равишда ўзгариб бормоқда. Шу боис у турли кўринишларда акс эттирилмоқда.

Тўлов балансининг таркибий тузилиши. Тўлов баланси қуйидаги асосий бўлимлардан ташкил топган:

- савдо баланси (товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш орасидаги нисбат);

- хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси (“кўзга қуринмайдиган” операциялар баланси);

- ўз ичига товарлар, хизматлар ва бир томонлама ўтказмаларни олган жорий операциялар баланси;

- капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси;

- расмий валюта захиралари бўйича операциялар.

Савдо баланси. Ташқи савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг илк кўриниши бўлиб миллий хўжаликларнинг жаҳон ҳамжамиятига боғловчи бирламчи алоқасини ифодалаган ҳолда тарихан майдонга чиқади. Халқаро савдо ва бошқа халқаро иқтисодий муносабатлар орқали дунёда меҳнат тақсимотига биноан, мамлакат истиқболи белгилаб олинади. Натижада чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётган халқаро меҳнат тақсимоти орқали халқаро савдо туфайли шаклланади.

Савдо баланси мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларининг бутун мажмуи асосида шаклланади ва ривожланади. Мамлакатимизда халқаро савдони тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ келадиган

тарзда ривожлантириш, халқаро шартномаларни миқдор жиҳатдан кўпайишини талаб қилиш боис, савдо баланси кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда ҳаракатларини ривожлантириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Савдо баланси ва уни бошқариш мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларининг бутун мажмуи асосида шаклланиб туради.

Барча давлатларда ҳўжаликлар фаолияти доирасида ЯИМ яратилади. Моддий ишлаб чиқариш даражасида ишлаб чиқарилган миллий даромад тақсимлаш ва қайта тақсимлаш босқичларидан ўтади, аммо уни шакллантиришда ташқи савдо муҳим вазифани бажаради.

Ташқи савдо ҳам давлат олдида турган мақсад ва вазифаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган тадбирларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, иқтисодий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ҳам халқаро савдо ва унинг кўрсаткичлари анъанавий равишда ЯИМ ва мамлакат тўлов балансида муҳим ўринни эгаллайди. Товарлар экспорти ва импортининг ўзаро нисбати савдо балансини ташкил этади. Халқаро савдонинг катта ҳажми кредит ҳисобига амалга оширилганлиги сабабли, ҳақиқатда шу даврда амалга оширилган савдо, тўловлар ва тушумлар кўрсаткичлари орасида тафовутлар мавжуд бўлади. Ушбу тафовутлар туфайли, турли сўндирилиш муддатларига эга, тааллуқли талаб ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи умумий савдо балансидан фарқли ўлароқ, ўз даврида амалга оширилган пул тўловлари ва ҳақиқатда олинган тушумларнинг нисбати сифатида, тўлов баланси тушунчаси пайдо бўлди. Бироқ, халқаро иқтисодий операциялар бўйича маълумот йиғувчи органлар ҳеч қачон ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар ва олинган тушумларни, умумий савдо кўрсаткичларидан ажратиш имкониятига эга бўлмаган. Улар, савдо балансига киритиладиган ташқи иқтисодий битимлар бўйича божхона маълумотларидан фойдаланадилар. Айнан шу маълумотлар, давлат иқтисодий сиёсатида асосий объекти бўлиб

ҳисобланади. Улар ва реал тўловлар орасидаги фарқларни ва тўлов балансининг кредит операцияларини акс эттиради.

Ҳар бир мамлакатни савдо баланси уларнинг актив ёки пасив кўрсаткичларининг иқтисодий мазмуни аниқ мамлакатга нисбатан алоқадор ҳамда унинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни, ҳамкорлари билан алоқаларининг характери ва умумий иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлади. Энди етакчи давлатлардан иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича орқада бўлган мамлакатлар учун актив савдо баланси, лицензиялар импортига, хорижий инвестициялар бўйича даромадларни тўлашга ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўйича ҳақ тўлаш учун валюта маблағлари манбаси сифатида зарур бўлади. Бир қатор саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар (Япония, Германия ва бошқалар) учун савдо балансининг актив сальдоси, капиталлар экспорти, хорижда иккинчи иқтисодни барпо этиш учун ҳам ишлатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг пасив савдо баланси кераксиздир. У мамлакатнинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрнининг кучсизлигини англатади. Пасив савдо баланс ҳолати, асосан, валюта тушуми тақчиллигини сезаётган, ривожланиб бораётган мамлакатларга тааллуқлидир. Саноати ривожланган мамлакатлар учун айрим ҳолатларда бу бошқача маънога эга бўлади. Масалан, АҚШ савдо балансининг камомоди (1991 йилдан бошлаб), АҚШ бозорига, интеллектуал товарларни ишлаб чиқарувчи, халқаро рақобатчиларни (Ғарбий Европа, Япония, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар) кириб бориши билан характерланади. Халқаро меҳнат тақсимотининг бундай шаклланиб бориши оқибатида АҚШ ва жаҳон миқёсида ресурслар нисбатан самаралироқ ишлатилади. АҚШ ташқи савдосининг камомоди, юқорида зикр этилган ҳамкор-мамлакатларнинг ушбу операциялар бўйича актив сальдосида ўз аксини топади. Ўз навбатида, ушбу ҳамкор-мамлакатлар ўзининг валюта тушумлари ҳисобига хорижий капитал қуйилмаларни, шу жумладан АҚШда ҳам амалга оширади⁶⁸.

Сўнгги йилларда хизматлар баланси ва уни тузилишига катта эътибор берилмоқда.

Хизматлар баланси, ўз ичига транспорт юк ташувлари, суғурта, электрон, телекосмик, телеграф, почта ва бошқа алоқа турлари, халқаро туризм, илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан алмашиш, эксперт хизматлари, дипломатик, савдо ва хориждаги бошқа хизматлар харажатларини кўтариш, маълумотларни узатиш, маданий ва илмий алоқалар, турли воситачилик йиғимлари, реклама, ярмарка ва бошқа шу кабилар бўйича тўлов ва тушумларни олади.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда хизматлар халқаро иқтисодий алоқаларнинг бир маромда ривожланиб бораётган секторини ташкил этади. Хизматларнинг тўловлар ва тушумларнинг ҳажми ҳамда таркибий тузилишидаги роли ва уларга таъсири мунтазам равишда ўсиб бориш хусусиятига эга бўлиб келмоқда.

Муаммолардан яна бири анъанавий хизмат турлари (транспорт, суғурта), савдо бўйича товарларни етказиб беришнинг ҳажми ва турли-туманлигининг ўсиб бориши, уларнинг таркибида, халқаро кооперация ва ихтисослашувнинг ривожланиши туфайли, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар улушининг ортиб бориши билан, ўз бошидан катта қайта қуриш жараёни билан боғлиқ бўлмоқда.

Аҳолининг яшаш даражасини нисбатан ўсиб бориши замонавий ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви натижасида таркибида катта улушга эга бўлган халқаро туризм кескин ўсиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиши, илмий-техник инқилоб ва хўжалик ҳаёти глобаллашувининг бошқа омиллари, лицензиялар, ноу-хау, илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибасининг бошқа турлари, лизинг операциялари, маслаҳат хизматлари ва ишлаб чиқариш ҳамда алоҳида хусусиятга эга бошқа хизматлар билан савдо қилишни рағбатлантиришга ҳам имконият яратиб бермоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида қабул килинган қоидаларга мувофиқ “хизматлар” таркибига инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича фонд даромадларидан олинган тўлов ва тушумлар киради, зеро ушбулар иқтисодий мазмунига кўра улар капиталлар ҳаракатига яқинроқдир. Тўлов балансида қуйидаги моддалар ажратилиб кўрсатилади: хорижий давлатларга ҳарбий ёрдам кўрсатиш, хориждаги ҳарбий харажатлар. Ушбу харажатлар ҳам хизматлар операцияларига мансубдир.

Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) услубиётига мувофиқ, тўлов балансида, алоҳида позиция сифатида бир томонлама ўтказмаларни кўрсатиш эътироф этилган. Уларнинг таркибида: 1) давлат операциялари – бошқа мамлакатларга, иқтисодий ёрдам йўналиши бўйича, субсидиялар, давлат нафақалари, халқаро ташкилотларга бадаллар; 2) хусусий тусдаги операциялар– хориждаги ишчилар, мутахассислар, қариндош-уруғларнинг мамлакатга пул ўтказмалари. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, операцияларнинг ушбу тури улар иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки жамиятни табақаланиш жараёнининг кучайиши нафақат мулкий даражага, балки аҳолининг нисбий ва таълим даражасига ҳам боғлиқ бўлиши натижасида аксарият давлатларда, яъни мисол учун: Италия, Туркия, Испания, Греция, Португалия, Покистон, Миср ва бошқа давлатлар ўз фуқароларининг пул ишлаб келиш учун хорижга чиқиб масалаларини мувофиқлаштиришга катта эътибор бериб келадилар. Ушбу давлатларда, мазкур валюта тушумлари манбасидан ўз иқтисодларини ривожлантириш мақсадида фойдаланадилар.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашда жаҳон амалиётида қуйидагилар ҳам эътиборга олинади, яъни хорижий ишчилар ва мутахассисларни вақтинча жалб этадиган ГФР, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, ЖАР ва бошқа мамлакатлар учун эса, аксинча ушбу пул ўтказмалари тўлов баланси ушбу моддасининг қамомад манбаси сифатида ҳисобга олинади, чунки бу мамлакатларга хорижий ишчилар келиб ўзлари билан ишлаб топган пул маблағларини олиб чиқиб кетадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хизматлар бўйича операциялар, инвестициялар бўйича даромадлар ҳаракати, ҳарбий тусдаги келишувлар ва бир томонлама ўтказмалар, товарлар (сезиларли қимматликлар) импорти ва экспортига алоқаси бўлмаган ҳолда, “кўзга кўринмас” операциялар деб аталиб ҳам келинади. Уларнинг таркибида 3 тоифадаги келишувларни ажратиб кўрсатиш мумкин, яъни, хизматлар, инвестициялардан олинган даромадлар, бир томонлама ўтказмалар. “Хизматлар ва нотижорат тўловлари” атамаси ҳам ишлатилади, чунки уларнинг моддий бойликлар ҳаракатига ҳеч қандай таъсири йўқ.

Жорий операциялар бўйича тўлов баланси ўз ичига савдо баланси ва “кўзга кўринмас” операцияларни олади. Сўнгги йиллар мобайнида тўлов баланси тузилишининг баъзи бир услублари бир томонлама давлат ўтказмаларини алоҳида моддага ажратиб кўрсатилишини ва уни жорий операциялар сальдосига қўшмаслиги билан эътироф этилмоқда. Жорий операциялар деб, ушбу операцияларнинг товарлар ва хизматлар билан жаҳон савдосини молиявий ресурсларнинг капитал ва кредитлар шаклидаги халқаро ҳаракатини ажратиб кўрсатиш демакдир.

Капитал ва кредитлар ҳаракати балансида давлат ва хусусий капиталларнинг олиб кетилиши олинган ёки берилган халқаро кредитларнинг ўзаро нисбатини ифодалайди. У ўз иқтисодий мазмунига кўра бу операциялар тадбиркорлик ва ссуда капиталларининг халқаро ҳаракати каби категорияларга ҳам бўлинади.

Тадбиркорлик капитали, уни тартибга келтириш усуллари иқтисодий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган. У доимо олимларда илмий қизиқиш ҳам уйғотиб келган, шу боис иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик капитали тўғри жойлаштириш, уларни халқаро молия фондларида иштирок этишини таъминлаш, узоқ муддатли капиталларни сотиб олиш, қарз мажбуриятлари каби масалалар ҳар томонлама тадқиқ этилиб келган. Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда биз асосий диққатни

тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар корхоналарни хорижда сотиб олиш ёки қуриш ва портфел инвестицияларни ўз олдига олиш ҳолатлари билан боғлиқ масалаларга қаратилишини муҳим деб топдик.

Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (корхоналарни хорижда сотиб олиш ёки қуриш) ва портфель инвестицияларини (хорижий компанияларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш)ни ўз ичига олади. Бевосита инвестициялар узок муддатли капитални олиб чиқишнинг энг муҳим шаклларида бири бўлиб, тўлов балансига таъсир кўрсатади. Улар мулк сотиб олинishi билан боғлиқ бўлган ҳолда, қарз мажбуриятларини вужудга келтирмайди. Ушбу инвестициялар таъсирида миллий иктисодларнинг савдога нисбатан юқорирок даражада ва мустаҳкамроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашувига кўмаклашувчи халқаро ишлаб чиқариш ривожланди. 1997 йилда, ҳар йилги қуйилмаларни кўшиб бориш ва қолдиги кўпайиб боровчи услуби билан ҳисобланган мамлакатларнинг барча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг тўпланган қиймати 3 трлн. АҚШ долларидан кўп суммани ташкил этди.⁶⁹ Тадбиркорлик капиталининг четга олиб чиқиб кетилиши, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ривожига ўсишига нисбатан ривожланиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида унинг байналмилаллашуви ва глобаллашувида жараёнидаги ўрни анча юқори эканлигидан далолат беради. Ушбу инвестицияларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи ривожланган давлатларнинг ўзаро капитал қуйилмалари бўйича алмашинувидир. Бу эса уларнинг ўзаро алоқалари билан бўлган алоқаларига нисбатан юқорирок даражада тус олиб бораётганлигини англатади.

Ссуда капиталининг халқаро ҳаракати тадбиркорлик капиталидан фаркли равишда муддатлилик аломатига кўра таснифланади. Улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

⁶⁹ Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 544.

Биринчидан, узоқ ва ўрта муддатли операцияларда, яъни бир йилдан зиёд муддатга тақдим этилган давлат ва хусусий заёмлар ҳамда кредитларни ўз ичига олишда ўз аксини топади. Ушбу оркали заёмлар ҳамда кредитлар уларни олувчилари бўлмиш иқтисодий ривожланиш бўйича илғор давлатлардан орқада қолган мамлакатлар тақдим этилади. Ривожланган давлатлар эса бу ерда кредиторлар сифатида майдонга чиқади. Бунда хусусий, узоқ муддатли заёмлар ва кредитлар бўйича ҳолат бошқача кўринишга эга бўлиши мумкин. Бунда ҳам, ривожланиб бораётган давлатлар ривожланган давлатларнинг хусусий молия-кредит институтларидан қарз оладилар. Бу ерда ривожланган давлатларда ҳам корпорациялар, узоқ муддатли қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ёки жаҳон бозоридан ресурсларни банк кредити шаклида жалб этиш имкониятларига эга бўлиб қоладилар.

Иккинчидан, қисқа муддатли операциялар миллий банкларнинг хорижий банклардаги жорий ҳисобварақлари (авуарлар), пул капиталини банклар орасидаги ҳаракати каби бир йилгача муддатга бўлган халқаро кредитларни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда жаҳон пул бозоридаги банклараро қисқа муддатли операциялар ҳажми ортиб бормоқда. Агарда, XX асрнинг 60-70 йилларида, Бреттон-Вудс валюта тизими инқирозини кучайтириб юборувчи, капиталлар оқимида “қайноқ” пулларнинг стихияли оқими нисбатан катта улушга эга бўлган бўлсада, ушбу асрнинг 80-90 йилларга келиб, қисқа муддатли пул капиталларининг асосий оқими евровалюта бозори оркали амалга ошадиган бўлди.

Тўлов баланси кўрсаткичларини тартибга келтириш ҳар бир давлатнинг асосланган макроиқтисодий сиёсатига, шу жумладан, монетар ва халқаро молия муносабатларини мақсад ва йўналишларига мувофиқ қилиши лозим. Лекин эътироф этиш лозимки, ҳозирда тўлов баланси статистик кўрсаткичларини йиғиш ва қайта ишлаш услубини такомиллаштишига қарамасдан, ушбу баланс кўрсаткичларида камчиликлар ва хатоликлар мавжуд ва улар сезиларли бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, статистик хатоликлар ва ҳисобга олинмаган

операциялар бўйича маълумотлар киритиладиган “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси ажратиб кўрсатилади. Қисқа муддатли пул капитали ҳаракатининг ҳисобини, айниқса иқтисодий инқироз пайтида, юритиш жуда қийин. Шу сабабли, “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси тўлов балансини капиталлар ва кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи бўлимига қўшилади, аммо инқироз даврида ва таъсирида унинг кўрсаткичлари кескин ошиб кетиши юз беради.

Тўлов балансининг яқуний моддалари, давлат валюта органлари иштирок этувчи, ликвид валюта активлари билан операцияларни акс эттирса ҳам, бундай операциялар таъсирида марказлаштирилган расмий олтин-валюта захираларни ҳажми ва таркибини ўзгариши юз беради.

8.2. Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари

Бозор муносабатлари шароитида халқаро молия муносабатларини ривожлантириш мамлакат халқаро ҳисоб-китобларининг акси сифатида тўлов балансининг тузилиши, ўзаро яқин алоқада бўлган бир томондан ҳисоб юритишга ва иккинчи томондан таҳлилий жараёнларни ўрганишга ва хулосалар чиқаришга қаратилгандир. Халқаро молиявий операциялар иштирокчиларининг давраси турли-туманлиги билан ажралиб туради. Уларга алоҳида мамлакатлар ва уларнинг гуруҳлари, хорижий ва трансмиллий корпорациялар, компаниялар ва банклар, турли миллий ва халқаро ташкилотлар (муассасалар), хусусий шахслар ва бошқа шу қабила киради. Бу ўз навбатида нафақат миллий, балки хорижий манбалардан келиб тушадиган катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобини юритишни, қайта ишлаш заруратини балки ўхшаш кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб услублари ва мазмунининг яхлитлиги асосий талаб бўлиб қолишини тақозо этади. Қўлланилаётган кўрсаткичларга универсал тус берувчи ва уларни ўзаро солиштириш имконини берувчи яхлитликка эришишга Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) тўлов балансини тузиш бўйича

қўлланмасидаги кўрсатмалар қаратилган. Шу ўринда айтиш жоизки, БМТ ҳужжати сифатида тўлов балансини тузиш шакллари ва тамойилларини ишлаб чиқишга асос бўлган эди. ХВФ “тўлов баланси бўйича қўлланма” чиқарган ҳолда уни ривожлантиришни таъминлаб келмоқда. Улар ўз схемаларини универсаллаштиришга ҳаракат этишди. Бундан кўзланган мақсад ривожланган ва ривожланаётган давлатлар балансларини солиштириш орқали натижага эришиш бўлиб ҳисобланади.

ХВФ жорий маълумотларни қайта ишланади ва унинг экспертлари томонидан аниқликлар киритилади, норасмий маълумотлардан фойдаланган ҳолда тўлов баланслари моддаларини қайта гуруҳлашади ва бошқа ишларни бажаришади. Бу эса амалга оширилаётган ва текширилаётган жараёнларни кўлами тўғрисида фикр юритишга ва молиявий қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Шу боис ҳозирги кунда ушбу кўрсатмалар ХВФ га аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тузиш ягона тартибга солингандир. Айрим мамлакатлар тўлов балансларини тузиш қоидаларига, жаҳондаги ташқи иқтисодий ўрни ҳамда мустақил ҳисоб юритишининг қабул қилинган хусусиятлари билан асосланган ўз элементларини киритмоқдалар. Алоҳида мамлакатлар тўлов баланслари кўрсаткичларини ўзаро солиштириш жараёни, қутулиб бўлмайдиган, маълум бир даражадаги шартлилик ва нотўғриликларга асосланганлик ҳолати ҳам юзага келган. Ушбу таққослашлардан келиб чиқадиган хулосалар, биринчи навбатда таҳлил этилаётган ҳодисаларнинг кўлами катталигига, бўлиб ўтаётган жараёнларнинг асосий йўналишлари ва оқибатларига ишора этади, аммо берилаётган баҳоларнинг мутлақ тўла ва тўғрилигини даъват эта олмайди.

Хорижий иқтисодий адабиётлардаги тўлов балансининг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирадиган таърифига мурожаат этадиган бўлсак, унда турли адабиётларда келтирилган таърифлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси тўлов балансини мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти

тўғрисидаги статистик маълумотлар такдим этилишининг шакли сифатидаги прагматик изоҳлашга айланган.

Тўлов баланси муаммолари бўйича Америкалик иқтисодчилар Вассерман ва Уэйрларнинг фундаментал ишида қуйидаги таъриф эътироф этилган: “Тўлов балансини, муайян бир давлат резидентлари ва дунёнинг бошқа вакиллари (бошқа мамлакат, бир гуруҳ мамлакат ёки халқаро ташкилотлар) орасида ушбу даврда мавжуд бўлган иқтисодий операцияларнинг статистик кўриниши сифатида кўз олдига келтириш мумкин”.⁷⁰ ХВФ-нинг услубий қўлланмаларида: “Тўлов баланси, маълум бир давр статистик кўрсаткичлар жадвалидан иборат, яъни: а) ривожланаётган муайян бир давлат ва дунёнинг бошқа мамлакатлари орасидаги товарлар, хизматлар ва даромадлар билан операцияларини; б) мулк шаклининг ўзгариши ва ушбу мамлакатга тегишли бўлган монетар олтин ва қарз олишнинг махсус ҳуқуқларидаги (СДР) ҳамда дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан молиявий талаб ва мажбуриятлардаги бошқа ўзгаришларни; в) ўзаро ёпилмайдиган операция ва ўзгаришларни бухгалтерия нуқтаи назаридан баланслаштиришда зарур бўлган бир томонлама ўтказмалар ва қопловчи ёзувлар”. Тўлов балансига бундай кўрсатмаларга мувофиқ нафақат амалга оширилган операциялар бўйича маълумотлар, балки ушбу операцияларни баланслаштириш мақсадида тузилган сунъий кўрсаткичлар ҳам киради.

Расмий матбуот нашрларида тўлов баланси қуйидагича эътироф этилган. Мисол учун Француз расмий матбуотида: мамлакатнинг тўлов баланси мунтазам равишда ўзаро таққосланадиган статистик қайдномадан иборат бўлиб, унинг мазмуни маълум бир давр мобайнида резидент ва норезидент шахслар орасида реал ва молиявий оқимлар йиғиндиси ҳаракатининг ҳисобланган кўрсаткичлари кўринишида бўлади деб айтиб ўтилган бўлса, унда ГФР тўлов баланси таҳлилларидан бирида, унинг таърифи қуйидагича

⁷⁰ Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 544.

ёритилган: одатда тўлов баланси деганда маҳаллий ва хорижий субъектлар орасида маълум бир давр мобайнида амалга ошган барча иқтисодий келишувларнинг тизимлаштирилган, статистик кўринишининг алоҳида гуруҳларига бўлинган баланс шакли тушунилади.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни глобаллашуви шароитида халқаро молиявий муносабатларда тўлов балансини асослашда резидент атамасига алоҳида фикрлар билдирилади.

Резидент атамаси. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий операцияларини ички хўжалик операцияларидан фарқлаш зарурлиги билан эътироф этилади. Капиталлар ҳаракатидан келиб чиқиб, тўлов баланси тузилаётган пайтда резидент ва шартнома, ҳисобга олиниши зарур бўлган трансакциялар тушунчалари ҳам алоҳида аҳамият касб эта бошлайди. Ташқи иқтисодий операциялар, халқаро тўлов муносабатлари нуқтаи назаридан ушбу мамлакатнинг резиденти ёки норезиденти сифатида майдонга чиқувчи, аниқ бир субъект (ташкilot, фирма ёки хусусий шахс) томонидан амалга оширилади. Замонавий капиталлар ҳаракати ва ишчи кучи миграцияси, иқтисодий жараёнлардаги глобаллашув ва трансмиллий корпорацияларнинг кучайишида оддийдек туюлган ушбу масала, мураккаблашди.

ХВФнинг раҳбарияти резидент тушунчасига қуйидагича тарифлайди: “Мамлакат иқтисоди, ушбу ҳудуд билан яқинроқ боғланган, хўжалик бирликларининг йиғиндиси сифатида кўрилади. Ушбу мамлакатнинг тўлов баланси, агарда бу хўжалик бирликлари ушбу мамлакатнинг резидентлари сифатида кўрилса, дунёнинг бошқа субъектлари билан мазкур хўжалик бирликларининг операцияларини акс эттиради. Ёки, агарда мазкур хўжалик субъектлари ушбу мамлакатга нисбатан норезидент шахслар деб қаралса, ушбу хўжалик бирликларининг мазкур давлат билан операциялари сифатида кўрилади”⁷¹. ХВФнинг қўлланмасида кўрсатилганидек, икки тарафлама ёзув тизимидан фойдаланганда, хатоликка йўл қуйилган пайтда баланс бузилмайди,

аммо амалга оширилган операциялар бўйича нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатга учрамаслик учун резидент тушунчасига, унинг барча жойларда тўғри ишлатилиши учун, универсал тушунча ишлаб чиқиш лозим⁷².

Мамлакатда мунатазам равишда мавжуд бўлган барча ҳукумат ташкилотлари, миллий компаниялар ёки муқим яшовчи фуқаролар мисол учун АҚШда резидентлар деб эътироф этилади. Хорижда яшовчи АҚШ фуқароларининг (давлат хизматчиларидан ташқари) резидент шахсга мансублиги эса, уларнинг хорижда яшаш муддатлари ва бошқа омилларга боғлиқдир. АҚШ корпорацияларининг хорижий филиаллари ва шуъба корхоналари АҚШ учун хорижий фирмалар бўлиб ҳисобланади. Худди шундай амалиёт бошқа ривожланган давлатларга ҳам мансубдир.

Ривожланган мамлакатлар каторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ГФРда эса, тўлов баланси нуқтаи назаридан, резидент бўлиб, “субъектларнинг миллий тааллуқлигидан қатъий назар, хўжалик манфаатларининг маркази ушбу давлат бўлган, жисмоний ва юридик шахслар (корхоналар) ва шу кабилар ҳисобланади”. Шу сабабли, ГФРда резидентларга нафақат келиб чиқиши германиялик бўлган шахслар, балки ушбу мамлакатда ўтириб қолган хорижлик тадбиркорлар ҳам киради. Бундай тартиб Европадаги йирик давлат бўлмиш Францияда қабул қилинган услубиётга асосан “резидент” термини, у ерда яшовчи ёки хорижда 2 йилдан кам вақт давомида яшаган француз миллатига мансуб шахсларни, ҳамда Францияда 2 йилдан ортиқ вақт давомида яшаган хорижликларни (хорижлик хизматчилар бундан истисно) билдиради. Бундан ташқари, Францияда жойлашган юридик шахслар (Францияда ишлаётган дипломатик ва консуллик ваколатхоналаридан ташқари) ҳам резидент ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 1993 йилнинг 7 майидан амалда бўлган ва 2004 йилда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган “Валютани тартибга солиш

тўғрисида”ги Қонунининг тўртинчи ва бешинчи моддаларига мувофиқ резидентлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва яшаш жойи бўлган фуқаролар, шу жумладан вақтинча хорижда бўлган фуқаролар;

б) Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар;

в) Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, юридик шахс бўлмаган корхона ва ташкилотлар;

г) Ўзбекистон Республикасининг хорижда жойлашган дипломатик ва бошқа ваколатхоналари;

д) юқоридаги кичик “б)” ва “в)” бандларда зикр этилган резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида жойлашган филиаллари ва ваколатхоналари.

Ушбу тартибга ўзгартиришлар фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилиши мумкин, агарда резидент терминини мазмун-моҳияти янада такомиллашувига тобеъ бўлиш зарурияти юзага келса амалга оширилади.

Шартнома (битим) таърифи. Бу ерда таснифнинг мураккаб томонлари мавжуд. Халқаро шартномалар (битимлар), одатда, алмашувни кўзда тутди, деб ҳисобланади. Шаклланган анъана доирасида 4 кўринишдаги шартномалар (ёки операциялар) фарқланади: молиявий активларга қарата товарлар, хизматлар сотиб олиш ва сотиш (алмашиш); бартер, яъни ушбу мамлакат товар ва хизматларини бошқа мамлакатлар товар ва хизматларига бевосита алмаштириш; молиявий активларни бошқа молиявий активларга алмаштириш, яъни қимматли қоғозларни пулга сотиш, тижорат қарзларни тўлаш ва шу қабилар; бир томонлама ўтказмалар, яъни бир томонлама асосда, қопланишсиз товар ва хизматлар ёки молиявий активларни тақдим этиш ёки сотиб олиш ҳолатлари бир-биридан фарқланишини талаб этади.

Юкорида келтирилган таъриф, ташки иктисодий операцияларнинг кўпчилигини қамраб олса-да, бу борада кўп масалалар ечимсиз ҳолда очик қолмоқда. Миллий ҳисоб-варақларни тузиш бўйича услубиётга асосан, товарлар, хизматлар ва даромадлар борасидаги шартнома (битим) деб, иштирокчи бўлмиш бир субъектдан бошқа субъектга аниқ (мавжуд) ушбу ресурсларни бериш тушунилади. Аммо, ички ва халқаро алмашув иштирокчиси бўлмиш иккала тараф ҳам бир юридик шахс бўлиб чиқиши каби гумонли ҳолатлар вужудга келади. Бунда моддий қимматликларнинг бир кўлдан бошқа кўлга ўтишида юридик мулкдорлик ўзгармайди. Бундай тусдаги операцияларни ТМКлар, ўз хорижий филиаллари билан йирик кўламларда амалга оширадilar. Шу билан биргаликда, шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, шартнома тусига эга бўлмаган операциялар оқибатида қандайдир ўзгаришлар шартномага ҳос иктисодий самарани вужудга келтиради. Масалан, валюта курсларининг ўзгариши муносабати билан валюта захираларининг қайта баҳоланиши мамлакатнинг ташки дунёга бўлган талабларининг қисқариши ёки ўсишига олиб келади⁷³.

Тўлов балансини тузилишига алоқадор бўлган, шартнома (битим) ёки операциянинг таърифи ХВФ экспертлари томонидан ҳам тавсия этилган. Экспертлар ушбу терминдан тўлов балансида акс этиши керак бўлган ҳар қандай операцияга нисбатан фойдаланиш мумкинлигини асослаб ўтадилар.

Тўлов баланси операциялар таърифларининг амалда номукаммаллиги ва олинаётган маълумотлардаги хатоликлар мавжудлиги тўлов балансининг кредит ва дебет тарафларидаги якуний кўрсаткичларида маълум бир номутаносибликни юзага келтириши мумкин. Бундай ҳолатга дуч келмаслик учун, тўлов баланси жадвалларини тузиш вақтида икки тарафлама бухгалтерия ёзуви тамойили асос қилиб олиниши лозим бўлади, яъни тўлов балансида қайд этиладиган ҳар қандай операция бўйича, ушбу ҳужжатга икки бир-бирига ўхшаш кўрсаткич киритилади: бири – кредит тарафида ижобий белги билан,

иккинчиси - дебетли тарафида манфий белги билан. Бунда, биринчи кўрсаткич сотиб олинган ёки ушбу мамлакат резидентлари томонидан сотилган товарлар, хизматлар ва қимматли қоғозлар қийматини, иккинчиси эса ушбу операциянинг қандай қилиб молиялаштирилиши мумкинлигини англатади: нақдли тўловлар, молиявий активлар берилиши ёки (кам ҳолларда) бартер асосида.

Товарлар (хизматлар) экспорти хориждан тушумлар сифатида қайд этилади ва кредитли операциялар бўлимига киритилади; товарлар ва хизматлар импорти эса – дебетли операциялар бўлимига, тўловлар сифатида, киритилади. Бундай операцияларнинг ҳар бири учун қилинаётган иккинчи ёзув, ушбу операцияни молиялаштирувчи нақд пуллар ёки молиявий активлар ҳаракат йўналишини очиб беради. Масалан, товарлар экспорти ҳолатида биринчи кўрсаткич тушумлар бўлимида унинг қийматини, иккинчиси эса – тўловлар бўлимида, хорижга нисбатан молиявий талабларнинг ортишини кўрсатади ёки ушбу малакат банкларида хорижликларга тегишли авуарларнинг тааллуқли қисқаришини кўрсатади.

Халқаро даражада тайёрлов ҳисобварақларнинг катта қисмини қайта ишланиши асосида, йиғма тўлов балансига, тушум ва тўловлар ёки мамлакатнинг ташқи дунё билан операцияларининг талаб ва мажбуриятларидаги ўзгаришларни акс эттирувчи якуний кўрсаткичлар киритилади. Тўлов балансининг тузилиш тамойилига асосан, унинг ижобий кўрсаткичлари якуний суммаси салбий кўрсаткичларининг якуний суммасига тенг бўлиши лозим. Бироқ, бундай ҳолатда ҳам услубиёт ва ҳисоб юритиш характеридаги ноангиликлар ва қўлдан бой берилган имкониятлар сақланиб қолади.

Халқаро амалиётда катта бир муаммонинг асосини ташқи иқтисодий характердаги шартномалар амалга ошадиган баҳоларнинг ҳисоби ташкил этмоқда. Тўлов балансларини тузишга алоқадор органлар ҳамма вақт ҳам тўғри маълумотлар олиш имкониятига эга бўлмайдилар. Ақсинча, шартнома иштирокчиларининг тижорат кўрсаткичларини сир сақлашдан манфаатдорлиги

туфайли, айрим ҳолларда ушбу маълумотларни олишнинг имконияти бўлмайди.

Ҳар бир товар учун турли бозорларда, турли баҳолар юзага келади: божхона ва бошқа солиқ йиғимлари олинадиган баҳолар; товарнинг эгаси ўз ҳисоб юритиш ҳужжатларида товарнинг ҳисобини юритадиган баҳолар; ички фирма ёки трансферт баҳолар ва бошқа шу кабилар. Кўпчилик баҳоларнинг ичидан, тўлов балансига шартнома (битим) ҳақида маълумот киритиш учун, кредитли ва дебетли ёзувлар учун ягона тамойил асосида белгиланадиган баҳо ишлатилиши зарур бўлади, ёки аксинча бўлганда, операцияларнинг баланслашганлик тамойилига риоя қилинмайди. Шуниси характерлики, баҳонинг танланиши нафақат, сўз юритилаётган мамлакатга, балки ўз операцияларини биргаликда амалга ошираётган унинг ҳамкорларига алоқадор эканлиги, бир хиллик ва статистик талабларни таъминлаш мақсадида савдо операцияларини бозор баҳосида ёки уларнинг эквивалентида баҳолаш зарур деб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ХВФ нинг қўлланмаси ва миллий услубий ишланмаларда тўлов балансида тааллуқли кўрсаткичларни акс эттириш учун баҳоларни қандай танлаш кераклиги тўғрисида батафсил кўрсатмалар келтирилади.

Шартнома (битим) пайтини қайд этиш. Бу икки томон келишуви билан боғлиқ операцияларни ўзида акс эттиради. Уни тузим муҳимдир. Шартномада ўз аксини топиши мумкин бўлган маҳсулотларга эга бўлиш талаб этилади. Маълумотлари тўлов балансига киритиладиган операцияни амалга ошириш пайтини қайд этиш икки томон учун ҳам муҳим масала ҳисобланади. Операцияни амалга оширилиш санасини акс эттирувчи кўрсаткич сифатида қуйидаги саналар бўлиши мумкин: шартноманинг тузилиши (имзоланиши) ёки келишувга эришилиши санаси, товарнинг транспортга ортиб жўнатилиши, унинг етказилиши, божхонадан ўтиш тартиб-қоидалари, хизматларни бажариш, даромад ёки харажатнинг ҳисобланиши. ХВФ раҳбарияти шартномани амалга

ошириш самасини шундай танлашни тавсия этадики, мулкнинг ҳаракати, яъни ўз ўрнидан кўчганлиги миллий ҳисоб юритишда ўз аксини топиши лозим бўлсин.

ХВФ томонидан тавсия этилган тўлов баланси жадвалининг таркибий тузилиши, нафақат юқорида қайд этилган йирик моддаларни балки шу билан бирга 100 дан ортиқ кўринишдаги операцияларни ўз ичига олган. Ушбу тавсиялар ХВФ га аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тузиш ва уларни ўзаро таққослашдаги бир хилликка эришишга қаратилган. Бироқ, амалиётда ўзаро таққослашдаги бир хилликка эришиш анча мураккабдир. Халқаро операциялар бўйича маълумотларни йиғишдаги мураккаблик, уларнинг тўла эмаслиги, услубий фарқлар ва бошқа омиллар давлат органлари учун, халқаро операцияларнинг ҳажми, таркибий тузилиши, ижро этилиш вақти ва бошқа тавсифларини аниқ ва муқобил акс эттирадиган, тўлов баланси ҳужжатларини шакллантиришни ва тузишни мураккаблаштиради.

Турли хилдаги хатоликлар тўлов балансига “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” ёки “статистик хатоликлар” моддасига киритилади. Агарда, тўлов баланси расмий доим мувозанатда бўлишлиги инобатга олинса, унда ҳақиқий маълумотлар бўйича тафовутлар ушбу модда таркибига киритилади. Амалда юзага келиши мумкин бўлган бир қатор ҳолатларда, ушбу моддага, қандайдир сабабаларга кўра, тўлов баланси моддаларининг мавжуд тавсифига тўғри келмайдиган ёки яширилиши билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар киритилади. Ушбу модда, нафақат услубиёт хатоликларини, балки ҳисобга олинмаган, шу жумладан контрабанда операцияларни ҳам акс эттиради. Шунинг учун ҳам, ушбу модда бўйича кўрсаткичларнинг ҳажми етарли даражада барқарорлиги билан ажралиб туради. Бунда шунини ҳам эътиборга олиш лозимки, иктисодий инкирозлар, ижтимоий ва сиёсий мувозанатсизликлар юз берганда “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддасининг ялпи кўрсаткичлар ҳажми ошади.

Тўлов баланси моддаларини таснифлаш услублари. Тўлов балансини тузиш услублари ва унинг сальдосини ўлчашни ўрганиш, халқаро ҳисоб-

китоблар кўрсаткичларини тўғри қабул қилиш ва тушунишда муҳим рол ўйнайди. Иқтисодий адабиётларда, кўп ҳолларда, тўлов баланси кўрсаткичлари, уларнинг иқтисодий мазмуни изоҳсиз келтирилади. Бундай ҳолат асосан тўлов балансининг сальдосига тааллуқлидир. Масалан, АҚШ тўлов балансининг 1958 ва 1978 йиллардаги камомад кўрсаткичлари бир-биридан фарқли, турлича иқтисодий мазмунга эгадир; улар турлича ўлчанади ва уларнинг матбуотда эълон қилиниши турли (бир-бирига ўхшамас) оқибатларга олиб келган. Шу сабабли, таҳлил ва таккослашларда тўлов баланси кўрсаткичларидан фойдаланиш, иқтисодий муҳит ва халқаро валюта-кредит ҳамда молиявий муносабатлардаги ўзгаришларни шунингдек бир қатор янгиланишлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ўлчаниш тамойиллари ва уларда мужассам бўлган иқтисодий ҳолатлар мазмунни билишни тақозо этади⁷⁴.

Халқаро тўлов муносабатлари билан тўлов балансларини тузиш ва таҳлил этиш услубиёти ривожланмоқда ва бир қатор ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Тўлов балансларининг замонавий шакллари тўлов баланси назариясининг узок даврдаги эволюцияси ва тузилиш амалиётининг натижасидир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар оқибатлари масштабларининг ҳисобини юритиш ва уларни баҳолашнинг дастлабки шакллантиришдаги уринишлар XIV асрнинг охирида Буюк Британияда юзага келган ва эрта меркантилизм иқтисодий қарашлари билан боғлиқ бўлган. Миллий бойлик рамзи бўлмиш олтинни ташқарига оқиб кетишини олдини олишга интилиш, ташқи савдо ҳамда бошқа ташқи иқтисодий операциялар табиатини, унинг мазмун-моҳиятини тушунишга ва кўламларини баҳолашга зарурат туғдирди. “Тўлов баланси” тушунчаси дастлаб 1767 йилда Жеймс Стюарт томонидан иқтисодий назарияга киритилган. Бироқ, XX асрнинг бошигача тўлов

балансини тузиш ва унинг таркибига кирган операцияларни камраб олиш турли давлатларда турлича бўлган⁷⁵.

Халқаро иқтисодий операциялар ҳисобини юритиш муаммоси ва уларни тўлиқ тўлов балансида акс эттиришга қизиқиш уйғотган, шунингдек, айрим давлатларнинг иқтисодий ва кредит инқирозлари даврида олтиннинг четга оқиб кетишини олидини олишга қаратилган ҳаракатлари билан, иқтисодчилар томонидан эса – умумий мувозанат иқтисодий назарияси доирасида тўлов мувозанатининг бузилиши ва тикланишини тушунтиришга интилиш билан асосланган. Ушбу даврда ҳали халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисида, улар ҳақида маълумотлар йиғишдаги камчиликлар ҳамда уларни тушуниб етиш билан боғлиқ назарий ёндашувларидаги камчиликлар мавжудлиги сабабли ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш имконияти бўлмаган.

Иқтисодий фаннинг А. Смит ва Д. Рикардодан бошлаб кўзга қуринган намоёндалари тўлов балансидаги мувозанатни сақлаш муаммосига тан бериб, тўлов балансларини тузиш жараёнига янги элементлар киритган ҳолда тўлов балансини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга муваффақ бўлганлар.

Капитални четга олиб чиқилиши, бошқа халқаро молия операцияларнинг тез ривожланиши билан тўлов баланслари мазмунининг кенгайишига сабаб ҳам бўлган. Бир вақтнинг ўзида, тўлов балансларини шакллантириш ва мувофиқлаштиришда давлат ролини кучайтирилиши оқибатида халқаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш амалиёти такомиллашди ҳамда унга зарурат кучайди. Бунда фаолияти, халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил этишни ўз ичига олган газначилик, бюджет ва кредит органлари, божхона ва бошқа ташкилотлар каби давлат муассасаларининг роли янада ортиб борди.

XX асрнинг бошларида АҚШ ва Буюк Британияда тўлов баланси тузишнинг услублари, ўзининг тўла ривожини топди. АҚШ тўлов балансининг 1922 йил кўрсаткичлари асосида биринчи расмий чоп этилиши Савдо

Вазирлиги томонидан, 1923 йилда эътироф этилган. Бундан олдинги чоп этилишлар тўлов баланси айрим, якка ҳолдаги изланувчиларга тегишли ва диққат марказида бўлиб, расмий тусга эга бўлмаган.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг АҚШнинг кредитор-давлатга сифатида, муқобил иқтисодий сиёсат ишлаб чиқишга йўналиш бўла оладиган ва етарли даражада аниқ бўлган халқаро иқтисодий операциялар балансини тузишга қизиқиши ошди. Натижада АҚШ Савдо Вазирлиги биринчи расмий нацирнинг маълумотлари ва услубини тартибга келтириш мақсадида 1923 йил АҚШнинг тўлов балансини чоп этилди. Ушбу баланс маълумотларини таҳлил этиш мақсадида у қуйидаги 3 гуруҳга бўлинган эди: жорий операциялар, капиталлар ҳаракати, олтин ва кумуш билан операциялар. Бундай операциялар қуйидаги тамойилларга асосланилди: жорий операцияларга (жорий йилда тугалланган деб ҳисобланган), тўловлар ёки тушумларни келтириб чиқармайдиган операцияларга. Ушбу тамойил қаторига савдо сингари “кўзга кўринмайдиган” операциялар ҳам киритилган. Капиталлар ҳаракати бўйича операцияларга, ҳаракатидан келгусида фойдалар ёки фонизлар тушуми кутилаётган операциялар киради. Олтин ва кумуш билан операцияларга қатъи аҳамият берилганлиги боис, улар махсус бўлимга ажратилди. Барқарор ва мувозанатлашган тўлов балансини тузишга бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида 1943 йилда америкалик иқтисодчи Х. Лэри 1919-1939 йилларга мўлжалланган АҚШ тўлов балансини тузди. Энг муҳими тўлов балансининг шакли иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ тўлов балансини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1946 йилдан бошлаб тўлов баланси тўғрисидаги қорак ва йиллик ҳисоботлар АҚШ Савдо Вазирлиги томонидан “Survey of Current Business” журналида чоп этила бошланди. Худди шу сингари Буюк Британия ва бир қатор бошқа давлатларда ҳам тўлов балансларининг ишлаб чиқилиш ва кўрсаткичларини таҳлил этилиш жараёнларга эҳтиёж оша бошлади ва тўлов балансини тузишга киришилди.

Лэри томонидан 1919-1939 йилларга мўлжаллаб тузилган тўлов баланси ва ундан сўнг чоп этилган АҚШ ва бошқа давлатларининг тўлов баланслари, бундан олдинги тўлов баланслардан шакл ва мазмун жиҳатидан фарқ қилар эди. Тўлов баланси, ташқи дунёга нисбатан мамлакат молиявий позициясини таҳлил қилиш учун, статистик жадвал сифатида тузилган эди. Ундан келиб чиққан ҳолда тўлов балансига фақат нақд пул тушуми билан амалга ошириладиган битимлар киритилди. Айтиш жоизки, ўша вақтда халқаро савдо ички иқтисодга таъсир этувчи омил сифатида баҳоланиб келинар эди, аммо экспортнинг импортдан ошиши ва ёки тескари бўлиши халқаро ҳисоб-китобларда мувозанатни автоматик равишда тикланишига кўмаклашувчи пул муомаласи ва баҳолар соҳасидаги ўзгаришларга имконият яратди.

Аммо ўша даврда иқтисодга давлат аралашувининг кучайиши энг аввало назариётчилар иқтисодни автоматик мувофиқлаштириш концепциясидан воз кечишни зарурият даражасига олиб чиқди. Хусусан бозорнинг стихияли кучлари ёрдамида тўлов балансини мувофиқлаштиришдан воз кечишга сабаб бўлди. Тўлов балансининг таркибини ва унинг мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқилишига миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот билан боғлиқ ҳисоб-китоблари услубларини ривожланиши ҳам сабаб бўлди. Замонавий иқтисодчилар тўлов балансида бошқа мамлакатларга товар (хизмат)лар сифатида олиб чиқиб кетилган миллий маҳсулот улушини, мамлакатга олиб кириладиган товар (хизмат)лар ҳажмини ва экспорт ҳамда импорт орасидаги фарқни молиялаштириш услубларини ақс эттиришнинг муҳимлигини кун тартибига чиқаришди. Уларнинг таклифларига кўра, замонавий тўлов баланси жорий операцияларининг қолдиги одатда ички ялпи маҳсулот, миллий даромад, “ҳаражатлар ва чиқариш” ҳисобварақлари ҳисоб-китобларининг жадвалларига киритилишининг муҳимлиги ўз аксини топди.

Жаҳон ҳўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши айрим давлатларда халқаро ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини таққослашни талаб этди. Шу сабабли айрим давлатларда тўлов балансларини тузишнинг тамойиллари босқичма-

босқич соддалаштириб борилди. Халқаро ҳисоб-китоблар бўйича маълумотларни тақдим этиш ва маълум даражада бирхилликка эришишда Миллатлар Лигаси ва ХВФ нинг фаолияти муҳим аҳамият касб эта бошлади. Улар реал шароитдан келиб чиқиб давлатларга кўмаклаша бошладилар.

Бу эса Миллатлар Лигасининг экспертлари томонидан тўлов баланслари тузиш услубларини стандартлаштириш бўйича иш олиб борашга шарт-шароит яратиб берди. 1924 йилда Миллатлар Лигаси томонидан 13 мамлакатнинг 1922 йил тўлов баланслари тўғрисидаги маълумотларнинг чоп этилиши ушбу кўрсаткичларни халқаро таққосланишига ҳам имконият яратди. 1927 йилда Миллатлар Лигаси томонидан асосан намуна сифатида АҚШ ва Буюк Британия тўлов баланслари олинган схема ва бир қатор тавсияномалар берилди⁷⁶.

Шу билан бирга Миллатлар Лигаси экспертлари томонидан киритилган аниқликлар туфайли 1947 йилда БМТ ҳужжати сифатида чоп этилган тўлов баланси тузишнинг схемаси яратилди. Бу эса, ўз навбатида ушбу ҳужжатни Миллатлар Лигасининг айнан ушбу фаолият борасидаги якуни ва бир вақтнинг ўзида ХВФ томонидан тўлов балансини тузишнинг шакл ва тамойилларини ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб хизмат килди.

Умуман олганда, ХВФ томонидан тўлов баланси схемасини соддалаштириш услубиётини ишлаб чиқишни давом эттириши натижасида натижасида мунтазам равишда қайта чоп этиб келинаётган тўлов баланси бўйича қўлланмада ўз аксини топмоқда. Ҳозирги кунда ХВФ аъзоси бўлмиш мамлакатлар тўлов балансларини чоп этилиши 1993 йил қўлланмасидаги қоидалар асосида амалга оширилмоқда.

ХВФ услубиётига асосан тўлов баланси моддаларини таснифи.

А. Жорий операциялар

Товарлар

Хизматлар

Инвестициялардан тушган даромадлар

- Бошқа хизматлар ва даромадлар
 - Бир томонлама хусусий ўтказмалар
 - Расмий бир томонлама ўтказмалар
 - А.нинг якуни. Жорий операциялар баланси
- В. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқа узоқ муддатли капитал**
 - Тўғридан-тўғри инвестициялар
 - Портфель инвестициялари
- Бошқа узоқ муддатли капитал**
 - Жами: $A+B$ (АҚШдаги базавий баланс концепциясига мувофиқдир)
- С. қисқа муддатли капитал**
- D. Хатолар ва ўтказиб юборишлар**
 - Жами: $A+B+C+D$ (АҚШдаги ликвидлилик концепциясига мувофиқдир)
- E. Ўрнини қопловчи моддалар**
 - Олтин-валюта захираларини қайта баҳолаш, СДРнинг тақсимланиши ва ишлатилиши
- F. Фавқулодда молиялаштириш**
- G. Хорижий расмий органларнинг валюта захираларини ташкил этувчи мажбуриятлар**
 - Жами: $A+B+C+D+F+G$ (АҚШдаги расмий ҳисоб-китоблар концепциясига мувофиқдир)
- H. СДР захираларининг якуний ўзгариши**
 - ХВФдаги захира позицияси
 - Хорижий валюта
- Бошқа талаблар**

ХВФ кредитлари⁷⁷

ХВФда қабул қилинган тўлов баланси моддаларини таснифлаш тизими ушбу Фондга аъзо давлатлар томонидан қўлланилади. Бунда айрим мамлакатлар халқаро ҳисоб-китобларининг характери улар томонидан тузилаётган тўлов балансларини хусусиятли томонларини белгилайди. Шу боис саноатни ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатлар тўлов баланслари, мазмунига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Тўлов балансини схемаси олдинги параграфларда келтириб ўтилган тўлов балансининг таркибий қисмлари валюта харажати бўйича тўлов баланси валюта тушуми ва валюталар чиқими ёки харажати ифодаланишни кўрсатади. Шунингдек, валюта фондининг кўрсатмасига биноан, кўпгина давлатлар тўлов балансини икки асосий йўналиши бўйича балансининг тузилиши, яъни:

- тижорат операциялар баланси;
- капитал билан молиявий операциялар (капитал ҳаракати) ва бу баланслари актив ва пассив операцияларини қолдиқ билан якунланиши эътироф этилишининг мумкинлиги қайд этилади.

Айтиш жоизки, бундай жорий операциялар баланси – товарлар (хизматлар), жорий трансфертлар ва даромадлар бўйича, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича валюта тушуми ва харажати ўртасидаги нисбатни ташкил этади. Бу ерда балансининг ижобий (актив) қолдиғи мамлакатнинг бошқа мамлакат учун кредитор эканлигини, пассив ёки салбий қолдиқ мамлакатларнинг бошқа мамлакатлардан қарздор эканлигини билдиради (1-жадвалга қаралсин).

1-жадвал

Жорий операциялар баланси

Тушум		Чиқим	
/р		/р	

⁷⁷

	Товарлар (хизматлар) экспорти		Товарлар (хизматлар) импорти
	Трансфертлар		Трансфертлар
	Чет элдаги инвестициялардан тушум		Мамлакатдаги чет эл инвестициясидан келган даромадларнинг тўланиши
	Мазкур давлатдаги чет эл фуқароларга тўловлар (пенсия, алимент, совғалар, пул ўтказмалари ва бошқалар)		Чет элликларга трансферт тўловлари
			Резидентларнинг чет элдан активлар сотиб олиниши
	Чет элдан молиявий ёрдам		Чет элга молиявий ёрдам
	Жорий операциялар қолдиги +		Жорий операциялар қолдиги –

Шундай қилиб, тўлов баланси – бу мамлакатнинг ҳар бир ташқи иқтисодий-молиявий муносабатлар бўйича четга тўлайдиган ва четдан келиб тушадиган валюталарнинг ҳақиқий нисбатни ўзида ифодаловчи ва йнғма балансдир.

Одатда, тўлов баланси 1 йилга тузилади ва шу муддат ичида мамлакатга ҳақиқатда келиб тушган барча валюта тушумлари ва барча валюта чиқимларини акс эттиради.

Ҳар бир мамлакатнинг тўлов баланси шу мамлакатни резидентларнинг бошқа мамлакат резидентлари билан маълум бир даврда амалга оширадиган иқтисодий битимларини натижаларини ўзида мужассамлаштиради.

Ташқи дунё билан мамлакат иқтисодий алоқаларини, кенгроқ маънода, тўлов балансининг жорий операциялар баланси акс эттиради (1-жадвалга

қаралсин). Масалан, мамлакат лицензиялар сотуви ва туризмдан тушумлар, хорижда ишлаётган ишчилар пул ўтказмалари ҳисобига савдо баланси камомadini қоплаши мумкин. Тўлов балансининг жорий операциялар сальдоси кўп ҳолларда мамлакат ташқи иқтисодий ҳолатининг таснифлаш учун ишлатилади. Жорий операциялар баланси мамлакат томонидан хорижга чиқарилган ёхуд хориждан олган ва ялпи ички маҳсулотга қўшимча қилиб киритиладиган реал қимматликлар қийматини ифодалайди.

Жорий операциялар баланси ўзининг икки хусусияти билан фарқланади. Яъни, биринчидан, жорий операциялар ўзининг табиатига кўра, якунланган операциялардир (улар бўйича ҳисоб-китоблар, капиталлар билан операциялар сингари, жавоб сифатидаги қўшимча операцияларни келтириб чиқармайди). Иккинчидан, киска муддатли даврда жорий операциялар нисбатан мувозанат бўлиши уларнинг якуни нисбатан чуқурроқ иқтисодий тенденциялар таъсирини акс эттириши мумкин. Буларнинг таъсирида жорий операциялар баланси ҳозиргача катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич сифатида кўрилиши ҳам мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткич мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти якунларини ҳамда ички иқтисодий жараёнлар билан ўзаро ҳаракатларини аниқлаш мақсадида миллий ҳисобварақларга, “ҳаракатлар-чиқарувлар” ҳисоб-китоблари, бошқа макроиқтисодий агрегатларга киритилади.

8.3. Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услублари

Тўлов баланси тузишнинг муҳим масалаларидан бири – бу, унинг сальдосини ўлчашдир. Ушбу масала кенг кўламдаги саволларни: алоҳида халқаро битимлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлашдан жадвал тузишнинг таркибий тузилишигача ҳамда тўлов баланси назарияси ва амалиётининг энг муҳим таркибий қисмларини қамраб олади. Тўлов балансининг камомади ёки актив сальдосининг аниқлаш услуби – бу, тўлов балансини асосий ва балансловчи моддаларга бўлишдир. Асосий моддаларнинг сальдосини “тўлов

балансининг сальдоси” деб аташади. Ушбу миқдорнинг ижобий ёки салбий бўлишига қараб эса, тўлов балансининг активи ёки камомади белгиланади.

Тўлов балансининг сальдоси муҳим кўрсаткич бўлиб унинг миқдори ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад ҳисоб-китобига таркибига киритилади, тўлов баланси валютанинг ҳолатига, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришга ҳам таъсир этади. Тўлов баланси сальдосини ўлчаш пайтидаги энг муҳим муаммоси бўлиб унинг моддаларни асосий ёки балансловчи моддаларга таснифлаш бўлиб ҳисобланади.

Тўлов баланси сальдоси тушунчаси тўлов операцияларнинг маълум бир тўпламининг баланс якунига боғлиқ ҳолда принципиал характерга эгадир. Умуман олганда тўлов балансининг актив ёки пассив кўрсаткичлари, доимо мувозанатда бўлган ялпи тўлов балансининг таснифи сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Чунки тўлов баланси сальдосининг кўрсаткичи тузилмавий бўлиб ҳисобланади. Унинг катта-кичиклиги биринчи навбатда, ушбу моддалар якунини ифодаловчи ва танланувчи моддаларга боғлиқдир. Бундай танлов ўз ҳолича ёки ихтиёрий бўлмаслиги керак. У маълум бир мақсадга қаратилган ва ўзида тааллуқли таҳлилий ёндашувни аке эггирмоғи муҳимдир.

Шу билан бирга тўлов баланси моддаларининг ХВФ услубиётига мувофиқ таснифи унинг сальдосини аниқлашнинг эволюциясини кузатиб таҳлил этиш имконини беради. Ушбу схемадан фойдаланган ҳолда, маълум бир гуруҳга мансуб операциялар остига чизишнинг ўзи кифоя бўлиб ҳисобланади. Аммо бунда, ушбу чизиқнинг юқорисида жойлашган барча кўрсаткичларнинг якуний миқдори, бизга маълум бўлган бир концепцияга асосланган ва таянган тўлов баланси сальдосига мувофиқ ўз ифодасини топиши лозим. Ушбу кўрсаткич, чизиқдан пастда бўлган тесқари ифода билан олинган барча кўрсаткичлар суммалари билан мувозанатлаштирилади. Мазкур таснифлашнинг таркибий тузилиши маълум бир меъёردа халқаро иқтисодий операциялар ривожига билан боғлиқ ҳолда ҳаракатда бўлади.

Жорий операциялар балансининг концепцияси. Халқаро айирбошланишининг энг ривожланган шакли бўлиб ташқи савдо ҳисобланади. Халқаро савдо бўйича ҳисоб-китоблар дастлабки тўлов баланслари моддаларининг асосий мазмунини ташкил этган. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши билан хизматлар халқаро муносабатларда ва айирбошланишда катта рол ўйнай бошлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо баланси ва хизматлар баланси мамлакат ривожланиши стратегиясида асосий йўналиш сифатида қаралади. Яқинда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатларини, шунингдек, ҳозирги вақтда жаҳонда глобаллашув жараёнларини чуқурлашиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, савдо баланси ва хизматлар балансини барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб ҳам қолмоқда.

Савдо баланси ва хизматлар баланси мамлакат ички иқтисодининг ҳолати ва жаҳон ҳўжалигида эгаллаган ўрни билан белгиланади. Ташқи савдонинг камомади ёки активлиги жаҳон бозорида ушбу мамлакат товарлари рақобатдошлигини, иқтисодининг кучли ёки кучсизлигини акс эттиради ва жиддий иқтисодий чоралар кўрилишига имконият яратади.

Базис балансининг концепцияси. Узоқ муддатли капитал ҳисоби юритилиши ва уни тўлов балансида акс эттирилишини ва унинг ривожланиши билан базис баланси концепцияси илгари сурилган эди. У иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, у тўлов баланси ҳолатини аниқлашда ишлатилган эди. Ушбу концепциянинг асл мазмуни асосий моддаларга киритиладиган, базавий барқарор битимларни ажратиб олишдир. Ушбу битимлар, вақт давридаги барқарорлик ва иқтисодий конъюнктура ўзгаришларига бўлган муносабатларда ёки уларга бефарқлик билан характерланиб келинмоқда. Бундайларга нафақат жорий операциялар, балки узоқ муддатли капитал ҳаракатлари ҳам киритилди. Қисқа муддатли капитал ва валюта захиралари ҳаракати балансловчи

операцияларга киритилди. Базис балансининг сальдоси “А” ва “В” гуруҳлар операциялари бўйича сальдо суммаси ХВФнинг таснифи бўйича аникланадиган бўлди. Ушбу сумма “В” гуруҳидан пастдаги операциялар баланси билан мувозанатлантирилиши лозимлиги эътироф этилди.

Базис баланси концепциясига мувофиқ жорий операциялар активи капитал ҳаракатини мувозанатлаштирибгина қолмай, балки ушбу мақсадга эришиш учун валютанинг оқиб келишини таъминланиши ва тўлов балансини баланслаштириш, маълум бир чегараларда валюта курслари, фойз ставкалари ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа инструментларини ўзгартириш орқали бошқариладиган қисқа муддатли капитал ҳаракати орқали таъминланиши керак эди. Бундай ёндашувни амал қилиши маълум бир давргача қисқа муддатли капитал ҳаракатига мустақил жараён сифатида эътибор берилмаганлиги сабаб бўлганлигини эътироф этиш мумкин эди.

Ликвидлилик концепцияси. Ушбу концепция АҚШда 1958 йилда ишлаб чиқилди. Уша даврларда АҚШ тўлов баланси ҳолатининг кескин ёмонлашуви ва долларнинг инкирози АҚШ Савдо вазирлиги томонидан тўлов баланси тузиш ва унинг камомалини ўлчаш услубларини танқидий қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Шу вақтнинг ўзида қисқа муддатли капитал ҳаракатига нисбатан муносабат ҳам қайта кўриб чиқилди ва бунда хорижий хусусий шахслар ва расмий органлар қўлидаги ликвид долларли активларга катта эътибор қаратилди. Бу эса ўз вақтида янги ёндашувнинг мазмуни ва номини белгилаб берди.

Ликвидлик концепцияси АҚШ долларининг захира валютаси эканлиги, ҳамда халқаро тўлов ва захира воситаси сифатида ишлатилишидан келиб чиққан эди. Бундан, АҚШ ўз долларларидан чайқов мақсадида фойдаланилишига қарши курашга доим тайёр бўлишлигини эътироф этди. Бунинг учун эса, норезидент шахсларда қанча ликвидли долларли активлар борлигини билиш зарурияти туғилди. Ушбу сумманинг ўсишини эса тўлов балансининг сальдоси кўрсатиши керак эди. Шу сабабли, ликвидлилик

концепциясига мувофиқ, негизли шартномалар тарафдорлари томонидан киритиладиган моддалардан ташқари, асосий моддалар қаторига яна 3 кўринишдаги шартномалар киритилди: қисқа муддатли хусусий миллий капитал ҳаракати; хорижий тижорат кредитлари ва “хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси бўйича сальдо.

АҚШ Савдо вазирлиги томонидан бажарилган фикрларга асосан халқаро ликвидли позициясидаги ўзгаришларни акс эттирувчи моддалар баланслаштирувчи сифатида эътироф этилди ва баланслаштирувчи моддаларга қуйидаги ўзгаришлар киритилди: Америка валюта захиралари (ХВФга бадални ҳисобга олган ҳолда); АҚШнинг хорижлик расмий ташкилотлари ва хусусий шахслар олдидаги ликвидли мажбуриятлари. Ушбу концепциянинг ўзига ҳослиги у АҚШ давлат валюта захиралари ва америка хусусий эгалар қўлидаги валюта активларини айирбошлаш имконини бериши билан ажралиб турди.

ХВФда қабул қилинган, тўлов баланси моддаларининг таснифига кўра ликвидлилик концепцияси бўйича сальдо бирмунча шартлашувлар билан (“С” гуруҳига алоқадор), асосий деб ҳисобланувчи, А+В+С+D гуруҳлари операциялари бўйича сальдоларининг суммасига тенг ёки мувофиқ деб эътироф этилди. Ушбу сальдо, Е+F+G+H гуруҳлари бўйича олинган ялпи сальдо ҳажми билан, тесқари (манфий) нфода билан, баланслаштирилишини мумкинлиги қайд этилди.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) томонидан қабул қилинган таснифда ликвидлилик концепцияси яққол ўз аксини топган. У ўзида олдин бирмунча қарама-қаршиликларни мужассам этди. Қисқа муддатли капитал билан айрим операцияларнинг тўлов балансининг асосий моддалари қаторига киритилиши ўша даврда етарли даражада асосланмаган эди. Айтиш жоизки, америкалик хусусий шахслар қўлида турган хорижий валюталар активларини тўлов балансига киритилишининг асосий сабабли омили АҚШ қонунчилиги давлат молия органларига улардан, расмий захираларга қўшимча равишда, долларни ҳимоялашда фойдаланишни қийинлаштириб қўйилганлиги

бўлди. “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси бўйича сальдо киска муддатли капитал ҳаракати билан боғланмаган эди. Ушбу ҳол халқаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишнинг камчиликлари билан изоҳланиб келинар эди.

Айтиб ўтилганидек, баланслаштирувчи моддалар қаторига АҚШ нинг хусусий киска муддатли мажбуриятлар ўзгаришини киритилиши ҳам ушбу мажбуриятларга, долларга бўлаётган яққол риск сифатида қаралишини эътироф этар эди. АҚШ долларларнинг қонунчиликка мувофиқ хорижлик эгалари уларни бевосита АҚШ Ғазнаҳонасида олтинг алаштира олмас эди. Аммо, АҚШ долларига ишонч йўқолган пайтда хорижий хусусий банклар ўз долларлик активларини Марказий банкларга сотиш имкониятига эга эдилар, шунингдек Марказий банклар эса ўз навбатида ушбу долларларни АҚШ Ғазнаҳосига олтинг алаштиришга тақдим қилар эдилар.

АҚШ тўлов балансининг йирик камомоди (1958 йил) ҳукумат ва Молия доираларида катта безовталанишни келтириб чиқарди. Бу эса, ўз навбатида, камомадни ҳисоблаш ва ўлчаш услубларига бўлган ишончсизликни янада оширди. Ликвидлилик концепцияси, эндигина пайдо бўлган бўлсада, ўша вақтда ҳам қаттиқ танқидга учраган эди. Аммо АҚШ Савдо Вазирлиги уни ҳимоя қилди ва амал қилиш учун шарт-шароит яратиб беришга муваффақ бўлди. Ликвидлилик концепцияси, доллар захира валютаси мақомига эга бўлганлиги туфайли, расмий концепция сифатида АҚШ тўлов балансига нисбатан фойдаланилди. Шу ўринда айтиш жоизки, АҚШ тўлов балансининг йирик камомадлари бошиданок ушбу концепцияни гумон остига қўйди.

Расмий захиралар баланси концепцияси. Ушбу концепция тўлов баланси сальдосини ўлчашда 1965 йилда навбатдаги кадам сифатида эътироф этилди. АҚШ томонидан олға сурилган ва кейинчалик ХВФ ва ИХТТ экспертлари томонидан асосий концепция сифатидан қабул қилинган, расмий ҳисоб-китоблар концепцияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. АҚШ ва бошқа мамлакатлар расмий органлари учун ушбу услубиётнинг ёқимли томонлари, биринчидан, у камомадни нисбатан ластроқ кўрсаткичларини берган;

иккинчидан тўлов баланси ҳолатини яхшилашда хорижий хусусий қисқа муддатли ва портфель капиталларини кенг жалб этиш амалиёти заминдаги назарий асосни яратган эди. Шундай қилиб АҚШ тўлов баланси сальдосини ўлчаш услубларининг танқидий таҳлили натижасида расмий ҳисоб-китоблар баланси концепцияси юзага кеди.

Ушбу концепция ёки ХВФ нашрларида якуний баланс деб номланган эди. АҚШда 1965 йилдан бошлаб ишлатилган бўлса, кейинчалик эса бошқа мамлакатларга тарқалди ва ХВФ ва ИХТТ экспертлари томонидан ушбу концепция ҳам қўллаб қувватланди.

Айтиш жоизки, кўп мамлакатлар томонидан ишлатилган расмий ҳисоб-китоблар балансининг, стандарт таърифи баланслаштирувчи моддалар қаторига қуйидагиларни киритилишини кўзда тутди: расмий валюта органларининг валюта захиралари билан операцияларини (олтин, хорижий валюта, ХВФ даги захира позицияси ва СДР даги активлар); расмий валюта органларини хорижлик расмий ташкилотлар олдидаги, халқаро ташкилотлар ва СДР тақсимотини ўз ичига олган ҳолда, мажбуриятларининг ўзгариши. ХВФнинг таснифига кўра, тўлов баланси сальдоси расмий ҳисоб-китоблар концепциясига мувофиқ, асосий моддалар сифатида таснифланадиган $A+B+C+D+E+F+G$ гуруҳлари бўйича якун сифатида майдонга чиқди, ҳамда “Н” гуруҳи бўйича операцияларнинг якуний суммаси, яъни мутлақ расмий валюта операциялари билан мувозанатлаштирилди.

Алоҳида мамлакатларда расмий ҳисоб-китоблар концепциясининг ишлатилиши ўз хусусиятларига эга бўлиб, ХВФ тавсиялари ва ИХТТ схемаларидан фарқланиб келди.

70-йиллар ўртасидаги, жаҳон иқтисоди ва валюта тизимидаги инкирозлар ва уларнинг таъсирини кучайиши халқаро тўлов муносабатлари таркибий тузилишидаги силжишлар ва бу билан боғлиқ капитал ҳаракатидаги барқарорсизлик тўлов баланси сальдосини аниқлаш услубларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

1. Тўлов баланси сальдосини АҚШ да, 1976 йилдан бошлаб расмий асосда фақат жорий операциялар сальдоси сифатида, бошқа операциялар бўйича маълумотларни маълумотли кўрсаткичлар сифатида чоп этиб, ҳисоб-китоблар қила бошладилар.

8.4. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар

Тўлов баланси турли омиллар таъсирида бўлади. Аввало тўлов баланси такрор ишлаб чиқариш билан узвий тўғри ва тесқари алоқада бўлсада, унинг таъсири каттадир. Чунки у бир томондан, такрор ишлаб чиқаришда руй бераётган жараёнлар оқибатида шаклланса, бошқа томондан эса – унга қарши таъсир кўрсатади. Валюталар курси, олтин-валюта захиралари, валюта ҳолати, ташқи қарз, валюта ва иқтисодий сиёсат йўналишлари, жаҳон валюта тизими ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки, ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаблари, таркиби ва характери тўғрисида маълумотлари тўлов балансидан олиш мумкин. Тўлов балансида қуйидагилар акс эттирилади:

- экспортнинг турли имкониятларини ва товарлар, капиталлар, хизматлар импортига эҳтиёжни белгиловчи иқтисоднинг таркибий диспропорциялари;

- иқтисодни бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштириш услубларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришлар;

- конъюнктура омиллари (ҳалқаро рақобат, инфляция, валюта курси ва бошқаларнинг ўзгариш даражаси).

Ҳозирги шароитдан тўлов балансининг ҳолатига бир қатор омиллар таъсир ҳам кўрсатиш мумкин. Буларга:

Биринчидан, мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги, халқаро рақобат билан боғлиқ омиллар таъсир этади. Чунки тўлов баланси асосий моддаларининг эволюцияси жаҳон иқтисодидаги рақиб-

марказлар кучларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришларни акс эттиради. Ўтган асрнинг 40-50 йилларида, яъни иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Ғарбий Европа ва Япония давлатлари тўлов балансларининг йирик камомадини юзага келиши шароитида АҚШнинг актив тўлов баланси 1950 йиллар охиригача моноцентрик ҳукмронлиги тизимида шаклланди ёки ўз аксини топди. XX асрнинг 1960 йилигача Ғарбий Европа ва Япония давлатларининг савдо баланслари одатда пассив деб эътироф этилган бўлса ҳам, шу даврлардаги АҚШ нинг савдо баланси эса, Америка монополияларининг жаҳон бозоридаги маъқиси ва долларнинг барқарорлиги туфайли, жуда катта актив сальдо билан якунланган эди (1947 йилда 10 млрд. АҚШ доллари). АҚШ нинг халқаро инвестор ва кредиторга айланиши, ушбу мамлакатга хориждан йирик миқдордаги дивидендлар ва фойзаларни оқиб келишига сабаб бўлди. Бироқ, кейинчалик тўғридан-тўғри инвестицияларнинг йиллик ўсимидаги АҚШ нинг улуши, Ғарбий Европа ва Япония давлатлари улушининг ўсиши ҳисобига, 1967 йилда 50 фоиздан то 1980 йилда 4 фоизгача камайди. 1985 йилдан бошлаб эса АҚШ капиталнинг нетто-импортёрига айланди. АҚШ нинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улушини, ҳарбий харажатларининг ўсиши шароитида, 1948 йилда 54,6 фоиздан 1984 йилда 37,8 фоизгача пасайиши, товарлар экспортида 33 фоиздан 12,7 фоизгача, капиталлар экспортида 70-йиллар ичида 20 фоизга пасайиши мамлакат тўлов баланси жорий операцияларининг мунтазам камомадига олиб келган эди. АҚШ нинг 1990 йиллардаги узок муддатли иқтисодий кўтарилиши АҚШ га яна жаҳон иқтисоди ва халқаро молиядаги иқтисодий пешқадамликни қайтариб олиш имконини берди. Юқорида зикр этилган уч марказ, яъни АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония орасидаги қарама-қаршилиқ уларнинг тўлов баланслари ҳолатида ўз аксини топди⁷⁸.

Иккинчидан, иқтисоднинг цикли тебранишлари. Тўлов балансларда мамлакат ҳўжалик ҳаётидаги тебранишлар, кўтарилишлар ва тушқунликлар ўз аксини топиши мумкин. Чунки, ташқи иқтисодий операциялар мамлакат ички

⁷⁸

иқтисодининг ҳолатига боғлиқ. Санъат цикллари механизми билан боғлиқ тўлов балансининг тебранишлари, мамлакат ички иқтисодий циклли жараёнларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга ўтиб кетишига кўмаклашади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёқилғи, хом-ашё, жиҳозлар импортининг ўсишига, пасайиши эса товарлар олиб кириш ҳажмининг қисқаришига олиб келди. Товарлар, капиталлар, хизматлар экспорти жаҳон бозори шароитларининг ўзгаришига моҳик бўлди. Хўжалик ривожланишининг суғлигида капиталнинг четга чиқиши кўпаяди. Иқтисоднинг жадал ривожланишида, яъни фойдалар ўсган, мамлакатда кредит экспансияси кучайган, фойз ставкаси кўтарилган пайтда капиталнинг четга чиқиши пасаяди. Замонавий иқтисодий циклнинг асинхронлиги сабабли унинг тебранишлари тўлов балансига бевосита эмас, балки билвосита таъсир этади. Шу боис жаҳон иқтисодий инкирозлари у ёки бу мамлакатлар тўлов балансларининг йирик масштабдаги камомадларини юзага келиб чиқишига сабаб бўлади.

Учинчидан, давлат хорижий харажатларининг ўсиши. Тўлов баланси учун оғир юк бўлиб, турли сиёсий ва иқтисодий мақсадларга қаратилган, ҳукуматнинг ташқи харажатлари ҳисобланади.

Тўртинчидан, иқтисоднинг милитаризацияси ва ҳарбий харажатлар. АҚШ нинг, тўлов балансида аке этадиган, хориждаги харажатларининг асосий қисми ҳарбий мақсадларга мўлжалланган. Ҳарбий харажатларнинг тўлов балансига билвосита таъсири биринчи навбатда уларни ишлаб чиқариш шароитлари ва иқтисодий ўсишнинг суръатларига бўлган таъсирида, ҳарбий бўлмаган тармоқлардан юлиб олинаётган ресурсларда ўз аксини топади. Агар экспорт тармоқлари ҳарбий буюртмалар билан босиб юборилган, товарларни четга олиб чиқишни кенгайтиришга мўлжалланган маблағлар ҳарбий мақсадларга йўналтирилган бўлса, мамлакатнинг экспорт қобилияти қисқаради. Қуролларнинг ўсиши ҳарбий-стратегик товарлар, шу жумладан, тинчлик вақтидаги истеъмол меъёрларидан ортиқ бўлган ҳажмда кўп турдаги хом-ашёларнинг (нефт, каучук, рангли металллар) импортини оширади.

Бешинчидан, халқаро молиявий боғлиқликнинг кучайиши. Замонавий шароитларда молиявий оқимларнинг ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларида бирига айланди. Бу эса ўз навбатида четга капиталларни олиб чиқишнинг, ссуда капиталлари жаҳон бозорининг (евробозорларни ўз ичига олган ҳолда) ривожланишини, шартнома шартлари эркинлашиши шароитида молиявий бозорларнинг ўсиши билан асосланади. Натижада, мамлакатларнинг молиявий ўзаро боғлиқлиги уларнинг ўзаро тижорат боғлиқлигидан устунроқ бўлиб қолди. Бу эса, валюта ва кредит таваккалчиликларни, биринчи навбатида қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлигини кучайтириб юборади. 1980-90 йиллардаги жаҳон қарзлар инкирози ва 1997-98 йиллардаги валюта-молия инкирозлари ушбу таваккалчиликлар хавфлилигини очиқ ташлади.

Олтинчидан, халқаро савдодаги ўзгаришлар. Илмий техник революция, хўжалик ривожланиши суръатларининг ўсиши, янги энергетика базасига ўтиш халқаро иқтисодий алоқаларда таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Тайёр маҳсулотлар билан, шу жумладан интеллектуал товарлар, нефт ва энергия ресурслари билан савдо қилиш суръати ошди. 1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошида нефт баҳосининг тўсатдан 18 баробар ошиб кетиши нефт импортёри бўлмиш мамлакатлар тўлов баланси жорий операцияларининг камомадига олиб келган эди. Товарлар оқимининг географиясида ривожланган давлатлар орасидаги алмашуви, уларнинг ташқи савдосида ривожланиб бораётган мамлакатлар улушининг қисқариш ёки кенгайиш тарафига қараб ўсиш бўлади (жаҳон савдосининг 70%, Европа иттифоқи мамлакатлари-38%). Ривожланган давлатларнинг ўзаро савдоси улар экспортининг 80 фоизини ўз ичига олади (Европа иттифоқи мамлакатлари-58%), ривожланиб бораётган мамлакатлар орасидаги савдо эса уларнинг

экспортининг 1/4 ташкил этади. Бундай ҳол жаҳон бозоридаги рақобат курашини кучайтириб юборади⁷⁹.

Еттинчидан, тўлов балансига валюта-молиявий омилларининг таъсири. Девальвация, одатда экспортни, ревальвация эса импортни рағбатлантиради. Жаҳон валюта тизимининг барқарорсизлиги халқаро савдо ва ҳисоб-китоблар шароитларини ёмонлаштиради. Миллий валюта курсининг пасайишини кутган ҳолда экспорт ва импорт бўйича тўлов муддатларининг ўрнидан силжиши руй беради, яъни импортёрлар тўловларни тезлаштиришга, экспортёрлар эса аксинча хорижий валютадаги тушумни олишни кечиктиришга ҳаракат қиладилар ("лидз энд лэёз" сиёсати). Халқаро ҳисоб-китоблар муддатларидаги кичик ёки қисқа узилишлар, мамлакатдан капиталларнинг четга оқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Баҳо ва тўлов валютаси сифатида ишлатилаётган етакчи валюталар курсларининг тебраниши кўпчилик давлатлар тўлов балансларига таъсир этади.

Саккизинчидан, инфляциянинг тўлов балансига салбий таъсири. Бундай ҳолат, баҳоларнинг пасайиши миллий товарларнинг экспортини кийинлаштириб, рақобатдошлигини пасайтирган, товарлар импортини рағбатлантирган ва капиталларни хорижга чиқиб кетишига имкон берган пайтда вужудга келади.

Тўққизинчидан, ғавқулдда ҳолатлар — ҳосилнинг бўлмаслиги, табиий офатлар, халокатлар ва шу кабилар тўлов балансига салбий таъсир этади.

8.5. Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари

Тўлов баланси давлат томонидан мувофиқлаштирилувчи объектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Биринчидан, тўлов балансларга, баъзи мамлакатлардаги йирик ва узок муддатли камомад, баъзиларига эса хаддан ташқари актив сальдода акс этувчи мувозанатсизликни ҳосили бўлиб ҳисобланади. Халқаро ҳисоб-китоблар

⁷⁹

балансининг мувозанатсизлиги эса валюта курси динамикасига, капиталлар миграциясига, иктисоднинг ҳолатига таъсир этганлиги билан кузатилди. Масалан, тўлов баланси жорий операциялари камомадини миллий валюта билан қоплаган ҳолда, АҚШ бошқа мамлакатларга инфляциянинг экспортига, долларларнинг халқаро муомалада керагидан кўпайиб кетишига кўмаклашди. Бу эса, 1970-йилларда Бреттон-Вудс валюта тизими фаолиятини тўхтатилишига сабаб бўлганлиги билан кўринади.

Иккинчидан, олтин стандартининг (1930-йилларда) бекор қилинишидан сўнг, тўлов балансини баҳо ёрдамида мувофиқлаштириш орқали мувозанатлаштиришнинг стихияли механизми ниҳоятда кучсиз ҳаракатланадиган бўлиб қолди. Шу сабабли тўлов балансини мувозанатлаштириш давлатнинг мақсадли тадбирларига таянади.

Учинчидан, иктисодни давлат томонидан мувофиқлаштириш тизимида, тўлов балансининг аҳамияти ошди. Уни мувозанатлаштириш вазифаси, иктисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, инфляция ва ишсизликни жиловлаш билан биргаликда, давлат иктисодий сиёсатининг асосий вазифалари доирасига киритилди.

Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг моддий асоси бўлиб:

- а) расмий олтин-валюта захиралари;
- б) давлат бюджети орқали қайта тақсимланган миллий даромад;
- в) капиталнинг экспортёри, кредитор, кафили, қарз олувчиси сифатида

давлатнинг ташқи иктисодий алоқаларда бевосита иштирок этиши;

г) меъёрий актлар ва давлат назорат органлари ёрдамида ташқи иктисодий операцияларни чеклаш ҳисобланади.

Айтиш жоизки, тўлов балансини мувофиқлаштиришда муаммо юзага келади, у ҳам бўлса қандай мамлакатлар (актив сальдо ёки камомадга эга мамлакатлар) мувозанатлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши мумкинлиги билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ушбу масала бўйича иктисодчи олимларнинг ва амалиёт ходимларининг фикрлари турлича бўлиб келмоқда.

Одатда, ички ва ташки омиллар таъйини остида тўлов балансини мувофиқлаштириш муаммоси камомадга эга мамлакатлар учун жуда долзарб масала бўлиб қолади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг актив балансига эга мамлакатлар юқорида зикр этилган давлатларга ўз уйларида тартибни қарор топтиришга ундайдилар, яъни: инфляцияни чеклаш, дефляцион сиёсатни амалга ошириш, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини қисқартириш ва бошқа шу кабилар. Бундай талабларни, иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ тўлов балансини муттасил камомадига эга Ғарбий Европа давлатларига қуйган. 1960-йиллар ва 1980-йилларнинг биринчи ярмида вазият ўзгарди, Ғарбий Европа давлатлари ва биринчи навбатда Европа Иттифоқи аъзолари худди шундай талаблар билан АҚШ га мурожаат эгдилар. Тўлов баланси камомадига эга бўлган давлатлар, одатда, уларнинг ҳамкорлари бўлмиш актив сальдога эга бўлган давлатларни импорتنинг божхона ва бошқа шу каби чекловларини бекор қилишга, капитални четга олиб чиқишни кенгайтиришга ундайдилар.

Давлат томонидан тўлов балансининг мувофиқлаштирилиши – бу, унинг асосий моддаларини шакллантиришга ҳамда шаклланган сальдони коплашга йўналтирилган давлатнинг иқтисодий, шу жумладан валюта, молиявий, пул-кредит чора-тадбирларининг йиғиндисидир. Мамлакатни валюта-иқтисодий ва халқаро ҳисоб-китобларининг ҳолатига кўра, ташки иқтисодий операцияларни рағбатлантиришга ёки чеклашга қаратилган тўлов балансини мувофиқлаштириш услубларининг турли хилдаги тўплами мавжуд бўлиб, ундан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Айтиш жоизки, камомадли тўлов балансига эга мамлакатлар томонидан, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини чеклаш, хорижий капиталларни жалб этиш, капиталларни четга чиқиб кетишини чеклаш мақсадида одатда қуйидаги чора-тадбирлар қўлланилади.

1. Дефляцион сиёсат. Ушбу сиёсат ички талабни пасайтиришга қаратилган сиёсат фуқаролик мақсадлари, баҳолар ва иш ҳақларни музлатишга мўлжалланган бюджет харажатлари чекловини ўз ичига олади. Унинг муҳим

инструментлари бўлиб молиявий ва пул-кредит чоралари ҳисобланади: бюджет камомадини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисобни юритиш ставкасини ўзгартириш (дисконт сиёсати), кредит чекловлари, пул массаси ўсишининг чегараларини белгилаб олиш. Иқтисодий тушқунлик, юқори даражадаги ишсизлар армияси ва фойдаланилмаган ишлаб чиқариш қувватларининг захираларини мавжудлиги энг аввало дефляция сиёсатини ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини янада пасайишига сабаб бўлади.

2.Девальвация. Бу ҳар бир мамлакатнинг миллий валюта курсининг пасайиши экспортни рағбатлантиришга ва товарлар импортини пасайтиришга қаратилгандир. Бирок, тўлов балансини мувофиқлаштиришдаги девальвациянинг роли уни ўтказишнинг муайян бир шарт-шароитларига ҳамда ушбу жараён пайтидаги умумиқтисодий ва молиявий сиёсатга боғлиқ бўлади. Девальвация, фақатгина рақобатбардош товарлар ва хизматлар экспорти салоҳиятининг мавжудлиги ҳамда жаҳон бозорида ёқимли шароит бўлгандагина товарлар экспортини рағбатлантиради. Импортни пасайтириш омили сифатидаги девальвацияга келсак, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва халқаро ихтисослашувнинг ривожланиши шароитида, мамлакат товарларни олиб киришни тўсатдан қисқартира олмайди.

Девальвация нафақат импортни қимматлаштиради, балки маҳаллий товарлар ишлаб чиқарилишида харажатлар ва баҳоларнинг ўсишига, ҳамда девальвация эвазига ташқи бозорларда эришилган рақобат имтиёзларидан фойдаланишни чегараланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли, девальвация мамлакатга вақтинчалик имтиёзларни берсада, кўп ҳолларда тўлов баланси камомади сабабларини бартараф эта олмайди. Кутилаётган самарага эришиш учун девальвация етарлича миқдордаги ҳажмга эга бўлиши лозим. Ақс ҳолда у фақатгина валюта бозоридаги чайков операцияларини кучайтириб юборади. Масалан, 1967 йил ноябрь ойидаги фунт стерлингларнинг 14,3 фоизга ва долларнинг 1971 йил декабрида 7,89 фоизга девальвацияси ушбу валюталарга бўлган чайков босимини бартараф эта олмаганлиги сир эмас,

албатта, Шу билан биргаликда, девальвациянинг ҳаддан ташқари катта ҳажми бошқа валюталар курслари пасайишининг занжирли реакциясини келтириб чиқаради. Бунда, ўз валютасини девальвация қилган мамлакат режалаштирган рақобат имтиёзларидан айрилиши мумкин бўлади. Баъзи мамлакатлар мунтазам равишда ёпик шаклдаги девальвация сифатида, баъзи пайтларда қўш-қатламли валюта бозори шаклида валюта курсининг кўп хиллигини қўлланилиши маъқул деб ҳисоблайди. Айтиш жоизки, валюталар эркин сузувчи курслар режимининг киритилиши тўлов балансларининг муқобиллашувига олиб келмади. Кескин тебранувчан бўлмиш девальвацияларнинг тугатилиши билан маълум бир даражада чайқов капиталларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган босимини юмшати. Бироқ, эркин сузувчи валюта курслари режими шароитида девальвацияни экспорт ва импорт қилинаётган товарлар баҳоларининг нисбатига таъсири деярли йўққа чиқарилди. Шу сабабли, девальвациянинг самарасини таъминлаш учун кўпчилик ривожланиб бораётган давлатлар, экспорт ва импортга табақалаштирилган божлар ва субсидияларни киритадилар.

3.Валюта чекловлари. Экспортёрлар валюта тушумини музлатиш, импортёрларга хорижий валютани сотишни лицензиялаш, валюта операцияларининг ваколатли банкларда тўплануви, капитал экспортини чеклаш ва уни четдан оқиб келинишини рағбатлантириш ҳамда товарлар импортини чеклаш орқали тўлов баланси камомадини бартараф этишга қаратилгандир. 1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошида жорий операцияларни эркинлаштирилишига қарамасдан, эркин муомалада юрадиган валютага эга мамлакатларнинг тахминан 90 фоизи капиталларнинг халқаро ҳаракати бўйича чекловларни қўллаган. Европа Иттифоқи мамлакатлари ушбу чекланишларни 1990 йилларни бошига келиб бекор қилишдилар.

4.Молиявий ва пул-кредит сиёсати. Ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ўсишнинг муҳим омил сифатида молия ва пул-кредит сиёсати эътироф этилади. Айнан шундай сиёсат тўлов баланси камомадини пасайтириш

мақсадида экспортёрларга бюджет субсидияларидан, импорт божларини протекционистик оширилишидан, мамлакатга капиталлар оқиб келиши мақсадида қимматли қоғозларнинг хорижлик эгаларига тўланадиган фоизлардан олинадиган солиқни бекор қилинишидан, пул-кредит сиёсатидан, айниқса ҳисобни юритиш сиёсати ва пул массасини таргетлашдан (пул массасини ҳар йиллик ўсишининг мақсадли йўналишларини белгилаш) фойдаланилади.

5.Тўлов балансига – савдо баланси, “кўзга куринмайдиган” операциялар, капитал ҳаракати баланси, унинг асосий моддаларини шаклланиши борасида, давлатнинг махсус таъсир чоралари. Савдо балансини мувофиқлаштиришнинг муҳим объекти бўлиб ҳисобланади. Иқтисодийни глобаллашуви шароитида давлат томонидан мувофиқлаштириш нафақат муомала соҳасини, балки экспорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш соҳасини ҳам камраб олади. Товарларнинг сотилиши босқичида экспортни рағбатлантириш, мазкур товарлар баҳоларга таъсир этиши орқали амалга оширилади (яъни экспортёрларга солиқ, кредит имтиёзларини бериш, валюта курсини ўзгариши ва бошқа шу қабили орқали). Товарларни хорижга олиб чиқиш ва хорижий бозорларни ўзлаштиришда экспортёрларда узок муддатли қизиқишни яратиш учун, давлат уларга нафақат мақсадли экспорт кредитларини тақдим этади, балки шу билан бирга иқтисодий ва сиёсий рисклардан суғурта қилади, асосий капитал амортизациясининг имтиёзли режимини жорий этади ҳамда уларнинг маълум бир экспорт дастурини бажариш бўйича мажбуриятлари эвазига бошқа молия-кредит имтиёзларини ҳам тақдим этиши мумкин бўлади.

Энг муҳими, экспортни рағбатлантиришда бундай услубларининг қўлланилиши ҳозирда янада комплекслашиб бормокда. Улар ўз ичига экспортёрларни валюта, кредит, молиявий қўллаб-қувватлаш шакллари, шу жумладан, реклама, маълумотлар, кадрларни тайёрлашни олади. Айтиш жоизки, капитални четга олиб чиқиш азалдан товарлар экспортини

рағбатлантириш учун ишлатилади. Бунда пассив тўлов балансида импортни мувофиқлаштириш, импорт ўрнини босувчи миллий товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва шу орқали импортни қисқартириш чоралари амалга оширилади.

Шунинг учун тўлов балансининг “кўзга кўринмас” операциялари бўйича тўлов ва тушумларни мувофиқлаштирилиши учун куйидаги чоралар кўрилиши эътироф этилмоқда:

а) мамлакат туристлари томонидан валютани четга олиб чиқиш меъёрини чеклаш;

б) хорижлик туристларни жалб этишда ва туристик инфратузилмани ташкил қилишда давлатни бевосита ёки билвосита иштирокини таъминлаш;

в) “Транспорт” моддаси бўйича харажатларни камайтириш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобига денгиз кемаларини қуришга ёрдам бериш;

г) патентлар, лицензиялар, илмий-техник ҳоялар ва бошқа шу кабилар билан савдодан тушумларни кўпайтириш мақсадида илмий-текшириш ишлари учун давлат бюджети харажатларини ошириш;

д) ишчи кучи миграциясини мувофиқлаштириш. Хусусан, хорижлик ишчилар пул ўтказмаларини қисқартириш мақсадида мамлакатга иммигрантлар киришини чеклаш.

Айтиш жоизки, ҳозирги шароитда ҳам капиталлар ҳаракатини мувофиқлаштириш нафақат миллий монополияларнинг ташқи иқтисодий экспансияларини рағбатлантиришга, балки шу билан бирга хорижий капиталларнинг оқиб келиши ва миллий капиталларни репатриация қилинишини рағбатлантириш орқали тўлов балансини муқобиллаштирилишига қаратилган. Ушбу мақсадга, давлатнинг хорижлик хусусий инвестициялар учун ва товарларни четга олиб чиқишга тиниқ ва ёқимли шароитлар яратиб берувчи капиталлар экспортёри сифатидаги фаолияти йўлга қўйилган. Инвестициялар бўйича ҳукумат қафолатлари тижорат ва сиёсий рискларни суғурталашни таъминлайди.

8.6. Тўлов балансларини муқобиллаштириш услублари

Жаҳон иқтисодиёти ўз таракқиётининг сўнгги 20 йилдаги энг мураккаб босқични бошдан кечирмоқда. АҚШ ипотека кредити тизимида бошланган инқироз кейинчалик ривожланган ва ривожланаётган кўплаб мамлакатларда нафақат банк-молия соҳаси, балки иқтисодиётнинг реал секторига ҳам жиддий салбий таъсир ўтказди.

Инқироз бошланганидан кейинги жаҳонда савдо ҳажми, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари кескин пасайди. Экспертлар фикрича, бу кўрсаткичларни тиклаш учун бир неча йиллар керак бўлади.

Инқироз оқибатида АҚШнинг ўзида 2009 йил июн ҳолатига 40 га яқин банклар ҳамда бутун дунёга машҳур америка автомобил саноати етакчилари бўлган Крайслер ва Жeneral Моторс компаниялари ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажара олмай банкрот деб эълон қилиниши инқироз оқибатлари нақадар оғирлигидан далолат беради⁸⁰.

Гувоҳ бўлиб турибмизки, иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган, халқаро молия институтлари томонидан иқтисодий ислохотлар суръати бўйича етакчи деб тап олинган мамлакатларнинг банк тизими инқироз сўровларига бардош бера олмади, айни пайтда ўз ҳудудида унинг кучайишига сабабчи ҳам бўлди. Эслатиб ўтиш керакки, ушбу ҳолат тўлов балансига уни муқобиллаштиришнинг харажатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айтиш жоизки, ҳозирда ушбу баланс муқобиллашган ёки расмий асосда тўлов баланси ҳар қандай баланс сингари муқобиллашган. Чунки, асосий ва балансловчи моддаларнинг якуний кўрсаткичлари бир-бирини сўндиради, яъни қоплайди. Агар жорий моддалар бўйича тўловлар тушумлардан кўп бўлса, унда тўлов баланси сальдосини мувофиқлаштиришнинг манбалари ва услубларини характерлайдиган балансловчи моддалар ҳисобига камомадни қоплаш

муаммоси туғилади. Бунинг учун, анъанавий равишда, хорижий заёмлар ва капиталларни олиб кириш услублари ишлатилади. Бу ерда гап, тўлов балансини муваққат баланслаштириш услублари хақида кетмоқда, чунки қарздор мамлакатлар фоизлар ва дивидендлар ҳамда заёмлар суммасини тўлашга мажбурдир. Тўлов баланси камомadini қоплаш учун ХВФ заҳира (шартсиз) кредитларни тақдим этади. Уларнинг ҳажми катта бўлмасада, мамлакатлар орасида, квоталарининг (бадалларининг) 25 фоизи чегарасида нотекис тақсимланади. Ушбу заҳира позициясидан кўп бўлган кредитлар, ХВФ барқарорлаштириш дастурларининг қаттиқ талаблари билан изоҳланади.

Тўлов баланси камомadini қоплашнинг манбаларини қидиришда ривожланган давлатлар жаҳон капиталлари бозоридан маблағларни банк консорциумлари кредитлари, облигация заёмлари шаклида жалб этадилар. Шунинг учун ҳам унга асосан, тўлов баланси камомadini қоплашда тижорат банклари (айниқса евробанклар) актив иштирок этадилар. Айтиш жоизки, банк кредитларини, халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг кредитларига нисбатан, имтиёзли томони ҳам мавжуд. Бундай имтиёз уларни олишлигини осонлигида намоён бўлади ва улар барқарорлаштириш дастурлари билан изоҳланмайди. Аммо, банк кредитлари нисбатан қимматроқ бўлади ва йирик ташқи қарзи бор давлатлар учун уларни олишда қийинчиликлар мавжуд бўлади. Масалан, Америка банклари мунтазам равишда баъзи мамлакатларни (асосан ривожланиб бораётган давлатларни) “қора рўйхатга” киритиб бориши мумкин. Шунга қарамайдан, хусусий банклар ва халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари фаолиятларини координация қилиниш тенденциялари мураккаблашган ҳолда кучайиб бориши эътироф этилмоқда.

Марказий банклар томонидан баланс пассив сальдосини қоплаш учун миллий валютада ўзаро тақдим этиладиган, “своп” шартномалари бўйича ҳам қисқа муддатли кредитлар тақдим этилиши мумкин бўлади.

Ривожланган давлатлар XX асрнинг 70-80 йилларнинг ўрталарида ўз тўлов баланслари камомadini қоплашда нефтдолларлардан, нефт қазиб

чиқарувчи мамлакатларнинг нефт экспортидан олинган валюта тушумини қайта тақсимлаш орқали актив фойдаланган.

Тўлов баланси камомадини қоплашнинг муваққат услубларига яна, мамлакатнинг хорижий давлатлардан олинган, имтиёзли кредитлар киради.

Тўлов балансини муқобиллаштиришга хорижий кредитларни актив жалб этилиши муносабати билан ташқи қарз (мажбурият) глобал муаммога айланди. Тўлов балансини муқобиллаштиришнинг якуний услуби бўлиб расмий валюта захираларидан фойдаланиш ҳисобланади. Тўлов балансини муқобиллаштиришнинг яна бир якуний услуби бўлиб, субсидиялар ва совга шаклидаги хорижий давлатларнинг ёрдами ҳам ҳисобланади. Масалан, 1947 йилда Ғарбий Европа давлатлари тўлов баланслари ялпи камомадининг 75 фоизи АҚШ нинг молнавий ёрдами ҳисобига қопланган эди⁸¹.

Тўлов балансининг актив сальдоси давлат томонидан мамлакатнинг ташқи қарзини (шу жумладан муддатидан олдин) сўндириш, хорижий давлатларга кредит бериш, ўзининг расмий олтин-валюта захираларини кенгайтириш, хорижда иккинчи иқтисодни барпо этиш мақсадида капитални четга олиб чиқиш учун ишлатилади.

Замонавий, янги кўриниш 1970-йиллардан бошлаб эътироф этилди. Тўлов балансини давлатлараро мувофиқлаштириш бўлди. У, жаҳон ҳўжалиги глобаллашуви ва миллий мувофиқлаштиришнинг етарлича самарадорликка эга бўлмаганлиги оқибати пайдо бўлди. Такрор ишлаб чиқаришнинг ташқи омиллари ролининг ошиб бориши билан, тўлов балансининг узоқ муддатли мувозанатсизлиги, алоҳида мамлакатлар иқтисоди ва жаҳон ҳўжалигидаги карама-қаршилиқни кучайтириб юборади. Шу сабабли етакчи давлатлар тўлов балансини жамоавий тарзда мувофиқлаштириш услублари ишлаб чиқилмоқда. Тўлов балансларини давлатлараро мувофиқлаштириш воситаларига қуйидагилар киради: экспортни давлат томонидан кредитлаш шартларини келишиб олиш; икки тарафлама ҳукумат кредитлари; марказий банкларнинг

⁸¹ МАЊБАСИ БЎЛМАСА ЖУМЛАНИ ЎЧИРИШ КЕРАК

“своп” шартномалари бўйича миллий валюталардаги қисқа муддатли ўзаро кредитлари; халқаро молия институтларининг, биринчи навбатда ХВФ нинг кредитлари.

Европа Иттифоқида тўлов балансининг давлатлараро мувофиқлаштирилиши қуйидаги асосий услубларда амалга оширилади:

а)божхона божларининг бекор қилиниши, 1968 йил 1 июлдан божхона иттифоқини яратилиши ва учинчи давлатларга нисбатан ягона ташқи тарифнинг киритилиши;

б)солик тизимини соддалаштириш;

в)товарлар экспортини кредитлаш шартларини ўзаро келишиш.

Умуман, тўлов балансини мувофиқлаштириш жараёни анча мураккаблашди, десак муболага бўлмайди. Чунки унинг инструментлари кўпайди, қўлланилиши эса, иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари билан биргаликда мунтазам ривожланиб борилади.

Шундай қилиб мақсадга (ташқи ҳамкорлар билан алоқани ривожлантириш ёки уни ташқи бозордан кўплаб шерик топиш) қараб ҳам турли имтиёзлар белгиланиши мумкин. Биринчи ҳолда экспорт кўпроқ рағбатлантирилса, иккинчи ҳолда четга товарларни сотиш ёки керакли бутловчи қисмларни сотиб олиш рағбатлантирилади. Бу эса тўлов балансини мувофиқлаштириш жараёнини янада кенгайтиради.

9-боб. Ислом тараққиёт банки, унинг асосий функциялари ва вазифалари

9.1. Ислом Тараққиёт Банкнинг ривожланиш тарихи ва ташкилий тузилиш структураси.

9.2. Ислом Тараққиёт Банкнинг асосий вазифалари , функциялари , мақсади.

9.3. Ислом Тараққиёт Банкнинг бошқа халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалари.

9.4. Ислом Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати.

9.5. Ислом Тараққиёт Банкнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари.

1. Ислом Тараққиёт Банкнинг ривожланиш тарихи ва ташкилий тузилиш структураси

Дунё молиявий институтларидан бири бўлмиш Ислом Тараққиёт Банки аъзо мамлакатларида шаъриятга мувофиқ ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) –Ислом Тараққиёт Банки халқаро молия институти бўлиб , у 1973 йил декабр ойида Арабистоннинг Жидда шаҳрида бўлиб ўтган мусулмон давлатлари молия вазирларининг конференциясида қабул қилинган декларация ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган. 1975-йил июл ойида банкнинг биринчи бошқарув кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди ва ИТБ шу йилнинг 20- октябрида банкнинг расмий очилиши билан боғлиқ маросими бўлиб ўтди. Айтиш жоизки ушбу ташкилотнинг штаб-квартираси Саудия Арабистонинг Жидда шаҳрида жойлашган. ИТБ нинг ҳудудий офислари 1994 йили Рабат (Марокаш) шу йили Куала – Лумпур (Малайзия) да , 1997 йили Олма-Ота (Қозғғистон) да ва 2008 йили Дакар (Сенегал) да очилди.

Шунингдек, ИТБ 12 та аъзо мамлакатда маҳаллий ваколатхоналарга эга, булар: Афғонистон, Озарбайжон, Бангладеш, Гвинея, Индонезия, Эрон, Нигерия, Покистон, Сьерра-Леона, Судан, Ўзбекистон ва Ямандир.

Бу халқаро молиявий институтнинг ҳозирги шароитдаги вазифалари юқорида атрофлича айтиб ўтилганидек, аъзо мамлакатларда шафкатга мувофиқ, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни ҳар томонлама талаб этиладиган даражада қўллаб-қувватлаш бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, ИТБнинг истиқболдаги приоритетли вазифаларидан бири бўлиб 2020 йилга келиб, аъзо мамлакатлар инсон капиталини барқарор ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатувчи шариат тамойилларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жаҳон миқёсидаги тараққиёт банки бўлишдир.

Айтиш жоизки ИТБ 1975- йил ташкил қилинган бўлсада ҳам унга аъзо мамлакатлар ва мусулмон давлатларда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий йуксалишни қўллаб қувватлаш мақсади қилиб олинган ҳолда ташкил қилинганлиги бежиз эмас. Ҳозирда 56 та давлат аъзо бўлиб аъзоликнинг асосий шарти Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиш ҳамда тегишли улуш учун банкка маблағ тўлаш бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб Банкнинг штаб квартираси Саудия Арабистони Қироллигининг Жидда шаҳрида жойлашган ҳолда, 4 та регионал офислари, ҳамда 12 та давлатда ваколатхоналари билан узвий боғлиқликда фаолият юритиши учун имкониятлар мавжуд. Шунинг ҳам айтиш жоизки ИТБ нинг бошқа банклардан фарқли жиҳати шундаки, унинг молия йили Ҳижрий йил билан белгиланади ва асосий тил иш юритиш тили араб тили ҳисобланади. Бундан ташқари Инглиз ва Франсуз тилларида ҳам иш юритилиши йўлга қўйилган.

1992-йилнинг июнь ойида банкнинг биринчи даражали капитали 2 млрд. Ислом Динори (айтиб ўтиш керак Ислим Динори (ИД) ИТБ нинг пул бирлиди бўлиб, ИД = 1СДР) га тенг бўлган, Ўша йилнинг июль ойида қабул қилинган эди. Бошқарувчилар кенгашининг Резолюциясига биноан унинг устав капитали 6 млрд. Ислом Динори қилиб белгиланди. Бунда ҳар бирининг қиймати 10 000

Ислом Динори бўлган 600 000 та аксияташкил қилган. Унинг бадаллар ҳисобидаб шаклланадиган маблаглари 4 млрд. Ислом Динорига тенг қилиб белгиланди ҳамда бу капитал банкга махсус жадвал асосида эркин конвентирланадиган валютада тўланиши белгилан қўйилди. Банкнинг 2002-йилда бўлган йиллик мажлисида Бошқарувчилар кенгаши банкнинг устав капиталини 6 млрд. Ислом Диноридан 15 млрд. Ислом Динорига оширишга қарор қилди ҳамда аъзолик бадали тўлови 4.1 млрд ИДдан 8.1 Ислом Динорига кўтарилди. 2005-йилнинг 6-7-декабр кунлари Макка шаҳрида бўлиб ўтган Ислом Саммит Конференциясининг навбатдан ташқари 3- сессиясида ИТБ га аъзо мамлакатларда молиявий қўлаб-қувватлаш ҳамда техник ёрдам кўрсатиш соҳасида банкнинг ролини ошириш мақсадида банк капиталини оширишга чақирилди ва бунга мувофиқ, ИТБнинг 31-йиллик йиғилишида Бошқарувчилар кенгаши банкнинг 1- даражали капиталини 15 млрд. ИД дан 30 млрд. Ислом динорига етказишди ҳамда бадал тўловлари 6.9 млрд дан 15 млрд. Ислом Динори қилиб белгиланди.

Айтиш лозимки, исломий динор – ИТБ фойдаланадиган ҳисоб бирлиги; бир исломий динор ХВЖ нинг бир қарз олиш махсус ҳуқуқига (CDR IMF) тенгдир.(ХВЖ томонидан чиқариладиган сунъий захира ва тўлов воситаси). Ҳозирги вақтда ИТБ га иштирокчи аъзолар 56 та давлат ҳисобланади. 2013 йили ИТБ нинг эълон қилинган ҳиссадорлик капитали – 30 млрд., шу жумладан, обуна ҳиссадорлик капитали – 18 млрд.исломий динорни ташкил этди.Банкнинг асосий ҳиссадорлари Саудия Арабистони (23,6 % акция) , Ливия (9,5%), Эрон (8,3 %;) , Нигерия (7,7%) ,БАА (7,5%) , Қатар (7,2%) , Миср (7,1%), Туркия (6,5 %) ва Қувайт (5,5 %) ҳисобланадилар.⁸²

ИТБ бошқарувчилар кенгаши 2013 йилда умумий ҳиссадорлик капиталини 30 млрд.исломий динордан 100 млрд.исломий динорга (150 млрд. АҚШ доллари) кўтариш ҳақида қарор қабул қилди.Банкнинг обуна капитали ҳам 18 млрд.исломий доллардан 50 млрд.исломий динорга оширилди.Ушбу

⁸² www.sof.uz маълумотлари

қарорга аъзо-мамлакатларнинг молиялаштириш маблағларига бўлган катта эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган эди.

2003-2017 йиллар давомида етакчи рейтинг агентликлари (Moody's, Standart & Poor's Fitch) томонидан ИТБ га узоқ муддатли кредит рейтинги – “AAA” ва киски муддатли олий барқарор кредит рейтинги – “А+” бериб келинмоқда. 2013 йилнинг декабрида ушбу рейтинглар яна қайта тасдиқланди.⁸³ Банк назорати бўйича Базель қўмитаси ИТБ ни 2014 йилнинг июль ойида riskли ҳалқаро банklar гуруҳида эканини аниқлади. Европа Иттифоқининг Комиссияси ҳам ИТБни riskсиз молиявий тарраққиёт муассасаси сифатида эътироф этди. ИТБ БМТ нинг Бош Ассемблеясида кузатувчи мақомини олди. ИТБнинг муассасалари ИХТ Бош котибияти ва муассасалари, Ҳалқаро таракқиёт банки, БМТ таракқиёт ташкилоти, Худудий ривожлантириш ташкилоти, Миллий ривожланиш жамғармалари ва нодавлат ташкилотлари каби бир қатор ташкилотлар билан таракқиёт соҳасида яқин алоқа қилиб келмоқдалар. Ислом таракқиёт банки ИТБ гуруҳидан иборат бўлган махсус ташкилот ва жамғараларини таъсис этди.

Ҳозирда ИТБ таркибига қуйидаги ташкилотлар киради:

- Ислом таракқиёт банки – ИТБ;
- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича исломий корпорация – ИКРЧС
- Экспортни кредитлаш ва инвестицияларни суғурталаш бўйича исломий корпорация – ИКСИЭК;
- Ҳалқаро исломий савдо – молия корпорацияси – ИТФК;
- Исломий тадқиқот ва ўқув муассасаси – ИИИО

Ислом таракқиёти банки ИТБ гуруҳи кенг миқёсдаги фаолиятга жалб этилган:

- аъзо мамлакатларда қашшоқлик даражасини пасайтиришга кўмаклашиш;

⁸³ Ўша ерда

- аъзо мамлакатлар савдо- иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш;
- лойиҳавий молиялаштириш (шу жумладан, давлат- хусусий сектор ҳамкорлиги тамойида);
- кичик ва ўрта бизнесни қўллаб- қувватлаш (шу жумладан микромолиялаш хизматлари);
- аъзо мамлакатлар маблағларини сафарбар қилиш;
- экспортни кредитларни ва инвестицияларни сугурталаш ҳамда қайта сугурталаш;
- аъзо мамлакатлар меҳнатга ярокли аҳолиси учун таълим дастурлари ва тадқиқотларни ташкил этиш;
- аъзо мамлакатларга фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш ;
- аъзо мамлакатларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш бўйича бошқа фаолият шакллари

ИТБ фаолиятининг асосий йўналишлари .

ИТБ аъзо – мамлакатларга, давлат ва хусусий секторга қарашли йўллар, каналлар, тўғонлар, мактаблар, касалхоналар, уй-жой, кишлоқ туманларини ривожлантириш ва бошқалар каби кишлоқ хўжалиги ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун қарзлар беради. Ушбу лойиҳалар устувор ҳисобланади ва аъзо мамлакатлар ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.Ташкил топган вақтидан бошлаб ИТБ молиялаштириган маблағлар умумий ҳажми 2013 йилнинг охири ҳолатига 97,8 млрд.долларни ташкил этди, ундан 46,9 млрд.доллари (48 %) лойиҳавий молиялаштиришга, 49,8 млрд.доллари савдонн молиялаштиришга ва 0,7 млрд.доллари (1 %) махсус ёрдам учун йўналтирилди.⁸⁴

ИТБ аъзо-мамлакатларда тараққиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун турли исломий молиявий воситалардан фойдаланади.Ушбу воситалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

⁸⁴Уша ерда

Биринчидан: имтиёзли қарзларни кредитлар асосан узок муддатли лойиҳаларни молиялаштиришни таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги ва таянч инфратузилмаларни ривожлантириш учун давлат кафолатига эга ҳукуматлар ёки давлат муассасаларига берилади. Бундай қарз бериш шариатга кўра фойсиз хисобланади. Банк ўзининг маъмурий харажатларини хизмат кўрсатиш учун олинган тўлов хисобига қоплайди.

Иккинчидан: Техник кўмакни ушбу ёрдамнинг мақсади аниқ лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, сиёсатни шакллантириш, ходимлар тайёрлаш ва инсон ресурсларини ривожлантириш ёки муассасавий кўмакни таъминлаш мақсадида техник билимлар олишни молиялаштиришдан иборатдир.

Учинчидан: лизингни ИТБ саноатни молиялаштириш ҳолатларида ишлаб чиқариш линиялари учун зарур бўлган машина ва асбоб – ускуналар, электр энергияси ишлаб чиқариш, кemasозлик ва бошқа шу каби алоҳида ва бир тоифадаги таркибий қисмларни ўзида ифодаладиган активларни сотиб олади ва кейин маълум бир вақт мобайнида уни олувчига лизингга беради.

Тўртинчидан: Бўлиб тўлаш орқали сотишни ИТБ маълум бир лойиҳа учун зарур машина ускуналарни сотиб олади, кейинчалик уларни бенефициар (мижоз) га банк ва бенефициар ўртасида ўзаро келишилган устамани қўшган ҳолда, қайта сотади.

Бешинчидан: Истиснони ушбу усул аксар инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда қўлланади.

Олтинчидан: Молиялаштириш линиялари. ИТБ кичик ва ўрта, айниқса саноат секторидаги корхоналарнинг ўсишига кўмаклашувчи миллий тараққиёт молия муассасалари (NDFI) ёки исломий банклар (IB) учун молиялаштириш линиялари тақдим этади.

Еттинчидан: Капиталда иштирок этиш (equity). ИТБ иқтисодий ва молиявий жиҳатдан яшовчан хисобланган қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши лойиҳаларининг хиссadorлик капиталида иштирок этади.

Сяккизинчидан: Муробаха.Ташқи савдони молиялаштириш учун ушбу усулдан фойдаланилади.Банк сўралаётган товарни сотиб олади ва уни бенефициарга қайта сотади.Импортни молиялаштириш ҳолатида молиялаштириш даври 30 ой деб белгиланган: экспортни молиялаштириш ҳолатида молиялаштириш даври 120 ойгача узайтирилиш мумкинлиги кўзда тутилган.

Тўққизинчидан:Фойдани тақсимлаш (Profit Sharing). Фойдани тақсимлаш шерикчилик шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.У лойиҳани молиялаштириш учун ИТБ ҳамда ҳамкор томоннинг маблағларини бирлаштиришни тақозо этади.Ҳар бир шерик корхонадан келиб тушадиган соф фойдадан фоиз олади.ИТБ чет эллик тараққиёт молиявий муассасалари билан ҳамкорликда ҳам фаолият олиб боришни ва бундай ҳамкорликни ривожлантириш мумкин.2011 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Молиявий назорат юқори органлари халқаро ташкилоти, Бутун жаҳон банки билан ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланган, келишувга асосан ҳамкорлик ишларини амалга ошириб келмоқда.Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ИТБ га аъзо-мамлакатларнинг ҳар бири эришишга интилаётган минг йиллик ривожланиш мақсадларига (Millennium Development Goals) ИТБ лойиҳаларини молиялаштириш амалга оширилмоқда.Бундан ташқари ИТБ ўз фаолиятида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизмини фаол ишлатиб келмоқда.Бу эса ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб – қувватлаш учун қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш имконини бермоқда.Мисол тариқасида, Малазиянинг Селангор штатида тезкор автомагистрал қуриш бўйича Малазия тараққиёт банки билан давлат- хусусий сектор ҳамкорлиги механизми таъйинли бўйича ИТБ томонидан амалга оширилган лойиҳани келтириш мумкин⁸⁵.Айтиш жоизки ушбу банк фаолиятининг стратегик муҳим йўналиши мусулмон мамлакатлар аҳолисини малакасини ошириш билим ва саводхонлик

⁸⁵Уша ерда

даражасини ошириш ҳисобланади. Шу боис ҳам ИТБ нинг 2012 йилги фаолият якунлари бўйича портфелидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларда энг катта улушни таълим соҳасидаги лойиҳалар эгалладилар. Юқоридаги ташаббуслар ишсизлик даражасини пасайтиришга ва ИТБ аъзо - мамлакатлар меҳнатга қобилиятли аҳолисининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Бунинг ифодаси аввало ИТБ аъзо – мамлакатларда кашшоқликни бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этганлигида намоён бўлмоқда. Ушбу муаммони янги босқичга кўтариш ва тўлақонли ечиш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Айниқса, ИТБ кишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳалардан кенг кўламда фойдаланишга ёрдам кўрсатмоқда, бунда атроф – муҳит ҳимояси тамойили ҳисобга олинмоқда. Жаҳондаги энг яхши тараққиёт банклари амалиётига мувофиқ, ИТБ инвестицияларининг сезиларли қисми инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

ИТБ маблағларини иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши энергетик секторнинг 2012 йилдаги (28,1%) юқорилиги билан таърифлаган бўлса ундан кейингиси сув сақлаш (10,9%), транспорт (10,1%), таълим (6,5%), молиялар (5,8%), саноат ва қазиб олиш (3 %) ҳамда бошқалар (0,02%) га тўғри келган.⁸⁶

Қирғизистон, Жибути ва бошқа кам тараққий этган аъзо-мамлакатларга техник кўмак ҳам бериш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар ИТБ исломий қимматли ҳоғозларни (сукуни) жойлаштириш ташкилотчи ҳисобланади. ИТБ шарнат ўрнатган чекловлар доирасида молиявий маблағларни жамлаш учун депозитларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. ИТБ ўз вақтида кредит, бозор ва амалиёт рискларини пасайтириш ва баҳолаш мақсадида ўз фаолиятида рискларини бошқариш махсус воситаларидан фойдаланади. ИТБ га аъзо-мамлакатлар ва бошқа қарздорларнинг кредит қобилияти, молиявий барқарорлигини доимий мониторинг қилиш кредит рискларини самарали

⁸⁶ www.sof.uz

бошқариш имконини беради. Бу жараёнда аъзо мамлакатлар иқтисодий пул-кредит механизми орқали ҳам тартибга солиб борилади, ушбу механизми асосий дастаги бўлган фоиз ставкасидан фойдаланилади. Умуман тўлов балансини мувофиқлаштириш жараёни анча мураккаблашди, десак муболаға бўлмайди. Чунки унинг инструментлари кўпайди, қўлланиши эса, иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари билан биргаликда мунтазам ривожланиб борилади. Айтиш жоизки, бунда ИТБ аъзо-мамлакатлари ўзларининг вакиллари орқали банкни бошқаришда, рахбарлик органлари – Бошқарувчилар кенгаши ва Ижрочи директорлар кенгашида актив иштирок этадилар.

Сўзсиз бунда ИТБ ни бошқарув юқори маслаҳат ташкилоти Бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишлари вақтида кенгаши аъзоларини тайинлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинади. Айтиш жоизки, ИТБ Бошқарувчининг йиллик йиғилишларида унга аъзо мамлакатларида бўлиб ўтиши ҳам кўзда тутилган. Марказий Осиё давлатлари ичида бундай йиғилиш 2003 йил Олма-Ота шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ижрочи директорлар кенгаши 18 та аъзодан иборат. Ижрочи директорлар кенгаши таркибининг ярми ИТБ капиталида 50 фоиздан ортиқ улушга эса Бошқарувчилар кенгаши биринчи марта 2011 йилда козоғистон вакили сайланган эди. Доимий қўмиталар Директорлар кенгаши ишига ёрдам беради, яъни: Маъмурий масалалар бўйича қўмита, Аудит бўйича қўмита, Молиявий масалалар бўйича қўмита, Амалий фаолият бўйича қўмита.

Айни пайтда ушбу ИТБ нинг ташкилий тузилиши 24 та мустақил фаолиятга эга таркибий бўлинмалардан иборат.

ИТБ фаолияти ва таркибий бўлинмаларини мувофиқлаштирувчи энг асосий ҳужжат 1973-йилда қабул қилинган декларация бўлиб ҳисобланади. Уни назорат қилувчи энг юқори орган эса аъзо мамлакатларнинг умумий йиғилиши бўлиб ҳисобланади.

ИТБ аъзо мамлакатларда фоиз ставкаси кредитга берилган маблағлардан маълум бир миқдорда фойдаланганлиги учун тўланадиган фоиз тўловларининг нисбий кўрсаткичидир.⁸⁷

Айтиш жоизки, бунда фоизнинг бозор даражаси ўзгариш анъанасига қараб, таъсирланиш даражаси бўйича бўйича катъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари қўлланиши мумкин. ИТБ аъзо давлатларда асосан ривожланаётган мамлакатларда фоиз ставкаси улар иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ ҳолда белгиланишига эътибор қаратилади.

Юқорида эътироф этилганларга таянган ҳолда айтиш жоизки, декларациянинг 27-моддасида айнан ИТБ Бошқарувчилар кенгашига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Ҳар бир аъзо давлат биттадан Бошқарувчи ва Алтернатив номзод тайининглайди. Йиллик мажлисда Бошқарув кенгаши ўзининг Бошлигини тайинлайди ва у кейинг Бошлиқ тайинлангунга қадар ўз вазифасини бажаради.

ИТБ нинг Бошқарувчилар кенгаши ва Директорлар кенгаши бошқарганлиги сабабли Бошқарувчилар Кенгаши томонидан Директорлар Кенгаши сайланади, Ҳозирда уларнинг сони 18 та, Бошқарувчилар кенгашига аъзо шахс Директорлар кенгаши аъзоси бўла олмайди.

Бошқарувчилар Кенгаши ИТБнинг Президентини 5 йил муддатга сайлайдилар. Президент ИТБ га аъзо бўлган исталган давлат фукароси бўлиш мумкин. Аммо Банк президенти Бошқарувчилар Кенгаши ёки Директорлар кенгаши аъзоси бўла олмайди.

Президент тавсиясига биноан Директорлар кенгаши бир ёки бир нечта Вица-Президентни тайинлайди. Ҳозирда 3 та Вица-Президент иш йуритмоқда.

Ислом Тараққиётни Банки ўз таркибига қуйидаги ташкилотларни қамраб олади:

- Ислом Хусусий Секторни Ривожлантириш Корпорацияси;

⁸⁷Ибрагимов А. Фоиз ставкаси ва унинг турлари//[http // vogt.ucoz.com./publ/Iqtisod va moliya](http://vogt.ucoz.com/publ/Iqtisod_va_moliya)

- Ислом Инвестицияни суғурталаш ва Экспортни Кредитлаш Корпорацияси;

- Ислом Илмий Изланиш ва Шугулланиш Институти;

- Ислом Халқаро Савдони Молиялаштириш Корпорацияси.

Уларни бошқаришнинг аҳамияти уларнинг декларациянинг 27-моддасида айнан ИТБ Бошқарувчилар кенгашига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир аъзо давлат биттадан Бошқарувчи ва Алтернатив номзод тайинлайди. Йиллик мажлисда Бошқарув кенгаши ўзининг Бошлиғини тайинлайди ва у кейин Бошлиқ тайинлангунга қадар ўз вазифасини бажаради.

ИТБ нинг Бошқарувчилар кенгаши ва Директорлар кенгаши бошқарганлиги сабабли Бошқарувчилар Кенгаши томонидан Директорлар Кенгаши сайланади. Ҳозирда уларнинг сони 18 та, Бошқарувчилар кенгашига аъзо шахс Директорлар кенгаши аъзоси бўла олмайди.

Бошқарувчилар Кенгаши ИТБнинг Президентини 5 йил муддатга сайлайдилар. Президент ИТБга аъзо бўлган аъзо исталган давлат фуқароси бўлиши мумкин. Аммо банк президенти Бошқарувчилар Кенгаши ёки Директорлар кенгаши аъзоси бўла олмайди.

Президент тавсиясига биноан Директорлар кенгаши бир ёки бир нечта Вица-Президентни тайинлайди. Ҳозирда 3 та Вица-Президент иш юритмоқда.

Ислом Тараққиёти Банки ўз таркибига қуйидаги ташкилотларни камраб олади:

- Ислом Хусусий Секторни Ривожлантириш Корпорацияси;

- Ислом Инвестицияни суғурталаш ва экспортни Кредитлаш Корпорацияси;

- Ислом Илмий Изланиш ва Шугулланиш Институти;

- Ислом Халқаро Савдони Молиялаштириш Корпорацияси.

Уларни бошқаришнинг аҳамияти уларнинг ҳар бирини макроиқтисодий ва микроиқтисодий таъсир доирасида ётади.

2. Ислом Тараққиёт Банкининг асосий вазифалари, функциялари, мақсади

Банкининг мақсади шариат қонунларига биноан унга аъзо мамлакатларининг ҳамда Мусулмон жамиятларининг иқтисодий ривожлантиришини ва ижтимоий юксалишини молиявий қўллаб қувватлаш ҳисобланади. Исломда пулга фойда (фониз, қ. Рибо) олиш тақиқлангани сабабли банкга қўйилган маблағлар учун фониз олинмайди ва берилмайди. Банкнинг барча фаолиятлари асосий 3 мақсадга йўналтирилган бўлин улар:

- 1- Молиявий ва саноат институтларини ривожлантириш;
- 2- Қашшоқликни камайтириш ва йўқ қилиш ;
- 3- Аъзо давлатлар орасида ҳамкорликни кучайтириш.

Муҳим йўналишлар – белгиланган мақсадларга эришиш учун ИТБ қуйидаги соҳаларга эътибор қаратади:

- Инсон ресурсларини ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таминотини яхшилаш;
- Инфраструктурани ривожлантириш;
- ИТБ аъзолари ўртасида савдони кучайтириш;
- Хусусий секторни ривожлантириш;
- Тадкикотлар ва ривожланиш дастурларининг сифатини ошириш.

Ислом Тараққиёт Банкининг миссияси бўлиб, аъзо давлатлар орасида қашшоқликни пасайтириш, инсон ресурсларини ривожлантириш , илмий ва техник тараққиётни ҳамда ислом иқтисодий ва молиявий фаолиятларни ривожлантириш ва давлатлар орасида ҳамкорликни кучайтириш ҳисобланади.

Банкининг асосий баҳолашнинг асосий тамойили фахр (PRIDE) сўзи билан тасвирланади ва бунда ҳар бир ҳарф қуйидаги маъноларни англатади

- P (performance) бажариш;
- R (responsiveness) идрок;

- I (integrity) ҳаққонийлик;
- D (dedication) фидокорлик;
- E (empowerment) имконият бериш.

Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) Фан ва технологиялар учун ИХ ИТБ мукофотлари ҳақида эълон қилди. Ҳар бири 100 000 АҚШ Доллари миқдоридаги пул мукофотидан таркиб топган учта соврин ҳар йили Ислом Тараққиёт Банки томонидан ИТБга аъзо давлатлардаги фан ва технологиялар бўйича институтларга тақдим этилди.

3. Ислом Тараққиёт Банкнинг бошқа халқаро молия ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқалари

Декларацияга биноан ИТБ бошқа халқаро ва минтақавий молиявий-иқтисодий ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни олиб бориши белгилан қўйилган.

ИТБ бир катор молиявий-иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, булар:

- Араб иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси;
- Африкадаги Араб иқтисодий ривожлантириш банки;
- Қувайт фонди;
- ОПЕК халқаро ривожлантириш фонди;
- Саудия ривожлантириш фонди ;
- Осиё Тараққиёт Банки.

ИТБ Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) билан ҳамкорликда 2012-2014-йилларга мўлжалланган биргаликда молиялаштириш тўғрисида келушувни имзолаган эди, бунда жами қиймати 6 млрд. АҚШ долларигатенг бўлган 8 та лойиҳа кўзда тутилган бўлиб, унинг 2.5 млрд. АҚШ долларини ИТБ қолган 3.5 млрд. АҚШ доллари эса ОТБ томонидан молиялаштириш белгиланган эди. Ушбу молиялаштириш белгиланган муддатларда тўлиқлигича амалга оширилганлиги эътироф этилди.

4. Ислом Тараққиёт Банки Ўзбекистон билан ҳамкорлиги

2004-2007-йиллар мобайнида Ўзбекистон ИТБ билан жами 16 та лойиҳа амал оширилди, бунда жами лойиҳалар қиймати 863.8 млн, АҚШ долларига тенг бўлиб шундан 456,5 млн ни ИТБ томонидан молиялаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва ИТБнинг Баҳоловчи миссияси ўртасида ўтказилган музокалар натижасида Ўзаро бир-бирини тучуниш тўғрисида меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги "Ислом тараққиёт банки иштирокида "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 104-сонли Қарори қабул қилинди ҳамда умумтаълим мактабларини қуриш учун имтиёзли кредит бўйиша Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Қарз битими имзоланди.

ИТБ билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишда кўмак сифатида, Ислом тараққиёт банки билан "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг кишлоқ жойларида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий Давлат Дастури"га киритилган умумий қуввати 5355 ўрин бўлган 15та янги умумтаълим мактабларини қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан, кредит маблағларини мақсадли ва сарфлаш ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш мақсадида ижрочи агентлик сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги белгиланган эди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Республикамиз турли ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида янги замонавий мактаблар қуриш ва жиҳозлаш орқали таълим сифатини ошириш борасида олиб бораётган ишларига ўз ҳиссасини қўшиш бўлиб ҳисобланди.

Унинг истиқбол режаси таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамиятига олиб киришни таъминлашдан иборат бўлади. Лойиҳанинг 2 йил давомидаги фаолияти мактабларни жаҳон стандартларининг талабларига мос келадиган замонавий ўқув бинолар, компьютер технологиялар, жиҳоз ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлашдан, шу орқали таълим сифатини оширишдан иборат бўлди.

Лойиҳа компонентларини сотиб олиш жараёни ИТБнинг шартларига асосан ижрочи агентлик қошида ташкил этилган лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан амалга оширилди.

1-жадвал

Ислом тараққиёт банки устав сармоясига Ўзбекистон Республикаси бадалларини 2007-2016 йиллардаги тўлаш ҳолати

Тўлов йиллари	Тўланадиган сумма:		
	ИД/СДРда тўғридан-тўғри тўловлар	АҚШ долларига миқдори	тенг
2007	250000	347500	
2008	250000	347500	
2009	250000	347500	
2010	250000	347500	
2011	250000	347500	
2012	250000	347500	
2013	250000	347500	
2014	250000	347500	
2015	250000	347500	

2016	250000	347500
Жами:	2500000	3475000

2012 йилда Ислом Тараққиёт Банки Саноат Қурилиш Банки ҳамда Ипак Йўли Банкига жами 11 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда қарз шартномасини имзолади.

ИТБга аъзо мамлакатлар ва мусулмон давлатларда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий юксалишни қўллаб қувватлаш мақсадида ташкил қилинган бўлса ҳам, у 56 та давлатни ўз аъзоси бўлишни таъминлади. Аъзоликнинг асосий шарти Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлишлик ҳамда тегишли улуш учун банкка маблаг тўлаш бўлиб ҳисобланди. Банкнинг 31- йиллик йиғилишида унинг 1-даражали капитали 30 млрд. Ислом Динорига етказилган эди.

ИТБ таркибига кирувчи молиявий институтлар, яъни:

- Ислом Хусусий Секторни Ривожлантириш Корпорацияси;
- Ислом Инвестицияни суғурталаш ва экспортни Кредитлаш Корпорацияси;
- Ислом Илмий Изланиш ва Шуғулланиш Институти;
- Ислом Халқаро Савдони Молиялаштириш Корпорацияси ҳамкорлигида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни аъзо давлатлар доирасида амалга ошириб келмоқда.

Ислом тараққиёти банки инспекторлари кенгашининг ўттиз олтинчи йиғилишида (30 июн куни Арабистоннинг Жидда шаҳрида) ўз ишига якун ясади. Айтиш жоизки, “Ал-ҳаёт” газетасининг хабар беришича, бу йиғилиш чоршанба 29 июн куни Арабистон қиролининг назорати остида Жидда шаҳрида бошланди ва 19-30 июн куни ўз ишини тугатди.

Арабистон молия вазири Иброҳим бин Абдулазиз бу йиғилишда Ислом тараққиёти банки Ислом умматига хизмат кўрсатиш ва мазкур банк билан иқтисодий, савдо –тижорат, инвестиция ва технология соҳаларида муштарак

ҳамкорликларни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган фаолиятларига онд ҳисобот берди.

Тадбир иштирокчилари инвеститорлик ва экспорт кредитлари сугуртаси исломий ширкатининг сармояларини кенгайтириш масаласига розилик билдиришди ва йиғилиш давомида Ислом тараққиёт банкининг фаолиятлари жараёни борасида айрим қарорлар қабул қилинди.

Ушбу банкининг йиллик йиғирма саккизинчи семинарини “Халқаро иқтисодий кризисдан сўнг банкка аъзо мамлакатларда ишсизлик муаммосига қарши кураш” мавзусида ўтказиш Жидда йиғилишининг кун дастуридаги масалалардан бири бўлиб ҳисобланди. Бу масалани муҳокама этиш жараёнида Арабистон меҳнат вазири Одил бин Муҳаммад Фақиҳ ва Ислом тараққиёт банкининг масъуллари иштирок этишди.

Қозон халқаро саммитининг ташкилий қўмитаси вакиллари ва Ислом тараққиёт банкининг масъуллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Ислом тараққиёти банки гуруҳи бўлимида стратегик ҳамкорликлар олиб бориш бўйича келишиб олинди.

Қозон халқаро саммити (КАЗАНСУММИТ)нинг ташкилий қўмитаси ва Ислом тараққиёт банки масъулларининг мазкур учрашувида шунингдек ушбу банк Қозон халқаро саммитини қўллаб –қувватлаши ҳам билдириди. Учрашувда қатнашган Ислом тараққиёт банки гуруҳининг бошлиғи Аҳмад Муҳаммадали Маданий Қозон халқаро саммитининг фаолиятларини юксак баҳолаб, иккитомонлама ҳамкорликларни ривожлантириш ҳамда кенгайтиришнинг истиқболи хусусида таъкидладики, Қозон халқаро саммитининг фаолиятлари натижасида Россия тижоратчилари ва тадбиркорларининг Исломий ўлкалар тижоратчилари билан алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Хабарда айтилишича, Қозон тўртинчи халқаро саммити “Россия ва Ислом ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги” шиори остида жорий йилнинг 16-17 май кунлари Ислом ҳамкорлиги

ташкilotига аъзо 57 та ўлканинг вакиллари иштирокида Қозон шаҳрида бўлиб ўтади.

Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) Фан ва технологиялар учун ИХ ИТБ мукофотлари ҳақида эълон қилди.

Ҳар бири 100 000 АҚШ Доллари миқдоридagi пул мукофотидан таркиб топган учта соврин ҳар йили Ислом Тараққиёт Банки томонидан ИТБга аъзо давлатлардаги фан ва технологиялар бўйича институтларга топширилади.

2004-2007-йиллар мобайнида Ўзбекистон Ислом Тараққиёти Банки билан жами 16 та лойиҳа амал оширилади бунда жами лойиҳалар қиймати 863.8 млн, АҚШ долларига тенг бўлиб шундан 456,5 млн ни ИТБ томонидан молиялаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Ислом тараққиёт банкининг Баҳоловчи миссияси ўртасида ўтказилган музокалар натижасида Ўзаро бир-бирини тучуниш тўғрисида меморандум имзоланди, деб хабар беради Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матбуот-хизмати.

Ислом тараққиёт банки томонидан берилган 15 млн. АҚШ доллари миқдоридagi илк кредит линияси маблағлари ҳисобига молиялаштирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалиги, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, тўқимачилик саноати сингари республика иқтисодиётининг муҳим соҳаларида молиявий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида иккинчи кредит линиясини тақдим этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Лойиҳа ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат даражасига, янги иш ўринларини ташкил этишга ва хорижий валютадаги даромадлар оқиб келишига бевосита ёрдам беришини назарда тутиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги "Ислом тараққиёт банки иштирокида "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги 104-сонли Қарори қабул қилинди ҳамда умумтаълим мактабларини қуриш учун имтиёзли кредит бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Қарз битими имзоланди.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига асосан, ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишда кўмак сифатида, Ислом тараққиёт банки билан "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий Давлат Дастури"га киритилган умумий қуввати 5355 ўрин бўлган 15та янги умумтаълим мактабларини қуриш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган Қарорига асосан, кредит маблағларини мақсадли сарфлаш ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш мақсадида ижрочи агентлик сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги белгиланган эди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Республикамиз турли ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида янги замонавий мактаблар қуриш ва жиҳозлаш орқали таълим сифатини ошириш борасида олиб бораётган ишларига ўз ҳиссасини қўшишдан иборат бўлди.

Унинг истиқбол режаси таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамиятига олиб киришдир. Лойиҳанинг 2 йил давомидаги фаолияти мактабларни жаҳон стандартларининг талабларига мос келадиган замонавий ўқув бинолар, компьютер технологиялар, жиҳоз ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлашдан, шу орқали таълим сифатини оширишдан иборат бўлди.

¹ Лойиҳа компонентларини сотиб олиш жараёни Ислом тараққиёт банкининг шартларига асосан ижрочи агентлик қошида ташкил этилган лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан амалга оширилди.

10 МАВЗУ. ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ. УНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

10.1. ЕТТБнинг ташкил топиши ва унинг функциялари

10.2. ЕТТБнинг мақсади ва бошқарувчилар кенгашининг ваколатлари

10.3. ЕТТБ ресурсларининг шаклланиши

10.4. ЕТТБнинг кредит сиёсати

10.5. Ўзбекистон Республикасида ЕТТБнинг иштирокида амалга
оширилган ишлар

10.1. ЕТТБнинг ташкил топиши ва унинг функциялари

Иқтисодий алоқаларни глобаллашуви шароитида Европа Иттифоқи 1989 йили декабрда Страсбургда Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ)ни ташкил этиш тўғрисида суҳбатлашишдан сўнг, 1990 йил январда Парижда ЕТТБнинг йиғилиши тўғрисида давра суҳбати бўлиб ўтди. 1990 йил 29 майда Парижда ЕТТБни ташкил қилиш тўғрисида асосий қелишув қабул қилинди ва 1991 йил апрелда Лондонда ЕТТБнинг очилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб 40 та аъзо давлат вакиллари қатнашди. ЕТТБнинг дастлабки таъсисчилари 40 та давлат бўлиб, улар барча Европа давлатлари (Албаниядан ташқари), АҚШ, Канада, Мексика, Миср, Марокко, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, Европа Иттифоқи ва Европа Инвестиция банки ва бир қатор Шарқий Европа давлатлари. ЕТТБнинг аъзоси бўлган Европа давлатлари Халқаро Валюта Фондининг аъзоларидир. Совет Иттифоқи тарқаганидан кейин 1992 йил охирларида ЕТТБнинг аъзоси бўлиб, яна 1 та мустақил давлатлар қабул қилинди. ЕТТБнинг акционерлари 1994 йил 1 январда 57 та давлат ва Европа Иттифоқи (ЕИ), Европа Инвестиция Банки (ЕИБ)ни ташкил қилди. 1996 йил июнда ЕТТБнинг олтиншинчи аъзоси бўлиб Босния ва Герцеговина қабул қилинди.

ЕТТБнинг кейинги аъзолари бўлиб, 2000 йил октябрда Монголия ва 2001 йил январда Сербия ва Черногория давлатлари қабул қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

ЕТТБга аъзо давлатлар

/р	Давлатлар	Аъзо бўлиш куни	Капитал ҳажми, млн.
			Евро
	Австралия	29.05.1990	200.00
	Австрия	29.05.1992	456.00
	Озарбайжон	25.09.1992	20.00
	Албания	18.12.1991	20.00
	Арманистон	07.12.1992	10.00
	Белоруссия	10.06.1992	40.00
	Белгия	29.05.1990	456.00
	Болгария	29.05.1990	158.00
	Босния ва Герцоговина	17.06.1996	33.80
	Буюк Британия	29.05.1990	1703.50
	Венгрия	29.05.1990	158.00
	Германия	29.05.1990	1703.00
	Греция	29.05.1990	130.00
	Грузия	04.09.1992	20.00
	Дания	29.05.1990	240.00
	Миср	29.05.1990	20.00
	Исроил	29.05.1990	130.00
	Ирландия	29.05.1990	60.00
	Исландия	29.05.1990	20.00
	Испания	29.05.1990	680.00
	Италия	29.05.1990	1703.50
	Қозоғистон	27.07.1992	46.00

Канада	29.05.1990	680.00
Кипр	29.05.1990	20.00
Қирғизистон	05.06.1992	20.00
Латвия	18.03.1992	20.00
Литва	05.03.1992	20.00
Лихтенштейн	29.05.1990	4.00
Люксембург	29.05.1990	40.00
Македония	29.05.1990	13.82
Малта	29.05.1990	2.00
Марокко	29.05.1990	10.00
Мексика	29.05.1990	30.00
Молдова	05.05.1992	20.00
Монголия	09.10.2000	2.00
Нидерландия	29.05.1990	496.00
Норвегия	29.05.1990	250.00
Польша	29.05.1990	256.00
Португалия	29.05.1990	84.00
Жанубий Корея	29.05.1990	200.00
Россия	09.04.1992	800.00
Руминия	29.05.1990	96.00
Сербия ва Черногория	19.01.2001	93.50
Словакия	01.01.1993	85.34
Словения	23.12.1992	41.96
АҚШ	29.05.1990	2000.00
Тожикистон	16.10.1992	20.00
Туркменистон	01.06.1992	2.00
Туркия	29.05.1990	230.00
Ўзбекистон	30.04.1992	42.00

	Украина	03.04.1992	160.00
	Финландия	29.05.1990	250.00
	Франция	29.05.1990	1703.00
	Хорватия	15.04.1993	72.92
	Чехия	01.01.1993	170.66
	Швейцария	29.05.1990	456.00
	Швеция	29.05.1990	456.00
	Эстония	28.02.1992	20.00
	Япония	29.05.1990	1703.50
	Европа Иттифоқи	29.05.1990	600.00
	Европа Инвестиция банки	29.05.1990	600.00
	Янги Зеландия	29.05.1990	10.00

ЕТТБнинг бош қароргоҳи Лондонда жойлашган. ЕТТБ ва у билан боғлиқ бўлган Буюк Британиянинг маълум бир шахсларининг маъқеи, устунлиги ва химояси 1991 йил 15 апрелда ЕТТБнинг операциясидан сўнг, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия ҳамда иккинчи тарафдан ЕТТБ билан бош қароргоҳ ҳақидаги келишуви имзоланган. ЕТТБни тузиш тўғрисидаги келишув матни ёки шартлари тайёрланди. Бу воқеа келишув матнини тайёрлаш тўғрисидаги экспертларнинг мажлиси ва уч маротаба аъзо мамлакатларнинг Париждаги 15-16 январ, 8-11 март ва 9 апрел 1991 йилдаги учрашувлари, ҳамда бўлғуси ЕТТБнинг Президенти Жак Аттали қатнашуви эътироф этилди. Бу халқаро молиявий институтнинг ташкил этилиши XX асрнинг 80-йилларда Марказий ва Шарқий Европада содир бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларни иқтисодий ва сиёсий қайта қуришга, ҳамда ташқи савдода ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши, молиявий соҳанинг бузилиши, турмуш даражасининг ёмонлашуви, минтақадаги ижтимоий, миллий қарама-қаршиликларнинг

содир бўлиши билан изохланди. Бу Марказий ва Шарқий Европани европа интеграция жараёнини кийинлашиши ва ёмонлашишига олиб келувчи хавфли ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлди.

Янги молиявий институтни ташкил этиш нафақат Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига моддий ёрдам кўрсатиш, балки шу билан бирга минтақадаги интеграция жараёнини кучайтириш учун зарур эди. ЕТТБнинг ташкил этилиши таъсисчиларнинг фикрича, ягона европа тизимининг асоси бўлиши керак эди. Яъни, умумиктисодий кенглик никобида молиявий, маъмурий, маданий инфраструктурани юзага келтириш орқали ва ёрдамида Ғарб давлатлари билан ҳамкорликни вужудга келтирувчи, ягона Европа Иттифоқи тизимини ташкил этишнинг асоси бўлиши керак эди.

Европа давлатларини бир-бирига яқин жойлашганлиги уларнинг олдига атроф-муҳитни ифлослантиришга қарши кураш, умумевропа энергетика ва телекоммуникация тизимини яратишга тааллуқли умумхудудий вазифаларни қўяр эди. Бу муаммоларнинг ечими кележақда ЕТТБга айланиши керак бўлган ягона йирик халқаро марказ томонидан молиялаштиришни талаб қилар эди. ЕТТБнинг ташкил топиши дунёнинг учта маркази бўлган рақиб мамлакатлар, яъни АҚШ, Европа ва Япония ўртасида кучларни Тикланиш йўлида Европанинг ролини юксалтириш, глобал худудий, иқтисодий-сиёсий муносабатларни шакллантиришда Европа Иттифоқи давлатларининг мавқеини кўтариш учун АҚШ асосий роль ўйнамайдиган биринчи молиявий институт бўлди.

Ўтган XX асрнинг 80-йилларининг охирида собиқ Собиқ Иттифок йирик халқаро молиявий институтлардан ажралиб қолган эди. Халқаро молиявий институтларнинг молиявий ва техник ҳаракатларидан фойдаланишга бўлган зарурият ортиб борар эди. Аммо, Халқаро Валюта Фонди ва ЕТТБга аъзо бўлиш муаммо бўлиб қолган. Марказий ва Шарқий Европа давлатлари улар аллақачон аъзосига айланиб бўлган ХВФ ва ЕТТБда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга бўлган ишонч бир-

бирига боғлаб турар эди, аммо бу Халқаро Молия Институтлари ўтиш даврида бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликда тажрибаси йўқ эди. Бундан ташқари, бу ташкилотлар бир ҳудуддаги давлатларда ўз ҳаракатларини бир маромга сола олмаётган эди.

ЕТТБнинг ҳудуддаги барча ҳаракатлари Шарқий Европа давлатларида иқтисодий-сиёсий ислохотларни ўтказиш концепциясида ва шу концепцияни ривожлантиришга йўналтирилганлиги ўз аксини топган. ЕТТБнинг молиявий ёрдам кўрсатиши, ёрдам олаётган мамлакатларда содир бўлаётган демократик ўзгаришларнинг натижасига боғлиқ. Демократлаштиришнинг ЕТТБ томонидан қўйиладиган сиёсий шартлар қарз олувчи мамлакатлар ҳукумати томонидан норозиликка учрамайди, чунки улар иқтисодий ва сиёсий ислохотларни, миллий ғоялари ва режалари билан ЕТТБнинг сиёсий ва иқтисодий ислохотлари мос келади. ЕТТБ ҳаракатининг тамойиллари ва келишув матнини ишлаб чиқишда ХВФ, ҳамда минтакавий тараққиёт банклари каби молиявий институтларнинг амалиётидан фойдаланилган.

10.2. ЕТТБнинг мақсади ва бошқарувчилар кенгашининг ваколатлари

ЕТТБнинг мақсади Шарқий Европа мамлакатларига ва эндигина мустақилликни қўлга киритган мамлакатларга иқтисодиётни марказлашган бошқарувдан халос этишга ёрдам беришдир. ЕТТБ истеъмолчилар манфаати онгли ва ҳаракатда бўлувчи иқтисодий меъёрлар билан ҳимояланган ва иқтисодиётни эркин баҳолаш ва бозор механизми бошқарувига ўтишини таъминлаш ҳам зарурият доирасига чиқарилди.


ЕТТБнинг қизиқишлари ва мажбуриятларига:

- Минтакавий интеграцияни қўллаб-қувватлаш;
- Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожланаётган мамлакатларда воситаларни бошқариш ва кучайтириш;

- Жаҳон бозоридаги рақобатдошликни ошириш мақсадида давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали молиялаштириш, хусусий корхоналарни қайта тиклашни ўтказиш қабилар киритилди.

КТТБ яна инфраструктура объектларини таъмирлаш, уларни тикланишига ҳам кредит ажратиш (шу жумладан, атроф-мухит муҳофазаси дастурига ҳам) мажбуриятини олган эди.

ЕТТБ уч поғонали бошқарувга эга бўлган ҳолда фаолиятини ташкил этишга эришди. Улар Бошқарувчилар Кенгаши, Директорлар Кенгаши ва Президент қабилардан ташкил топди (1-чизма).



1-чизма. ЕТТБнинг бошқарув структураси

Бошқарувчилар Кенгаши - ЕТТБнинг олий бошқарув органи бўлиб, уни ҳар бир аъзо давлатдан 2 тадан вакил (бошқарувчи ва унинг ўринбосари) ташкил этади. Ҳар йили бўладиган кенгаш йиғилишида, кенгаш бошқарувчилари орасидан раис сифатида бир киши сайланадиган бўлди. ЕТТБнинг барча ваколатлари бир қисмини, ЕТТБнинг фаолияти унумдорлигини оширишни - Директорлар Кенгаши кўриб чиқиши мумкин. Аммо, Бошқарувчилар Кенгаши барча масалалар бўйича тўла ваколатга эга

бўлди. Шу маънода Бошқарувчилар Кенгаши ҳал қилиши керак бўлган масалаларга қуйидагилар киритилди:

1. ЕТТБнинг янги аъзоларини аниқлаш, уларни қабул қилишдаги шартлари;

2. ЕТТБнинг Директорлар Кенгашини сайлаш, директорлар ва уларнинг ўринбосарларига мукофотларни белгилаш;

3. ЕТТБ устав капиталини камайтириш ёки ошириш;

4. Дастлабки келишувга асосан бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзолаш;

5. ЕТТБнинг фойда, зарар ва умумий балансини тасдиқлаш, захиралар миқдорини белгилаш, фойдани тақсимлаш, ЕТТБ фаолиятини тўхтатиш бўйича ва унинг активларини тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

6. ЕТТБ фаолиятини кенгайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Бошқарувчилар Кенгашининг йиғилиши ҳар йили бир марта ёки камда 5 та директорнинг талабига кўра чақириладиган бўлди. Ҳозирги кунда Бошқарувчилар Кенгашининг раиси Буюк Британиялик бошқарувчи Клэр Шортдир.

ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг асосий ваколатлари:

1. Банкнинг янги аъзоларни аниқлаш.

2. Банкнинг директорларини, президентини сайлаш.

3. Устав капиталини камайтириш, ошириш.

4. Бош келишувга асосан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ваколатларини белгилаш.

5. Умумий молиявий балансни, фойда ва зарар ҳисоботини ва банк активини тасдиқлаш.

6. Устав капиталига ўзгартиришлар киритиш.

7. Фаолиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Директорлар Кенгаши — бош ижро этувчи орган бўлиб, у асосан ЕТТБ фаолияти билан боғлиқ жорий масалаларни ҳал қилади, ҳамда Бошқарувчилар Кенгаши томонидан белгиланган муҳим ваколатларни амалга оширади. Булар:

- 1) Бошқарувчиларнинг Кенгаши ишини тайёрлаш;
- 2) Бошқарувчилар Кенгашининг сиёсат, кредит муносабатлари, инвестиция, акционерлик капитали, техник ёрдам ва ЕТТБнинг бошқа операциялари бўйича буйруқлари ва кўрсатмаларини бажариш;
- 3) Ҳар йилги Бошқарувчилар Кенгашининг йиғилишига молиявий йил бўйича текширилган аудиторлик хулосасини тақдим этиш;
- 4) ЕТТБ бюджетини белгилаш

Директорлар Кенгаши 23 та директордан ташкил топган бўлиб, ЕИ ва ЕИБга аъзо давлатлардан — 11 та, Марказий ва шарқий Европа давлатларидан — 4та, қолган Европа давлатларидан – 4 та директор сайланади.

Директорлар ҳар 3 йилда сайланадилар. Улар ЕТТБ аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берганда сайланадилар. Директор ўринбосарлари ҳам шундай овоз бериш йўли билан сайланадилар. Улар ЕТТБ аъзоларининг ярми овоз берганда, айрим ҳолларда келишмовчилик бўлмаслиги учун учдан икки қисм овоз билан сайланадилар⁸⁸.

ЕТТБ Президенти Бошқарувчилар Кенгаши томонидан танланади ва у ЕТТБнинг расмий раиси, бошқарувчиси ҳисобланади. ЕТТБ Президенти ҳар 4 йилда, Бошқарувчилар Кенгаши камида ярим овоз берганда сайланади. Президентнинг фаолияти Директорлар Кенгаши орқали бошқариб борилади. Президент овоз беришда қатнаша олмайди, лекин овоз беришда томонлар тенг келиб қолса, ҳал қилувчи овозни бериши мумкин⁸⁹.

ЕТТБнинг биринчи Президенти Жак Аттали 1991 йил апрелдан 1993 йил июнгача бўлган. Иккинчи президенти Жак де Ларозер бўлиб, у 1993

⁸⁸

⁸⁹ www.worldbank.org

йил сентябрдан 1998 йил январгача хизмат кўрсатган. 1998 йил сентябрдан 2000 йил апрелгача Президент Хорст Келлер бўлган. 2000 йил июндан бошлаб, бугунгача ЕТТБнинг Президенти Жан Лемьердир. Жан Лемьер ЕТТБ Президентлари ичида энг яхши иш олиб бораётган Президентдир. У Президент бўлган даврда ЕТТБ ўзининг энг яхши ва энг юқори чўққиларига эришди⁹⁰. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотнинг Президенти Сума Чакарабортидир. У киши бошчилигида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бормоқда. Айтиш жоизки, ушбу ташкилот раҳбарлари билан 2017 йилда бўлиб ўтган учрашувдан сўнг республикамызда кенг кўламли ишлар амалга оширилиб аниқ натижаларга эришилди.

Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бормоқда.

Ўтган 2017 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдан кейин томонлар биргарликда кенг кўламли ишларни амалга ошириб, дастлабки аниқ натижаларга эришдилар.

Бу даврда банк томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий қиймати 190 миллион доллардан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой қуриш, энергетика тармоғи ҳамда коммунал хўжалик объектларини модернизация қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ истикболли лойиҳалар кўриб чиқилди. Шундан қиймати 600 миллион долларгача бўлган лойиҳалар режалаштирилди.

2018 йил сентябр ойида қабул қилиниши мўлжалланган ЕТТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишлари якунига етди.

⁹⁰

Бундан ташқари, ўтган 2017 йил ноябр ойида банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўз фаолиятини тиклади, мамлакатимиз ҳудудларида унинг филиалларини ташкил этиш кўзда тутилган.

ЕТТБ экспертлари мамлакатимизда хорижий молиявий институтлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги тартибни ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистонда энергетика секторини ислоҳ қилиш ва қайта тикладиган энергетикани ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш борасидаги биргаликда иш олиб борилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввало, асосий тармоқлардаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган янги дастур ва лойиҳалар билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Сума Чақараборти Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида янги босқичда амалга оширилаётган, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётган ислохот ва ўзагришларни, иқтисодиётдаги либераллаштириш жараёнларини юқори баҳолаб келмоқда.

ЕТТБ раҳбари томонидан Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уларни қўллаб-қувватлашини билдиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишларни қўллаб-қувватлаш ва минтакавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан шериклигини янада кенгайтиришга тайёр эканлиги эътироф этилди.

Шундай қилиб, сўнгги бир ярим йилда ЕТТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигида янги саҳифа очилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия секторини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмаси ва энергетика тармоғини модернизация қилиш, шунингдек, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва бошқа соҳалардаги истиқболли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинган.

Бугун кенг миқёсли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтириш масалалари кутимокда. Мамлакатимиз ҳудудида қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг аниқ йўналишлари юзасидан фикр алмашиб келинмокда.

Банк-молия тизими, коммунал соҳани ривожлантириш, энергетика тармоғини модернизация қилиш, иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш масалаларини кўриб чиқди.

Мамлакатимизга инвестициялар жалб қилиш ҳамкорлигимизнинг муҳим соҳасидир. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилди. Хорижий инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмлари тадбиқ этилаётгани халқаро банк-молия муассасаларини юртингиз билан фаол ҳамкорлик қилиш кучаймокда. Ўзбекистон иқтисодиёти ва ҳудудларини изчил ривожлантиришда қўшма лойиҳалар ўзининг юксак самарасини беради.

10.3. ЕТТБ ресурсларининг шаклланиши

ЕТТБ дастлабки акционерлик капитали 10 млрд ЭКЮ қийматида банк аъзолари томонидан белгиланган. Акционерлик капитали 1 млн.та ЭКЮ номиналидаги акциялардан ташкил топган. ЕТТБнинг дастлабки акционерлик капитали тўланган акциялар ва талаб қилиб олингунча тўланадиган акциялардан ташкил топган. Тўланган акцияларнинг дастлабки суммаси 3 млрд ЭКЮ ёки акционерлик капиталининг 30% ини, тўланмаган, яъни талаб қилгунча тўланадиган акциялар 7 млрд ЭКЮ ёки акционерлик капиталининг 70% ини ташкил қилади⁹¹.

Дастлаб ЕТТБ ташкил қилинганда ЕИ давлатлари акционерлик капиталининг 51% ига, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари 13%ига, қолган Европа давлатлари 11% ига, бошқа давлатлар 24тасига эгаллик қилар эдилар. Акционерлик капиталининг 10% ига АҚШ, 85%ига Италия, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония эгаллик қилар эдилар⁹². ЕТТБнинг акциянерлик капитали ҳар йилда кўриб чиқилади.

Анъанавий ресурслар куйидагилардан иборат:

1. ЕТТБ устав капитали, тўланадиган акциялар ва талаб қилгунча тўланадиган акциялардан;
2. Жалб қилинган маблағлар;
3. Инвестицияларни акционерлик капиталига реализациясидан тушган тушум ва кафолатлар;
4. ЕТТБнинг бошқа даромадлари, махсус фондларининг ресурси бўлмаган бошқа маблағлар.

ЕТТБ анъанавий молиявий ресурслардан фойдаланган ҳолда бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга самарали лойиҳаларни ривожлантириш учун кредитлар ажратади.

⁹¹

⁹²

Махсус фондлар ушбу фондларга йўналтирилган маблағлар ва махсус фондлар ресурслари ва инвестициядан олинган даромадларни ўз ичига олади. Дастлабки иккита очик махсус фондлар 1992 йил апрелда шимолий мамлакатлар (Дания, Исландия, Норвегия, Финландия, Швеция) томонидан, уларнинг молия ва иктисодиёт вазирлари томонидан қабул қилинган Болтиқ инвестиция дастури чегарасида тузилган. ЕТТБ улар томонидан бошқарувни амалга оширади. Улардан бири техник ҳамкорликни кредитлашга мўлжаллангандир. Бошқа давлатлар ва кўп томонлама ташкилотларга бу фондга маблағ қўйиш таклиф этилган. Фонд маблағлари ҳисобига товарлар сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш очик характерга эга. Махсус фондлар маблағлари ҳам ижтимоий инфраструктуранинг рентабелли тармоқларини имтиёзли кредитлашда ёрдам кўрсатишда ишлатилади⁹³.

ЕТТБнинг жалб қилинган маблағларининг асосий қисми, бошқа халқаро банк ташкилотлари сингари, жаҳон капитал бозоридан имтиёзли фойз ставкалар асосида қарзга олинади. ЕТТБ фаолиятининг тамойиллари, яъни банк томонидан олиб бориладиган операцияларнинг шартлари ва йўналишлари ЕТТБни ташкил этиш тўғрисидаги келишувда қайд этилган. Барча операцияларни амалга оширишда банк соғлом банк тамойилларига таянади. ЕТТБ операциялари аниқ лойиха ва инвестиция дастурларини молиялашни таъминлайди. ЕТТБ ўзининг ресурсларини бирон бир аъзо мамлакат фойдасига номутаносиб ишлатишга йўл қўймайди.

ЕТТБнинг инвестицион фаолиятини ривожлантириш мақсадида молиялаштириш тижорат йўли билан амалга оширилади. Банк лойихага умумий қийматининг 35 фойзигача, лекин 5 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда маблағ ўтказилади. У бошқа ХМИларга нисбатан юқори фойз ставкаларига эга⁹⁴.

⁹³

⁹⁴

ЕТТБ ўз фондини инвестицияларни хусусий секторга, хусусий инвесторларга сотиш йўли билан яхшилаб туришга интилади. ЕТТБ якка тартибдаги ташкилотларни инвестициялашда молиялаштиришни ташкилот эҳтиёжидан, банк risksидан келиб чиқиб ва хусусий инвесторлар томонидан олинадиган шартлар тамойилига асосланиб амалга оширади. ЕТТБ ҳеч қайси мамлакатга қарз, инвестиция ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар миқдорига чегара ўрнатилмайди. ЕТТБ банк томонидан тақдим этилган ёки кафолатланган қарз маблағлари ёки банк қатнашган қарзларни фақат белгиланган мақсадларга ишлатилиш учун зарур чора-тадбирлар кўради.

1996 йилда Бошқарув Кенгаши томонидан ЕТТБ устав капиталини 20 млрд. евро қилиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди⁹⁵. Бу эса ЕТТБнинг ўз стратегик операцияларини бемалол, дадил амалга оширишга ёрдам берди. ЕТТБ ўз капиталини устав ва молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда сарф қилади. Капитални сақлаш вазифасидан келиб чиқиб, ЕТТБ ўтган йиллар учун ҳам турли хил мезонларни қўллаган ҳолда, мустаҳкам захира кўрсаткичлари уставини кўзда тутган ҳолда капитални етарли эканлигини доимо таҳлил қилиб боради. ЕТТБни капитал ресурсларини аҳолининг иккинчи марта кўриб чиқиш давомида, ўтиш даврида ЕТТБнинг операцион фаолиятини таъсир қилиш самараси таҳлил қилинди. Бунда ўрта-тезкор стратегиялар ва вазифалар ишлаб чиқилди. ҳамда ЕТТБнинг келажакдаги молиявий кўрсаткичлари ва капиталнинг етарлилиги аҳоли майдалаб таҳлил қилинди. ЕТТБнинг мустаҳкам захира кўрсаткичлари ва капиталнинг етарли эканлиги доирасида - капитални қаттиқлик омилли модели ишлаб чиқилди. Бу концепциянинг муҳокамаси, ҳар йили ЕТТБ нинг ўрта тезкор стратегияси мазмунини янгилаш доирасида олиб борилмоқда. Бу соҳадаги натижалар ЕТТБда капиталнинг етарли эканлигини кўрсатиб келинмоқда.

10.4. ЕТТБнинг кредит сиёсати


Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳар бир ташкилот ёки молиявий институт ўз фаолиятидан, ресурсларининг шаклланишидан келиб чиқиб ўзининг иқтисодий, молиявий сиёсатини белгилайди ва шу асосда ўзининг келажакдаги режаларини амалга оширади. Шу жумладан, ЕТТБ ҳам ўзининг кредит сиёсатига эгадир. ЕТТБ ўз фаолиятида бозор хўжалик тизимига ўтаётган хусусий ва давлат ташкилотларига қуйидаги операция турларини кўрсатади:

1. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кредитлар бериш (ҳамкорликдаги молиялаштириш билан биргаликда);
2. Капиталга инвестициялаш;
3. Қўйилган қимматли қоғозларга кафолатлар;
4. Кафолат ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш йўли билан капитални бозорга киришини осонлаштириш;
5. Келишувга асосан махсус фондларга ресурсларни жойлаштириш ва улардан фойдаланишни аниқлаш;
6. Инфратузилмани тиклаш ва ривожлантириш (шу билан бирга табиатни муҳофаза қилиш дастурларига) учун қарзлар бериш ва техник ёрдам кўрсатиш. ЕТТБ экспорт кредитларига кафолат бермайди ва сугурта билан шуғулланмайди.

ЕТТБ кредит-инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиб, молиявий сектор, энергетика, телекоммуникацион инфратузилма, транспорт, агробизнес ҳисобланади. Асосий эътиборни хусусийлаштириш соҳасига қаратади.

ЕТТБнинг маслаҳат ва хизматлари бозор иқтисодиёти шароитида банк вазифаларини бажаришга қодир ташкилотларни мақсадли инвестициялаш, молиявий соҳани умумий стратегик ва ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишга йўналтирилади. Шунингдек у инвестицион ва техник ҳамкорлик

орқали банк тизимини ислох қилишга ва хусусий банкларни мустаҳкамлашга ҳамда янги институлар ташкил қилишни амалга оширади. Банк кўп мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни кредитлашда хорижий банк инвесторларнинг маблағларини жалб қила олмайдиган давлатларда, ушбу секторни кредитлаш масалалари билан шугулланади. Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари, ЕТТБнинг халқаро ва маҳаллий банкларидага агентлик кредитларидан фойдаланишлари мумкин. Агентлик линиялари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатиладиган банк хизматларини яхшилаш учун, халқаро кредит ресурсларини жалб қилиш учун, халқаро кредит ресурсларини жалб қилиш учун, ишчи ўринларини кенгайтириш ёки корхоналар барпо этиш орқали ишлаб чиқаришга ва янги ишчи ўринларини барпо этишга ёрдам кўрсатиш учун ишлаб чиқилган.



5-чизма. ЕТТБнинг кредит схемаси.

ЕТТБ коммуникация соҳасидаги кўрсатаётган хизматлар ва амалга оширилаётган ислохотларга ёрдам берувчи ёки ислохотларни ўтказаятган давлат ва хусусий сектор ташаббускорларини қўллаб-қувватлайди. Бундан

асосий мақсад биринчи навбатда замонавий телекоммуникация тармогини мустаҳкамлашдир.

Транспорт соҳасида ЕТТБ биринчи ўринда Марказий ва Шарқий Европада юк ва йўловчи ташиш хизмати сифатини ошириш, Ғарбда ва Шарқда кўшни мамлакатларнинг интеграциялашувини ривожлантиришда атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларга катта эътибор қаратилади. ЕТТБ транспорт соҳасини ривожлантирувчи сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Шумайнода асосий эътибор транспорт машинасозлигини ривожлантириш билан алоқадор лойиҳаларга қаратилган.

Агробизнес соҳасида ЕТТБ кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, бозор инфратузилмасини ривожлантирувчи янги корхоналарни ташкил қилиш учун кредитларни йўналтиради. Шунингдек банк мамлакатлар орасида улгуржи бозорларни ташкил қилиш лойиҳалари устида ишлайди.

ЕТТБнинг стратегик мақсадларидан бири хусусийлаштиришни жадаллаштиришга ёрдам беришдир. Хусусийлаштириш тадбирларининг асосий мақсади давлат корхоналарини хусусий мулкчиликка айлантириш эмас, балки иктисодиётга амал қилиб турган давлат секторини структуравий қайта қуриш ва замонавийлаштириш ҳамда бозор иктисодиёти хўжалиги тизими ўтказиш, шунингдек хусусий корхоналарни ташкил қилишдир. Мадомики ЕТТБ ўзининг молиявий ресурсларини ҳукумат кафолатисиз охириги фойдаланувчиларга йўналтирар экан, у суғурталанадиган ва бошқа лойиҳавий рискларга дуч келади. Бу эса банкни аниқлик билан лойиҳаларни баҳолашга ва танлашга керакли даражада шартларни қўйишга, қутилмаган лойиҳа мониторингини ва асоссиз назоратни таъминлашни талаб қилади. ЕТТБ лойиҳани тижорий ҳаёт яшовчанлигини кўзлаб изчиллик билан шахсий кредит инвестицион институтлар билан рақобатлашишга ҳаракат қилади. У тегишли равишда жуда жозибадор бўлмаган (рентабеллик, маблағларни қоплаш даври ва бошқа кўрсаткичлар нуқтаи назаридан) лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга мажбурдир. Мадомики ЕТТБнинг асосий вазифаларидан бири кичик ва хусусий

тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам бериш экан, шу мақсадда ўзи операцияларни децентрализациялаш учун йўналтирилган линияларни ўтказди. Бунинг учун молиявий воситалар тармоғи ташкил қилинади. Бунда маҳаллий тижорат банклари, фондлар ва бошқа молиявий институтлар қатнашади. Банк кичик бизнес субъектлари билан ишлашда кредит линиялари, кафолатлар, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фондлари, хусусий венчур фондлар ва бошқалардан фойдаланади. ЕТТБ рискларни камайтириш мақсадида миждозлардан зарур бўлган рискларни қоплаш сугуртаёсини талаб қилади. Бирок сиёсий рисклар, маҳаллий валютанинг конвертацияланмаслиги rischi учун сугурталаш шарти талаб этилмайди.

ЕТТБ молиялаштираётган компания сугурталаш билан қўшимча равишда лойиҳани активлар билан таъминлашни талаб қилади. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- 1) қўчмас мулк(ер, иншоот, бинолар);
- 2) қўчар мулк(машина, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш активлари);
- 3) компанияларнинг қаттиқ ва миллий валютадаги тушумлари;
- 4) компанияларнинг активлари ва бошқалар.

Банкларнинг лойиҳаларни молиялаштиришга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар (техник иқтисодий асослашни тўла баҳолаш ва уни ишлаб чиқаришгача бўлган заруриятлар, зарур бўлган ҳужжатлаштириш ишлари) жуда юқори бўлиши мумкин. Шунинг учун у лойиҳани тақдим этувчи компаниядан уларнинг бадалларини талаб қилади.

ЕТТБнинг кредит маржаси кредит шартномаси тузилгунча баҳоланадиган аниқ давлат билан боғлиқ рисклар ва тижорат рискни ўз ичига олади. Келишувлар таркибида кредит маржаси ўзгариб турадиган давлатлар ва тижорий рискларни ҳисобга олиб, вақти-вақти билан кредит маржасини кўриб чиқиш тартиби белгиланади. Банкнинг ташкил қилишда кредитлашнинг умумий меъёрлари стратегик мақсадларга кўра белгиланади. Кредитларнинг

муддатлари 5-10 йилгача даврни ўз ичига олади. Имтиёзли тўлов муддати ҳам шу давр ичидадир. Қарзнинг асосий суммасини қайтариш ҳар ярим йилликда тенг улушларда амалга оширилади. Айрим ҳолларда давлат секторининг инфратузилма лойиҳаларини кредитлашда кредитни қайтариш муддати узоқроқ қилиб белгиланиши мумкин.

ЕТТБ фаолиятида лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий инструментларидан бири кредитдир. Аниқ лойиҳаларни потенциал даромадлилиги ҳамда инвестиция каналларининг (қўшма корхоналар) ташкилий характеристикасига боғлиқ бўлади.

10.5. Ўзбекистон Республикасида ЕТТБнинг иштирокида амалга оширилган ишлар

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш йўлидаги асосий ўстиворликлардан бири давлат молиясини бошқариш тизимини барқарорлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш ва ахборот технологиялари ривожланиш даврида республиканинг давлат молиясини бошқарадиган янги халқаро ҳамкорликлар қирраларини очишдир. Ўзбекистон ЕТТБга 1992 йилда, банк акцияларининг собиқ иттифоқ республикалари ўртасида тақсимлангандан сўнг аъзо бўлади, 1993 йилда биринчи лойиҳа амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси 42 млн. ЭКЮли ЕТТБнинг 4200 акциясига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди.

1994 йил 10 январда ЕТТБ директорлар кенгаши ЎзРни молиялаётган банклар инвестиция лойиҳалари учун мажбурий негатив қарзни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

ЕТТБнинг асосий эътибори иқтисоднинг транспорт, энергетика ва саноат соҳасидаги йирик инфратузилмаси лойиҳаларни молиялаб кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлар табақасини яратишга қаратилган.

Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида 15 лойиҳа амалга оширилди,

мустақилликнинг дастлабки йилларида буларнинг қиймати 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ ЕТТБ нинг бевосита молиялаши — 597,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган эди.

Selected projects signed by the EBRD 2004 - 2007

Project name	Description	Sector	Portfolio class	Year of signing	Total EBRD finance (€ million)	Project value (€ million)
Green World	Revolving working capital facility to expand the production of packed juices and increase the market share.	Agribusiness	Private	2007	1.5	3.7
Imkon Piyus	Loan to ice-cream manufacturer to expand its production capacity and to further develop its distribution network.	Agribusiness	Private	2007	2.0	2.3
Mehnat Pivo	Loan to brewery to expand its production facilities via a new bottling line	Agribusiness	Private	2007	2.0	2.0
Hamkor Bank (J-USBP)	Credit line to Hamkor Bank for on-lending to local micro and small businesses.	Small business finance	Private	2007	2.2	
Buraet Demand Loan	Loan to a cotton garment manufacturer.	General industry	Private	2006	2.3	
Oltin Taqa (DLF)	Loan to Oltin Taqa to increase production facilities for fruit and vegetable concentrates.	Agribusiness	Private	2006	0.4	
Bayteks	Establishment of a modern textile plant.	General industry	Private	2005	5.9	20.5
Mekhnat Pivo (DLF)	Loan to help increase current production capacity of a brewery.	Agribusiness	Private	2005	2.8	3.1
Uz-Arctech	Establishment of manufacturing plant producing welding equipment.	General industry	Private	2004	7.0	19.6
Unitel	Acquisition of second-largest mobile operator in Uzbekistan.	Telecoms	Private	2004	4.1	55.6
Berad-Agro (DLF)	Financing for dried fruit and vegetable producer.	Agribusiness	Private	2004	0.9	0.9
Hamkor Bank (J-LSRP)	Credit lines to Hamkor Bank for on-lending to small and medium-sized businesses.	Small business finance	Private	2004	2.2	2.2
Ipoteka Bank (J-USBP)	Credit lines to Uzipsberbank for on-lending to small and medium-sized businesses.	Small business finance	Private	2004	1.5	1.5

Айтиш жонзки, 2007 йил 1 июнда ЕТТБ Ўзбекистон билан 48 инвестиция контрактини тузди. Унинг қиймати қарийб 486 млн. еврога тенг бўлди. Бу инвестициянинг деярли 57 % хусусий секторга тўғри келди.

1999 йил 1 июлга 17 инвестицияни амалга оширди: шунинг 11 таси хусусий, 6 таси Ўзбекистон давлат секторига бўлиб, 432 млн. ЭКЮга тенг.

Тўққиз инвестиция молия секторига, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кредит йўналишини, савдо молиясини ривожлантириш программаси лизинг компаниясини ҳамда иккита янги ҳамкорликда очилаётган тижорат банки устав капиталини таъминлашга йўналтирилган. Хусусий секторни ривожлантириш доирасида тўртта инвестиция тўқимачилик ишлаб чиқариши қурилишига ва табиий бойликларни казиб чиқаришга (олтин олишга) йўналтирилди. Давлат секторида банк аэропортни тиклаш, нефтни қайта ишловчи завод, Сирдарё ГЭСи ва қаттиқ чиқиндиларни утиллаштиришни инвестицияланди.

ЕТТБнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти йўналишлари ҳам кўп қиррали бўлди.

Айтиш жоизки, ЕТТБ Ўзбекистонда ўз фаолияти еттига йўналишини белгилаб эди. Булар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришга қаратилди:

- молия сектори ва банк инфратузилмаси;
- кичик корхоналар;
- бозор инфратузилмаси;
- энергетика мажмуаси;
- пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари;
- сайёҳлик инфратузилмаси;
- табиий ресурсларни ўзлаштириш.

ЕТТБнинг Ўзбекистонда амалга ошириб келган лойиҳалари.

Банк ва молия секторини ривожлантириш.

Ҳамкорликдаги лизинг компаниялари

Компания тузиш бўйича лойиҳанинг умумий қиймати 24 млн. АҚШ долларига тенг. Бундан ташқари, таъсисчилар ҳар бири қўшимча 5 млн. АҚШ долларлик улуш қўшишди.

4 млн. АҚШ долларига тенг устав капитални тўлиқ тўланди.

Таъсисчилар: Миллий банк — 1,4 млн. (35%); Мэй банк (Малайзия) — 1,4 млн. (35%); МФК — 0,6 млн. (15%); ЕТТБ — 0,6 млн. (15%).

Қўшма лизинг компанияларининг мақсади бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- технологиялар ва ускуналар ўрта ва узоқ муддатли лизинги;
- экспортга ва импортни ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш;
- кичик бизнесни кенгайтириш;
- республика молиявий инфратузилмасини кенгайтириш.

Таъсис ҳужжатларини имзолаш 1995 йил 26 августда Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 январидagi 6- рақамли қарори билан лизинг компаниялари тузишни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди.

1997 йил 6 мартда Тошкентда компания таъсисчиларининг 4- йиғилишида истиқболли иш режа муҳокама этилди ва бир қатор инвестиция лойиҳалари баҳоланди. Шунингдек, молиялашни ривожлантириш дастури қабул қилинди.

ЕТТБ 50 млн. АҚШ долларига тенг кредит линиясини очди. Шундан 40 млн. доллар Миллий банкка ва 10 млн. доллари «Асака» банкига берилди. Кредит линияси Либор +1% ставкаси бўйича имтиёзли шартлар билан аккредитив ва кафолатларни тасдиқлаш йўли билан савдони молиялаштирди. Кредит линиялари мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, экспортчи ҳамда импортчиларга қулай нархларда ва имтиёзли шартларда жаҳон бозорида молия операцияларини ўтказишлари учун ёрдам беришни назарда тутди.

Минтақавий банк ўқув маркази (МБЎМ). Мазкур марказ Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонларнинг 30 банклари, шунингдек, Туркия ҳукумати ва банklar ассоциацияси, ЕТТБ ҳамда ЕК компанияси иштирокида ташкил этилган эди. МБЎМ фаолияти давомида Марказий Осиё минтақасида банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тан олинган марказга айланди.

Бутун фаолият мобайнида 5 мингдан ортиқ банк ходими таълим олди,

шулардан 4 мингини Ўзбекистон вакиллари ташкил этади.

Ўқитишни Германия, Буюк Британия, Туркия ва Белгия ҳамда бошқа давлат мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўқитувчилар олиб борди.

Кўзга кўринган лойиҳалардан бири «Зарафшон - Ньюмонт» қўшма корхонаси учун ажратилган кредит линияси бўлиб ҳисобланди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 229 млн. долл. ташкил этди. Бу лойиҳани молиялаш учун Европа банки 52,5 млн. ва 30 млн. АҚШ долларида иккита кредит линияси ажратди.

Биринчи кредит линияси гарбнинг биринчи тоифадаги банклари — ЮБС, Креди-Свис, Свис банк корпорейшн (Швейцария), Барклайз Банк, Ротишед ва ўғиллари (Буюк Британия), Чейз Манхеттен Банк, Ке-минал Банк (АҚШ), Дрезднер Банк, Байрише Ферайнсбанк, БЛФ (Германия), Креди Лионе (Франция), Жи-рокредит Банк, Австрия банки, Мейз Вестнэк (Австралия).

1993 йил 18 ноябрда қарз битими имзоланди. Унинг доираси 70 млн. АҚШ долларига аккредитиви очилди. Лойиҳа 1993 йилги энг яхши халқаро молиялаш лойиҳаси деб тан олинди.

Лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, унда олтинни таркибида шу металл кам бўлган тўкилмалардан олишни кўзда тутди. Замонавий технология туфайли ойига 1 тонналик лойиҳа кувватига эришилди ва бу Ўзбекистон Республикасининг янги олтин-валюта захирасини яратиш имконини берди.

Ёнилғи-энергетика мажмуига ажратилган кредит линияси ҳам очилди.

Ҳозирда иккита лойиҳа — Фарғона НКЗ ва Сирдарё ГРЭСини қайта тиклаш амалга оширилиш жараёнида, булар республика ёнилғи-энергетика мажмуини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилди. Булар Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати остида молияланадиган бўлди.

11 БОБ. ЖАҲОН БАНКИ ГУРУХИ, УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА РОЛИ

11.1. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкил этилиши ва унинг олдида қўйган асосий вазифалари ҳамда мақсади.

11.2. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкилий тузилиш структураси.

11.3. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ресурслари ва уларнинг манбалари.

11.4. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг кредит сиёсати.

11.5. Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Халқаро Молия Корпорацияси. Уларнинг асосий вазифалари ва функциялари.

11.6. Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи

11.1. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкил этилиши ва унинг олдида қўйган асосий вазифалари ҳамда мақсади.

ЖТТБ-дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб, ХВФ билан бир вақтда 1994 йилнинг июль ойида ташкил қилинган. ЖТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг ўзида унинг низоми бўлиб ҳисобланди ва у 1945 йилнинг 27 декабридан кучга кириб ўз фаолиятини бошлади. Дастлабки йилларда банк фаолияти ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга йўналтирилган эди. Шу даврда аъзо мамлакатларнинг хўжаликлари иккинчи жаҳон урушидан кейин анча талофат кўрган ва иқтисод ва сиёсатга кучли таъсир этган эди. Банк фаолияти АҚШда олиб бораётган ўз сиёсатини тўлдирди. Бу сиёсат “Маршалло режаси” деб аталган ва Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги сиёсатини қўллаб-қувватлаш бўлди.

XX асрнинг 50-йилларининг ўрталарида Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳолати ўз мавқеини тиклаб олиш ва мустамлакаларини йўқ қилиш сабабли Жаҳон Банки ўз фаолиятини ўзгартирди.

Жаҳон Банкнинг асосий мақсади мустақилликка эришган мамлакатларни жаҳон иқтисодиёти тизимга киритиш ва бу унинг асосий йўли сифатида бозор иқтисоди муносабатларини белгилаш билан бирга атроф-муҳитга зарар етказмай, иқтисодий ривожланишга эришишга, аҳолининг барча қатламларига уларнинг манфаатларига мос ёрдам кўрсатишга, янги имкониятлар яратиш ва умид уйғотишга, камбағаллик кўламини қисқартиришга қаратилган. Асосий вазифалари эса қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, ҳамма учун бошланғич таълимни таъминлаш, болалар ўлиминини камайтириш, СПИД, саратон ва шу каби касалликларга қарши курашиш, оналикни муҳофаза қилишни яхшилаш, атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказмасдан иқтисодий ўсишга эришиш, ривожланишни таъминлаш учун халқаро ҳамкорликни шакллантириш, эркаklar ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини жорий этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Шу боис ҳам Жаҳон Банки БМТнинг махсус молиявий институти деб тан олинди ва унинг стратегик вазифалари белгилаб олинди, яъни жаҳондаги асосий хўжалик марказлар тизимини интеграциялаштириш ва унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётини киритишга эришиш шундай вазифалардан бири бўлиб қолади.

Қисқасини айтганда Жаҳон бозорининг ташкилий тизими раҳбар ташкилоти бўлиб Бошқарувчилар Кенгаши директорлар (ижрочи ташкилотлар) ҳисобланади. Кенгаш молия институтларидан ёки аъзо мамлакатларнинг МБ ларининг раҳбарларидан ташкил топган. Улар қўйилган масалаларни ўз сессияларидан йилига бир марта йиғилиб ҳал қиладилар, яна шунини таъкидлаш керакки ЖБ ва ХВФ бу сессияни бирга ўтказадилар. Қўйилган масалаларни кўриб чиқиш ЖБ да овозга қўйиш йўли билан ҳал қилинади. Ҳар бир овоз

мамлакатларнинг Низом капиталининг хиссаси билан белгиланади. Бундай тизим ХВФ да ҳам қўлланилади.

1993 йилга қадар ЖБ аъзолари сони 176 тага етди, шунга қарамай, Банк тизимининг унча катта бўлмаган иқтисодиёти ва ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар гуруҳи АҚШ бошчилигида бошқаради. 1993 йилнинг 30 июлидан бошлаб банк фаолиятини “еттилик” бошқара бошлади. Ушбу еттилик АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатларидан ташкил топди.

Халқаро ҳамкорликнинг кўзга ташланадигани, ҳозирги даврда унда нафақат Европа, балки Осиё мамлакатлари ва Собиқ Иттифокдан чиққан мамлакатлар ҳам иштирок этадиган бўлдилар. Буларга Вьетнам, Лаос, Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия ва бошқалар кирди.

ЖБ президенти Америка мамлакатининг давлат раҳбарлари ёки молия тизимининг бошқарувчиларидан сакланиб келган. Ўтган асрнинг 60-80 йилларда унга АҚШ мудофаа вазири Р.Макнамара, ундан кейин АҚШ хусусий банклар президенти О.Клаузен бўлган. 80 йилларнинг охириларидан бошлаб унга АҚШ Конгрессининг аъзоси Б.Коннейбл раҳбарлик қилган XX асрнинг 1990 йиллардан бошлаб бу лавозимни молия бизнеси вакили Л.Крестон эгаллади.

ЖБ Бош органи Вашингтонда жойлашган ва бунда АҚШ ўзининг устиворлигини доим билдириб туради, лекин кейинги пайтларда Ғарбий Европа ва Япония мамлакатларининг таъсири кучаймоқда.

11.2. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкилий тузилиш структураси. ЖТТБнинг асосий операциялари.

ЖТТБ-дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб ҳисобланади, шунинг билан бирга айтиш жоизки ХТТБ ҳақидаги шартнома ЖТТБнинг ҳам низоми бўлиб ҳисобланади. ЖТТБ дастлабки йиллардаги

фаолияти унга аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунинг сабаби иккинчи жаҳон урушидан кейин анча талофат кўрган мамлакатлар хўжаликларини тиклаш бўлиб ҳисобланади.

Гарбий Европа мамлакатларининг амалдаги ҳолати 50-йилларининг ўрталарида ўз мавқеини тиклаб олиш сабабли банк ўз фаолиятини ижобий томонга ўзгартиришга мувофиқ бўлди.

Жаҳон Банки ўз фаолияти давомида мустақилликка эришган мамлакатларни жаҳон иқтисодиёти тизимига киритишда муҳим аҳамият касб этди.

Шу сабабли Жаҳон Банки БМТ нинг махсус молиявий институти деб этироф этилди. Ушбу банк йиллар давомида ўз фаолиятини турли маамлакатлар иқтисодиётини глобаллашувини таъминланишига ҳам ижобий таъсир этиб келди.

Айтиш жоизки Жаҳон бозорининг ташкилий тизими раҳбар ташкилоти бўлиб ҳисобланади. Бошқарувчилар Кенгани директорлар (ижрочи ташкилотлар) аъзо мамлакатларнинг МБ ларининг раҳбарларидан ташкил топган ҳолда ўз сессияларида (йилига бир марта) қўйилган масалаларни кўриб чиқиш, уларни овозга қўйиш йўли билан ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этиб келди.

ЖБ аъзолари сони 176 тага етган бўлсада ҳам (1993 йилга қадар) Банк иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар гуруҳини бошқарилиши АҚШ бошчилигида амалга оширилмокда. Юқорида айтиб ўтилганидек банк фаолиятини “еттилик” 1993 йилнинг 30 июлидан бошқариб келди. Айтиш жоизки “еттиликка” АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатлари кирсада ҳам халқаро ҳамкорлик ривожланаётган мамлакатларни иштироки кучайди. Вьетнам, Лаос, Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия ва бошқа мамлакатлар халқаро ҳамкорлигининг актив иштирокчиси бўлиб қолмоқдалар. Шундай қилиб ЖБ ва

унга аъзо давлатлар жаҳон иқтисодиёти ва халқаро молия муносабатларини барқарорлаштириш мақсадида жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини бирлаштиришга валюта ва кредит-молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишни амалга оширишга жаҳон валюта ва кредит-молия сиёсати тактикаси ва стратегиясини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришда актив иштирок этмоқдалар.

Жаҳон Банкининг капитал Низоми унинг секцияларига ёзилиш йўли билан ташкил қиладиган бўлди. Бунда дастлабки акцияларнинг салмоғи 10 млрд. долларни ташкил этади. ЖБ фаолиятини ривожлантириш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг раҳбарларини кредит маблағларни ҳажмини доимо орттириб туришга ундай бошлади. Натижада, бу кўрсаткич 1993 йилнинг охирларига келиб 163 млрд. долларга етди. Шундай қилиб, ХТТБ оддий акция капиталидан ЖБ га айланди. Шунга карамай 80- йилларда акцияларнинг тўпланган қисми 7% га камайган эди. Бу унга аъзо мамлакатлар орасида тасимланган қисми сифатида эътироф этилди. Қолган қисмларини эса банк жуда зарурият туғилганда мажбуриятларини бажариш учун сарфлайдиган бўлди.

ЖБнинг маблағларининг асосий қисми Жаҳон молиявий тизимларидан кредит олишга қаратилгандир. Дунё молиявий бозорида бу қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш билан чегараланади. Бу йўл билан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар капитал экспортларга таъсир ўтказади ва улар ўртасида воситачи вазифасини бажариш билан бирга хусусий инвесторларга икки ёқлама кафолат яратиб беради.

ЖБ га ва унга аъзо мамлакатларга хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар ўзларининг бўш маблағларини Жаҳон Банкининг облигацияларига айлантириш йўли билан ўз фаолиятларини юритмоқдалар.

ХТТБ дунё молиявий бозорида облигацияларининг ҳажми ҳисобида йирик ўринни эгаллайди. 70-йилларнинг охирига келиб чиқарилган облигацияларнинг ўртача йирик сўммаси 5 млрд. долларни ташкил этди. 1993

Йилда бу кўрсаткичнинг умумий сўммаси 12,7 млрд. долларни ташкил этди. Умуман олганда ЖБ ўз фаоллятида узок муддатли капиталларга ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатиб келмокда.

ЖБ нинг кредит сиёсати, унинг капитал, ривожланаётган мамлакатларда қўлланилиши, бу мамлакатлар талабларига жавоб берганлиги сабаблидир. ЖБ кредитларни олиш хакидаги мурожаатларни қондириш масалаларини кўриш жараёни кенг қўламдаги иқтисодий ва молиявий ахборотларни бу мамлакатлардан тавсия қилишни талаб қилади ва шу мамлакатларга ўзининг маълум иқтисодий миссияга эга бўлган вакилини юборади.

Улар асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар аъзоларидан ташкил топади. Улар мамлакатни иқтисодий ва молиявий аҳволини ўрганиб чикиб, аъзо мамлакатларнинг миллий ривожланиш дастурларига таъсир кўрсатадилар. Уларнинг тавсиялари нафақат ЖБ нинг устивор йўналишдаги хусусий иқтисод секторини ривожлантириш мақсадида хорижий капиталларни жалб қилади, балки кредит бериш масаласи билан мурожаат қилган аъзо мамлакат суверенитетига таъсир кўрсатади.

Талаб қилинаётган кредитлар, бундай тавсиялар эътиборга олинмаса берилмайди. Шунинг билан бирга бошқа манбаларга ҳам таъсир қилиш чоралари кўрилади. Чунки у жами Жаҳон молия ва кредит соҳаларини, ХВФ билан биргаликда бошқаради ва иқтисодий ривожланишни самарали йўналтиради. ЖБ томонидан берилган кредитлар ҳажми 47 йил ичида 235 млрд. долларни ташкил этган ҳолда уни 1/3 қисми (80 млрд. доллар) 1989-93 йиларга тўғри келди. Кредитлар асосан иқтисоднинг транспорт, алоқа, энергетика каби тармоқларини ривожлантиришга берилади.

70-йилларда ЖБ кредитлари ижтимоий ривожланишга айниқса, қашшоқликни бартараф этишга қаратилган бўлса ҳозирда эса бу фаоллят тиббиётга, таълимотга, режалашга, оилага, қишлоқ хўжалигига ва аъзо мамлакатларни бозор муносабатларига ўтиши ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилиб келинмокда.

Айтиш жоизки ХТТБ дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб, ХВФ билан бир вақтда 1994 йилнинг июль ойида ташкил қилинган. ХТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг ўзида унинг низоми бўлиб ҳисобланади ва у 1945 йилнинг 27 декабридан кучга кириб ўз фаолиятини бошлашга мувофиқ бўлган. Дастлабки йилларда банк фаолияти ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга, яъни ўшанда аъзо мамлакатларнинг иккинчи жаҳон урушидан анча талофат кўрган ва иқтисо ва сиёсати издан чиккан хўжаликлар йўналтирилган эди. Банк фаолияти АҚШ олиб бораётган сиёсатни ҳар томонлама тўлдирди. Бу сиёсат “Маршалло режаси” аталди ва Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги сиёсатини қўллаб-қувватлашга қаратилди.

50-йилларнинг ўрталарида Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳолати ўз мавқеини тиклаб олиш ва мустамлакаларга барҳам берилиши сабабли Жаҳон Банки ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиш орқали ўзгартиради.

Жаҳон Банкнинг асосий мақсади мустақилликка эришган мамлакатларни жаҳон иқтисодиёти тизимига киритиш ва бу унинг асосий йўналиши сифатида бозор иқтисоди муносабатларини белгилаш бўлиб ҳисобланган эди. Ўшанда Жаҳон Банки БМТ нинг махсус молиявий институти деб тан олинди ва бу борадаги стратегик вазифаларни белгилаб олинди. Уларга жаҳондаги асосий хўжалик марказлар тизимини интеграциялаштиришни ва унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришни киритиш мумкин.

Энг кўп давлатлар аъзо бўлган ва энг кўп операцияларни амалга оширадиган ХТТБ шубҳасиз, ЖБ гуруҳининг марказий бўғинидир. ХТТБ га аъзо мамлакатларнинг ҳукуматларигина қарз ёки кафолат беради.

Қарз бериш шартлари хусусий сармоя бозоридаги таклиф этилаётган шартлар билан тахминан тенгдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ХТТБ қарз олувчи сарфламаган қарз сзммасидан йилига 0,75% ни ташкил этувчи мажбуриятлар учун комисион ҳақини ундиради. Ўз мажбуриятларини вақтида бажарадиган қарздорларга

фоизларни тўлашда ва сарфланмаган қисмдан комиссия ҳақ тўлашда имтиёзли ставкалар берилади.

ЖБ ва ХВФ ҳар хил ташкилот бўлишига қарамай, яқин ҳамкорликда ишлайдилар. Бу ҳамкорлик ташкилотларнинг ташкил топган давридан бошлаб, яъни 70-йиллардан бери чуқурлашиб кетди. Шу йиллардан бери банк фаолияти иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш билан бирга молиявий-иқтисодий сиёсат фойдасиз ресурсларни чуқур илдиз отишига йўл очиб беради. 80-йилларнинг бошида жаҳон иқтисодини пасайиши бошланди. Банк ўзини масштабларини кредит операцияларига тармоқлардан ссуда киритиш йўли билан кенгайтди. Кредитнинг асосий масаласи, бу ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида қайта кўриш ва шаклланишини ўзгартириш эди.

Шундай қилиб ўзининг бутун фаолияти давомида қайта кўриш ва ривожланиш ЖБ ва ХВФ ўз маҳсус ташкилотлари тизими билан аниқ амалий универсал ташкилотга айланди. Жаҳон валюта муносабатларида катта обрўга эга бўлди. Бутун жаҳон кредит оқимларини бошқариш ва кредит муносабатларида кафолатларни таъминловчи молиявий институт сифатида шаклланди ва ушбу жараёнларни актив иштирокчисига айланди.

11.3. ЖТТБнинг ресурслари ва уларнинг манбалари.

ЖБ аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши, тараққиёти улар халқларини фаровонлигини таъминлаш, шу жиҳатдан ушбу банкнинг молиявий имкониятлари билан боғлиқ бўлмоқда. Шу боис ЖБ фаолиятини ривожлантириш ривожланган мамлакатларнинг раҳбарларини доимо кредит маблағларни ҳажмини орттиришга чорлайди. Айтиш жоизки ушбу банк 1993 йилнинг охирларига келиб 163 млрд. доллар ташкил этган бўлсада, бундай миқдордаги капитал ЖТТБни оддий акция капиталидан ЖБ га айлантирилишига замин яратди. Шунга қарамай унинг тўпланган миқдори 7% га камайганлиги қайт этилди. Шунга қарамасдан бугунги кунга келиб Халқаро

молия муносабатларида ушбу банкнинг аҳамияти юқори бўлиб келмоқда. Чунки аъзо давлатларнинг хусусий ва реал секторларини ривожлантириш жараёнида давлатнинг ички молиявий ресурслари етишмаслиги кузатилиб, халқаро молия институтларидан, шу жумладан ЖТТБ дан кредитларни жалб этишга бўлган талаб янада ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб халқаро молия муносабатларида халқаро молия институтларини аҳамияти юқори ҳисобланади. Халқаро молия институтлари йирик молиявий ресурсларга ва катта ваколатларга эга ҳисобланади. Бу каби ташкилотлар жаҳон молия-кредит муносабатларининг асосини ташкил этади. ЖТТБ билан ҳамкорлик аъзо мамлакатлар учун нафақат йирик маблағларни иқтисодиётига жалб этиш имконини беради, балки жаҳон молиявий муносабатларида ўз ўрни ва эвазига эга бўлиш имкониятини ҳам тақдим этади.

Аъзо мамлакатлар ЖТТБ билан дастлабки йиллардан бошлаб кўп томонлама иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиб келмоқдалар. Бундай алоқалар ижтимоий соҳаларни, сиёсат, қишлоқ хўжалиги, энергетика соҳаларни ҳам қамраб олмоқда. Бундай алоқаларни кучайиб боришида ЖТТБ нинг молиявий ресурслари ва аъзо мамлакатлари томонидан талаб қилиб олинishi зарур бўлган маблағлар миқдори билан болиқ бўлмоқда. Айрим ҳолатларда молиявий ресурсларни чекланганлиги сабабли уларни сафарбар қилиш ва самарали ишлатилишининг мослашувчан механизминини давлат инвестицион сиёсати доирасида ҳамда алоҳида олинган корхоналар миқёсида ташкил этилиши муҳим масалалардан бирига айланиб қолмоқда. Аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг таркибини қайта қуришда, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилишда, ҳар бир соҳа ва тармоқни жжадал ривожлантиришда ЖТТБ дан жалб қилинаётган маблағлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги сир эмас албатта.

Аъзо мамлакатларнинг реал сектор корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, конференция алоқаларини кенгайтириш, мустақам ҳамкорликни йўлга қўйиш, аъзо мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида

ўрин тутади. Шунга кўра аъзо мамлакатлар иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини ЖТТБ томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятларини ошириш шу жиҳатдан жалб этиладиган маблағларни ташкил этиш манбаларини боғлиқ бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда аъзо мамлакатлар иктисодиёти турли соҳаларга молиявий қўллаб-қувватлаш хорижий кредит маблағлари ҳисобидан, давлатнинг ички маблағларини алб этиш орқали жойларда ишлаб чиқариш суръатини ошириш ва аъзо мамлакатларни жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятини яратиб бermoқда.

ЖБ нинг маблағларини асосий қисми Жаҳон молиявий тизимларидан кредит олишга қаратилгандир. Дунё молиявий бозорида бу қимматли қозғалдирилари ишлаб чиқариш билан чегараланади. Бу йўл билан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар капитал экспортларига таъсир ўтказади ва улар ўртасида воситачи вазифасини бажариш билан бирга хусусий инвесторларга икки ёклама қафолат яратиб беради.

ЖБ га ва унга аъзо мамлакатларга мана шунинг учун ҳам хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар ўзининг бўш маблағларини истиқболда юқори самара келтириши мумкин бўлган соҳаларга жалб этиш эътиборли бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда ЖБ ўз фаолиятида узок муддатли капиталларга ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатиб келмоқда.

ЖБ нинг устивор йўналишидаги хусусий иктисод секторини ривожлантириш мақсадида хорижий капиталларни молиявий манба сифатида жалб қилиб келмоқда. Хорижий капиталларни аъзо мамлакатларга инвестиция ёки кредит кўринишида жалб этилиши уларни кредит олиш масаласи билан мурожаат қилганда амалга оширилади. Бундай тартиб уларни суверенитетига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Бундай ҳолатлар эътиборга олинмаса талаб қилинаётган кредитлар берилмайди, шу қаторда бошқа манбаларни қисқаришига ҳам таъсир кўрсатади. Аъзо мамлакатларга кредитлар берилишида мамлакатнинг ижтимоий соҳа корхоналарининг талаблари эътиборга олинади. Чунки ЖБ турли манбалар ҳисобидан ёрдам кўрсатилишида ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши устуворлигича қолмоқда, яъни кредитлар, инвестиция ва бошқа молиявий ёрдам маблағлари ёрдамида янги иш ўринларини яратиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Шунингдек ЖТТБ ҳозирги кунда ўз молиявий ресурсларини аъзо мамлакатларни бозор муносабатларига ўтиши ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга ҳам қаратилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кун амалиётида ЖТТБ аъзо мамлакатлар иқтисодиёти реал секторини молиялаштириш, шу жумладан, кредитлаш операцияларини амалга ошириб келмоқда. Шу билан бир қаторда ЖТТБ Ҳалқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб аъзо мамлакатлар учун йирик маблағларни иқтисодиётга жалб этиш имконини бермоқда. Балки жаҳон молиявий муносабатларда ўз ўрни ва эвазига эга бўлиш имкониятини ҳам тақдим этмоқда. Шунинг учун ҳам ЖТТБ билан ҳамкорлик алоқаларни кенгайтириш ҳар бир аъзо ва аъзо бўлишга интилувчи давлатлар учун муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

11.4. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати.

Жаҳон Банкнинг капитали унинг секцияларига ёзилиш йўли билан ташкил қилиниши ва у дастлабки акцияларнинг салмоғи билан белгиланар экан. Унинг фаолиятини ривожлантириш ривожланган мамлакатларнинг раҳбарларини диққатини доимо банк кредит маблағлари ҳажмини орттиришга қаратиб келади. Бу эса ЖТТБ самарали кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритилишини талаб этади. Бундай сиёсатни юритиш кўп жиҳатдан банкнинг устав капитал ҳажмини (1993 йилнинг охирига келиб 163 млрд. долларни

ташкил этган) оширишни талаб этади. Қолаверса ХТТБ оддий акция капиталидан ЖБ акция капиталига айлантиради.

ЖБ нинг маблағларининг асосий қисми Жаҳон молиявий тизимлардан олинган кредит эвазига ташкил топган. Дунё молиявий бозорида бу қимматли қогозларни чиқариш билан боғлиқдир. Бу йўл билан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар капитал экспортларига таъсир ўтказилади ва улар ўртасида воситачи вазифасини бажариш билан бирга хусусий инвесторларга икки ёклама кафолат яратиб беради.

Айтиш жоизки ЖТТБ капитал миқдорини ўсиши ва аъзо мамлакатлар талабини қондириш имкониятига эга бўлиши у томондан кредит сиёсатини юритишга мўлжалланган тадбирларни амалга оширишга замин яратади.

ЖТТБ сиёсатининг таркиби ва ажралмас қисми сифатида кредит сиёсати аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётининг ва ривожланишини тартибга солишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Бунинг асосий шартларидан бири, аъзо мамлакатларнинг муомалада ортиқча пул массасининг ва инфляциянинг пайдо бўлишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, резерв кредит ресурсларини улар иқтисодиётининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда тартибга солиб бориш ҳисобланади. ЖТТБ ҳозирги шароитда ўз кредит сиёсатини янада чуқурлаштиришга, аъзо мамлакатларга ва валюта бозорининг янада эркинлаштиришга йўналтириб келмоқда. Шу билан бирга ЖТТБ ўз капитал маблағларини ошириш ва кредит ресурсларини аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришга қаратиш мақсадида кредит сиёсатини бозор механизмларини такомиллаштириб келмоқда.

ЖТТБ нинг аъзо мамлакатларининг иқтисодиётини ривожлантириш ва уни янада эркинлаштиришга қаратилган устувор йўналишлари ҳамда стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз кредит сиёсатининг асосий йўналишларининг амалга оширишда аъзо мамлакатларнинг кредит сиёсатини

иктисодий сиёсатининг бошқа йўналишлари билан узвий боғликлигини таъминлашга муҳим эътибор қаралмоқда.

ЖТТБ аъзо мамлакатларнинг етакчи тармоқларининг барқарор ўсишини таъминлашдаги роли тобора оlib бормоқда. Амалга ошириб келаётган кредит сиёсати туфайли аъзо мамлакатларда макро-микроектисодий барқарорликни янада мустаҳкамланиб келинмоқда.

ЖТТБ томонидан аъзо мамлакатларга нисбатан ўрнатилган қатъий кредит сиёсати ҳамда уларда пул масалаларини асоссиз ўсишини олдини олиш борасида олиб борилган чора-тадбирлари, корхоналарнинг ва инфляциянинг кутилишини сезиларли даражада пасайишига олиб келмоқда.

ЖТТБ томонидан аъзо мамлакатларда инкирозларни юзага келиши сабаблари юзасидан олиб борилган мониторинг натижалари, қатъий пул кредит сиёсатини амалга ошириши билан улар иктисодиётдаги нархларнинг ўсишида пул массаси ўсишига асосий таъсир қилувчи омил сифатидаги реал пасайиб борилишидаги далолат ҳам бермоқда.

Бундай омилларга аъзо мамлакатлари томонидан тартибга солинадиган табиий монопол ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларнинг нархлари ва тарифларнинг ўзгаришини, божхона тўловлари ставкалари ҳамда товар-экспорти ҳажмининг ўзгаришини қайд этиб ўтиш жоиз. Бу эса ўз навбатида, аъзо мамлакатларнинг аксариятида, импорт тўловлари нархларининг ҳамда тузилмавий корхоналар натижасида уларга нисбий нархларнинг ўзгариши юз берди.

Мана шунинг учун ҳам ЖБ га ва унга аъзо мамлакатларга хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар узининг буш пулларини Жаҳон Банкнинг облигацияларига айлантириб ишлаш сиёсатини юритишини ҳам кун тартибига чиқарди.

ЖТТБ дунё молиявий бозорида облигацияларининг ҳажми бўйича юқори ўринни эгаллаб келмоқда. Шунингдек ЖТТБ ўз кредит сиёсати орқали ўзок муддатларга кредит ресурсларини жойлаштиришга таъсир этиб ҳам келмоқда.

ЖТТБ нинг кредит сиёсати, унинг капиталини, ривожланаётган мамлакатларда жойлаштирилиши ва фойдаланиши, бу мамлакатлар талабларига жавоб берганлиги билан ажралиб келмоқда. ЖБ кредитларни олиш ҳақидаги мурожаатларни кондирш масалаларини қуриш жараени кенг қуламдаги иқтисодий ва молиявий ахборотларни бу мамлакатлардан олиншини ҳам талаб қилади ва шу мамлакатларга узининг вакилларини иқтисодий миссияларини бажариши учун юборади.

Уларнинг бу миссиялари асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар аъзоларидан шакллантирсада ҳам, улар мамлакатни иқтисодий ва молиявий ахволини урганиб чиқиб, аъзо мамлакатларнинг миллий ривожланиш дастурларига таъсир қурсатадилар, шунингдек уларнинг тавсиялари ЖБ нининг устивор йўналишдаги хусусий иқтисод секторини ривожлантириш мақсадида хорижий капиталларни жалб қилган ҳолда кредит бериш масаласи билан мурожаат қилган аъзо мамлакат суверенитетига таъсир қўрсатади.

Айтиш жоизки улар томонидан бундай тавсиялар эътиборга олинмаса талаб қилинаётган кредитлар берилмаслиги мумкин. Чунки у бутун Жаҳон молия ва кредит сиёсати иқтисодий ривожланишни самарали йўналтиришга хизмат қилади.

ЖБ ва ХВФ ўзаро ҳамкорликда ишлаган ҳолда улар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга қаратилиши билан бирга уларнинг молиявий-иқтисодий сиёсати фойдасиз ресурсларни чуқур илдиз отишига йўл очиб берди. Банк ўзининг ресурс потенциалини кредит операцияларига турли тармоқлардан ссуда киритиш йўли билан кенгайтди ва кучайтирди. Кредит сиёсатининг асосий йўналиши деб ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида қайта қуриш ва шаклланишини ўзгартириш масаласи деб топилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзининг бутун фаолияти давомида қайта қуриш ва ривожланиш ЖБ ва ХВФ ўз махсус ташкилотлари тизими билан аниқ амалий универсал ташкилотга айланиб, жаҳон валюта муносабатларида катта обрўга эга бўлди. У нафақат бутун жаҳон кредит оқимларини бошқариш балки шу

билан кредит муносабатларини кафолатловчи ва таъминловчи сифатида иштирок этувчи бўлиб ҳам майдонга чиқди.

11.5. Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Халқаро Молия Корпорацияси, уларнинг асосий вазифалари ва функциялари.

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ~ бу жаҳон банки таркибидаги ташкилотлардан бири бўлиб, бу ташкилот орқали жаҳон банки имтиёзли шартларда кредитлар тақдим этади. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси дунёдаги энг камбағал мамлакатларга узоқ муддатга имтиёзли шартлар асосида фойсиз кредитлар бериш билан машғул. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси инсон капиталини оширишга, иқтисодиёт ва соҳасини кенгайтиришга, ўқув муассасалари ва жисмоний инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашади. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси мақсади – мамлакатлараро ва мамлакатдаги ички тенгсизликни олдини олиш, бошланғич таълим муассасаларининг фаолиятини янада ривожлантириш, уни барчага етказиш, тиббий хизмат кўрсатиш, сув созиш, канализация ва шу каби йўналишларни ривожлантиришдан иборат бўлди.

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки ташкил этилгандан сўнг (1944 йил) номи Жаҳон банки номи билан машҳур бўлди. Банкнинг асосий мақсади иккинчи жаҳон урушидан талофат кўрган Европага ёрдам кўрсатиш эди. Европанинг салоҳияти тикланиб, иқтисодиёти изга туширилгандан сўнг, банк ўз эътиборини ривожланаётган мамлакатларга қаратди. 1950 йиллар мобайнида камбағал ривожланаётган мамлакатлар ўзлари учун керакли бўлган маблағни банк тақдим этаётган кредитнинг шартлари асосида оломаслиги маълум эди. Улар учун имтиёзли шартларда кредитлар бериш керак эди.

Сирасини айтганда АҚШ ва банкка аъзо мамлакатлар ҳамкорлигида, ўта камбағал ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли шартларда кредитлар бера оладиган ташкилот тузилди. Улар бу ташкилотни Жаҳон ривожланиш

ассоциацияси деб номлашди. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташкилотчилари ушбу ташкилот орқали, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериши кўзда тутилган эди. Шу билан бир қаторда Жаҳон ривожланиш ассоциациясини Жаҳон банки сингари ўз олдига намунали ташкилот бўлиши нстагини мақсад қилиб қўйдилар. Шу сабабли АҚШ президенти Дуайт Эйзенхауэр Жаҳон ривожланиш ассоциациясини Жаҳон банкининг бир бўлаги сифатида қолишни маъқуллаб берган таклифини барча ташкилотчилар томонидан маъқулланганлиги ҳам бежиз эмас албатта. Бундай таклиф ўзаро келишувни жадаллаштирди. Ушбу келишув маъқуллангандан сўнг 1961 йилда Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ўзининг илк кредитларини Гондурас, Ҳиндистон, Судан ва Чили каби давлатларга тақдим этишга мувофиқ ҳам бўлди.

Шубҳасиз, Жаҳон банки ва Жаҳон ривожланиш ассоциацияси бир хил тарзда бошқарилди. Ишчилар сони, бошқарув президенти, лойиҳаларни таҳлил қилиш ва баҳолашдаги қоидалар умумий бўлиб қолди. Уларнинг ягона фарқи Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ўз маблағларини бошқа “яшик”дан олса, Жаҳон ривожланиш ассоциациясига аъзо бўлиш орқали мамлакатлар авваламбор Жаҳон банкига ҳам аъзо бўлиши лозим бўлади. Ҳозирги кунда Жаҳон ривожланиш ассоциациясига аъзо мамлакатлар сони 164 тага етди.

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси кредитларини узиш муддати ҳам 20, 35 ёки 40 йилни ташкил этиб, асосий қарзни ёпиш учун қўшимча 10 йил имтиёзли муддат тақдим этилади. Бунда аъзо мамлакатларга берилган кредитлардан фоиз олинмайди, (0.75 % миқдоридаги комиссиян йигимдан ташқари).

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси 1960 йилдан бошлаб жами 135 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитларни аъзо мамлакатларга ажратишга эришди. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ҳар йили 6-7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги суммани турли хил ривожланиш лойиҳаларига: бошланғич таълим, тиббий хизмат, тоза ичимлик сувига ва канализациялардан

фойдаланишга ажратадиган бўлди. Бундан ташқари Жаҳон ривожланиш ассоциацияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий тизимларни либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва зарур бўлган инфратузилмани ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштирди. Аъзоликдаги мавжуд бундай кенг имкониятлар уларни иқтисодий ўсишга, янги ишчи ўринларини яратилишига, аҳоли реал даромадларини ошишига ва яшаш шароитининг яхшилашига ёрдам берди.

Айтиш жоизки Жаҳон банки ўз маблағларининг асосий қисмини жаҳон молия бозорлари амалга ошириб келаётган операциялардан олаётган бир вақтда, Жаҳон ривожланиш ассоциацияси маблағларининг асосий қисмини бойроқ аъзо давлатларнинг бадаллари орқали ташкил этилмоқда. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташкил топган даврдан бошлаб, бадалларнинг умумий сони ўсиб борувчи тарзда 190 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Қўшимча бадаллар эса Жаҳон банкининг соф фойдасидан ва олдиндан берилган кредитлар қарзини узиш ҳисобидан шакллантирилди.

Донор давлатлар ҳар уч йилда Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг ресурсларини тўлдириш учун йиғиладилар. Уч йил мобайнида “ўн учинчи маблағларни тўлдириш”дан келиб тушган маблағлар орқали лойиҳалар молиялаштирилади. Бундай маблағларни тўлдириш операцияси орқали Жаҳон ривожланиш ассоциацияси умумий суммаси 23 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган кредитларни бериш имкониятига эга. Ушбу маблағларнинг аксарияти донор мамлакатлар томонидан тақдим этилган. Қолган маблағлар эса берилган кредитларнинг ўз вақтида сўндирилишидан ҳамда донорларга алоқаси бўлмаган бошқа ресурслардан келиб тушган пул маблағларидан ташкил топади.

“Ўн учинчи маблағларни тўлдириш”дан келиб тушган маблағларнинг катта қисми АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канада каби давлатлардан келиб тушган. Мисол учун, АҚШ энг катта донорлардан ҳисобланиб, уч йил мобайнида 2.85 млрд. АҚШ доллари

микдорида пул ўтказиб бериш масъулиятини олган. Унчалик бой бўлмаган давлатлар ҳам Туркия ва Жанубий Корея эътиборга олинган ҳолда Жаҳон ривожланиш ассоциациясига пул ўтказиб турадилар. Ҳозирги кунда Жаҳон банкидан кредит олаётган Аргентина, Бразилия, Чехия, Венгрия, Мексика, Польша, Россия, Словакия, Жанубий Африка ва Венесуэла ҳам “Ўн учинчи маблағларни тўлдириш”да ўз хиссасини қўшганлар. Бошқа маблағ олувчи давлатларга эса Австралия, Австрия, Барбадос, Багам Ороллари, Бельгия, Дания, Финландия, Греция, Исландия, Исроил, Қувайт, Люксембург, Голландия, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия, Саудия Арабистони, Сингапур, Испания, Швеция ва Швейцария киради.

Кейинги пайтларда диққатга сазовор бўлган нарса у ҳам бўлса Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташаббуси асосида амалга оширилган ишлар бўлиб ҳисобланмоқда, яъни:

➤ Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг ташаббуси асосида Африка давлатларида 45 мингга яқин янги ўқув муассасалари қурилди ва қайта таъмирланди, шу тариқа тахминан 1.8 млн. ўқувчилар бошланғич таълим ола бошладилар;

➤ Осиё давлатларида 6.7 мингга яқин тиббиёт муассасалари қурилди ва жиҳозланиб, қишлоқ аҳолиси фойдаланувига топширилди;

➤ Лотин Америкаси давлатларида эса 9.5 млн. аҳоли жалб қилинган инвестициялардан фойдаланди ва иш билан таъминлади;

➤ Африка давлатларида бошланғич таълим муассасалари дарсликлар билан таъминланди, аксарият дарсликлар шу ернинг ўзида ишлаб чиқилди ва нашр этилди;

➤ Ҳиндистонда 52.5 мингга яқин шифокорлар СПИДга қарши миллий дастур тизимида профилактика усули ёрдамида ўқитилди.

ЖТТБ-дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти бўлиб, ХВФ билан бир вақтда ташкил қилинган (1994 йилнинг июль ойида). ЖТТБ ҳақидаги шартнома бир вақтнинг ўзида унинг низоми бўлиб ҳисобланади. Шу

Ўринда айтиб ўтиш лозимки у 1945 йилнинг 27 декабридан кучга кирган эди. Ушбу низом унинг фаолиятини бошлаши учун тўртки бўлган эди. Дастлабки йилларда банк фаолияти ундаги аъзо мамлакатларнинг шахсий инвестицияларини рағбатлантиришга йўналтирилган эди. Шу даврда аъзо мамлакатларнинг хўжаликлари иккинчи жаҳон уруши таъсири ва ундан кейинги вақтларда бошқа омиллар таъсирида анча талофот кўрган ва иқтисод ва сиёсатга кучли зайифлашган эди. Банк фаолияти бундай давлатларда АКШ томонидан олиб бораётган сиёсатни тўлдирди. Юқорида қайд этилган ва «Маршалло режаси» деб номланган сиёсат ҳар томонлама бир вақтни ўзида Ғарбий Европа мамлакатларининг урушдан кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсатларини қўллаб-қувватлашда қўл келди.

Ғарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва ўз мавқеини тиклаб олиш, мустамлакаларга чек қўйилиши билан бир вақтни ўзида Жаҳон Банкининг фаолиятини ўзгартирилишига ҳам сабаб бўлди.

Жаҳон Банки мустақилликка эришган мамлакатларни жаҳон иқтисодиёти тизимига киритишни уларга бозор иқтисоди муносабатларини белгилашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Жаҳон Банки БМТ нинг махсус молиявий институти деб тан олинди ва унинг стратегик вазифалари белгилаб берилди. Бундай вазифаларсирасига жаҳон миқёсида асосий хўжалик марказлар тизимини интеграциялаштириш ва унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётини киритиш мақсадга мувофиқ деб эътироф этилди.

Халқаро ҳамкорликнинг кўзга ташланадигани, ҳозирги даврда унда нафақат Европа, балки Осиё мамлакатлари ва Собиқ иттифоқидан чиққан мамлакатлар ҳам иштирок этиб келмоқдалар. (Вьетнам, Лаос, Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Румыния, Чехия, Словакия ва бошқаларидир). Бу эса аъзо мамлакатлар учун нафақат йирик маблағларни улар иқтисодиётига жалб этиш имконини берди, балки жаҳон молиявий муносабатларда ўз ўрни ва эъзига эга бўлиш имкониятини ҳам тақдим этди. Шунинг учун ҳам ЖБ билан

ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳар бир давлат учун муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ЖБ президенти Америка мамлакатининг давлат раҳбарлари ёки молия тизимининг бошқарувчиларидан бири эгаллаш мумкин. Бундай тартиб ҳозиргача сақланиб келган. 1968-81 йилларда АҚШ мудофаа вазири Р.Макиамара, ундан кейин АҚШ хусусий банклар президенти О.Клаузен бўлган. 1980 йил охирларидан АҚШ Конгрессининг аъзоси Б.Коннейбл раҳбарлик қилган, 1990 йиллардан буён яна бу лавозимни молия бизнеси вакили Л.Крестон эгаллади. Бундай анъана сақланиб келиши ЖБ оқилона бошқариб келинишига ҳам замин яратиб бермоқда.

ЖБ Бош органи Вашингтонда жойлашган. Шу боис ҳам АҚШ ўзининг бу борадаги устиворлигини доим билдириб туради, лекин кейинги пайтларда Ғарбий Европа ва Япония мамлакатларининг таъсири кучаймоқда, бу эса АҚШ устиворлигига таъсир этиб келмоқда.

11.6. Халқаро ривожланиш ассоциациясининг ресурслари ва уларнинг ташкил топиш манбалари.

Илмий асосларга таянган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида тўғри ташкил қилинган молиявий ресурслар аъзо мамлакатларнинг истиқболда ривожланишлари учун муҳим аҳамият касб этади. Халқаро ривожланиш ассоциациясининг молиявий ресурслари ҳисобига аъзо мамлакатларни қўллаб-қувватлаш замирида юридик ва жисмоний шахсларнинг фаровонлиги ошади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва аъзо мамлакатлар ҳолатига улар эҳтиёжларидан келиб чиқиб ресурсларни жалб этиш жараёнида, кредит ресурслари орқали аъзо мамлакатларнинг моддий ва маънавий даражасини ошириш, ижтимоий-маъданай тадбирларга улар ички маблағларини

кенгайтириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бугунги кунда Халқаро ривожланиш ассоциациясининг аъзо мамлакатларда олиб борилаётган кредит сиёсатини асосий йўналишларидан бири уларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва зарур бўлган инфратузилмани ташкил этиш ва тартибга солишдан иборат. Жойларда кредит ресурсларини мақсадли, самарали ва оқилона ишлатишга риоя этиш билан бирга, қарзларни ўз вақтида узиш ҳамм муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон ривожланиш ассоциацияси кредитларини узиш муддати 20, 35 ёки 40 йилни ташкил этган ҳолда, асосий қарзни узиш учун яна қўшимча 10 йил имтиёзли муддат белгиланган. Бунда берилган кредитлар учун фоиз олинмайди, (фақат 0.75 % миқдорида белгиланган комиссиян йиғимдан ташқари). 2002 молия йилида (30 июн 2002 йил) Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг жами тасдиқланган кредитлар миқдори 8.1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, улардан амалда атиги 6 млрд. АҚШ доллари ажратиб берилганлиги эътироф этилган бўлса, унда 1960 йилга келиб ассоциация томонидан жами 135 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ҳар йили турли хил ривожланиш лойиҳаларига 6-7 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги суммани ажратиб келмоқда, яъни: бошланғич таълимга, тиббий хизматга, тоза ичимлик сувига ва канализациялардан фойдаланишга. Бундан ташқари Жаҳон ривожланиш ассоциацияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий тизимларни либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва зарур бўлган инфратузилмани ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш каби миссияларни бажариб келмоқда. Юқоридаги барча лойиҳалар иқтисодий ўсишга, янги ишчи ўринларини яратилишига, аҳоли реал даромадларини ошишига ва яшаш шароитининг яхшилашига ижобий таъсир этиб келмоқда.

Жаҳон банки ўз маблағларининг асосий қисмини жаҳон молия бозорларидан олаётган бир вақтда, Жаҳон ривожланиш ассоциацияси маблағларининг асосий қисмини аъзо мамлакатларнинг бадаллари орқали шакллантириб келишмоқда. Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташкил топган даврдан бошлаб, бадалларнинг умумий миқдори ўсиб боровчи тарзда 190 млрд. АҚШ долларидан ошди. Қўшимча тушумлар эса Жаҳон банкининг соф фойдасидан ва олдиндан берилган кредитлар қарзини узишдан келиб тушган фойзалар ҳисобидан ташкил этилмоқда.

Донор давлатлар ҳар уч йилда Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг ресурсларини тўлдириш учун йиғиладилар. Уч йил мобайнида “ўн учинчи маблағларни тўлдириш”дан келиб тушган маблағлар орқали лойиҳаларни молиялаштиришга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бундай маблағларни тўлдириш мақсадида Жаҳон ривожланиш ассоциацияси умумий суммаси 23 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган кредитларни манба сифатида бериш қобилиятига эгадир. Ушбу маблағларнинг аксарияти донор мамлакатларникидир ёки улар томонидан тақдим этилган манбадир. Қолган маблағлар эса берилган кредитларнинг ўз вақтида сўндирилишидан ҳамда донорларга алоқаси бўлмаган бошқа ресурс манбаларидан келиб тушган пул маблағларидир.

“Ўн учинчи маблағларни тўлдириш”дан келиб тушган маблағ манбасининг катта қисми АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канада каби давлатлардан келиб тушган. Мисол учун, АҚШ энг катта донорлардан бири бўлиб, уч йил мобайнида 2.85 млрд. АҚШ доллари миқдорида пул ўтказиб беришга ваъда берган. Бу жуда катта манба бўлиб ҳисобланади. Унчалик бой бўлмаган давлатлар ҳам Жаҳон ривожланиш ассоциациясига ўзларининг турли манбаларидан пул ўтказиб турадилар. Бундай мамлакатлар қаторига Жанубий Корея ва Туркия киради. Ҳозирги кунда Жаҳон банкidan кредит олаётган Аргентина, Бразилия, Чехия, Венгрия, Мексика, Польша, Россия, Словакия, Жанубий Африка ва Венесуэла ҳам “Ўн учинчи

маблағларни тўлдириш”да ўз хиссасини қўшганлар. Бошқа маблағ олинган давлатларга эса Австралия, Австрия, Барбадос, Багам Ороллари, Бельгия, Дания, Финландия, Греция, Исландия, Исроил, Кувайт, Люксембург, Голландия, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия, Саудия Арабистони, Сингапур, Испания, Швеция ва Швейцария киради. Ассоциацияни ривожлантиришнинг барча босқичларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва кредит бериш технологиялардан фойдаланиш аъзо мамлакатларга киритиладиган маблағлар учун имтиёзлар мавжудлиги, улар пулини иқтисод қилиш ва қўзланган мақсадга эришиш учун хазиначи вазифасини бажариб келмоқда деган муболаға бўлмайди. Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг аъзо мамлакатларга ўз молиявий ресурслари доирасида кредитлар тақдим этилиши ижобий томонлари мавжуд:

- қисқа фурсатларда аъзо мамлакатларнинг молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш;

- аъзо мамлакатлар молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;

- аъзо давлатларни лойиҳалар кесимида молиялаштиришда турли мавжуд манбаларни(ички ва ташқи) эътиборга олган ҳолда кредит тақдим этилгандан сўнг уни ижросини ҳар ойга (йилга) деталлаштирилган мониторингини ўтказиш;

- аъзо мамлакатларнинг молия ва банк ташкилот (муассасалари) томонидан тақдим этилган кредит ресурслари ҳисобидан қилинадиган харажатларни ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан тақдим этилган кредитлардан фойдаланувчилар томонидан суистеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат қилиш (шунингдек аудит кенгашларини ўтказиш);

- тақдим этилган кредит ресурсларини муддасида хизмат кўрсатувчи ташкилот (корхона)ларга ўтказиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартириш.

Шундай қилиб аъзо мамлакатларга тақдим этиладиган кредит ресурсларини ажратишдан мақсад улар талабини эҳтиёжлар доирасида қондиришни оқилона ташкил этиш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатишдир.

Шунингдек Жаҳон ривожланиш ассоциацияси ташаббуси асосида амалга оширилган ишлар натижаси сирасига қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш муҳимдир. Мисол учун:

- Жаҳон ривожланиш ассоциациясининг ташаббуси асосида Африка давлатларида янги ўқув муассасалари қурилди ва қайта таъмирланди, натижада қолоқ деб танилган Африка давлатларида юз минглаб ўқувчилар бошланғич таълим олиш имкониятига эга бўлишлари;

- Осиё давлатларида минглаб тиббиёт муассасалари қурилди ва жиҳозланиб, қишлоқ аҳолисига фойдаланишга топширилганлиги;

- Лотин Америкаси давлатларида эса инвестицияларни жалб этиш орқали ўн миллионга яқин аҳоли иш билан таъминланиши;

- Шунингдек Африка давлатларида бошланғич таълим муассасаларига тақдим этилган ресурслар ҳисобига дарсликлар тақдим этилди ёки дарсликлар билан таъминланди, аксарият дарсликлар шу ернинг ўзида нашр этилди ва фойдаланишга тақдим этилди.

Аҳоли жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда келаётган ва унинг катта қисми қашшоқ ҳолатда яшаб келишини бартараф этиш мақсадида Ҳиндистонда 52.5 мингга яқин шифокорлар СПИДга қарши миллий дастур тизимида профилактика усули ёрдамида ўқитилиши билан боғлиқ ҳаракатлар қоплаб берилди.

11.7. ХМКнинг ресурслари ва уларнинг ташкил топиш манбалари.

ХМК ривожланаётган аъзо давлатлардаги компанияларга молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг тўлиқ ассортименти таклиф қилади. Молиявий

махсулотлар ва хизматларнинг энг муҳим турлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қайдиқилинган ёки ўзгарувчи фойиз ставкаси бўйича асосий валюталар ёки миллий валютада узоқ муддатли қарзларни;
- акционерлик капиталига инвестицияларни;
- квази-капитал молиявий инструментларини (субординациялашган кредитлар, имтиёзли акциялар, облигациялар, конвертирланадиган қарз инструментлари);
- синдикациялашган қарзларни;
- рискларни бошқаришни (валюта ва фонзлар билан «своп» битимларини ташкил этишда воситачилик, хеджинг операцияларининг амалга оширилиши);
- воситачилар орқали молиялаштиришни.

ХМК молиявий инструментларни алоҳида ёки комплекс (яъни йиғинди кўринишида) тарзда тақдим этиши мумкин. Бундан ташқари, ХМК аъзо мамлакатлардаги компанияларга молиялаштириш чизмаларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам бериши мумкин.

ХМК томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматлар учун тўлов энг аввало бозор ставкалари асосида аниқланади. Бунда ҳукумат кафолатлари қабул қилинмайди.

Айтиш жоизки ХМК хусусий секторларида ўрта ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштирувчи Жаҳон Банкнинг таркибий қисмидир. Ҳозирги кунда ХМК ривожланаётган давлатлардаги хусусий лойиҳалар учун ссуда ажратувчи ва акционер капиталини ташкил қилишнинг энг йирик Халқаро манбаси бўлиб ҳисобланади.

ХМК саноат ва иқтисодиёт секторларининг ишлаб чиқариш соҳаси, инфраструктура объектлари, туризм, соғлиқни сақлаш ва таълим, молиявий хизматлар сектори каби энг турли хил тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштиради. Молиявий хизматлар секторидаги лойиҳалар охириги вақтда тасдиқланаётган лойиҳаларнинг катта қисмини ташкил этмоқда: улар

хизматларни кенгрок қамраб олади. Уларга шаклланаётган ижара, сугурта ва ипотека кредити бозорларига инвестициялардан тортиб то талабаларга ссудаларни тақдим этиш ва алоҳида давлатларда банкларга кредит линияларини очиш билан боғлиқ бўлган хизматлар киради. Улар эса, ўз навбатида, кичик корхоналарга хўжалик фаолиятини юритиш учун микрокредитлар ва қарзларни тақдим этадилар. ХМК биринчи навбатда хусусий сектордаги лойиҳаларни молиялашга қарамай давлатнинг маълум улуши бўлган компанияларга молиявий ресурс тақдим этиши ҳам мумкин. Бунда лойиҳа тижорат асосида хусусий секторнинг иштироки билан амалга оширилиши лозим бўлади. ХМК миллий эгаларга бутунлигича тегишли бўлган компанияларга, шунингдек хорижий ва маҳаллий акционерларнинг иштироки бўлган қўшма корхоналарга ҳам молиявий ресурсларни тақдим этиши мумкин, яъни молиялаштиришни йўлга қўйиши мумкин.

Молиялаштириладиган субъект яъни маблағ олувчига нисбатан асосий талаб: лойиҳаларнинг молиялаштириши фақат хусусий инвесторлар билан биргаликда амалга оширилади. Инвестицион лойиҳа қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- хусусий секторга тегишлилиги;
- техник аҳволининг яхшилиги;
- даромадлиликнинг юқори потенциали;
- маҳаллий иқтисодиёт учун муҳимлиги;
- экологик ҳамда ижтимоий хавфсизлик (ҳам мамлакат мезонларига, ҳам Жаҳон Банки талабларига мос келиши).

Бунда молиялаштириш шакллари сифатида кредитлар тақдим этиш ва акционерлик капитали ҳисобига маблағ тақдим этиш эътироф этилади. Иккиси ҳам молиявий маблағ сифатида юзага чиқади. Ушбу манбалар ҳисобига молиялаштириш амалга оширилишида қуйидаги шартлар амалга оширилади:

- қўйилмаларнинг минимал ҳажми - кичик ва ўрта лойиҳалар учун - 100 000 АҚШ доллари, стандарт лойиҳалар учун эса 1 000 000 АҚШ доллари;

• кўйилмаларнинг максимал ҳажми - кичик ва ўрта лойиҳалар учун - 1 000 000 АҚШ доллари, стандарт лойиҳалар учун эса - 100 000 000 АҚШ доллари.

Корпорация томонидан тақдим этиладиган пул маблағлари корхонанинг айланма фондларини тўлдириш, шунингдек ички бозорда ёки чет элдан ХТТБ аъзо давлатларининг истаганида асосий фондларни харид қилишга сарфланиши мумкин. Бунда кредит кўйилмалари учун муддатлар белгиланади. Мисол учун кўйилмаларнинг муддатлилиги: кредитлар учун 8-12 йил, акционер капитали учун 8-15 йил деб эътироф этилган.

Молиялаштиришнинг хусусиятлари: янги лойиҳалар учун ХМК линияси бўйича молиялаштиришнинг максимал ҳажми лойиҳа бўйича умумий харажатлар сметасидан 25 %дан ошмаслиги лозим. Бундан истисно қатта бўлмаган лойиҳаларда ҳисобланади. Улар учун ушбу улуш 35 %гача оширилиши кўзда тутилиши мумкин. Аввалроқ амалга оширилган лойиҳаларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда харажатларнинг 50 %и ҳажмида маблағлар тақдим этилиши мумкин. Агарда ХМКнинг капитал кўйилмалари мазкур лойиҳани амалга ошираётган компания капитализациясининг умумий ҳажмини 25 %дан ортиғини ташкил этмаган тақдирда. ХМК томонидан тақдим этилаётган ҳар бир АҚШ долларига бошқа инвесторлар ва кредиторлар ўртача 5 дан ортиқ АҚШ долларини тақдим этишлари мумкин. Бунда капитализация ҳажми 20% дан ортиғини ташкил этмайди.

Кредит бўйича фоиз ставкаси ва биринчи тўловни кечиктириш даври ҳар бир лойиҳа учун келишиб олинади. Молиялаштиришни очиш ва маблағ олиш учун асосий ҳужжатлар сирасига бизнес-режа ва батафсил техник-иқтисодий асосланганлик ҳулосаси киради.

Бу борада шуни ҳам қайд этиш жоизки, аъзо мамлакатларда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожлангани сари режанинг ҳам аҳамияти ошиб бормовқда. Чунки ҳар қандай гоё, жумладан, тижорат иши ҳам муайян

режа асосида амалга оширилади. Шу боисдан ҳам ХМК бирон-бир гоёни амалга ошириш режасини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берадилар.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки аъзо мамлакатларни корхоналари учун, бизнес-режа ҳамма учун барча соҳадаги ишлар учун бирдай зарурдир. Масалан, ЖБ ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун тақдим этилган бизнес-режага мувофиқ пул маблағини тақдим этади.

Сармоя жалб қилиш учун, аввало, лойиҳа амалга оширилса у фойда келтиришини исбот қилиш ҳам керак бўлади. Айниқса, ЖБ, ЕТТБ, ХМК аъзо мамлакатларга лойиҳани амалга оширишга жалб этиш учун бизнес-режани пухта асослаб беришни зарурият даражасига олиб чиқишади. Бизнес-режани тузишда раҳбар шахсан ўзи иштирок этиши шарт. Хорижлик банкирлар ва сармоядорлар, агар бизнес-режа четдан жалб этилган маслаҳатчилар томонидан тузилиб, унга корхона раҳбари фақат имзо қўйган бўлса, бундай лойиҳага ХМК томонидан маблағ беришдан бош тортадилар.

Албатта, бизнес-режани ишлаб чиқишда маслаҳатчилар хизматидан фойдаланиш керак бўлади. Аммо бизнес-режа ишлаб чиқишда корхона, фирма раҳбари, иш бошқарувчи албатта ўзи иштирок этиши зарурки, бу ишнинг яхши бошланиб, муваффақиятли якунланишига ХМК учун асос бўлиши лозим.

Мана шу режа асосида ишлаб чиқаришни самарали юритиш, товар, хизматларни бозорга олиб чиқиш, янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ундан даромад олиш, ресурсларни камайтириш, рақобат курашида ютиб чиқиш каби муаммоларни ҳал қилишга киришади.

Шунинг учун бизнес-режа доимо содда, тушунарли ва равион тилда ёзилиши, таркибий тузилиши аниқ бўлиши, айниқса, унинг хулоса қисмига алоҳида эътибор берилиши керак. Бизнес-режанинг хулоса қисми унинг якуний қисми саналади. Шу боисдан мазкур қисм бизнес-режанинг барча таркибий қисмлари тайёрлаб бўлинганидан кейин ёзилиши лозим.

Бизнес-режанитузиш жараёнида лойиҳа пухта таҳлил қилиниши ҳар бир тадбиркор ўзи бошлаётган ишнинг моҳиятига чуқур кириб бориши зарур

бўлади. Агар бизнес-режа пишиқ, пухта тузилса, тадбиркор учун нима иш қилиш лозимлиги аниқ кўриниб туради.

Бизнес-режа лойиҳа тури, унинг кўлами, ҳажмига қараб, ҳар хил бўлади. Бизнес-режанинг ҳар бир бўлими муҳим. Аммо унинг ҳулоса қисми, юқорида таъкидланганидек, бизнес-режанинг асоси саналади. Бизнес-режанинг бутун мазмунини қисқача тарзда унда акс этилади.

Бизнес-режа корхона эгаси ва сармоядорлар музокараларида асосий ҳужжат саналади.

Шу боисдан бизнес-режа у билан танишиш истагида бўлган ҳар бир молиявий институт учун тушунарли тарзда тузилиши, аниқ ёзилган бўлиши керак. Бизнес-режа аниқ, тушунарли бўлиши учун у қуйидаги таркибий қисмлардан таркиб топиши мақсадга мувофиқдир:

- бизнеснинг мақсади ва асосий ғояси;
- корхона (фирма) ишлаб чиқарадиган маҳсулот (хизмат)ларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг бозор талабларига мослиги;
- фирма (корхона)нинг ташкилий ҳамда ишлаб чиқариши тузилиши;
- ишнинг молиявий таъминоти;
- корхона (фирма)нинг ривожланиш истикболлари.

Бизнес-режада лойиҳанинг молиявий таъминоти кўрсатилган бўлим алоҳида ўрин тутати. Чунки унда корхона (фирма)ни ташкил этиш учун қанча миқдорда сармоя кераклиги, лойиҳани молиялаштириш манбалари (акция сотиш, қимматбаҳо қозғовлар чиқариш, банк кредити олиш, корхона ташкил этаётганларнинг ўз маблағи), агар хорижий валюталарда сармоя жалб этиш режалаштирилаётган бўлса, у қайси айирбошлаш курсида бўлиши, узоқ муддатли сармояларга ва айланма капиталга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун қандай шарт-шароитлар асосида молия маблағлари жалб этилиши ўз ифодасини топган бўлади.

Умуман, пишиқ-пухта, обдон ўйлаб тузилган бизнес-режа корхона (фирма) ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ҳамда унинг келгусидаги ривожланиш

имкониятларига ҳолис баҳо бериш учун асос бўлади.


ХМК чекланган ҳолатда бозор операторларининг фаолиятини тўлдириши эҳтиёжи туғилганда инвестициялашда иштирок этади. Эришилган муваффақиятлар ва кўп томонлама ташкилот махсус статусга эга бўлганлиги туфайли ХМК хусусий капитал қўйилмаларининг катализатори сифатида амал қилиш имкониятига эгадир. ХМКнинг ҳар қандай лойиҳадаги иштироки инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлайди ҳамда бошқа кредитолар ва акционерларни жалб қилишга ёрдам беради. ХМК Халқаро тижорат банкларининг иштироки ёрдамида синдикациялашган қарзларни ташкил этиш, инвестицион маблағлар ва корпоратив қимматли қоғозларни чиқаришнинг кафили сифатида қатнашиш орқали ривожланаётган мамлакатлардаги рентабелли компаниялар учун бевосита молиявий ресурсларни жамлайди. Бундан ташқари, ХМК қимматли қоғозларни хусусий тарзда жойлаштириш билан шуғулланади.

ХМК ривожланаётган давлатлардаги тадбиркорларга кўп масалалар бўйича, шу жумладан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондлари ва молиявий фаолиятини реструктуризация қилиш, бизнес-режаларни тузиш, бозорларни, маҳсулот турларини, технологияларни, молиявий ва техник ҳамкорлик бўйича ҳамкорларни қндириш, шунингдек лойиҳали молиялаштириш шартлари асосида маблағларни жалб қилиш бўйича маслаҳатлар беради. ХМК инвестицион лойиҳалар бўйича ёки суммаси бозор тажрибасига мувофиқ аниқланадиган мукофот эвазига алоҳида маслаҳат хизматларини кўрсатиши мумкин.

ХМК тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни эндиликда мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг асосига айланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш масалалари бўйича ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларига маслаҳат беради, шунингдек бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича тавсияларни тақдим этади. Хусусан, ХМК капиталнинг маҳаллий бозорларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ХМК

давлат тасавуридаги корхоналарни реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича қўмаклашади.

ХМКнинг инвестицион фаолиятини минтақавий ва тармоқ департаментлари бошқаради. Тармоқ департаментлари лойиҳанинг минтақавий хусусиятидан қатъий назар бутун Жаҳон бўйича мувофик тармоқлардаги лойиҳалар билан шуғулланади. Минтақавий департаментлар ўзларининг географик минтақаларида ХМКнинг тармоқ департаментлари шуғулланмайдиган тармоқлардаги лойиҳалар билан шуғулланадилар. Минтақавий департаментлар шуғулланувчи лойиҳаларнинг кўп қисми молиявий хизматлар ва бозорлар, ишлаб чиқариш соҳаси сингари фаолиятнинг кенг йўналишларига тегишлидир. Инвестицион лойиҳани қабул қилиш ва молиялаштиришда ХМК инвестицион лойиҳа мезонларини эътиборга олишади (чизма 1).



Чизма 1. ХМК томонидан инвестицион лойиҳаларни фойдаланишда эътиборга олинадиган мезонлар.

Ушбу чизма мезонларига таянилган ҳолда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки инвестицион лойиҳани қўллашдан кутилаётган соф фойда меъёри қарз фоицлари суммасидан юқори бўлгандагина у рентабелли хисобланади. Ушбу ҳолат таъминланиши кутилаётган тақдирда ХМК инвестицион лойиҳаларини қабул қилишлари ва молнавий ресурсларни тақдим этишлари мумкин бўлади.

2000 йилининг 1 январида ХМК ва Жаҳон Банки (ХТТБ) бир қанча фаолият юритаётган гуруҳларнинг малакали кадр ресурсларини бирлаштириб, иқтисодий сиёсат ва хусусий инвестициялар масалалари ўртасида яқин алоқа мавжуд бўлган тармоқларда ишловчи 5 та биргаликда бошқарилувчи департаментлари ташкил этди. Буларга:

- нефт-газ ва кимё департаменти;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналари департаменти;
- глобал инфорацион ва коммуникацион технологиялар департаменти;
- тоғ рудаси саноати департаменти;
- хусусий сектор корхоналари учун маслаҳат хизматлари департаментини киритиши эътироф этилди.

Сирасини айтадиган бўлсак қўшма департаментлар маҳсулотлар, хизматлар самарадорлигини ошириш ва инвестициялар координацияси ва сиёсат масалалари бўйича маслаҳатларни тақдим этиш орқали хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилган Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳининг стратегиялари мақсадида ташкил этилган эди. Ушбу департаментлар фаолияти давомида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин ва шу сабабли Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича бўлим ташкил этилган.

ХМК линияси бўйича молиялаштирадиган маблағларни олишнинг стандарт шакли мавжуд эмас. Янги корхонани ташкил этмоқчи бўлган ёки амалдагисини кенгайтирмоқчи бўлган ҳам хорижий, ҳам миллий компаниялар ёки тадбиркорлар бевосита ХМКга мурожаат қилишлари мумкин. Алоқа ўрнатилганидан кейин ва тақлиф олдиндан кўриб чиқилганидан сўнг лойиҳани охиргача баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорни қабул қилиш учун ХМК лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланганлиги ёки бизнес-режасини юқорида қайд этилган тартиб қоидалар асосида талаб қилиши мумкин.

ХМКнинг маҳсулотлари ва хизматлари учта асосий йўналишларга эга

фаолият турларини қамраб олади:

Молиявий маҳсулотлар. Анъанавий ва ҳажми жиҳатидан энг йирик ХМК фаолиятининг йўналиши - ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторидаги лойиҳаларни молиялаштириш. ХМК кредитларни тақдим этади, улушли ва квази улушли молиялаштиришни амалга оширади. Бундан ташқари, ХМК молиявий рискларни бошқариш бўйича маҳсулотларни таклиф қилади ва воситачилар орқали молиялаштиришни амалга оширади.

Бу ерда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки ХМК ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторида реализация қилинадиган лойиҳалар учун молиявий маҳсулотларнинг кенг ассортименти таклиф қилиши мумкин, яъни:

- ХМК ўз маблағларидан қарзлар: “А” типдаги қарзлар; улушли молиялаштириш;

- квазиулушли молиялаштириш: “С” типдаги қарзлар; синдикацияланган қарзлар: “В” типдаги қарзлар; рискларни бошқариш бўйича маҳсулотлар; воситачилар орқали молиялаштириш.

Табиийки бунда ХМК алоҳида лойиҳанинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришнинг комбинациялашган вариантларини таклиф қилиши мумкин. Аммо молиявий маблағларнинг катта қисми, шунингдек лойиҳани бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш хусусий сектор вакиллари томонидан таъминланади.

Қоида бўйича, ХМК томонидан молиялаштириладиган корхоналар акцияларининг назорат пакети хусусий сектор вакилларига тегишли бўлсада ҳамхусусийлаштириш жараёнидаги давлат корхоналари бундан мустаснодирлар. ХМК молиялаштиришни ҳукумат ўз кафолатлари остида амалга оширмайди, лекин корпорация фаолияти кўп ҳолларда ривожланаётган мамлакатларнинг давлат органлари билан яқин ҳамкорликни кўзда тутди.

Маслаҳат хизматлари. ХМК ривожланаётган давлатларнинг хусусий корхоналари ва ҳукуматларига консултьатив ва техник жиҳатдан кўмаклашади. Ушбу хизматлар муаммоларнинг кенг доирасини (қирраларини) қамраб олади,

жумладан хусусийлаштиришни, тижорат фаолиятига нисбатан давлат снѐсатини, шунингдек тармоқ масалалари бўйича маслаҳатлар беришни.

ХМК ривожланаётган давлатларнинг ҳукуматлари ва хусусий компанияларига хусусий сектор масалалари бўйича маслаҳат хизматларининг кенг турларини таклиф этади.

ХМК тадбиркорлик учун қулай шаронгларни яратиш мақсадида ҳукуматларга бир қатор турли хилдаги масалалар ва муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

ХМК, шунингдек хусусий компанияларга тижорат масалалари бўйича ва тижорат корхоналарини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар беради. Ушбу хизматларни кўрсатиш уларни молиялаштириш билан боғлиқ эмас.

ХМКнинг хусусий корхоналарга маслаҳат хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича ёрдамни;
- 2) кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаб чиқариш-тижорат фаолияти масалалари бўйича маслаҳатлар беришни;
- 3) реструктуризация масалаларини;
- 4) техник ёрдамни.

Ресурсларни жалб этиш(мобилизацияси). ХМК ривожланаётган давлатларнинг компанияларига капиталнинг Халқаро бозорларига чиқишига ёрдам беради. Бунда синдикациялашган банк қарзларини ташкил этишни кўзда тутувчи қарзларни тақдим этишда катнашиш дастури молиявий ресурсларни жалб этиш(мобилизация) қилиш бўйича фаолиятнинг асосини ташкил этади. Бундан ташқари, ХМК қимматли коғозларни кафолатланган ҳолда жойлаштириш, секьюритизацияни амалга ошириш, қимматли коғозларни хусусий тарзда жойлаштириш ва бошқа новаторлик усуллар ҳамда ёндашувларни қўллаш йўли билан инвестицион фондлар орқали Халқаро молия ташкилотлари линияси бўйича молиялаштириш ресурсларини жалб қилади. Агар

ХМК лойиҳада қатнашмаса ўз маблағларини унга инвестицияламаган ташкилотлар капиталини жалб қилиш орқали, чунки корпорация ривожланаётган давлатларда иш юритишда бой амалий тажрибага ва ушбу мамлакатларнинг ҳукуматлари билан яхши муносабатларга эга бўлганлиги боис катализатор ролини ҳам бажаради. ХМКнинг мустақил Халқаро ташкилот сифатидаги статуси ҳам хорижий инвесторларда, ҳам лойиҳа амалга оширилаётган давлатлар ҳукуматларида ишонч ҳиссини пайдо қилади. Корпорация лойиҳаларнинг ҳомийлари ва уларнинг реализациясида иштирок этувчи компанияларга мувофиқ давлатлар ҳукуматлари билан музокараларни олиб боришда ёрдам беради.

ХМКнинг роли унинг аъзо мамлакатларига ёрдам беришдан иборат бўлганлиги учун ушбу мамлакатлар ҳукуматлари корпорацияга бўлган ишончлари юқоридир. Бир вақтнинг ўзида компаниялар ХМК хусусий секторнинг эҳтиёжларини тушуниб иш тутишларини жуда яхши билишади. Бу эса ХМК фаолиятини кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва айниқса унинг томонидан кўрсатилаётган хизматларни камайтиришни таъминлайди.

11.8. ХМКнинг асосий вазифалари

Халқаро молиявий институтларга аъзо мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш мамлакатда халқаро молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватлаш таъминоти юқори бўлган мамлакатларда иқтисодий таркибий ва чуқур ўзгаришларга эришиш, шунингдек улар иқтисодиётини барча соҳаларида кичик ва ўрта бизнес шароитларини ва шу орқали хусусий секторни ривожлантириш ва уларни бозор механизмлари орқали халқаро молиявий институтлар томонидан чекланган молиявий ресурслардан оптимал ва самарали фойдаланишга, янги иш ўринларини очишга, мамлакатни қашшоқлик чегарасидан чиқаришга ҳаракат қилади. Ҳар бир аъзо мамлакатларда иқтисодий-ижтимоий муҳитни яхшилаш молиявий

институтлар томонидан инвестицион муҳитни соғломлаштириш ва инвестицион жараёнларни кенгайтиришдан бошланади. Шу боис халқаро Жаҳон банки каби халқаро молиявий компаниялар ёки гуруҳлар ҳам аъзо мамлакатларига талаб этиладиган даражада пул маблағларини жойлаштириш каби масъулиятли вазифани бажаради. Аммо Жаҳон банки гуруҳларининг вазифаси юқорида айтиб ўтилгандек маблағ жойлаштириш билан чекланмайди, балки улар кенг миқёсда маслахат хизматларини ҳам амалга ошириб келишмоқда. Жаҳон банки гуруҳларининг фаолиятини активлаштириш орқали аъзо мамлакатлар иқтисодиётини тартиби ва чуқур ўрганишларга эришиш, хусусий секторни ривожлантириш ва уларни янги молиявий механизмлари орқали чекланган молиявий ресурсларни қашшоқликни олдини олишга сарфланишини боғлиқлаш мумкин бўлади. Шу боис ЖаҳонБанки гуруҳларининг асосий мақсади - камбағалликни қисқартириш ва иқтисодиёт ўсишига ёрдам бериш бўлиб ҳисобланади. Жаҳон Банки гуруҳларининг турли бўлинмалари ривожланишининг деярли барча соҳаларнда актив иштирок этишади ва ҳар хил йўналишлар бўйича фаолият юритадилар. Бундай фаолият турлари иқтисодий ва таҳлилий текширувларни ўтказишдан тортиб то ҳукумат ҳамда хусусий корхоналарга молиявий ва техник ёрдамни кўрсатишга боғлиқ масалаларни қамраб олади. Бу эса иқтисодиётни жадаллик билан ривожланиши учун турли шаклдаги инвестицион ресурсларга бўлган талабнинг янада ошиб боришига замин яратади. Бу борада Жаҳон банки гуруҳларининг роли тобора ошиб боради. Шунини айтиш жоизки ҳозирги кунда Жаҳон Банки гуруҳига бешта ташкилот киради:

- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ). Ўз даромаднинг ўртача даражасига эга бўлган аъзо мамлакатлар ҳукуматларига ва даромаднинг паст даражасига эга бўлган кредитга лаёқатли давлатларга қарзлар беради;

- Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси (ХРА).У кредит деб номланувчи фондсиз ссудаларни нафақат аъзо мамлакатларга балки

дунёнинг энг камбағал давлатлари ҳукуматларига тақдим этади;

•Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК). Ушбу корхонанинг ҳам ривожланаётган давлатларнинг бевосита хусусий секторига кредит маблағларини тақдим этади;

•Инвестицион Кафолатлар бўйича Кўп Томонлама Агентлик (ИККТА). Ушбу агентлик ривожланаётган мамлакатларда нотижорат рисклар билан боғлиқ бўлган зарарлардан ҳимояланиш мақсадида инвесторларга бундай зарари қопдаш кафолатларни тақдим этади.

•Инвестицион Баҳсларни Мувофиқлаштириш бўйича Халқаро Марказ (ИБМХМ). Ушбу гуруҳ юзага келган инвестицион баҳсларни ҳал қилишнинг Халқаро механизмлари ва арбитраж ечимларини тақдим этади.

Юқорида санаб ўтилган Жаҳон Банки гуруҳининг бешта ташкилоти ичида Халқаро Молия Корпорациясининг фаолиятига батафсил тўхтаб ўтиш муҳимдир. ХМК ҳақида умумий маълумотларга таъриф бериб ўтсак:

- ♦ ташкил этилган йили: 1956;
- ♦ аъзо давлатлари сони: 176;
- ♦ мажбуриятлар портфели: 23,5 млрд. АҚШ долл. (шу жумладан 5,5 млрд.АҚШ долл. синдикациялашган кредитлар кўринишида)
- ♦ 2004 молиявий йил учун мажбуриятлар: 65 та мамлакатда 217 та лойиҳа бўйича 4,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди.

Дастурларни ва ХМКнинг бутун фаолиятини ҳаётга татбиқ этишкорпорациянинг 176 та аъзо давлатлари томонидан амалга оширилади.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) иқтисодий ривожланишга хусусий сектор орқали ёрдам беради. Ишбилармон ҳамкорлар билан биргаликда ХМК давлат кафолатларидан фойдаланмаган ҳолда ривожланаётган давлатларнинг барқарор хусусий корхоналарига улар талаблари чегарасида маблағларни инвестиция кўринишида тақдим этади. Бундай тўғридан тўғри кредитлаш ХМКни Жаҳон Банкidan принципиал фарқини ифодалайди: ўз келишувининг моддаларига мувофиқ ХТТБ ва ХРА

кредит ресурсларини фақат аъзо давлатларнинг ҳукуматларига тақдим этишлари билан чекланади. Унда ХМК айнан ушбу чекловни тўлдириш мақсадида ташкил этилганлиги боис аъзо мамлакатларга қўшимча ёрдамларни тақдим этиб келмоқда.

ХМК камбағалликни қисқартириш ва инсонлар ҳаётини яхшилаш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторига инвестицияларнинг барқарор оқимини рағбатлантиришда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

ХМК - штаб-квартираси Вашингтон шаҳрида (Колумбия округи) жойлашган бўлиб у Жаҳон Банки ташкилотлари гуруҳининг аъзосидир. ХМКнинг фаолияти Жаҳон Банки барча ташкилотларининг асосий мақсади каби - аъзо бўлган ривожланаётган давлатлар аҳолисининг ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилганлиги боис ушбу ташкилотни ҳозирда ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар роли ошиб бормоқда.

1956 йилда ташкил этилган ХМК ҳозирги кунда ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторида лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит ва улушли молиялаштиришни тақдим этувчи энг йирик кўп томонлама ташкилот бўлиб ҳисобланади. Сирасини айтганда ушбу ташкилот ривожланаётган мамлакатларга хусусий инвестициялар орқали барқарорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган десак муболаға бўлмайди. ХМК хусусий секторнинг барқарор ривожланишига хусусий инвестициялар орқалиқуйидаги йўллар орқали ёрдам бериш мақсадида:

- ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторида лойиҳаларни молиялаштириш;
- ривожланаётган давлатларнинг хусусий компанияларига Халқаро молия бозорларидан молиялаштиришни жалб қилишда ёрдам бериш;
- корхоналар ва ҳукуматларга маслаҳат (консуллатив) ва техник ёрдамни кўрсатиш шулар жумласидандир.

Корпорациянинг диққат марказида - ХМКнинг аъзо мамлакатларида юқори ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган корхоналар ва капиталнинг самарали бозорларининг ўсишига ёрдам бериш ҳисобига иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш каби масъулиятли вазифа туради. Бунда турли мамлакатлар ҳукуматларига маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни миллий ва хорижий инвестициялар ва жамғармаларнинг оқиб келиши учун қулай шарт-шароит яратишга ёрдам беришда ўз аксини топмоқда.

ХМК инвестицион лойиҳадаги иштироки унинг томонидан қўйилаётган ҳисса бозор субъектлари фаолиятини тўлдирсада намоён бўлади.Шунга мос равишда ХМК ривожланаётган давлатларда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва йиғиш бўйича ҳаракатлантирувчи куч(катализатор) ролини ўйнайди. Ушбу ҳолатХМК мамлакатларда жойлаштирилган инвестициялар даромад олиб келиши мумкинлигини ифодалайди.

Айтиш жоизки ҳозирги кунга қадар ХМК тижорат асосида фаолият юритиши боис ва фойда олишга ҳаракат қилади. Умуман корпорация ташкил этилганидан бери у ҳар йилни ўз фаолиятини фойда билан якунламоқ келмоқда.

65-70 йил ёки XX асрнинг 60 йилларининг ўрталарида дунё умуман бошқача ривожланиш хусусиятига эга бўлган. Шаклланаётган бозорлар ҳақида гап ҳам йўқ эди. Бутун Жаҳон бўйича хусусийлаштириш тенденцияси бўлмаган, алоқа воситалари соҳасида инқилоб бўлмаган, глобаллаштирилган иқтисодиёт бўлмаган. Дунё аҳолиси уни ҳозирги миқдорининг ярмидан камроғини ташкил этган.

Умуман олганда қашшоқ деб эътироф этилган давлатлар иқтисодиёти ўз ривожининг дастлабки босқичида эди, инсон ресурслари етишмас эди, инфраструктура объектлари ҳамда фойда ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилувчи ишончли молиявий институтлар бўлмаган. Жавобгарлик деярли тўлиқ давлат сектори зиммасида бўлган. Ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторига ўша вақтларда

инвестициялар паст даражада бўлсада уларни кўпайтириш масаласи умуман кўрсатилмаган.

Шундай шароитда 1956 йилда Халқаро Молия Корпорацияси ташкил этилди. Унгача бир неча йиллар давомида Жаҳон Банкнинг ходимлари Банк фаолиятини тўлдирувчи бошқа турдаги муассасанинг ташкил этилиши ҳақида турли фикрлар билдирганлар. Жаҳон Банкни Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ХТТБнинг аъзо давлатларининг ҳукуматларига кредитлар тақдим этиш йўли билан иктисодиётни тиклаш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун ташкил этилган ҳолда бундай функцияларни самарали амалга ошириб келаётган эди. Лекин ХТТБ фаолиятининг биринчи йилларидаёқ Банкнинг бир қатор раҳбар ходимлари камбағал мамлакатлар хусусий секторининг корхоналарига инвестицияларни кўпайтиришни рағбатлантирувчи муассасани ташкил этишни зарур деб ҳисобладилар. У пайтда йирик Халқаро корпорациялар ва тижорат молия муассасалари Африка, Осиё, Лотин Америкаси ёки Яқин Шарқ мамлакатларида фаолият юритишга катта қизиқиш билдирмаган эдилар. Ушбу минтақалардаги тадбиркорлар капиталнинг миллий манбаларига эга эмасдилар, хорижийлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Уларга молиявий ёрдам ўта зарур эди. Камбағал мамлакатларни ҳаракатлантирувчи куч (яъни катализатор) зарур эди. 1944 йилдаги Жаҳон Банкни ва Халқаро Валюта Фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган Бреттон-Вудс конференциясида бундай турдаги ёрдамни кўрсатиш тўғрисидаги биринчилар қаторида таклифлар ўртага ташланган бўлсада ҳам улар рад этилди. Агар улар қабул қилинганида эди Жаҳон Банкни ушбу масалалардан баъзиларини давлат кафолатларисиз хусусий компанияларга қарзларни бериш орқали ҳал қилиш имкониятига эга бўларди. Кейинчалик, яъни XIX асрнинг 40-йил охирида, Жаҳон Банкнинг президенти Юджин Р. Блэк ва вице-президенти Роберт Л. Гарнер (ўтмишда америкалик банкир ва «Дженерал Фудс Корпорейшн» компанияси раҳбарларидан бири) ушбу гояни биргаликда чуқурлаштирдилар ва янги

мазмунга хос ишлов бериб уни ниҳоясига етказдилар. Хусусий тадбиркорликнинг тарафдори бўлган Роберт Л. Гарнер ўзининг ёрдамчиси Ричард Демут ва бошқа экспертлар билан биргаликда бошқа гоёни -ХТТБнинг кредитларини бевосита хусусий секторга тақдим этиш ўрнига Жаҳон Банки тизимида хусусий сектор корхоналарига инвестицияларни амалга ошириш учун махсус янги муассасани ташкил этиш гоёсини ишлаб чиқаришга киришди.

Янги кўп қиррали муассаса (дастлабки номи - Халқаро ривожланиш корпорацияси) нинг эгалари сифатида ҳукуматлар бўлиши, лекин у корпорация сифатида фаолият юритиши тахмин қилинган эди. Бу эса ҳам давлат сектори, ҳам хусусий сектор билан муносабатда бўлиш имкониятини бериши табиийдир. Корпорация қарзларни бериш, корхоналарнинг акционерлик капиталида иштирок этиш ва ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторидаги лойиҳалар бўйича инвестицион таклифларни баҳолашда мутахассислар ҳамда экспертларни тақдим этиш билан шуғулланиши, яъни Жаҳон Банки давлат секторидаги лойиҳаларга нисбатан амалга ошираётган ишни бажариши тахмин қилинган эди. Бундан ташқари, янги муассаса ўз зиммасига тижорат рискларини олган ҳолда хусусий инвесторлар билан биргаликда фаолият юритиши тахмин қилинган эди. Ривожланаётган давлатларда янги хусусий инвестицияларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муҳим ғовларни бартараф этиш орқали корпорация янги иш жойларини яратиш, валюта ва солиқ тушумларини ошириш учун зарур бўлган миллий капитални ташкил этиш, шунингдек, билимлар, тажриба ва замонавий технологияларни беришга хизмат қилиши лозим эди.

Ушбу гоё ривожланиш соҳасидаги сиёсат бўйича АҚШ Маслаҳат Кенгашининг докладида 1951 йилнинг мартида биринчи марта расмий қўллаб-қувватлашга эга бўлди. Нельсон Рокфеллер бошчилигидаги Кенгаш Жаҳон Банки тадбирларининг самарадорлигини анча оширишга хизмат қилувчи чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқди, чунки ривожланиш жараёнининг кўп муҳим компонентларини таъминловчи хусусий ишлаб чиқариш

корхоналарининг ўсишига йўналтирилган эди. Роберт Л. Гарнернинг таъкидлашича, бундай компонентларнинг бири бўлиб тадбиркорлик ҳисобланади. Яна битта компонент - юқори фойдага эга бўлиш истикболининг мавжудлигида юқори riskни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган хусусий инвесторлар янги капиталининг мобилизацияси бўлиб ҳисобланади. Бошқа компонентлар ичида янги иш жойларини яратиш, янги мутахассисликларга ўқитиш, бошқарув кадрларини тайёрлаш, техника ва технологияни ривожлантиришни айтиш мумкин.

Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида ривожланаётган мамлакатлардаги корхоналар эгалари «стандарти ракобатбардошликни таъминловчи ва сифати бўйича бозор талабларига жавоб берувчи товарларни ишлаб чиқарувчи бир маромда ривожланаётган корхонани ташкил этишда ускуна, меҳнат ресурслари ва капиталдан муваффақиятли фойдалана олишлари», инсоният эса камбағаллик билан курашда ва ишончли келажакни таъминлашда ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш учун янги қучли воситаларга эга бўлиши тахмин қилинган эди.

Гарнер бу гоёки актив ташвиқот қилган. 1952 йилдаги президент сайловларидан кейин АҚШ уни аввалгидай актив қўллаб-қувватламадилар ва охир-оқибатда икки йилдан кейин таклифни қўллаб-қувватладилар, лекин ўзгартиришлар билан - ХМК ўз фаолиятини бошлаши мумкин эди, аммо лойиҳаларга ўз маблағларини қўйиш ҳуқуқисиз. Ушбу фаолиятга бошқа мамлакатлар ҳам қўшилди, ва 1955 йилда ХТТБ мутахассислари Халқаро Молия Корпорациясининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Таъсис шартномасининг лойиҳасини туздилар. Расмий равишда ХМК 1956 йилнинг ёзида ташкил этилган эди ва унинг биринчи раҳбари Роберт Гарнет бўлди.

ХМК ривожланаётган аъзо давлатлардаги компанияларга молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг энг муҳим турларини ўз ичига қамраб олди. Юқорида таъкидлаб ўтилгандек уларга:

- қайд қилинган ёки ўзгарувчи фойиз ставкаси бўйича асосий

валюталар ёки миллий валютада узоқ муддатли қарзлар бўйича кўрсатиладиган хизматларини;

- акционерлик капиталига инвестицияларни жалб этиш хизматини;
- квази-капитал молиявий инструментлари (субординациялашган кредитлар, имтиёзли акциялар, облигациялар, конвертирланадиган қарз инструментлари) ёрдамида кўрсатиладиган хизматларни;
- синдикациялашган қарзлар бўйича хизматларни;
- рискларни бошқариш (валюта ва фонизлар билан «своп» битимларини ташкил этишда воситачилик, хеджинг операцияларининг амалга оширилиши) бўйича хизматларни;
- воситачилар орқали молиялаштиришни ташкил этиш каби хизматларни киритиш эътироф этилган эди.

Хар бир хизмат турини ёки уларни барчасини аъзо мамлакатларга кўрсатиш мумкинлиги ривожланаётган аъзо давлатлардаги компанияларни тикланиши ва ривожланишининг таъминлашга қўл келди. Айтиш жонзки ХМК молиявий инструментларни алоҳида ёки ҳар қандай йиғиндисиде тақдим этиши ёки ХМК томонидан молиялаштириш чизмаларини ишлаб чиқишда уларга ёрдам бериши икки томонлама манфатларни қондирилишига ҳам замин яратди.

ХМК томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматлар учун ҳукумат кафолатлари қабул қилинмаган ҳолда тўлов бозор ставкалари аниқланадиган бўлди.

Жаҳон Банкнинг таркибий қисми бўлмиш ХМК хусусий сектордаги ўрта ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштирувчи ваҳозирги кунда ХМК ривожланаётган давлатларда хусусий лойиҳалар учун ссуда ва акционер капиталини тақдим этувчи ХМК донор яъни ҳалқаро молиявий манба беручи молиявий институтга айланди. Катта манбага эга бўлган ХМК саноат ва иктисодиёт секторларининг ишлаб чиқариш соҳаси, инфраструктура объектлари, туризм, соғлиқни сақлаш ва таълим, молиявий хизматлар сектори

каби энг турли хил тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштирувчи молиявий институтга айланди. Эслатиб ўтиш жоизки молиявий хизматлар секторидаги лойиҳалар тасдиқланаётган лойиҳалар таркибида катта қисмига эга бўлмоқда. Улар сирасини айтганда ХМК молиявий хизматларнинг кенг спектрини қамраб олди. Ижара, суғурта ва ипотека кредити бозорларига таълуқли инвестициялардан тортиб то талабаларга ссудаларни тақдим этиш ва алоҳида-алоҳида у ёки бу давлатларидаги банкларга кредит линияларини очишгача, кредит линияларини очишган банклар эса, ўз навбатида, кичик корхоналарга хўжалик фаолиятини юритиш учун микрокредитлар ва қарзларни тақдим этишлари мумкин бўлади. Лекин шунга карамай ХМК хусусий сектордаги лойиҳаларни молиялаштириш билан бирга давлат улуши бўлган компанияларга улуш миқдоридан қабтӣ назар талаб тўғилганда молиялаштиришни амалга ошириши мумкин бўлади. Бунда лойиҳа тижорат асосида хусусий секторнинг иштироки асосида амалалга оширилиши лозим ҳам деб топилди. ХМК миллий компанияларга, шунингдек хорижий ва маҳаллий акционерларнинг иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарга ҳам молиялашни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кредит линиялари орқали маблағ олувчига нисбатан қўйилган асосий талаб сирасига лойиҳаларни молиялаштиришнинг фақат хусусий инвесторлар билан келишилган ва биргаликда амалга ошириш киритилди. ХМК томонидан тақдим этиладиган пул маблағлари аъзо мамлакатларнинг ҳисобига корхонанинг айланма фондларини тўлдириш, ХТТБ аъзо давлатларнинг истаганида асосий фондларни ички бозорда ёки чет элдан сотиб олиш билан боғлиқ харажатларга сарфланади. Бундай қўйилмаларнинг муддатлилиги алоҳида эътиборга олинад (яъни кредитлар учун 8-12 йил, акционер капитали учун 8-15 йил). Янги лойиҳалар учун ХМК линияси бўйича молиялаштиришнинг максимал ҳажми лойиҳанинг умумий сметада кўрсатилган харажатларидан 25 % дан ошмаслиги кафолатланган. Аммо катта бўлмаган лойиҳаларда ушбу улуш 35 % гача оширилиши ҳам кўзда тутилади.

Олдинроқ амалга оширилган лойиҳаларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда харажатларнинг 50 % и ҳажмида маблағлар тақдим тақдим этилиши мумкин, агарда ХМК нинг капитал қуйилмалари мазкур лойиҳани амалга ошираётган компания капитализациянинг умумий ҳажмининг 25 % дан ортиқ булмаган тақдирда ушбу жараёнларни амалга оширишда ҳам биринчи тўловни кечиктириш даври ва ҳар бир лойиҳа учун кредит бўйича фойз ставкаси келишиб олинади. Бизнес режа ҳар қандай ҳолатда ҳам молиялаштиришни олиш учун асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар ҳар бир халқаро молиявий институт томонидан аъзо мамлакатлар корхоналари учун молиялаштириш лойиҳа линияларини очишда қўлланиладиган молиявий механизмлар аксарият ҳолатларда ўхшашлиги мавжуд. Бундан мақсад барча тақдим этиладиган молиялаштириш маблағлари ва улардан фойдаланишда ягона тизимли янгилик яратиш бўлиб ҳисобланади.

Лекин ҳар қандай ҳолатларда ҳам ХМК ҳаракатга келтирувчи куч (яъни катализатор) сифатида халқаро молия муносабатлари маблағларни ташкил этиш майдонига чиқади. ХМКнинг ҳар бир лойиҳадаги иштироки инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлайди ва бошқа кредиторларни шунингдек, акционерлар капиталини жалб қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ХМК қимматли қозғаларни жойлаштириш билан шуғулланиши ҳам мумкин.

Ҳозирда ХМК ўз ваколатлари доирасида ривожланаётган давлатлардаги тадбиркорларга кўп масалалар бўйича, яъни корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондлари ва молиявий фаолиятини реструктуризация қилиш; бизнес-режаларни тузиш; бозорларни танлаш; маҳсулот турларини, технологияларни танлаш; молиявий ва техник ҳамкорлик бўйича ҳамкорларни қидириш; шунингдек лойиҳали молиялаштириш шартлари асосида маблағларни жалб ва қилиш х.в. бўйича маслаҳатлар беришимкониятига эгадир. ХМК инвестицион лойиҳалар бўйича ёки унинг қиймати(суммаси) бозор

тажрибасига мувофиқ аниқланган ҳолда мукофот тақдим этилса, унда ХМК яна тартибда аъзо мамлакатлар корхоналарига қўшимча сифатида хизматларини кўрсатиши ҳам мумкин бўлади.

ХМК тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича ривожланаётган аъзо мамлакатлар ҳукуматларига маслаҳат беради. Бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича тавсияларни ҳам тақдим этиши мумкин. Хусусан, ХМК томонидан капитални ҳаракатга келтирувчи куч маҳаллий бозорларни аъзо мамлакатлардаги ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ХМК аъзо мамлакатлардаги давлат корхоналарини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича қўмаклашади.

ХМКнинг инвестицион фаолиятини мудасабди соҳа ёки тармоқ департаментлари бошқаради. Улар лойиҳанинг мамлакат хусусиятидан катъий назар бутун Жаҳон миқёсида мамлакат тармоқларидаги лойиҳалар билан шуғулланиб келмоқда. Департаментлар шуғулланувчи лойиҳалар асосан молиявий хизматлар ва бозорлар, ишлаб чиқариш соҳаси каби фаолият йўналишларига таълуқлидир.

Корпорациянинг деярли 2 минг ходимларининг 70% га яқини Вашингтондаги ХМКнинг штаб-квартирасида фаолият кўрсатишди ва қолган 30% га яқини дунёнинг турли давлатларидаги корпорациянинг ваколатхоналари ва бўлимларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

11.10. Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи

Жаҳон банки 190дан ортиқ ривожланган мамлакатларга молиявий ресурсларни белгиланган чегарасида тақдим этиш орқали молиявий ёрдам кўрсатиб келиш имкониятига эга бўлган халқаро молия институтидир. У шу йўл орқали ривожланган мамлакатларни кредитлаш йўли билан уларни камбағаллик даражасини пасайтириб келмоқда. Уларга тақдим этиладиган

кредитлар иқтисодий ўсишини такомиллаштиришга ҳамда фуқароларини ҳаёт даражасини яхшилашга имкон туғдириб келмоқда.

Ўз фаолиятини минг йиллик декларацияга мувофиқ белгилаб олган Жаҳон банки ўз даврдаги ривожланиш мақсадларга эришиш лозим бўлган вазифалари сирасига қуйидагилар киритилган:

- камбағаллик ва очликка барҳам бериш;
- умумий бошланғич таълимни таъминлаш;
- болалар ўлимини қисқартириш;
- оналик муҳофазасини яхшилаш;
- ВИЧ/СПИД, безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш;
- Атроф-муҳитнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;
- Ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни шакллантириш.

Айтиш жоизки Жаҳон банки билан аъзо мамлакатларда юзага келиши мумкин бўлган инқирозий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида вақтинчалик молиявий ресурслар тақдим этиши мумкин.

Шу нуқтан назардан ушбу Жаҳон банкига аъзо бўлиш орқали ўзвий алоқаларни мустаҳкамлашда ўтиш босқичидаги давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ўзок муддатли ресурсларни жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банки таркибига 1992 йилда кирган бўлиб, ҳозирги кунга

қадар ушбу молиявий институт билан ҳамкорликда қисқа вақт ичида 23 лойиҳани имзолашга эришди.

Ушбу лойиҳалар Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва Ҳалқаро ривожланиш ассоциацияси томонидан молиялаштирилган бўлиб, имзоланган 23 лойиҳадан 13 таси ҳозирги кунга келиб якунланган бўлса, қолган 10 та лойиҳа ҳозирги кунда ҳам амалда. Ҳамкорлик даври давомида, якунлаган лойиҳаларнинг умумий қиймати 549 млн. АҚШ долларигача тенгдир (1-жадвал).

Ҳозирги кунга қадар якунланган лойиҳалар, асосан, инсон ресурсларини

бошқариш ва ижтимоий муҳофазани кучайтириш, энергетика соҳасини такомиллаштириш ва қишлоқ ~~худудларида~~ иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат.

Жаҳон банкининг республикамиз иқтисодиёти учун ажратган молиявий маблағларлари мамлакат иқтисодий ривожланиши, ЯИМнинг ўсиши, иқтисодиётнинг модернизациялашувига қаратилган бўлиб, қуйидаги асосий тўрт йўналиш доирасида маблағларни тақдим этиш мумкинлиги эътироф этилган:

- мамлакатни иқтисодий ўсишига шарт-шароит яратиш;
- қишлоқ худудида иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- инсон ресурслари тараққиётини ва ижтимоий муҳофазани таъминлаш;
- атроф муҳитни химоя қилиш ва у билан боғлиқ рискларни бошқариш.

1-жадвал

Жаҳон банки гуруҳи томонидан молиялаштирилган ва ниҳоясига етган лойиҳалар (31.12.2011Й. ҳолатига)

	Лойиҳалар	Ажратилган мблағ (АҚШ
	Институционал ривожланиш	21
	Иқтисодиётни қайта тиклаш	160
	Пахтачилик соҳасини	66
	Иқтисодиётнинг институционал ривожланиши 1	25
	Саломатлик 1	30
	Иқтисодиётнинг институционал ривожланиши 2	28
	Тошкент шаҳрини	24
	Давлат молиябошқарувидаги	0.9
	Шаҳар транспортининг	29

0	1	Қишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни қўллаб -қувватлаш	36
1		Қишлоқ хўжалиги ҳудудида сув таъминотини яхшилаш	75
2		Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг сув таъминотини яхшилаш	40
		Таълим I	15
		Жами	549

Ҳозирги кунда амалда бўлган лойиҳаларнинг умумий суммаси 630 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, лойиҳалар асосан инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, жами 10 лойиҳа доирасида молиялаштирилиб келинмоқда (2-жадвал).

Мамлакатимизга киритилган кредитларнинг йиллар бўйича тақсимотини 2-расмга асосан кўриш мумкин.

2-жадвал


Жаҳон банки гуруҳи томонидан ҳозирги кунда Ўзбекистонда
молиялаштирилиб келанаётган лойиҳалар(31.12.2011й. ҳолатига)

	Лойиҳалар	Ажратилган маблаг (АҚШ доллариди, млн.)
	Қишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни қўллаб -қувватлаш 2	68
	Дренаж ва ирригацион тизимларни янгилаш	60
	Саломатлик 2	40

	Иккинчи умумий таълим	28
	Фарғона сув ресурсларини бошқариш	66
	Бухоро ва Самарқанд оқава сув тармоқларини модернизациялаш	55
	Саноат корхоналарида энергия қувватларидан фойдаланиш самарасини ошириш	25
	Сирдарё сув таъминотини яхшилаш	88
	Толимаржон иссиқлик электр станциясини қуриш	110
0	Соғлиқни-саклаш тизимини такомиллаштириш	93
	Жами	632.5

Ўзбекистон Республикасига киритилган дастлабки маблаг - Техник ёрдам ва мамлакатда институтларнинг барпо этилишига бағишланган эди. Киритилган сумма 21 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлиб, бу лойиҳа 1994 йилдан 2000 йилгача давом этди. Лойиҳанинг асосий мазмуни иқтисодий ислохотларнинг олиб борилишига қўмаклашишдир, инфратузилмани ривожлантириш, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва албатта ижтимоий муҳофазани таъминлаш кирган эди.

2-расм



2-расм. 2000-2011 йилда Жаҳон Банки гуруҳи томонидан Ўзбекистонга ажратган кредит сўммалари.

Ушбу лойиҳанинг мантиқий давоми сифатида айтиш жоизки 1995 йилда 160 млн. АҚШ долларига тенг янги бир кредит ажратилган эди.

Мамлакатимизга ажратилган кредит 1994 йилда имзоланиб лойиҳа 2002 йилда ниҳоясига етгунича босқичма-босқич ажратилиб келинди. Ажратилган сумма 66 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у пахта етштирилишини ривожлантириш, техник заминини яхшилашга қаратилиши билан бирга, атроф мухитни заҳарланишига қарши чоралар кўришга қаратилган эди.

Эътибор берадиган бўлсак Жаҳон банки гуруҳининг аксарият ажратмалари атрофмухитни тозалигини сақлашга эътибор берди. Хусусан сув тозалигини сақлашга, айнан шу соҳадаги дастлабки қадам 1992 йилда қўйилди. Имзоланган лойиҳа “Сув таъминотини яхшилаш” деб аталди ва у амалга ошириладиган ишларнинг дебчаси бўлди. Ажратилган сумма 5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ундан сўнг 1997 йилда “Сув ва санитария” мавзусидаги лойиҳа доирасида 75 млн АҚШ доллари, ажратилди. Лойиҳа 2008 йилда тугатилди. Бунга қўшимча тарзда 2001 йилда яна бир лойиҳа доирасида 36,14

млн. АҚШ доллари берилди.⁹⁶

1998 йилнинг 21 майдан бошлаб эса Тошкент шаҳрида тупроқнинг шўрланувига қарши чора тадбирларга бағишланган лойиҳа имзоланди, у 8 йил давом этиб, унинг доирасида 24 млн. АҚШ доллари банк томонидан инвестиция сифатида киртилди⁹⁷.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек банкнинг асосий мақсадларидан бири дунёдаги инсонларнинг соғлиғини яхшилаш, айнан шу мақсадда 1998 йилда мамлакатимиз билан “Саломатлик-1”, 2004 йилда эса “Саломатлик-2” лойиҳалари имзоланди. Дастлабки лойиҳа доирасида 30 млн. АҚШ доллари ажратилган бўлса, иккинчисида 40 млн АҚШ доллари. Лойиҳаларнинг асосий мақсади сифатида - соғлиқни сақлаш ташкилотларнинг техник базасини яхшилаш ва тажрибали кадрларни етиштириш бўлди. Дарвоқе “Саломатлик -2” дастури 2010 йилнинг июнигача давом этди.⁹⁸

Иқтисодий соҳани янада ривожлантириш учун банк томонидан 1998 йилда 28 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа, 1999 йилда эса 25 млнга тенг лойиҳа имзоланди⁹⁹. Ушбу лойиҳалар - Халқаро ривожланиш ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида имзоланди. Уларнинг асосий мақсади:

- иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш;
- тижорат банклар орасидаги рақобатни кучайтириш;
- банк соҳасида инновацион фаолиятни уйғотиш бўлиб ҳисобланади.

XXI асрнинг дастлабки йилларида ҳам Жаҳон банки гуруҳи ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси орасидаги муносабат саёзлашмади. Эндиликда банк кўпроқ ижтимоий соҳаларга эътиборин қаратиб келишни кучайтирди. Хусусан 2000 йилнинг майида 29 млн. АҚШ долларига тенг Транспорт

⁹⁶Жаҳон банки гуруҳининг расмий Веб сайти маълумотлари асосида ишлаб чиқилди. (Лойиҳаларнинг таснифи)

⁹⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2009 йил маълумотлари

⁹⁸Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1998-2011 йил маълумотлари

⁹⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2000 йил маълумотлари

соҳасини ривожлантиришга бағишланган лойиҳа имзоланди¹⁰⁰. Унинг натижасида Самарқанд, Наманган, Бухоро, Нукус, Олмалиқ шаҳарларида транспорт таъминоти яхшиланди.

Таълим соҳасига 2006 йилда имзоланган лойиҳа натижасида 15 млн. АҚШ доллари ажратилди¹⁰¹. Бу пуллар юқори синфларда ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилди. Лойиҳа 2009 йилнинг июнигача давом этилиши кўзда тутилади. Лойиҳанинг Ўзбекистон томонидан иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлиги бўлди.

Банк янги соҳаларга кириб боришига қарамай, олдиндан ишлаб келган соҳаларни ҳам унитмади, яъни 2002 йилда “Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сув таъминотини яхшилаш” лойиҳасига 40 млн. АҚШ доллари ажратилди¹⁰². Ушбу лойиҳа Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг сув таъминот хизмати томонидан амалга оширилган бўлиб, келажакда лойиҳанинг давоми ҳам молиялаштирилиши кутиляпти. Бундан ташқари Дренаж, ирригация ва миллиорация тизимларини яхшилаш учун 128 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа ишга тушди¹⁰³. Бу лойиҳа икки босқичли бўлиб унинг биринчи босқичи доирасида 60 млн АҚШ доллари берилиши мўлжалланган бўлса, 2008 йилда бошланган иккинчи босқичида яна 68 млн АҚШ доллари ажратилади¹⁰⁴. Ҳар иккала лойиҳа Ўзбекистон Республикаси томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Юқорида таъкидланган техник ёрдам ва кредитлардан ташқари Жаҳон банки гуруҳи мамлакатимизга грантларни ҳам ажратиш билан шугулланиб келмоқда.

3-жадвал маълумотларига асосан ажратилган грантларнинг энг каттаси иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлилига ажратилган, ажратилган сумма 414 млн.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2001 йил маълумотлари

¹⁰¹ Ўзбекистон республикаси Ҳалқ таълимининг 2006-2010 йиллардаги маълумоти

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2003 йил маълумотлари

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2003 йил маълумотлари

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2009 йил маълумотлари

АҚШ долларига тенг бўлиб, у мамлакатимизнинг Иқтисодий тадқиқотлар марказига ажратилган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади - иқтисодий ўзгаришларни назарий асосларини баҳолаб бориш, уларни таҳлил қилиш ва шу билан шуғулланувчи ташкилотларнинг маъмурий техник базасини яхшилаш.

3-жадвал

Жаҳон банки гуруҳининг 2000-2011 йилда мамлакатимизга киритган гранд маблағлари¹⁰⁵

Грант номи	Сумма (млн. АҚШ дол.)	Олган ташкилот
Статистика tizимидаги институционал ўзгаришлар	410,000	Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси
Иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили	414,000	Иқтисодий тадқиқотлар маркази
Монополияга қарши чоралар учун ўзгаришлар	250,150	Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш қўмитаси.
Пенсия ислохотлари	315,000	Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий Таъминот вазирлиги

Иккинчи гранд миқдори 410 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у ҳам назарий асосларни такомиллаштиришга қаратилди (3-жадвал). Хусусан статистик тизимини янгилашга қаратилди. Бундан ташқари монополияга қарши курашга бағишланган дастур учун ва пенсия тизимидаги ислохотларни қўллаб-

¹⁰⁵ Жаҳон банки гуруҳининг расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қувватлаш мақсадида градлар ажратилди.

Жаҳон Банки гуруҳи ташкилотлари томонидан ажратилган пул маблағлар асосан ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга тақсимланди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ажратилган маблағлар мамлакатнинг кўпгина туман, шаҳарларида иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларининг бир мунча яхшиланишига имконият яратди.

Жаҳон банки гуруҳи инвестициялари натижасида қуйидаги ижобий натижалар юзга келди:

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 44 000 га яқин инсонлар тоза сувга бўлишди. 800 000 га яқин кишиларнинг ҳар куни истеъмол қиладиган сувлари эса ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан яхшиланди;

- Республиканинг 90% аҳолиси сув таъминотига эга бўлди. Шу пайтнинг ўзида деярли 80% инсонлар сув таъминотидан қониқиш ҳосил қилдилар;

- Ирригация тармоқларининг яхшиланишидан деярли 5000 та фермер ўз ишини яхшилаш имконига эга бўлди;

- 50 га яқин фермерлар янги, замонавий ускуналарни сотиб олиб ўзининг иш даражаларини анчагина яхшилашга эришдилар;

- 2 300 поликлиника янгидан иш бошлади;

- 11 млн.га яқин чекка тумандаги кишилар замонавий ва сифатли медицинага эга бўлди;

- Касалликларнинг сони камайди.

Айтиш жоизки ҳозирги кунга қадар Жаҳон банкининг Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси, бюджет маблағлари, Саломатлик-3 лойиҳаси асосида Ҳаракатлар стратегияси ва давлат дастурининг тўртинчи “ижтимоий соҳаси ривожлантиришнинг устувор йўналишлари баидини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича катта ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу банк ва бюджет маблағлари ҳисобидан 5,8 млн. АҚШ доллари Саломатлик-3 лойиҳасида кўрсатилган тадбирларни, яъни оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, оналар ва янги тутилган чақалоқларга юқори малакали

тиббий хизмат кўрсатиш кабиларга тақдим этилиши истикболда соғлиқни-сақлаш тизимини янада ривожлантиришга хизмат килади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.— Т.:Ўзбекистон, 2013.— 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель, 609-I-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель, 611-I-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I — 3. — Тошкент, 2004. — 23-47-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. — Тошкент: Ўзбекистон, 2003. — 30-46-б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 11-сон, 326-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёنларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-672- сонли Қарори // Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрельдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий

фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317 сонли Қарори // Lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрельдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317 сонли Қарори // Lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2002 йил 28 август // “Халқ сўзи”, 2002 йил 30 август.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 6 май. // “Халқ сўзи”, 2003 йил 8 май.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 ноябрдаги “Макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 299-сон Қарори // Lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги “Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юklarини ва техник қўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 251-сон Қарори // “Lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида”ги 610-I-сон Қарори // Lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 23 апрелдаги “Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома

мажбуриятларига рноя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1-сон Қарори // Lex.uz.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. // “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Халқ сўзи. №14, 2012 йил 20 январь.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

5. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 516 б.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

7. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.

IV. Асосий адабиётлар

1. Абулқосимов Х., Ҳасанов Р., Шомуродов Р. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. – Т.: Академия, 2007.-135 б.

2. Анализ инвестиционной привлекательности организации : научное издание / Д.А.Ендовицкий, В.А.Бабушкин, Н.А.Батурина и др. ; под ред. – Москва: КНОРУС, 2010. – 376 с.
3. Ансофф И. Стратегического управление / Пер. С англ. – М.: Экономика, 1989.- 130 с.
4. Аньшин В.М. Инвестиционный анализ: Учеб.-практ. пособие.- 3-е изд., испр. – М.: Дело, 2004. – 280 с.
5. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 192 б.
6. Боди Зви, Кейн Алекс, Маркус Алан. Принципы инвестиции, 4-е издание: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2008. – 984 с.
7. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 160 с.
8. Вахобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: “Молия”, - 2010. 328 б.
9. Гитман Л. Дж., Джонк М. Д. Основы инвестирования. Пер. с англ.- - М.: Дело, 1997. – 1008 с.
10. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Тошкент: ЖИДУ, 2009 й. - 56 б.
11. Тумусов Ф.С. «Инвестиционный потенциал региона». М.: «Экономика», 1999.
12. Инвестиции : учебник. - 2-е изд., перераб. и доп / Л.Л.Игошина. – Москва: Магистр, 2008. – 749 с.
13. Инвестиционные стратегии, руководство. Как понимать рынки, риски, вознаграждение и поведение инвесторов / [Пер. с англ. С.А.Корнева]. – М.: ЗАО «Олимп -Бизнес», 2009. – 384 с.: ил.
14. Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С.Хазанович, А.М.Ажлуни, А.В.Моисеев. – М.: КНОРУС, 2010. – 304 с.

15. Инвестиции: источники и методы финансирования / Ивасенко А.Г., Никонова Я.И.. - 2-е изд., стер. – Москва : Омега-Л, 2007. – 253 с.
16. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. –Т.: Фан ва технология, 2007.-240 б
17. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари // И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2007.
18. Лоренс Д. Г., Майкл Д.Д. Основы инвестирования. М.: Дело, 1997 – 510 с.
19. Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш боскичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш. Дис. Иқтисод фанлари доктори – Т., 2003. – 252 б.
20. Рашидов О.Ю., Курбонов Х.А., Карлибаева Р.Х. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” Ўқув кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. - 128 б.
21. Шарп У.Ф., Александр Г.Д, Бейли Д.В. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1998. – XII, 1028 с.
22. Ғозибеков Д.Ғ., Ангелиди М.С., Каримов Н.Ғ. – Финансовое обеспечение инвестиций в экономику Узбекистана. “Дом науки и техники”, Т., 1995.
23. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003 йил. 332 бет.
24. Гулямов С.С. Правовое регулирование иностранных инвестиций в Республике Узбекистан. Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2002. – 205 с.
25. Шапкин А.С., Шапкин В.А. управление портфелем инвестиций ценных бумаг.–М.: Издательского-торговая корпорация “Дашков и К⁰”, 2007. – 512 с.

26. Ўлмасов А.Ў., Вахобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2006. – 480 б.
27. Черняк В.З. Управление инвестиционным проектом в строительстве. – М.: Русская Деловая Литература. 1998. – 800 с.
28. Қосимов М.С., Мухамеджанова Г.Я. “Инвестиция лойиҳалари таҳлили” Ўқув қўлланма. –Т., ТДИУ, 2011. -212 б.

V.Кўшимча адабиётлар

1. Антикризисное управление: Учебное пособие для студентов вузов. / Под ред. К.В. Балдина. – М.: изд-во Проспект, 2005 – 312 с.
2. Вахобов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т.: Академнашр, – 2009.
3. Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1998. 128 б.
4. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳаларини таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. - Т.:Шарқ, 2003. – 256 бет.
5. Инвестиционная деятельность: учеб пособие / М.А.Николаев. – Финансы и статистика; ИНФРА-М. – 336 с.
6. Инвестиции: Системный анализ и управление / Под. ред проф. К.В. Балдина. -- 2-е изд. – М.: Издательского-торговая корпорация «Дашков и К^о», 2007. – 288 с.
7. Инвестиционная стратегия предприятия: учебное пособие / Н.И. Лахметкина– 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 232 с.
8. Инвестиционный менеджмент. Учебное пособие / Кол.авторов. Под ред. В.В. Мищенко. – 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2010. – 392 с.

9. Каримов Н.Ф. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари. –Т.: Фан ва технология, 2007. -158 б.

10. Маҳкамова Н. Қўшма корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари. Молия, 2010 йил, №1, 69-73бет.

11. Мелкумов Я.С. Организация и финансирование инвестиций: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 248 с.

12. Нишетой А.С. Инвестиции: Учебник. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательского-торговая корпорация «Дашков и К^о», 2006. – 376 с.

13. Рашидов О.Ю., Хожиматов Р.Х., Рахимов А.А. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.-272 б.

14. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари // Дис. ...иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2003. 300 б.

15. Ғозибеков Д.Ғ. «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари», иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2002. – 335 б.

16. Ўлмасов А.Ў. Иқтисодий асослар. – Т.: “Меҳнат”. 1997. - 223 б.

17. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодий назарияси. –Т.: Меҳнат, 2000. - 85 б.

18. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982.

19. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2008. – 208 бет.

VI. Даврий нашрлар, статистик гўламлар ва ҳисоботлар

1. Абирқулов А. Минтақаларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Бозор, пул ва кредит. 2007 йил, №7, 16-18.

2. Алматова Д.С. Худудлар инвестиция салоҳиятини ошириш. Жамият ва бошқарув, -№3,2011. 66-67-б.
3. Беркинов Б.Б. Привлечение иностранных инвестиций на модернизацию и развитие отраслей экономики // Тез. докл. Респ. науч. конф. 17 ноября 2006 года. – Т.: ТГЭУ, 2006.
4. Носиров Э. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини ривожлантириш истикболлари // Бозор, пул ва кредит, -№ 6, 2001. 19-21-б.
5. Отажанов Н. Ўзбекистонда инвестицион фаолликни таъминлаш масалалари // Бозор, пул ва кредит, -№2,2004. 41-43-б.
6. Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международно-частноправовой аспект). – Т.: Академия, 2003. – 240 с.
7. Юсупов А. Хорижий инвестициялар – қорхоналар иқтисодий тараққиёт омили. Бозор, пул ва кредит, -№11,2004. 27-30 б
8. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси, 2013 // Ўзбекистон Республикасининг Давлат Статистика Қўмитаси. – Тошкент, 2014.
9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари– Тошкент, 2014.

VII.Интернет сайтлари

1. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.
3. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
5. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайти

6. <http://www.investuzbekistan.uz>– Ўзбекистон Республика инвестиция фаолияти расмий сайти.

7. <http://www.ziyounet.uz> – Ахборот таълим тармоғи.

